

A woman with long, wavy hair, wearing a white long-sleeved dress with lace detailing on the sleeves and a wide-brimmed white hat with a black band, stands on a sandy beach. She is looking out at the ocean waves. In the background, a white lighthouse with a black top and a red stripe is situated on a rocky island. The sky is a soft, hazy blue with light clouds, suggesting a sunset or sunrise.

Ҳар бир қизнинг васвасаси

**ЖИНСИЙЛИККА ОИД МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН
ТЎЛИБ-ТОШГАН ДУНЁДА ОНГИМИЗ, ҚАЛБИМИЗ
ВА ТАНАМИЗНИ ҚАНДАЙ АСРАШИМИЗ МУМКИН?**

Шеннон Этридж Стивен Артерберн

Шеннон Этридж Стивен Артерберн

Ҳар бир қизнинг васвасаси

ЖИНСИЙЛИК БИЛАН ТЎЛИБ-ТОШГАН ДУНЁДА АҚЛИМИЗ, ҚАЛБИМИЗ ВА ТАНАМИЗНИ ҚАНДАЙ
АСРАШИМИЗ МУМКИН?

Originally published in English under the title: **EVERY YOUNG WOMAN'S BATTLE**
By Shannon Ethridge & Stephen Arterburn Copyright © 2004

Published by WaterBrook Press a division of Random House, Inc. ISBN 1-932247-99-8

12265 Oracle Boulevard, Suite 200 Colorado Springs, Colorado 80921 USA
Russian edition B© 2008 Hope of Salvation Mission
PO Box 5022, Vancouver WA 98668 USA

#книги #искушениекаждойдевушки @lyubovneperestayot искушение каждой девушки
www.spasenie.org

Бизнинг дунёимиз жинсий алоқага оид ахборотлар билан тўлиб-тошган. Бироқ қизларда шундан келиб чиққан васвасалар ҳақида очиқ гапирилмайди. Жуда кам ҳолларда кимдир уни тушуниб, фойдали маслаҳат бера оладиган дугона-етакчини топиши мумкин. Кўпинча қизлар васвасалар билан мустақил тарзда кураш олиб боришга уринадилар ва бунинг оқибатида руҳий кураш даласида мағлубиятга учрайдилар. Шеннон Этридж ва Стивена Артерберннинг “Ҳар бир қизнинг васвасаси” номли китоби - бу сизга доим етишмаган, яширин бўлган гаплар ҳақида гаплашиш учун узоқ қутилган имкониятдир. Агар сизни айбдорлик ҳисси азоблаётган бўлса, васвасаларни енга олмайётган бўлсангиз, боши берк кўчага киргандай ва Худо сиздан юз ўгиргандай туюлаётган бўлса, - бу асар айнан сиз учун. Сиз бу ерда сиз каби вазиятларга тушган қизларнинг гувоҳликларини топасиз.

Сизга гуноҳ юракка қайси йўллар билан кириб олиши ва тана билан курашда қандай қилиб ёлиб чиқиш ҳақида сўзлаб берадилар. Агар сиз жинсий алоқа ҳақидаги хаёллар - бу сизни беғуноҳлигингизча қолдирадиган ва руҳий ҳаётингизга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайдиган зарарсиз машғулот деб ўйласангиз, "Ҳар бир қизнинг васвасаси" китобида бу чуқур адашиш ҳақида нима дейилганини билиб олинг. Васвасаларга дуч келмасдан аввал бу асарни ўқишлари керак, токи гуноҳга тўлиб-тошган жамиятда қандай қилиб пок бўлиб қолиш кераклиги ҳақидаги маълумот билан қуролланиб олинсин.

“Ҳар бир қизнинг васвасаси” китоби ҳақидаги фикрлар

«Мен Шеннондан ростгўйлиги ва тўғрисиўзлиги учун миннатдорман - чунки фақат шу туфайли у шундай китобга айланди... Худонинг қўлидаги бу кучли китоб жудаям кўп ғаройиб шифоларнинг қуролига айланади!.. Яширмайман - у мени ҳам ўзгартирди, чунки унда аниқ қилиб, Исонинг Кимлиги, Жамоатни ташкил қилувчилар - Унинг келини бўлган бизларнинг кимлигимиз ва нима учун биз Унда бошқа ҳеч ким бера олмайдиган нарсани топа олишимиз ҳақида гапирилган».

Бетани Диллон, қўшиқлар муаллифи ва овоз режиссери

«Бугунги ўсмир қизларнинг онгига жинсий алоқа ҳақидаги ноаниқ ва саёз тушунча, худди томир ичига дори юборадиган томизғич каби, бир маромда ва узлуксиз сингдирилмоқда. Кимдир уларга покликни сақлаш нима учун зарурлигини тушунтириши жуда муҳим. Айнан шундай тушунтиришларни Шеннон Этридж ўзининг қизиқарли китобида келтиради. Бу китобни ҳар бир қиз ва қизи бор бўлган ҳар бир она ўқиши шарт».

Шерон Херш, “Она, мен шунақа семизман” ва “Она, мен ўзимдан нафратланаман” номли китобларнинг муаллифи

«Ҳар бир ўсмир қиз ўқиши учун тавсия этилади. Очиқ-ойдин, муҳим маълумотлар билан тўлиб-тошган бу китоб нафақат яхши ёзилган, балки бугунги ўсмир дуч келиши мумкин бўлган деярли барча жинсий вазиятларни қамраб олган кўплаб маслаҳатларни ўз ичига олади. Замонавий поп-маданият ёшларга тақдим этаётган жинсий алоқа ҳақидаги бузуқ тасаввурларга қарши ажойиб қарши воситадир. Шундай давом этинг, Шеннон!»

Мелоди Карлсон, “Ўсмир-қиз кундалиги” туркуми ва “Ёнаётган машъала” ҳамда “Йиртиб ташланадиган бўяма расмлар” китобларининг муаллифи

«Шеннон очиқ ва тўғрисиўзлик билан ёзади, лекин шунингдек, одоб ва жинслар ўртасидаги муносабат ҳақидаги тасаввурларини одоб, назокат, вазминлик ва оқиллик билан ифода этади. Худонинг олдида пок бўлиб қолишга ҳаракат қиладиган ҳар бир қиз бу китобни ўқиб чиқиши керак. Яқин орада бу китоб кичик гуруҳларда ўрганиладиган энг асосий китобга айланишига аминман».

Фред Стокер, “Ҳар бир ўсмирнинг кураши” номли китобнинг муаллифларидан бири

«Бу ажойиб китоб! Албатта уни хариб қилиб, уни ўзим ўқитадиган қизлар билан бирга ўқиб чиқаман. Менинг ёшлигимда бундай китобнинг бўлмаганлигидан жуда афсусдаман!»

Адриенна Фреас, уй бекаси ва «Campus Crusade for Christ» ҳаракатининг ходими

«Оммавий ахборот воситалари, мусиқа, кинофильмлар ва замонавий журналлар орқали маданиятимизнинг ёмон таъсирига тушиб қолган ҳар бир ўсмир қизга бу китобни ўқиб чиқишларини қатъий тавсия қиламан. Кўп йиллардан бери ўсмир қизлар хизмати билан шуғулланувчи инсон сифатида Шеннонинг бу ишга самимият ва пок юрак билан ёндошганини ҳамда ёш қизлар дуч келадиган нозик муаммоларни ҳал қилишга уринишинини муносиб баҳолайман. Муаллиф ўз ишини аъло даражада адо этган ва замонавий маданиятнинг худосиз феъл-атворини фош қилган, шу билан бир қаторда бугун ёшларнинг қаршисида турган саволларга Худога манзур бўлган жавобларни тақдим қилган».

Вики Кортни, “Орият ва ифбат” хизматининг асосчиси, “Сизнинг қизингиз, ёки қандай қилиб нопок дунёда диёнатли қизни тарбиялаш керак” китобининг муаллифи

Мундарижа

Джош Макдауэллдан сўзбоши
Бағишловлар ва миннатдорчиликлар
Ота-оналарга
Кириш сўзи (Стивен Артерберн)

I-қисм: Васвасангизни тушуниш

1. Ўзимизга ҳақиқатни айтишга жазм этамиз
2. Бошида айтилган режага қайтиб
3. Ифбатли ва ориятли ҳаёт
4. Васвасаларимизни кучайтирувчи афсоналар

II-қисм: Ўз-ўзини ҳалок қилишдан сақланиш

5. Жинсий алоқага нисбатан истагимизни кучайтирганимизда
6. Кўзгу дўстимизга айланганида
7. Ҳақиқатга таққосланиб
8. Бузуқ доирани узиш

III-қисм: Бошқаларни васвасага туширмаслик

9. Ҳукмронлик қилишга ташна бўлганимизда
10. Таассурот уйғотиш учун кийинамизми?
11. Ноз-карашма қилиш ёки қилмаслик?

IV-қисм: Ўз онгингизни ҳимоя қилиш

12. Онг жангида ғолиб чиқиш
13. Даволовчи очлик
14. ОАВ ва у билан қандай курашиш керак

V-қисм: Ўз қалбингизни ҳимоя қилиш

15. Ҳис-туйғулар билан курашда ғолиб чиқиш
16. Кетиш мумкин!
17. Эҳтиёткорлик билан ҳаракатланиш
18. Қаерда тўхташни билиш!

VI-қисм: Ўз танангизни ҳимоя қилиш

19. Ўз танангиз устидан ғолиб келиш
20. «Техник» бокиралик
21. «Тормозсиз» жинсий алоқа
22. «Ахир бир-биримизни севамиз!»

VII-қисм: Муҳаббатни керакли жойдан изланг

23. Сизга керак бўлган Зот
24. Унга керак бўлган қиз бўлиш
25. Исога ошиқ бўлиш

Хотима

Джоша Макдауэллдан сўзбоши

Жумбоқлар тўпламидаги лабиринтда адашиб, умидсизликка тушганингиз эсингиздами? Вазифа унчалик мураккаб эмасдек - узлуксиз чизиқларни кесиб ўтмасдан кириш жойидан чиқиш жойигача бўлган йўлни топиш гўё қийин эмасдек.

Бироқ кўплаб боши берк кўчалар бу саёҳатни сабр-тоқат ва диққатни жамлаш учун ҳақиқий имтиҳонга айлантиради.

Энди эса футбол майдонига тенг келадиган жуда катта лабиринтни тасаввур қилинг. Тасаввур қилайлик, кимдир сизга уни бошидан охиригача ўтиб олиш учун тўрт дақиқа борлигини айтиб, мукофотига эса сизга ўнг минг доллар ваъда қилди. Омадингизни синаб кўришни истармидингиз? Албатта, ҳа! Хўш, лабиринтга кирдингиз ва у ерда баланд деворлардан бошқа ҳеч нарса кўринмаяпти! Сизга йўл кўрсатиши мумкин бўлган на бир жадвал бор. Қайси бурчакдан кейин берк йўлак борлигини топишнинг иложиси йўқ. Омад имконияти нолга яқин. Сизга бу лабиринт билан яхши таниш бўлган ишончли одамнинг ёрдами жуда зарур.

Агар қизим шундай вазиятга тушиб қолиб, мендан маслаҳат сўраса, биласизми нима қилган бўлар эдим? Мен иккита баланд нарвонни ва иккита мобил телефонни олар эдим. Бир телефонни қизимга берар эдим, иккинчиси билан эса нарвоннинг энг тепасига чиқиб, лабиринтни юқоридан кўриб чиқардим. Ўша ердан туриб қизимга йўл кўрсатиб турар эдим. Мен уни бехосдан боши берк кўчага кириб қолмаслиги учун ўз вақтида огоҳлантириб қўйишим, қаерда ўнгга, қаерда чапга бурилиш кераклигини айтиб беришим мумкин эди.

Энди эса сиздан шуни сўрамоқчиман: нима деб ўйлайсиз, қизим ўзининг ички ҳиссиётлари уни тўғри йўлдан олиб чиқишига ишониб, отасининг маслаҳатларини инобатга олмаган бўлармиди? Асло! У менинг ҳар бир сўзимни илиб оларди, чунки мен у кўрмаётган нарсаларни кўриб турганимни, менга ишониш мумкинлигини, уни жуда яхши кўришимни ва унга омад тилашимни биларди.

Ёшларнинг барчаси шу каби синовларга дуч келишади, фақат бунинг баҳоси арзимаган ўн минг доллардан анча қимматга тушади. Бунинг баҳоси - уларнинг соғлиги, бахти, тинчлиги ва юрак хотиржамлигидир. Уларга эса ўзини никоҳ учун сақлаган ҳолда, муносиб умр йўлдош топганда ва ажойиб фарзандларни дунёга келтирибгина эришиш мумкин.

Менда шундай фарзандлардан тўртта бор. Ўттиз йиллик турмушим ва оталиқдан сўнг шуни айтишим мумкинки: мени бу дунёда ҳеч нарса оиламчалик қувонтирмайди. Балки сиз вақт ўтиши билан оила қурмоқчи бўлаётган 93% ва фарзандли бўлишга умид қилган 91% ёшлар қаторига кирарсиз. Агар шундай бўлса, билингки, сизнинг бутун келажагингиз, шу жумладан, турмуш қуриш ва фарзанд кўриш имконияти кўплаб қарорлардан иборат. Бу қарорлар сизни нимага олиб келиши мумкинлигини ҳар доим ҳам олдиндан кўра олмайсиз.

Ҳикматлар китоби 14:12 да шундай дейилади: “Шундай йўл борки, инсонга тўғри бўлиб кўринади, аммо охири ўлимга олиб боради”. Бутун дунё бўйлаб ёшлар ўзлари учун тўғридайд туюлган нотўғри қарорларни қабул қиладилар. Гап нима ҳақида кетмасин - улар кўрадиган фильмлар ҳақидами, ота-оналарига сўзлайдиган ёлғон ҳақидами, ёки улар учрашиб юрадиган инсон билан қанчалик яқин муносабат қурмоқчи бўлишганидами - уларнинг кўпчилиги ўзларига шундай дейдилар: “Ҳечқиси йўқ... Ҳамма шундай қиляпти... Мен шу ишим тўғри деб ҳисоблайман”. Улар тўғри ва нотўғрининг ўртасида фарқни кўрмайдилар, чунки уларда мутлақ ҳақиқат йўлига йўналтирувчи ахлоқий компас йўқ.

Сизнинг кўпгина тенгдошларингиз, қандай йўналишда кетаётганларини тушунмасдан, уларни тўлақонли, қувончга бой ҳаётга эмас, балки ўз-ўзини йўқ қилишга ва ҳатто ўлимга олиб борадиган қарорларни қабул қилишади. Ҳар куни Қўшма Штатларда

- 4.219 ўсмир жинсий йўл билан юқадиган касалликларга чалинмоқда, шунинг оқибатида уларнинг кўпчилиги ҳаётдан эрта кўз юммоқдалар;
- 1.106 ўсмир қизлар аборт қилдирмоқдалар;
- 6 ўсмир ўз жонига суиқасд қилмоқда. Кўпинча бунинг сабаби бахтсиз севги ёки никоҳ қуришдан аввал бўлган жинсий алоқани туфайли айбдорлик ҳисси сабабдир.

Мана шундай қилиб, ҳар куни биз бебаҳо жонларни қўлдан чиқаряпмиз. Ҳаммасига эса - қачондир ўйламасдан, шошиб қабул қилинган нотўғри қарор сабабчи! Оқилона бўлиб туюлган қадамлар, охир-оқибат уларни боши берк кўчага олиб кириб қўйди.

Энди эса ўзингиз ҳал қилинг, жинсий поклик масаласида ўз фикрингизга таянишингиз керакми ёки ишониш мумкин бўлган доно ва яхши маслаҳатчини излаган маъқулми. Баланд нарвонга чиқиб олиб, сизнинг қўнғироғингизни кута олмасамда, шуни билишингизни истардим: сизда ҳаётнинг бутун лабиринтини кўриб турувчи Осмондаги Отангиз бор. Қайси бурилишлар сизни боши бекр кўчага киритиши мумкинлигини билади ва сизни ғалабага олиб борувчи ягона йўлни кўриб туради. Худо ҳамма нарсадан хабардор, шунинг учун инсоннинг у ёки бошқа қарори қандай натижага олиб келишини доим яхши билади.

Ишаё китоби 30:21 да шундай дейилади: “Сизлар ўннга ёки чапга бурилганингизда, шундай овозни эшитасизлар: “Мана йўл, шу йўлдан юринглар.” Бунинг маъноси осмондан овоз келиб ҳаммага эшитиладиган овозда сизга мурожаат қилишини англамайди. Бироқ Исо Масих сизни ҳаётнинг айёрони тузилган лабиринтидан ўтказиб қўйишига ишонган ҳолда Унинг овозини юрагингизда эшита оласиз. Бунинг учун эса дунёнинг лаззатларидан узилиб, Унинг насиҳатларига қулоқ тутиш лозим. У сизни муҳтож пайтингизда ташлаб қўймайди. Унга тўлиғича ишониш мумкин. У сизни жуда қаттиқ яхши кўради ва сизда ҳаммаси яхши бўлишини хоҳлашига шубҳа йўқ.

Худо доим тўғри йўлни танлашингизни истагани учун сизни йўл харитаси (яъни Муқаддас Китоб) билан таъминлади ва ишончли маслаҳатчини (Муқаддас Рухни) берди, токи У сизнинг йўл кўрсатувчингиз бўлсин. Сиз, эҳтимол, Худони ҳаёт қувончини заҳарлаш учун бир талай тақиқларни ўйлаб топган қандайдир коинотга хос безори деб тасаввур қилсангиз керак? Аслида Худонинг амрлари бизга муҳим кўрсатмаларни - ёки мўлжалларни - беради. Биз ҳаётда улар билан бошқарилишимиз керак. Кўрсатмалар икки томонлама ролни ўйнайди: улар сизни ҳимоя қилиб, керакли нарсалар билан таъминлайди. Бу кўрсатмаларни соябон сифатида тасаввур қилинг. Уни бошингиз устида ушлаб турганингизда у сизни ёмғирдан ҳимоя қилади ва қулайлик билан таъминлайди. Соябондан ташқарига чиқишингиз билан бу қадамингизнинг ёқимсиз оқибатларини ўша заҳоти ҳис қиласиз. Ҳаётингизнинг интим томони билан ҳам худди шундай: иффатингиз ҳақида қайғурганингизда ва уни Худо буюрганидай сақлаганингизда жинсий алоқа орқали юқадиган касалликлардан, исталмаган ҳомиладорликдан, носоғлом муносабатлардан ва руҳий зарбалардан ҳимояланган бўласиз. Хотиржамлик, хавфсизлик ва ёрқин келажак учун умид кафолатланган бўлади. Агар сиз Худонинг буйруқларига беписандлик қилиб, Унинг ҳимоясидан ташқарига чиқсангиз, эртами кечми бу ишингизнинг азобли оқибатларига дуч келасиз.

Охирги қирқ йил давомида мен дунёнинг саксон тўрт мамлакатада яшовчи етти миллион ёшларга "Нима учун ҳақиқий севги шошмайди," "Нима тўғри-ю, нима нотўғрилигини фарқлаш" ҳақида гапириб келмоқдаман, яқинда эса "Ишонишдан эътиқодга ўтиш" ҳақида ҳам гапира бошладим. Менга энг кўп саволларни ўсмирлар беришади ва улар асосан севги, жинсий алоқа ва йигитлар ва қизлар ўртасидаги учрашувлар ҳақида. Сиз ва тенгдошларингиз қарама-қарши жинс вакиллари билан ёлғиз қолганингизда қандай васвасаларга дучор бўлишингиз мени жуда ташвишга солади. Аммо жинсий томонлама жозибадорлигингиз ва Худонинг покликни сақлаш ҳақидаги буйруғи ҳақида фикрингиз мени кўпроқ ташвишга солади. Шунинг учун ҳам ҳозир қўлингизда ушбу китоб борлигидан чин дилдан хурсандман. Ишончим комилки, тез орада сиз унда бебаҳо ёрдамчини топасиз, у сизни ақлни янгилаш, руҳий куч, қалб поклиги, жисмоний саломатлик ва бир-бирингиз ҳамда Худо билан ажойиб муносабатлар сари яхши йўлга бошлайди. Бу ерда ёзилган ҳар бир сўзни юрагингизга қабул қилишингиз, ёзилган қоидаларни ҳар куни қўллашингиз ва Худо сизга орзу қилган мукофотга - ҳақиқий тўлақонли ҳаётга олиб боришига имкон беришингиз учун ибодат қиламан.

Агар бу китобни ота-оналардан бири ушлаб турган бўлса, уни қизингизга нафақат топширингизни, балки у билан бирга ўқишни ва бу долзарб мавзуни у билан биргаликда беҳижолат муҳокама қилишингизни тавсия қиламан. Қизингиз жинсий алоқа ҳақида гаплашишни истамаётгандай туюляптими? Худоса қилишга шошманг! Эҳтимол у сиздан жинсий алоқа ҳақида гаплашишни сўрамаётган бўлиши мумкин, лекин шуни билингки, ўнта ўсмир қиздан еттитаси (бу 69% дегани) агар улар ота-оналари билан бу мавзуда очиқ, самимий суҳбатлаша олганларида, жинсий фаолликни кечиктириш ва эрта ҳомиладорликдан қочиш анча осонроқ бўларди, деб ҳисоблашади.

Яна шунча қизлар ота-оналарининг фикрига кўра, ҳали уларнинг қулоқлари учун мўлжалланмаган нарсаларни тинглашга тайёр эканликларига ишонишади. 78% оқ танли ва 70% афро-американ ўсмир қизлар эрта туғилишнинг сабаби - қиз ва унинг ота-онаси ўртасидаги мулоқотнинг йўқлиги муаммоси деб ҳисоблашади. Ўсмирларнинг 31 фоизи жинсий фаоллик билан боғлиқ қарорларига дўстлари эмас, балки ота-оналари кўпроқ таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди.

Ҳамма айтган гапларни умумлаштирамиз. Қизингизнинг интим ҳаёти ҳақида гап борганида у ўйлаганингиздан ҳам кўпроқ тарзда сиз томондан бошқарилувга муҳтож. Унинг ўзи бу ҳақида гап очишини кутманг. Эҳтимол, қизингиз бу ҳақида ҳеч қачон гап очмас. Сиз олдинроқ бунинг ҳаракатини қилинг. Қизингизга ифратни сақлаш кераклиги ҳақидаги шахсий қатъиятни ривожлантиришга ёрдам беринг. Уни ишончли ахлоқий компас билан таъминланг. Худо хоҳласа, бир кун келиб, сизнинг бошқарувингиз, севгингиз ва садоқатингиз шарофати билан, ҳар бир қиз олиб бораётган жинсий ва ҳиссий поклик учун кечадиган курашдан қизингиз ёлиб бўлиб чиқишини кўрасиз.

Джош Макдауэлл

Бағишловлар ва миннатдорчилик

Шеннон Этридждан: Эрнига бағишланади.

Сиз ҳаётимизга ифода этиб бўлмайдиган қувончни олиб кирмоқдасиз.

Сизнинг Худога нисбатан оташин интилишингиз ва покликни сақлаш истаги сиз билан бирга гуллаб-яшнаши учун ибодат қилинг

Стивен Артерберндан: Мэделинга бағишланади.

Мен сенинг отанг бўлишдан бахтлиман. Осмондаги Отанг изидан юришингда ёрдам бериш учун доим ёнингда бўламан.

Доимгидай, биринчи бўлиб бу китобни ёзиш фикрини берган Исо Масихга миннатдорчилик билдираман. Раббим, бу китоб, айнан Сен хоҳлаганингиздай бўлиши ва уни ким учун мўлжаллаган бўлсанг, уларга таъсир ўтказиши учун ибодат қиламан.

Турмуш ўртоғим ва энг яхши дўстим Грег, қилган ҳар бир ишингиз, мен ва фарзандларимиз учун қанчалик муҳим эканлигингиз учун сиздан миннатдорман. Сиз энг зўр дўст ва отасиз, мен сизни қаттиқ севаман.

Менинг жажжи (бўйи деярли мен билан баробар бўлган) қизалоғим Эрин, ёзаётганимиз урфдан қолиб кетган услубда ифода этилмаётганимиз деб текшириб туриб, биз билан ишлаганингиз учун раҳмат. Сен жуда зўр ёрдамчи ва энг яхши қиз фарзандсан.

Мистер Маттстер Монстр, онажонингиз бу китобни устида ишлагунича сен ақлли бола бўлиб улғайиб ҳам қолдинг. Уй ишларидаги ёрдамингиз ва бизни шунчалик хурсанд қиладиган кулгили имо-ишораларингиз учун раҳмат. Сенсиз ҳаёт анча зерикарли бўлган бўларди!

Мени жуда қўллаб-қувватлаган ота-онамдан миннатдорман. Сизлардан менга кўрсатилган сабр-тоқатингиз ва менга куч бериб турган ибодатларингиз учун чексиз миннатдорман.

Мен Рокин-Си-Ренчдаги дўстларимга ва менинг ёзувчилик фаолиятим учун қулай жойларни тақдим этган барчага миннатдорчилик билдираман - илиқ меҳмондўстлигингиз, Худо ва компьютерим билан ёлғиз қолишим мумкин бўлган қулайликлар учун сизга раҳмат.

Трейси Картес, сен мен ва бу китоб учун чинакам марҳаматга айландинг. Азизам, сени жуда-жуда яхши кўраман!

Рон ва Кети Люс, Дейв Хаш ва ушбу китобнинг яратилишига ҳисса қўшган Фаҳрий академиянинг кўплаб стажёрлари "Teen Mania Ministries" ташкилотидан сиз билан бирга хизмат қилиш имкониятига эга бўлганим учун чин қалбимдан миннатдорман. Буни ҳаётимиздаги энг катта марҳаматлардан бири деб биламан.

Адриенна ва Браян Фреас, ушбу китобни тайёрлашнинг якуний босқичида Муқаддас Рухга сизни ўзининг мўъжизавий қуролига айлантиришга рухсат берганингиз учун ташаккур. Дарҳақиқат, сизлар Худонинг қўлидаги танланган қурол-аслаҳаларсиз ва мен ҳамда ушбу китобни ўқийдиган кўплаб қизлар учун ҳақиқий марҳаматсиз.

Дон Пейп, Лаура Баркер ва Уотербрук Прессдаги барча йигитлар, биз билан ҳамкорлик қилганингиз учун раҳмат. Биргаликда биз ажойиб жамоамиз!

Лиз Хени, менинг ажойиб муҳарририм, ушбу лойиҳани донолигингиз ва билимингиз билан

бойитганингиз учун миннатдорман. Барча "кичик муҳаррир"ларимизга - ўғил ва қиз болаларга самимий миннатдорчилигимни билдираман. Сизлар шунчалик кўпсизки, ҳамманинг исмини айтиб бўлмайди, лекин кимлигингизни биласиз, Худо ҳам билади. Бизга беминнат ёрдам берганингиз учун У сизларни марҳаматлашини сўраб ибодат қиламан.

Ва ниҳоят, Стив Артерберн, Фред Стокер, Кенни Лак ва Майк Ёрка алоҳида миннатдорчилик билдираман. Сизлар билан ҳамкорлик қилиш мен учун катта шараф ва қувончдир. "Ҳар бир эркакка" номли туркумингиз билан ушбу китобга шундай мустақкам пойдевор қўйганингиз учун ташаккур.

Шеннон Этридж

Ота-оналарга

Бу китобда биз ифбат ёки ҳозирги тил билан айтганда жинсий поклик ҳақида сўз юритамиз. Биз буни ҳиссий, психик, руҳий ва жисмоний нуқтаи назардан муҳокама қиламиз. Мақсадимиз - жинсий алоқа ҳақидаги маълумотлар тўлиб тошган дунёда онг, юрак ва танани қандай қилиб сақлаш кераклигини ўқувчига ўргатиш. Биз оддий, замонавий тил билан ёзишга ҳаракат қилдик ва уни биринчи навбатда ўсмир қизларга ва ёш қизлар учун мўлжалладик.

Эҳтимол, сиз бу суҳбат қанчалик очиқ бўлиши ва бу китоб қизингиз ҳаётининг ҳозирги даврида мос келадими, деб қизиқаётгандирсиз. Хўш, агар қизингиз мунтазам равишда телевизор кўрса, поп-музиқа тингласа ёки ўсмирлар учун журналларни ўқиса - бу китобдаги ҳеч нарса уни ҳайратлантирмайди ва шок ҳолатига тушириб қўймайди. Яна такрорлаймиз: биз қизингиз ҳар куни дуч келадиган тасвирларни масиҳийлик нуқтаи назаридан тасаввур қилишни ва бу унинг фойдаси учун ишончли тарзда амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Бошқа тарафдан, агар сиз қизингиз ифратини қатъият билан сақлайдиган қиз деб билсангиз ёки ҳали бундай мавзуда очиқ гаплашишга тайёр эмас деб ўйласангиз, "Ҳар бир қизнинг васвасаси" китобини қизингизга беришдан аввал кўриб чиқишингизни тавсия қиламиз. Нозик саволлар ҳақида сўз юритишда биз имкон қадар эҳтиёткорлик қилишга ва Худо ҳар бир қизни ифбатли тарзда кўришни хоҳлашини таъкидлаган ҳолда тақдим қилишга ҳаракат қилдик. Ёш китобхон қизларимизга ёрдам беришга интилиш биздан самимийлик ва тўғрисиўзликни талаб қилмоқда ва биз умид қиламизки, бундай ёндошув қизингизнинг интим ҳаётига тегишли кўпгина тўғри қарорларни чиқаришига яхши замин яратади.

Муқаддима

(Стивен Артерберн)

Кўп йиллар аввал, менинг ёшлик чоғларимда йигитлар қизларга истеъмолчилик нуқтаи назаридан қарардилар. Улар ўз "мен"ларини тасдиқлаш учун уларни турли йўллар билан манипуляция қилишар ва ҳис-туйғуларига "босим" ўтказишарди.

Бу йигитлар учун яна "ўша иш бўлганини" англашдан кўра ёқимлироқ нарса йўқ эди, шунинг учун улар барча "ўйин-кулги ва клублар"да астойдил қатнашиб, қарши бўлмаган ҳар қандай қиздан ўзлари хоҳлаган нарсани қўлга киритиш учун бор кучлари билан ҳаракат қилишарди. Бу йигитлар қизларни одам ўрнида кўришмасди: улар қизга фақат вақти-вақти билан фойда келтирадиган ва фақат ўзларининг ҳузур-ҳаловатлари учун мўлжалланган қандайдир иккинчи даражали буюм сифатида қарашарди. Улар қизнинг тана аъзоларига, нималарни кўз-кўз қилганига ва қанчалик ён берганига қараб баҳо беришди. Улар қиз нимани ҳис қилиши ёки ўйлаши мумкинлиги билан камдан-кам қизиқишарди; улар ўзларига нима кераклигини аниқ билишарди ва агар қиз хоҳласа "муносабатлар" давом этарди, у ўзидан талаб қилинган нарсани бажаришга мажбур эди. Бу йигитларнинг фикрича, қизлар йигитнинг ўзини "ҳақиқий эркак" деб ҳис қилишига ёрдам бериш учун мавжуд бўлган.

Мен юқори синфларда, кейинроқ коллежда ўқиганимда, ҳар бир қиз “беради - бермайди” нуқтаи назаридан баҳоланарди. Йигитлар бир-бирлари билан ўз тахминлари билан бўлишардилар - “У ким биландир жинсий алоқада бўлганми ё бўлмаганми?” - ва ҳар ерда ўзларининг жинсий алоқа борасидаги ғалабалри билан мақтаниб юрардилар. Ўзларининг кўнгилчанлиги билан машҳур бўлган қизлар талаш бўлар эдилар: уларни тез-тез учрашувларга таклиф қилишарди, аммо уларда йигитлар билан яхши ва соғлом муносабатлар ўрнатилмасди. Йигитлар уларга қарагиси, ушлаб кўргиси, қучоқлагиси келар, аммо бундай қизлар билан бирор жиддий муносабат ўрнатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Улардан олиш мумкин бўлган нарсани олишарди, уларга бўлган қизиқиш сўнганда эса кейинги жинсий мақсадга ўтиларди.

Менинг давримдаги ёш йигитлар кўнгли тусаган қизнинг танасини қўлга киритиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Масалан, унга: "Мен сени севаман" ёки "Сен ажойибсан!" ёки "Мен сен каби қизни илгари учратмаганман" дейиши қийинчилик туғдирмас эди. У қизни ресторан ва кинотеатрларга олиб борарди, чунки у шу йўл билан оқшом охирида ўзини мукофот билан таъминлашига ишонарди. У қизга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатарди, чунки бу орзуга эришишнинг энг тўғри йўли эди. Аммо бу йигитлар олган нарсаларини бошқа ҳеч қачон қайтариб бермасдилар. Ҳар гал қиз билан жинсий алоқага киришар эканлар, унинг қалбининг бир парчасини тортиб олишарди.

Нега бу ҳақда сизга гапиряпман? Чунки кўпчилик йигитлар аслида ким эканликларини билишингизни истайман. Афсуски, бундай ёшларни ҳатто масиҳийлар орасида ҳам учратиш мумкин. Бугун ҳам аёлга нисбатан муносабат ўзгаргани йўқ. Аҳвол заррача яхшиланмади. Аксинча, у кўп жиҳатдан янада ёмонлашди. Сиздан фойдаланишларини, сизни шарманда қилишларини истамайман. Сизлар Худонинг ажойиб фарзандисиз ва Худо сизни қизимни севганимдан ҳам кўпроқ севади. У сизга фақат яхшилик тилайди, мен ҳам қизимга яхшилик тилаганим каби. Худо сиздан биров фойдаланишини ёки сиз бировдан фойдаланишингизни истамайди. У сиз учун жинсий ва ҳиссий ифбатни истайди.

Олдингизда узоқ, ажойиб ҳаёт турибди. Уни сиз учун Худо тайёрлаб қўйган, агар ифбатли бўлиб яшай олсангиз, у амалга ошиши мумкин.

Сиз жинсий ифбат ва поклик ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган маданият шароитида улғаяяпсиз. Замонавий жамият ҳар қандай йўл билан эришиш керак бўлган бир лаҳзалик лаззат ва завқларни ҳамма нарсадан устун қўяди. Баъзиларингиз бу қадриятларни аллақачон қабул қилгансиз. Сиз қалбингизнинг тубида яхши ва тўғри деб билган ғоялардан воз кечгангиз. Сиз ички овозга қулоқ солмай қўйгансиз, у эса сизга ўз поклигингизни сақлашингиз ва ўзингизни ҳурмат қиладиган ва ўз қадр-қимматини биладиган шахс сифатида яшашингиз кераклигини доим айтади. Балки сиз йигитларнинг жинсий шилқимликларига қаршилиқ қилмай қўйгандирсиз, балки ўзингиз ҳам тажовузкор бўла бошлагандирсиз.

Эҳтимол, сиз ёш йигитларга тегажоғлик қилаётгандирсиз ва жинсий ахлоқингиз билан Худони, оилангизни ва ўзингизни шарманда қилаётгандирсиз. Агар шундай бўлса, ушбу китоб сизни соғайиш йўлига йўналтиради ва Худо билан ярашиш учун яна бир имконият беради. Агар сиз ифбатли бўлсангиз, у сизга ўзингизни, обрўйингизни ва Худо сиз учун хоҳлаган турмуш тарзини қандай ҳимоя қилишни ўргатади. Иккаламиз ҳам ушбу китобни ўқиб чиқишингизни ва бу ерда муҳокама қилинадиган Худонинг ҳақиқатларига мувофиқ яшашингизни сўраймиз.

Ҳаммуаллифим Шенноннинг мурожаатини ўқишдан олдин, мен сизга ўз давримдаги ёшлар билан нима содир бўлганини айтиб бермоқчиман. Ҳаммамиз улғайдик, лекин ҳаммамиз ҳам ақлли бўлиб қолмадик. Сўнги ўн йил ичида маданиятимиз жуда ўзгарди. Интернет, телевидение, кино ва рекламалар, афсуски, аёлларни охир-оқибат истеъмол предметиға айлантириб қўйди. Илгари ёшлар ўз шаҳвоний ҳирсларини қизлар ёрдамида қондирган бўлсалар, энди уларни исталган жойда: реклама тахталарида, ички кийимларни реклама қилувчи буклетларда, махсус журналларда, кабель телевидениеси орқали, сони икки миллиондан ортиқ бўлган порнографик сайтларда кўриш мумкин бўлган шаҳвоний суратлар ёрдамида қондирмоқдалар... Улар расмларга - ҳақиқий ҳаётни сохталаштиришга муккасидан кетишган. Қаёққа қарама, ҳузур-ҳаловат объекти бўлган аёлни кўради.

Менга ишонинг, бугунги кунда эркаклар кўпинча аёлларга уларнинг кўнгил очиши учун мўлжалланган истеъмол буюми сифатида қарашади. Эркак киши учун аёлга бўлган қарашини ўзгартириш ва уни тўғри томондан кўриш жуда оғир. Кўпчилик бир умр шу билан курашади.

Йигит киши порнографияни қанчалик кўп кўрса, унга ва очикдан-очик шаҳвоний характерга эга бўлган бошқа тасвирларга қанчалик тез-тез мурожаат қилса, у шунчалик чуқурроқ киришга интилади. У, бунинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ, эркак зоти шунақа, ҳамма шунақа қилади, деб ўзини ишонтирмақчи бўлади. У ўзига-ўзи: "Бу мутлақо нормал ҳолат!" ёки "Бу кимга ҳам зарар етказарди?" - дейди ва айна пайтда унинг эътибори атрофидаги ҳақиқий аёллардан тобора узоқлашиб, мақсади ва маъноси ҳар қандай йўл билан жинсий лаззатни таъминлаш бўлган беқарор, хаёлий дунёга тобора чуқурроқ шўнғийди. Кўпгина эрлар ва афсуски, кўпинча масиҳийлар ҳам бундан мустасно эмас! Улар мунтазам равишда жинсий лаззат ва уятнинг шахсий дунёсига қамалиб оладилар. Кўпчиликни никоҳдаги жинсий муносабатлар қониқтирмай қўяди, чунки улар аллақачон ўзгарувчан маданиятимиз таклиф қилаётган жинсий алоқа тушунчаси билан заҳарланган.

Кўп эркаклар бу зарарли доирадан чиқишни хоҳлашади, лекин буни қандай қилишни билмайдилар. Фред Стокер ва мен эркакларга орзу қилинган озодлик йўлини кўрсатиш ва уларга ўзлари билан бўлган курашда ғалаба қозонишга ёрдам бериш мақсадида "Ҳар бир эркакнинг кураши" номли китоб ёзганимизга яқинда уч йил тўлади. У катта машҳурликка эришди ва бугунги кунгача бестселлерлар рўйхатида қолмоқда. Оталар уни ўқиб, ўғиллари ҳам шундай китоб ўқишини хоҳлашди, шунинг учун Фред Стокер ва мен "Ҳар бир йигитнинг кураши" китобини ёздик. У бестселлерлар рўйхатида ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Фред икковимиз ёшлардан юзлаб хатлар ола бошладик. Уларда бу китоб уларнинг жинсий алоқа ва аёлларга бўлган қарашларини ўзгартиргани ва биз ёзганимиздек, пок жинсий ҳаёт кечиришни хоҳлашлари айтилган эди.

Ўшанда мана бундай воқеалар содир бўла бошлади. Бизга аёллардан хатлар кела бошлади. Уларда ўзлари учун ҳам жинсий ифбат ҳақида китоб ёзилишини ишташган. Улар ҳам Худонинг меъёрларига мувофиқ яшашни ишташарди. Кейин "Ҳар бир аёлнинг васвасаси" китобининг ўқувчилари қизларига бирор нарса ёзиб беришни сўрашди. Шундай қилиб, Шеннон ва мен кўлингиздаги китобни яратишга қарор қилдик. Умид қиламизки, у сизнинг жинсий алоқангиз ҳақидаги очик суҳбатга бўлган эҳтиёжингизни қондиради ва сизни Худонинг йўлидан чалғитишга интиладиган маданият шароитида яшашни ўргатади.

Олдингизда жиддий иш турибди, сизнинг хавфсизлигингиз ва келажагингиз унинг натижасига боғлиқ. У нимадан иборат? Сиз жинсий ҳаётингизни бошқа барча таркибий қисмлари билан муваффақиятли боғлашингиз керак. Биз жума куни кечқурун - якшанба куни эрталаб жамоатга борганингизда қандай бўлсангиз, шундай бўлишингизни истаймиз. Биз катталар олдида ўзингизни намунали масиҳий деб кўрсатишингизни, йигитлар даврасида эса ўзингизни бутунлай бошқача тутишингизни истамаймиз. Иккиюзлама ҳаёт яхшиликка олиб келмайди: у фақат хўрлик, айбдорлик, кўпинча умидсизлик ҳиссини уйғотади.

Биз буни сизга раво кўрмаймиз. Биз сизнинг соғлом жинсий ҳаёт кечиришингизни истаймиз. Жинсий алоқа - Худо яратганидек ажойиб нарса эканлигига ишонишингиз учун ва уни тўлиқ ҳис қилиш учун турмуш қуришни кутиш жуда муҳимдир. Ўзингиз билан ёлғиз қолганда ҳам, бошқа одамлар билан мулоқотда ҳам ўзингизни хотиржам ва ишончли ҳис қилишингизни, уят ёки айбдорлик ҳиссини сезмаслигингизни тилаймиз. Биз сизга фақат яхшилик тилаймиз ва умид қиламизки, ушбу китобни ўқиб, сиз янги, яхшироқ ҳаётга интила бошлайсиз, уни топасиз ва ундан завқ оласиз.

I-қисм

ВАСВАСАНГИЗНИ ТУШУНИШ

1-БОБ

Ўзимизга ҳақиқатни айтишга жазм этамиз

Шу вақт Исо Унга ишонган яҳудийларга деди: – Агар Менинг каломимга риоя қилсангизлар, ҳақиқий шогирдларим бўласизлар. Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади.

Юҳанно 8:31,32

"Ҳақиқат ёки жасорат" Эҳтимол, синфдошларингиздан бирининг уйида "тунги қизлар базми"га тўпланиб, дугоналарингиз билан бу ўйинни ўйнаган бўлсангиз керак? Балки сиз ота-онангиздан эшитгандирсиз, улар сизни бу ўйинни асло ўйнамаслигингиз ҳақида огоҳлантиришгандир? Ўйиннинг моҳияти шундаки, бошқа ўйинчи сизга топширган ҳар қандай вазифани у қанчалик қийин ёки ёқимсиз бўлмасин, бажаришингиз керак, ёки саволга самимий жавоб беринг, у сиз учун қанчалик нозик ёки камситувчи жавоб талаб қилмасин.

Қиз болалигимда бу ўйиндан ҳеч қачон қочмаганман. Ундан воз кечиш мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаганди. Дугоналарим мен учун энг даҳшатли ва бемаъни топшириқларни ўйлаб топишарди, масалан: кетчуп, хантал ва майонез суртилган бутербродни ейиш; бир шиша газли ичимликни тез-тез ичиб, кейин дугонамнинг акаси олдида баланд овозда кекириш; ёки дугонам "Полароид"да бу саҳнани суратга олаётганда ўзининг маймунчасини эҳтирос билан ўпиш. Шунга қарамай, мен одатда "жасорат"ни танлардим, чунки саволларга жавоб беришни хоҳламасдим. Улар тахминан қуйидагича эди: "Сенингча, мактабдаги энг ёқимтой бола ким?"

"Ўғил болалар билан неча марта ўпишгансан?," "Ўғил бола билан муносабатларда қанчалик чуқурлашдинг?" Йўқ, баъзи нарсалар ҳақида очиқчасига гапиргандан кўра, бирор жирканч нарсани еб қўйганим ёки ўзимни ғирт аҳмоқ қилиб кўрсатганим яхшироқ эди.

Ҳақиқат баъзан жуда ёқимсиз бўлади, шунинг учун уни ўзимизда сақлашимиз осонроқ. Баъзида яширган нарсамиз бизга шунчалик азоб берадики, ҳақиқатга тик қарашга ўзимиз ҳам журъат эта олмаймиз. Бизнинг сирларимиз, агар улар ҳақида ўйламасак ёки бошқалар билан гаплашмасак, аста-секин ўз-ўзидан "сўрилиб кетадигандек" туюлади. Аслида эса бундай эмас. Шармандали сирлар бармоққа чуқур санчилган тикан каби яллиғланиш ва йиринглаш хусусиятига эга, шунинг учун ўз вақтида нарсаларни ўз номи билан аташ ва кимдандир ёрдам сўраш анча яхши. Жароҳат битиши учун йирингни очиб, тозалаш керак.

Ушбу китобда ёш қизлар кўрқмасдан ёш (ўн икки ёшдан йигирма ёшгача) айтиб берган кўплаб ҳикояларни ўқийсиз. Улар ўзларининг васвасалари ва ақли, қалби ҳамда танасини жинсий гуноҳдан сақлаш учун олиб борган курашлари ҳақида ҳақиқатни айтишга журъат этишди. Умид қиламизки, сиз уларнинг мисолида кўп нарсани ўрганасиз ва оғир хатоларга йўл қўймайсиз. Умид қиламизки, сиз жинсий поклигингизни ҳимоя қилишда бошдан кечираётган васвасаларингизни виждонан тан оласиз ва уларни қандай енгиш мумкинлигини тушунасиз.

Билимсизлик ва ахлоқ бир нарса эмас.

Бу ерда ҳикоя қилинган баъзи воқеалар шу пайтгача билмаган нарсангизга кўзингизни очиши ёки сизни ҳайратга солиши мумкин. Илтимос, биз сизни жирканишингизни, шокка туширишни ёки поклигингизга путур етказишни истаяпти деб ўйламанг. Биз сизнинг бу дунёнинг урф-одатларини яхши билишингни ва улардан сақлана олишингни истаймиз

Билимсизлик - бу руҳий инъом эмас ва у ахлоққа тенг эмас. Ҳамма нарсани билиш ва шу билан бирга покликни сақлаш мумкин. Биз сизни йўлингизда васвасалар пайдо бўлганда масъулиятли қарорлар қабул қилишга ўргатмоқчимиз.

Юқорида тилга олинган васвасаларнинг кўпчилигига ҳаётингизда дуч келгансиз ёки дуч келасиз. Ҳаворий Павлус шундай деб ёзган:

“Шунинг учун маҳкам турибман, деб ўйлаган одам эҳтиёт бўлсин, тагин қоқилиб йиқилмасин.” (1 Коринфликларга 10:12).

“Шунинг учун фикр-зикрингиз ишда бўлсин, ҳушёр бўлинглар. Исо Масих осмондан тушиб зоҳир бўлганда сизларга насиб бўлажак иноятга мутлақо умид боғланглар. Гапга кўнадиган болалар каби бўлинглар, илгариги ғафлат пайтида сизларни қамраган эҳтиросларга қайтманглар. Сизларни даъват этган Худо қандай муқаддас бўлса, сизлар ҳам бутун юриш-туришингизда шундай муқаддас бўлинглар. Худо: «Муқаддас бўлинглар, зеро Мен муқаддасман», деб айтгани ёзилган.” (1 Бутрус 1:13-16).

“Сизларнинг орангизда фаҳш, зинокорлик, ифлослик ёки хасислигу очкўзлик ҳатто тилга ҳам олинмасин. Булар Худонинг азизларига муносиб эмас.” (Эфесликлар 5:3).

Энди эса васвасалари ва жинсий поклик учун курашлари ҳақида ҳақиқатни айтишдан қўрқмаган тенгдошларингизнинг шахсий ҳаётига назар ташлайлик.

Моллининг шахсий жанги

Молли учун жанг бир марта тасодифан порнографик телекўрсатувга дуч келганида бошланган, кейин эса унга яна... яна... ва яна дуч кела бошлаган.

"Биламан, бу жуда ёмон бўлган эди ва ўшандан бери ҳамма нарса тескари бўлиб кетди, лекин мен нафақат ўзим порнография билан шуғулланганим учун, балки бу ишга иккита энг яхши дугонамни ҳам жалб қилганим учун миллион баравар аҳволим ёмонроқ. Улардан бири ота-онасига ҳамма нарсани айтиб беришга ўзида куч топди. Ота-онам бу ҳақда эшитиб, жуда ҳайратда қолишди - уларни қандай айблаш мумкин? Улар ҳатто бизнинг теледастуримизни ҳеч қандай порнография тушмаслиги учун қайта тузган одамни топишди, шунинг учун энди бу канал бизда бўш.

Бир мунча вақт ҳаммаси жойида бўлди, мен кўрганларимни хаёлимдан чиқариб ташлашга ҳаракат қилдим ва бунга маълум даражада муваффақ бўлдим ҳам. Аммо яқинда менда бундай расмларни кўрганимда мастурбация қилиш одати пайдо бўлди ва мен бундан қутула олмаяпман. Биламан, бу ёмон, бу ишни қилганимдан кейин худди лойга беланган одамдай ўзимни жуда ёмон ҳис қиламан, яна ўзимни айбдор сезаман. Худо олдида гуноҳларимни тан олиб, иқрор бўлдим, лекин бу етарли эмасга ўхшайди. Буни ҳеч кимга айтишни истамайман, чунки айтсам ҳамма мендан нафратлана ва жиркана бошлайди".

Ишончимиз комилки, Молли порнография унга тобе бўлиб қолиш хавфини туғдиришини билган ва у бу хавфдан олдиндан қочиши мумкин эди. Порнография ёки мастурбация одати ҳаётингизни жиддий равишда мураккаблаштираётган бўлса, бу китоб жинсий иффатингиз ва руҳий хотиржамлигингизга халақит берадиган бу эҳтирослардан халос бўлишингизга ёрдам беради.

Лореннинг шахсий жанги

Лорен ўрта мактабда жинсий тарбия дарсларига қатнади ва никоҳдан олдин жинсий алоқадан воз кечиши ҳақида ўзига ваъда берди. Энди у юқори синфларга ўтди ва дугоналарининг хатти-ҳаракатлари уни доим чалғитади. Лорен ўзига берган ваъдасининг устидан чиқишига ишониши мумкинми, деган саволни беришдан бошқа иложи йўқ эди.

"Мактабимизда рақс кечаси бўлиб ўтди ва кўплаб дўстларим худди ҳамманинг кўз ўнгида ечинмасдан жинсий алоқа қилаётгандек рақсга тушишди ва турли хил бемаъни тана ҳаракатларини қилишди - қизлар ўғил болалар билан, қизлар қизлар билан... Шу билан бирга, уларнинг кўриниши жуда қувноқ эди. Улар тинимсиз мени ўзимни бўш қўйишга ундар ва ёнларига чақирарди. Яна иккита дугонам "ҳақиқат ёки жасорат" ўйинини ўйнашди ва автобус охиридаги болалар билан орал жинсий алоқа қилишга рози бўлишди. Энди бу қизлар ўғил болалар орасида жуда машҳур бўлиб кетгандилар. Мен, албатта, бу интилишга арзийдиган машҳурлик эмаслигини ўзимга эслатишга ҳаракат қиламан, лекин баъзида ўзимдан сўрайман: балки мен жуда уятчандирман ва ҳамма бу билан шуғулланаётган бир пайтда энг қизиқарли ва ёқимли нарсаларни ўтказиб юбораётгандирман?"

Биламизки, кўпчилигингиз, - бизнинг ёш ўқувчиларимиз, жинсий покликни сақлашни хоҳлайсиз, лекин Лоренга ўхшаб, ўзингизни ўша қизларнинг орасида ажралиб турган "оқ қарғалар"дек ҳис қилмоқдасиз ва бу умуман мумкинлигига шубҳа қиласиз. Руҳингизни туширманг. Бу нафақат мумкин, балки биз ишонамизки, жинсий алоқани фаол дам олиш турига айлантиришдан кўра, Худо никоҳда сиз учун тайёрлаган интим муносабатлардан баҳраманд бўлиш учун бир неча йил кутиш анча яхшироқдир. Китобни ўқишда давом этинг ва биз сизга бунинг учун нима қилиш кераклигини кўрсатамиз.

Элианинг шахсий жанги

Эмма анча вақтдан бери ёшлар билан учрашиб юради, у ўз тажрибаси билан бўлиши ва бошқа ёш аёлларни хатолардан огоҳлантириши мумкин. Ёшлигида у ўзига ишонмайдиган қиз бўлиб, ҳаттоки "менга нимадир бўляпти" деб ўйларди, чунки болалар унга эътибор беришмасди. У ота-онаси билан муносабатларидан шикоят қилмасди, лекин унга бирор йигит хушомад қилишини хоҳларди. У биринчи навбатда мактабда тан олинган гўзалларга ўхшаш учун озишга қарор қилди ва бунинг учун парҳез тутишни ҳамда жисмоний машқлар билан шуғуллана бошлади.

"Кўп ўтмай, вазн йўқотиш васвасаси руҳиятимга жиддий таъсир кўрсатди. Йигитлар менинг нозик гавдамни пайқашларини жуда-жуда истардим ва мен телбалардек уларнинг мақтовига ташна эдим.

Бирорта бола менга хушомад қилса, хурсандлигимдан эриб кетардим ва шундагина ўзимни чиндан ҳам қандайдир одам эканлигимни ҳис қилардим. Кўрсатилган эътибор учун миннатдорчилик сифатида мен унинг ортидан эргашиб кетардим; бундан ташқари, бу йўл билан мен келажак учун "гаров бадали" қўяётгандек, унинг кейинги мақтовларига сазовор бўлаётгандек туюларди. Мен у билан бемалол ноз-карашма қилардим: гўё дўстона қўлтиғидан олардим, ўзим эса ҳар бир қулай вазиятда унинг сонига тегиб кетардим ёки унга ёпишиб олардим.

Кейинги уч йил давомида мен жуда жиддий деб ҳисоблаган бир нечта муносабатларга эга бўлдим, лекин йигитларим бундай деб ўйламагандилар. Мен уларга бор-ўғимни, шу жумладан, танамни ҳам берардим, лекин эртами-кечми улар мени навбатдаги қизни деб ташлаб кетишарди. Ҳар сафар навбатдаги узилишни бошдан кечирганимда, ўзимга ўзим савол берардим: нимага мен билан шундай бўлаверяпти? Нега энди у мени истамаяпти? Балки мен етарли даражада жозибадор эмасдирман? Балки мен ҳали ҳам семиздирман? Танамга иснод келтириб, ўзимдан фойдаланишга руҳсат бериб, йигитларнинг эътиборини ўзимга қаратишга ва уларнинг кўз ўнгида юксалишга ҳаракат қилардим, лекин ҳар сафар бу камлик қиларди."

Нозик қомат учун кураш, худди "ёш йигит" ёрдамида ўз ҳиссий эҳтиёжларини қондиришга уриниш каби, чексиз давом этиши мумкин. Агар сиз романтик муносабатларга шунчалик ташна бўлсангиз ва баъзан ўз хатти-ҳаракатларингиздан уялиб қолсангиз, демак, бу китоб сиз учун. Бу сизга севимли бўлишга бўлган табиий, Худо томонидан берилган истак ва хавfli, шахвоний вазиятлардан қочиш қобилиятингиз ўртасида соғлом мувозанатни ўрнатишга ёрдам беради.

Тўғриси айтсам, бу китоб сизнинг тенгдошингиз бўлган ва ўз васвасаларим билан курашган давримда бўлмаганидан жуда афсусдаман.

Шенноннинг шахсий жанги

Агар ўн икки ёшимда мендан турмушгачиққунингизча бокира бўлиб қолишни хоҳлайсизми, деб сўрашса, мен: "Албатта!" деб жавоб берган бўлардим.

Ўн учда мен: "Ҳа, деб ўйлайман," деган бўлардим.

Ўн тўртда эса - "Эҳтимол" деб жавоб берган бўлар эдим.

Ўн беш ёшимда жавобим шундай бўларди: "Билмадим, умуман шундай бўлиши мумкинми?" Бахтга қарши, ўша йили менинг бокиралигимдан фақат хотиралар қолди. Бир йигит билан учрашув вақтида у мени зўрлади. Мени урушиб беришларидан қўрқиб, бу ҳақда узоқ вақт жим юрдим. Ахир, ҳаммасига ўзим айбдор эдим: ўн саккиз ёшли бу йигитнинг эътиборини тортиш учун у билан ўйнашадиган бўлдим ва ота-онамдан яширинча у билан ёлғиз қолишга рози бўлдим. Шунинг учун ҳеч кимга ҳеч нарса демадим. Сирни ичимда сақлаганим учун ҳеч ким руҳий изтиробдан халос бўлишимга ёрдам бермади ва ҳеч ким Худо олдида ҳали ҳам бокира эканлигимни айтмади. (Бокираликнинг моҳияти ҳақида кейинги бобда гаплашамиз.)

Бир неча ой ўтгач, ота-онам учрашувларга боришимга рухсат беришди. Менинг бокиралигим барибир аллақачон ўғирланган деб ҳисоблаганим учун, учрашган йигитларимга жисмоний яқинликни рад этишдан маъно йўқдек туюларди. Жинсий алоқа ишқий муносабатларимнинг одатий қисмига айланди - буни ўзимга бўлган эътибор ва меҳр учун тўлашим керак бўлган тўлов деб ҳисоблар эдим. Бу китобни ўқиб чиқишингизни истаётганимнинг яна бир сабаби мана шудир. Мен билмаган нарсани билишингизни истайман. Мен яна шуни истайманки, сиз яширин ҳаёт кечирманг ва ҳамма сизнинг кимлигингизни, йигитлар ҳақида ва улар сиздан нимани хоҳлашлари ҳақида қандай фикрда эканлигингизни кўрсин ва билсин.

Шаҳвоний васвасаларга қарши иммунитет ишлаб чиқилмайди

Эҳтимол, менинг "қоронғи ўтмишим" ҳақида ўқиб, мени ёмон оиладан чиққан ва шаҳар харобаларида ўсган қиз ёки масиҳий бўлмаган ёки шунчаки унчалик ақлли бўлмаган, деб ўйлагандирсиз.

Янглишяпсиз.

Мен Техаснинг шимоли-шарқида улғайганман, ота-онам ўрта синфга мансуб ўқимишли одамлар бўлиб, бир умр бир-бирларига содиқ қолишган. Оиламиз қишлоқдаги камтарона уйда яшарди, бу ерда атроф хавфсиз бўлмаслиги мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Онам мени мунтазам равишда жамоатга олиб борарди ва ўн икки ёшимда мен Исо Масиҳга ишонишимни тантанали равишда тасдиқлагандим. Ҳатто бир неча йил ёшлар гуруҳига раҳбарлик қилгандим. Мактабда аълочи эдим ва коллежни муваффақиятли тугатдим.

Менинг мисолим шуни исботлайдики, бутун ҳаётингизни остин-устан қилиб юборадиган масъулиятсиз қарорлар қабул қилиш учун тарқоқ ёки нотинч оиладан бўлиш шарт эмас. "Яхши имонли қизлар" ҳам шаҳвоний васвасалардан холи эмаслар. Ҳатто сизга ўхшаганлар ҳам.

Сиз ёки дугоналарингиз каби қизларни гўзал шаҳзодани кутишдан воз кечиб, қурбақалар билан ўпишишга нима мажбур қилиши мумкин? Сиз ботиб қолган қурбақа ботқоғидан чиқиб кетиш мумкинми? Умуман, бу урушда ғалаба қозониш мумкинми? Агар мумкин бўлса, қандай қилиб?

Бу саволларга жавобни қўлингиздаги китобдан топасиз. У ёшликнинг "мина майдони"дан қандай ўтиш, ўзини сақлаб қолиш ва жинсий ҳамда ҳиссий поклик учун курашда ютқазмаслик йўллари кўрсатади. Агар сиз қуруқликдаги миналарни четлаб ўтиб, бу жангда ғалаба қозона олсангиз, катта ҳаётга ишонч ва мақсад билан қадам қўясиз. Ҳаётингиз умидсизликдан холи бўлади ва келажак учун ажойиб танлов қила оласиз. Шунда бутун дунё сизга тегишли бўлади... лекин аввалига сиз ички васвасангиз қанчалик кучли эканлигини аниқлашингиз керак, бунинг учун эса қуйидаги саволларга "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб беришингиз керак:

1. Шаҳвоний ҳазиллар айтиладиган ёки беҳаё саҳналар тасвирланган телекўрсатувлар ёки фильмларни томоша қилиб турасизми?
2. Тинглаётган мусиқангиз сизни никоҳдан ташқари жинсий истақлар ҳақида овоз чиқариб гапиришга ундайдими?
3. Йигитнинг эътиборини ҳаддан ташқари дўстона ёки очиқчасига жалб қилишга уриняпсизми?
4. Ёш йигитни қандай топиш ёки ушлаб қолиш ҳақидаги фикрлар сизни шунчалик чулғаб оладими, маълум вақт бошқа нарсага эътибор қаратишингиз ҳам қийин бўладими?
5. Турмуш қуриш ҳақида ўйлашга ҳали эрта бўлишига қарамай, жиддий ишқий муносабатлар ҳақида ўйлайсизми?
6. Агар сиз мастурбация билан шуғуллансангиз, бу сиз учун нимани англатади: жинсий қониқиш олиш усулими ёки бошқа одамлар билан жинсий алоқадан тийилиш воситасими?
7. Оғиз орқали жинсий алоқа ва жинсий фаолликнинг бошқа турлари мумкин деб ҳисоблай оласизми (чунки улар вагинал кириш билан боғлиқ эмас ва шунинг учун ҳомиладор бўлиш мумкин эмас)?
8. Бокиралигингиз ўғирлаб кетилгандек ҳис қиласизми?
9. Ўзингизни “Тарбияли яхши йигит” сиз билан қизиқмайдиган "бузилган маҳсулот" деб ҳис қиляпсизми?
10. Эр-хотин никоҳсиз бирга яшаши мумкин деб ўйлайсизми?
11. Қаерга кетаётганингиз ёки ким билан бўлганингиз ҳақида ота-онангизга ёлғон гапиришингизга тўғри келганми, чунки агар сиз ҳақиқатни айтсангиз, улар сизнинг хатти-ҳаракатларингизни маъқулламайдилар?
12. Ота-онангизга ёлғон гапириб, ўзингизга ёқадиган йигит билан учрашишга боришингиз мумкинми (лекин агар айтсангиз, улар сизни у билан учрашишга қўйишмайди)?
13. "Вазият тақозоси билан " бирор йигит билан жинсий алоқа қилганмисиз?
14. Ота-онангиз назоратидан тезроқ чиқиб кетишни ва эркинликдан фойдаланиб, ўзингизга ёқадиган муносабатларни ўрнатишни хоҳлайсизми?
15. Ота-онангиз маъқулламайдиган веб-сайтлар ёки чатларга кириб турасизми?
16. Интернетда ота-онангиздан яширинча учрашган нотаниш одамга телефон рақамингиз ёки уй манзилингизни берганмисиз?
17. Ўзингизнинг хатти-ҳаракатларингиз ёки узилган муносабатларингиз учун қандайдир қоидалар ёки тамойилларни ўрнатганмисиз?
18. Ота-онангиздан бирор нарса яширасизми, масалан, очиқ севги хатлари, журналлар ёки видеофильмларни?
19. Турмуш қуриб, барча мушкулларингизни бир зумда ҳал қилиб, шаҳвоний ва ҳиссий васвасалардан халос бўламиз, деб хаёл қиласизми?

Қайси саволларга ҳа деб жавоб берган бўлардингиз? Уларнинг ҳар бири сизнинг йўлингизда пайдо бўладиган жинсий васвасаларга берилиб, сиз тушишингиз мумкин бўлган потенциал тузоқни аниқлайди. Ким бўлишингиздан қатъи назар - бунда кураши энди бошланаётган ёш қизми ёки етарлича тажрибали балоғатга етган қизми - сиз бу жанг майдонида қурбон бўлмаслик учун ўзингиз учун энг мустаҳкам мудофаа чизиғини қуришингиз мумкин. Чўкаётган одам хасга ёпишгандек ўз иффатингизни сақлаб қолишингиз ёки йигит билан бирга бўлишингиздан қатъи назар, нафақат ёшлигингизда, балки ҳаётингизнинг исталган даврида йўқотилган жинсий иффатни сақлаб қолишингиз ёки тиклашингиз мумкин.

Бу ерда энг муҳими, аёл кишининг ёши ва оилавий аҳволидан қатъи назар, қоқилиб кетиши ва васвасага тушишига нима мажбур қилиши мумкинлигини тан олиш ва тушунишдир. Ақлингизни, қалбингизни ва танангизни васвасалардан асрашни ўрганиб, жинсий ва ҳиссий муносабатларда Худо сизни қандай кўришни хоҳлашини тушуниб, хавфли ўсмирлик давридан хотиржам ва ишонч билан ўта оласиз... ва шунда сиз ҳеч нарсадан афсусланмайсиз.

Жинсий инъом нима эканлигини яхшироқ тушунишни бошлаганингизда, сизни чалғитадиган афсоналар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетишини кўрасиз. Қуйидаги боблар сизга шуларда ёрдам беради:

- жинсий ҳаётингиз қанчалик мураккаблигини ва васвасага тушишда ҳис-туйғуларингиз қандай роль ўйнашини тушуниш;
- маданиятимизда кенг тарқалган шаҳвонийликка оид афсоналарни аниқлаш ва улар жинсий алоқа билан боғлиқ эътиқод ва қарорларингизга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини тушуниш;
- нафақат жисмоний, балки ҳиссий ва руҳий жиҳатдан ҳам иффатли турмуш тарзини олиб боришга қарор қилиш;
- Худо билан, ўзингиз ва бошқалар билан соғлом, қониқарли муносабатлардан роҳатланиш;
- номақбул жойларга кирмасдан ва бўлажак турмуш ўртоғингиз сифатида йигитингизга беҳуда умид боғламасдан, ўзингиз излаётган муҳаббатни топиш;
- нафақат маълум бир вақтда, балки бутун умр давомида ўзидан мамнун бўлиш.

Агар шу пайтгача васвасаларни енгишга муваффақиятли тарзда эришган бўлсангиз, сизни асраб қолгани учун Худога шукр қилинг ва кейинги ғалабаларга тайёрланинг. Агар сиз қандайдир васвасага қарши тура олмаган бўлсангиз, ўзингизни Худодан ажралган ҳис қилсангиз ёки ҳозирги ёки келажакдаги муносабатларингиздан хавотирда бўлсангиз - бу китоб сиз учун ички хотиржамликка йўл очади. Худодан сизга донолик, жасорат, умид ва куч беришини сўраймиз, токи сиз жинсий ва ҳиссий иффат учун кураш олиб бориб, ғалаба қозонинг.

“Эгамиз тўғри одамни эсон–омон сақлайди, тўғри юрадиганга Ўзи қалқон бўлади. Адолатли инсонни ҳимоя қилади, Унга содиқ бўлганнинг йўлини қўриқлайди. Шунда сен тўғрилиқ, адолат, одиллик, яъни тўғри йўл нима эканлигини тушунасан. Чунки юрагингга донолик киради, руҳинг эса билимдан завқланади. Фаҳм–фаросат сени ҳимоя қилади, ақл–идрок сени қўриқлайди” (Ҳикматлар 2:7-11)

2-БОБ

Бошида айтилган режага қайтиб

Шундай қилиб, Худо Ўз суратидай қилиб яратди инсон зотини, Эркагу аёл қилиб яратди уларни. Худо бунинг ажойиб эканини кўрди. (Ибтидо 1:27)

Агар кимдир сиздан "Жинсий алоқа нима?" деб сўраса, нима деб жавоб берасиз? Агар сиз кўпчиликка ўхшасангиз, эҳтимол, қизариб кетасиз ва дудуқланиб, тушунарсиз нарсаларни ғўлдираб гапира бошлайсиз. Эҳтимол, сиз "пенис" ва "қин" сўзларини талаффуз қилиб, болаларнинг ишлаб чиқариш механикасини тушунтириб бера оларсиз. Ҳайрон бўлманг, лекин бундай жавоб нотўғри бўлади. Сиз шунчаки жинсий алоқани тасвирлаб бердингиз, холос.

Бизни гапларга ўчакишяпти деб ўйлаясизми? Майли. Унда айтинг-чи, охирги марта мактаб анкетасини тўлдирганингизда "жинс" деган устунга нима деб ёзгансиз? Наҳотки "бокира" (ёки "бокира эмас") деб ёзган бўлсангиз? Йўқ, албатта! Сиз "аёл" деб ёздингиз. Худо барчани турли жинсда эркак ёки аёл қилиб яратган. Бизнинг аёллигимиз ёки эркаклигимиз моҳиятимизнинг ифодасидир. Ҳомила пайдо бўлганидан то ердаги танамизни тарк этиб, самовий уйимизга йўл оладиган ўлим вақтигача биз жинсий мансубликка эгамиз. Сизнинг аёл жинсига мансублигингиз кўғирчоқларингизни ясангиришда ҳам, кунлардан бир кун оёқларингизни қириб ташлашда ҳам, биринчи муҳаббатдан ҳафсалангиз пир бўлганида хўнграб йиғлаганда ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Тўғриси айтганда, айна дақиқада ҳам бу китобни ўқиётганингизда ҳам намоён бўлади! Ҳайронмисиз? Сўзимизга ишонинг: у ёки бу жинсга хос фаолият билан шуғулланиш жинсий ҳаёт кечиришни англатмайди. Биз азалдан жинсга эга бўлган мавжудотлармиз ва бу ерда, айтганларидек, буни ўзгартира олмаймиз.

Шунга қарамай, сизнинг жозибаторлигингиз (жинсий мансублик маъносида) турли вазиятларда шахсиятингизда тўлиқ уйғунликда намоён бўлмаслиги мумкин. Эҳтимол, ўз жинсингиздан уялганингиз учунми ёки унинг доирасида ўзингизни ноқулай ҳис қилганингиз учунми, хулқ-атворингизда барқарорлик йўқдир. Эҳтимол, мактабда ҳам, жамоатда ҳам сиз ақл-идрок намунаси бўлишингиз мумкин, лекин йигитлар даврасида бўлишингиз биланоқ дарҳол бошқа одамга айланиб қоларсиз. Ички ноқулайлик, ўзига ишончсизлик, яширинлик ёки уятчанлик сизни импульсив ва масъулиятсиз ҳаракатларга ундаши мумкин. Биз сизга изчил, ўзига ишонган, яхлит ва жинсий жиҳатдан соғлом шахс бўлишингиз учун жинсий томонлама тўғри идрок этишингизга ёрдам бермоқчимиз.

Ўзингиз ҳақингизда бундай янгиликни эшитганингизда, сиз: "Хўш, агар Худо мени жозибатор қилиб яратган экан, демак У жинсий алоқа билан шуғулланишимни истайди", - деб ўйлашингиз мумкин. Аммо жинсий алоқани жинсий фаоллик билан адаштирманг. Бу мутлақо бир хил нарса эмас. Худонинг режасига кўра, биз умримизнинг охиригача жинсий мавжудот (яъни эркак ёки аёл) бўлиб қоламиз, аммо Унинг мукамал режаси бизга фақат никоҳ доирасидаги жинсий муносабатларни назарда тутади.

Ёки сиз: "Мен фақат жинсий алоқада бўлганимдагина аёл бўламан. Унгача мен қиз бўлиб қоламан" деб хато ўйлаётгандирсиз. Бизнинг жамиятимиз жинсий алоқани деярли балоғатга етиш маросимига айлантириб қўйган. Аслида ундай эмас. Аслида, бу мутлақо бемаънилик.

Ўзингиз ўйлаб кўринг. Ўн яшар қизалоқ жинсий алоқа қилса, бундан у аёл бўлиб қоладими? Статистик маълумотларга кўра, аёлларнинг фақат 80 фоизи турмушга чиқади - наҳотки бу қолган 20 фоизи умр бўйи қиз бўлиб қолишини ва ҳеч қачон аёлга айланмаслигини англатса?

Наҳотки вояга етган одам ҳеч қачон жинсий алоқа қилмаган бўлса, бу унинг ҳеч қачон эркак ёки аёл бўлиб улғаймаганини англатса? Албатта, йўқ.

Бошқача айтганда, сизнинг жозибаторлигингиз нима қилаётганингиз билан эмас, балки кимлигингиз билан белгиланади. Худонинг режасига кўра, аёл жинсийлиги эркак жинсийлигидан фарқ қилади, буни оддий кўз билан кўриш мумкин.

Vive la difference!

(Французчада: "Яшасин фарқ!")

Туғруқхонадан янги туғилган ўғлимни олиб келганимда, уч ёшли қизим тез орада: "Ойижон, менда бундай таёқча йўқ!" деди. Бизнинг жисмоний таналаримиз ўртасидаги фарқ эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқларнинг бошланиши холос.

Ўзингизнинг жинсий поклигингизни сақлаш ва бошқаларга ҳам шундай қилишга ёрдам бериш учун бу фарқларни яхши тушуниш жуда муҳимдир.

Бунинг учун биз сиз билан орқага, дунёнинг яратилишига хаёлан саёҳат қиламиз.

Келинг, Эрам боғидаги Одам Ато ва Момо Ҳавони кўз олдимизга келтирайлик. Худо уларга шундай буйруқ беради: "Ували жували бўлиб, ер юзини тўлдиринглар" (Ибтидо 1: 28). Бу буйруқ қуйидагича талқин қилинади: "Жинсий алоқа билан шуғулланинг ва болалар туғинг."

Нима деб ўйлайсиз, агар Одам Ато Момо Ҳавога шунчалик ўхшаган бўлса-ю, у билан қўл ушлашиб, боғда сайр қилиб, гуллар териб, ички ҳис-туйғуларини баҳам кўрса, тўлиқ бахтга эришиш учун жинсий алоқа қилиш қачондир уларнинг хаёлига келармиди? Бўлиши мумкин эмас.

Аммо Худо Одам Атони Момо Ҳавонинг ажойиб гўзаллигини кўрганда ёниб кетадиган қилиб яратган ва у ҳақиқатан ҳам "кўпайишни ва насл қолдиришни" хоҳлаган ва шу билан Худонинг амрини бажарган. У бу аёл гавдасига кўз қирини ташлаши биланоқ: "Қани, қизалоқ, тезроқ менинг олдимга югур!" деб ўйларди.

Худо илк одамларга улкан масъулият - инсоният наслининг аждоди бўлиш вазифасини юклаган. Эркак киши бу улкан вазифани бажаришга қодир бўлиши учун, Худо унга айнан керакли нарсани, яъни лаззат бахш этадиган жисмоний яқинлик истагини берган. Эркак кўнгли тортган нарсасига қўл чўзишни, унга тегинишни, уни эркалашни, қучоқлашни, у билан муҳаббат қўшилиб бор кучини тўкишни истади.

Одам Ато Момо Ҳавога илк бор назар ташлаганидан буён бу каби томошалар кучли жинс вакилига ҳаяжонли таъсир кўрсатади. Бундай визуал стимуляцияда эркакда сперма ишлаб чиқарилиши кескин кўтарилиб, унинг жисмоний алоқага бўлган интилишини шу қадар кучайтирадики, у ўз устидан назоратни йўқотиши мумкин. Шундай бўлса-да, Худонинг ёрдами билан ҳар бир эркак жинсий майлларини жиловлашни ўрганиб, ҳайвон эмас, балки эркак эканини исботлаши мумкин.

Мулоҳаза юритишда давом эттираемиз. Агар Момо Ҳаво худди шу тарзда Одам Атони таъқиб қилганида, у билан муҳаббатини кўрсатишга интилганида, далада ишлаганида ва футбол ўйнаганида, у соғлом, мувозанатли, сезгир болаларни тарбиялай олармиди? Бўлиши мумкин эмас. (Вақт ўтиши билан унинг ўғли Қобил кимга айлангани бошқа масала - мулоҳазаларимиз ипини йўқотмайлик!)

Аммо Худо Момо Ҳавонинг қалбига яқинлари билан ҳиссий боғлиқ бўлиш, уларни боқиш ва ғамхўрлик қилиш истагини жойлаган. Худо унга "кўпайишни" ва "ўстиришни" буюрди. У аёлга (у билан бирга барча аёлларга) инсониятнинг боқувчиси бўлиш мажбуриятини юклади ва унга бунинг учун зарур бўлган хусусиятни: ҳиссий яқинлик истагини сингдирди. Аёл ўзи севган кишисини аллалаш, эркалаш, суҳбатлашиш, ғамхўрлик қилиш учун яратилган.

Шундай қилиб, агар эркаклар кўриш орқали идрок этган нарсаларидан ҳаяжонланишлари мумкин бўлса, аёлларни одатда эшитган ва ҳис қилган нарсалари қизиқтиради. Порнография томоша қилиш васвасаси йигит учун енгиб бўлмас туюлиши мумкин, аммо сизни севги романини ўқиш ёки севимли рок қўшиқчисининг концертига бориш истиқболи кўпроқ жалб қилади. Эркак киши ечинаётган аёлни завқ билан тасаввур қилади; сиз эса, эҳтимол, қўлингизни авайлаб ушлаб, қулоғингизга қандайдир ёқимли нарсаларни шивирлаётган йигитни тасаввур қилсангиз керак. Эркак қарагиси ва ушлагиси келади, аёл эса ҳиссий бирлашувни излайди.

Йигит жозибали нарсани кўриб, жинсий васвасага тушади; сизни эса севишларини, ишашларини, қадрлашларини ва ардоқлашларини хоҳлаганингиз учун юрагингиз сиқилади. Гарчи йигит ҳам ақлий, ҳиссий ва руҳий алоқага муҳтож бўлса-да, унинг жисмоний эҳтиёжлари, образли қилиб айтганда, доимо рулда ўтиради, бошқа барча эҳтиёжлар эса ён ва орқа ўриндиқларга жойлаштирилади. Сизда эса бунинг тамомила акси. Ёш аёлнинг ҳис-туйғулари одатда ҳайдовчи ўрнини эгаллайди. Йигитлар жинсий алоқа қилиш учун севгига рози бўлади, қизлар эса севгига эришиш учун жинсий алоқага рози бўлади, деб бежиз айтилмаган. Афсуски, кўплаб ёш хонимлар

биринчи марта ўзларини шунчаки қучоқлашларини хоҳлаганларида жинсий алоқага киришган.

Шуни билишингизни хоҳлар эдикки, никоҳсиз жинсий алоқа сизга ҳеч қачон муҳаббат ҳам, сиз орзу қилган муносабатлар ҳам олиб келмайди, лекин Худонинг ёрдами билан сиз ўзингизни рўёбга чиқаришингиз ва соғлом турмуш тарзида қониқиш топишингиз мумкин.

Жинсий яқинлик эркакка завқ бағишлаши мумкин, бунда унинг қалбига ҳеч қандай таъсир қилмайди ва унинг хоҳиш-истаги билан ҳеч қандай руҳий бирликни келтириб чиқармайди. Бу чегараланишнинг энг охирги даражасидир. Ҳеч қачон: йигитлар худди сиз каби ҳис қилишади, деб ўйламанг.

Соғлом ёш аёл ўз навбатида танасини фақат кеча-ю кундуз ким ҳақида ўйласа, ким билан қалбан ва руҳан қўшилиб кетган бўлса, ўшанга беради (албатта, бу ерда ҳам баъзи функцияларнинг бузилиши ёки зарарли одатларга мойиллик билан боғлиқ истиснолар мавжуд). У ақл, юрак ва қалб билан берилганда, одатда, тана ҳам унга эргашади. Бу тўртлик бир-бири билан жуда кўп ва мураккаб боғланишлар орқали боғланган. Стив Фред Стокер билан ҳамкорликда ёзган "Ҳар бир йигитнинг кураши" китобида ёшлар аёлга шаҳват билан қарамаслик учун кўзларини бир зумда бошқа томонга олиб қочишлари қанчалик муҳимлиги ҳақида сўз боради. Гарчи сиз қаёққа қараётганингизни назорат қилишингиз керак бўлса-да (ахир, аёл ҳам эҳтиётсиз нигоҳлардан ҳаяжонланиши мумкин), сизнинг асосий ташвишингиз юрагингизни ҳимоя қилиш ва дарҳол васваса ҳақидаги фикрлардан қочиб, бошқа нарсага эътибор қаратишингиз керак.

2.1-жадвалда биз ҳозиргина муҳокама қилган фарқларнинг қисқача рўйхати келтирилган. Кейинчалик биз йигитлар ва қизлар ўртасидаги баъзи бошқа фарқлар ҳақида гаплашамиз ва ҳозирча энг муҳими, Худо эркаклар ва аёлларни жуда фарқли қилиб яратганини тушунишингиздир. Аммо ҳар қанча ўхшамасак ҳам, бир-биримизга жуда мосмиз.

Йигитлар	Қизлар
Жисмоний истаклари билан бошқарилади	Ҳиссий истаклари билан бошқарилади
Жисмоний яқинликка ташна	Ҳиссий яқинликка чанқоқ
Кўрган нарсаларидан шаҳватлари уйғонади	Эшитиш ва сезиш орқали шаҳватлари қўзғалади
Жинсий алоқа қилиш учун севгига рози бўлади	Севгига эришиш учун жинсий алоқага рози бўлади
Тана ақлдан, қалбдан ва руҳдан ажралиши мумкин	Тана, ақл, қалб ва руҳ бир-бири билан чамбарчас боғлиқ

2.1 Жадвал

Бир-бирига уйғунлашиш учун яратилган.

Худонинг мукаммал ниятига кўра, биз танамиз, ақлимиз, ҳис-туйғуларимиз ва руҳимиз билан қарама-қарши жинсга интиламиз, бир-биримизга яқинлашишга интилаяпмиз.

Жинсий алоқага интилиш "Менга бир назар сол!" деган илтимосга ўхшайди. Бу ич-ичимизда қандай бўлсак, шундайлигича кўриш ва маъқуллаш, худди шундай бир-биримизни чинакамига билиш учун бошқа одамнинг туб-тубига назар ташлаш каби зерикарли истақдир. Дарвоқе, Вебстер луғатига кўра, "билмоқ" феълнинг маъноларидан бири жинсий алоқага киришидир.

Худо бизнинг танамизни жинсий алоқа пайтида эркак жинсий аъзоси аёл қинига мукаммал жойлашадиган қилиб яратган. Аммо жинсий яқинлик шунчаки жисмоний қўшилиш учун мўлжалланмаган.

Худо уни икки жисм, икки ақл, икки қалб ва икки руҳнинг қўшилиб, бир танага айланишини истаган. Кимки бахтли эр-хотинлик доирасида бу бирлашувни ҳис этган бўлса, у осмоннинг бу томонида бўлиши мумкин бўлган энг ажойиб ва мукаммал ҳис-туйғулардан бирини бошдан кечирган бўлади.

Худо жинсий яқинликдан хурсанд бўлишингизни истайди. У сизга тананинг алоҳида қисмини - клиторни берди, унинг сизга жинсий лаззат ҳиссини беришдан бошқа вазифаси йўқ.

Бир-бирини кутиш учун яратилган

Ажойиб, тўғрими? Эгамиз эркак ва аёлни бир-бирига айнан мос келадиган, бир-бири билан ҳиссий бирликка интиладиган, бир-бирини кўрганда, овозини эшитганида, ҳатто ҳидидан ҳам шаҳвати уйғонадиган, ҳаяжонланадиган қилиб яратган. У бизни шунчалик севадики, вужудимизнинг ҳар бир ҳужайрасини Унинг амрини бажариш - кўпайиш ва насл қолдириш истаги билан титрайди. У жинсий алоқа эркаклар ва аёлларга жисмоний, ақлий, ҳиссий ва маънавий жиҳатдан таърифлаб бўлмайдиган завқ бағишлашини таъминлади.

Бироқ, агар жинсий алоқа жуда ажойиб нарса бўлса, нима учун унга тайёр эканлигингизни ҳис қилган заҳоти у билан шуғулланишни бошлашингиз мумкин эмас?

Худонинг ниятига кўра, сиз фақат никоҳ қурибгина жинсий алоқадан завқ олишингиз керак. Худо жинсий алоқа одамга қанчалик завқ беришини ва жуфтликни қанчалик маҳкам боғлай олишини жуда яхши билади. Шунингдек, у никоҳдан ташқари жинсий алоқанинг жисмоний, ақлий, ҳиссий ва маънавий оқибатларидан хабардор бўлиб, сизни улардан ҳимоя қилишни истайди. Қачондир турмуш ўртоғингиз билан ўрнатадиган ажойиб яқинлик оғриқли оқибатлардан ва айбдорлик туйғусидан холи бўлади ва ростини айтсам, бу уни кутишга арзийди!

Тасаввур қилинг, икки жинсий пок одам турмуш қуряпти. У ўз қалбини никоҳгача бўлган жинсий алоқалар ва порнографиядан ҳимоя қилди, шунинг учун у ҳаётида кўрган ягона яланғоч аёл эди. У йигит учун нимани англатишини тасаввур қила оласизми? Уни эса унгача ҳеч бир йигит қучоқламаган, шунинг учун унга фақат унинг терисининг ҳиди таниш. Унинг тегинишлари ва эркалашларини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдди. У қиз учун нимани англатишини тасаввур қила оласизми? Улар заррача айбдорлик ҳисси аралашмаган жинсий алоқа билан шуғулланишлари мумкин ва буни умрларининг охиригача хоҳлаганча ва истаганча қилишлари мумкин. Худо яратган жинсий алоқа мана шундай бўлади. Ўхшатишларсиз. Умидсизликларсиз. Айбдорлик ёки уят ҳисси йўқ. Фақат эр-хотин ўртасидаги яхши, соф лаззат.

“Шунинг учун эркак киши ота–онасидан бўлак бўлиб, хотинига боғланиб қолади, иккаласи бир тан бўладилар. Одам билан хотини қип–яланғоч юрардилар, бир–бирларидан уялиш ҳиссини сезмасдилар” (Ибтидо 2:24,25).

3-БОБ

Ифбатли ва ориятли ҳаёт

Сизлар эса, эй азизларим, қутлуғ имонингизга таяниб ҳаёт кечиринглар. Муқаддас Рух илҳоми билан ибодат қилинглар. Худонинг севгиси паноҳида бўлиб, ўзингизни асранглар. Раббимиз Исо Масиҳнинг келишини кутинглар. У келиб, Ўз марҳамати туфайли бизга абадий ҳаёт ато қилади.

Яҳудо 1:20,21

"Менинг хотиним ва болаларим" комедия телекўрсатувининг эпизодларидан бирида Майкл (Деамон Ваянс ўйнаган) ва Жанет (Тиша Кемпбелл-Мартин ўйнаган) вояга етмаган қизларини ёш йигит билан биринчи учрашувга қўйиш ёки қўймаслик ҳақида баҳслашадилар. Майкл хотинига шундай дейди: "Мен шунчаки бу йигитнинг қизим билан чегарадан ўтишини хоҳламайман!"

Хотин: "Яна қанақа чегара?" деб сўраса, эр: "Ички кийимининг чегараси!" деб жавоб беради.

Афсуски, жуда кўп ёш аёллар жинсий ифбат тугайдиган ва хавfli хатти-ҳаракатлар бошланадиган чегарани ички кийимлар чегараси деб ҳисоблашади. Аммо бузуқлик ҳақиқатан ҳам шу чегарадан ўтиш билан бошланадими? Албатта, биз бундай деб ўйламаймиз.

Бузуқликка қарши ифбат

Аввалги бобда, Худо бизни жинсий мавжудот қилиб яратгани ва Унинг ниятига кўра, жинсий алоқа қувончи фақат эр-хотинлар ўртасида бўлиши мумкинлиги ҳақида гапирган эдик. Ушбу ҳақиқатларни ёдда тутган ҳолда ифбат ҳақида гап бошлаймиз. Яхлит шахс бўлиш нима дегани? Бу шуни англатадики, сизнинг ҳаётингиз бир бутун бўлиб, унинг ҳеч бир қисми бошқаси билан зиддиятга киришмайди. Масиҳга ишонган ва ўзини масиҳий деб эълон қилган одам Исонинг таълимотига зид бўлмаган ҳаёт кечирishга ҳаракат қилади. Агар у буни уддалай олса, демак, у яхлит шахс.

Агар сиз ифбатли қизни болалар даврасида кулиш ва хурсандчилик қилишга ҳеч қачон йўл қўймайдиган зерикарли ва совуққон шахс деб ўйласангиз, қаттиқ адашасиз. У, ҳар бирингиз каби, ҳаётдан ва романтик муносабатлардан завқланишга ҳақли, аммо жинсий бузуқлик ҳаётига олиб кирадиган аччиқ таъмдан холи бўлади.

Бузуқлик ифбатга зид нарсадир. У сизни онгингиз ва қалбингизни Масиҳдан узоқлаштирадиган ишларга ундайди. Одатда бузуқлик майда-чуйда ишлардан бошланади, аммо вақт ўтиши билан катта гуноҳга айланиб, устингиздан ҳукмронлик қилади.

Агар сиз ифбатли ҳаёт кечирishни истасангиз, покликни сақлаш қарорингизни ўзгартирманг ва жинсий эҳтирослар устингиздан ҳукмронлик қилишига йўл қўйманг. Ўзингизни бошқаришни ўрганинг - шунда сиз эрингизга тўлиқ эгалик қила оласиз, у билан чандиқларсиз, бузуқликни ўз ичига олган оғир ҳиссий юксиз эҳтиросли жинсий алоқадан завқлана оласиз. Бир ўйлаб кўринг-а, эрингиз ўзингизни унинг учун асраганингизни, уни фақат жисман эмас, ақлан, юракдан, қалбдан сева олишингизни билса, нақадар бахтиёр бўлади!

Тўрт оёқли жинсий жозибаторлик.

Ифбат нима эканлигини яхшироқ тушуниш учун жинсий жозибаторликни стол шаклида тасаввур қилинг. Маълумки, стол тўртта оёқда туради, бу эса унга барқарорлик беради. Худди шунга ўхшаб, бизнинг жинсий жозибаторлигимиз ҳаётимизни мувозанатлаштирадиган тўртта таркибий қисмни ўз ичига олади. Агар қозик оёқли столнинг бир оёғи тушиб кетса ёки синиб қолса, у осонгина мувозанатини йўқотади ва бир томонга қийшайиб кетади.

"Ушбу китобни ўқиганимда кўзларим очилгандек бўлди: аслида, биз йигитлар каби қизларда ҳам жинсий алоқа борасида осон эмас экан! Юрагини асраб қолиш шунчалик қийин деб ўйламагандим. Умид қиламанки, энди бир қиз билан ўйнашмоқчи бўлганимда, аввал тўхтаб, яхшилаб ўйлаб кўраман." Жон

Дўстларим Кевин ва Рут қозик столнинг ёрқин намунасини кўриш имкониятига эга бўлишди. Бу уларнинг никоҳ тўйида содир бўлди. Дастурхон тўшалган узун зиёфат столида кўп қаватли ажойиб торт, пунш идишлари ва биллур қадаҳлар ярқирар, кумуш идишлар ялтирар, қордек оппоқ, крахмалланган, монограммали салфеткалар мағрур турарди. Ҳамма бало шундаки, стол қўяётган киши йиғма оёқлардан бирига илгак қўйишни унутиб қўйган. Қип-қизил пунш сувлари биллур идишга қуйилиши биланоқ, бу оёқча қийшайиб кетди ва барча ҳашаматли дастурхон стол четига бориб урилди ва гумбурлаб полга тушди! Торт тўппа-тўғри пунш идишига тушди, ҳамма салфеткалар ҳўл бўлди. Меҳмонлар саросимага тушиб, келин-куёвга ўгирилиб, саросима ва даҳшат кутишарди. Аммо янги келин-куёвнинг қаҳ-қаҳ уриб кулишлари ҳамманинг кўнглини кўтарди.


Жинсий жозибаторлигимизнинг "оёқ"ларидан бири синиб қолганда, вазият бутунлай бошқача бўлади - бу ерда кулишнинг иложиси бўлмайдди, чунки ҳаётимиз ўзимиздан норозилик, бузуқлик, ўз-ўзидан жирканиш ва ҳиссий парчаланишга олиб келадиган сирпанчиқ қияликка айланиши мумкин. Бу содир бўлганда, ҳаётимизга бойлик ва қувонч олиб кириши керак бўлган Худонинг марҳамати кўпроқ оғриқ ва умидсизликни келтириб чиқарадиган лаънат сифатида сезилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, биз жинсий жозибаторлигимиз тўрт жиҳатдан иборат: жисмоний, ақлий, ҳиссий ва руҳий. Ушбу таркибий қисмларнинг уйғунлашуви Худо сизга яратган ягона шахсни шакллантиради. Яна бир бор такрорлаймиз: сизнинг шахвонийлигингиз - бу сиз қилаётган нарса эмас, бу сизнинг ўзингиз, сизнинг табиатингиз эса тана, ақл, юрак ва руҳдан иборат (нафақат танадан!). Демак, ифбат, яъни жинсий ифбат фақатгина жисмоний тийилишдан иборат эмас. У борлиқнинг барча жиҳатлари - жисм, ақл, қалб ва руҳнинг поклигини назарда тутаяди. Тўртта таркибий қисм мукамал даражада текисланганда, сизнинг "столингиз" (яъни сизнинг жинсий жозибаторлигингиз) мувозанатни йўқотмайди ва мустаҳкам бўлади.

Сирпанчиқ қияликлар

Кўп қизлар ўзларини ифбатли деб аташади, чунки улар жинсий алоқада бўлишмаган ёки йигитни ички кийимининг чегарасидан ўтишига йўл қўйишмаган. Улар ҳақми? Яхшилаб ўйлаб кўрайлик:

- Балки сиз ҳеч қачон ўғил бола билан ўпишмагандирсиз, лекин порнография кўрасиз, беҳаё романлар ўқийсиз ёки шахвоний руҳдаги мусиқа тинглайсиз, никоҳда бўлмаган одам билан жинсий алоқа қилишни ёки яқинликни тасаввур қиласиз... Қўлингизни кўксингизга қўйиб, жинсий жиҳатдан пок ҳаёт кечиряпман деб айта оласизми? (Бу ақлий мурасага мисол бўла олади.)
- Балки жисмонан бокира бўлиб қолаётгандирсиз, лекин ўзингиз истаган қониқишни олиш учун доим йигитлар билан қалтис ўйин ўйнаётгандирсиз? Сизни ифбатли ҳаёт кечиряпти, деб айтиш мумкинми? (Бу ҳиссий мурасага мисол бўла олади.)
- Балки сизда ҳеч қачон жинсий яқинлик бўлмагандир, лекин сиз йигитга қўлингизни кўкрагингизга қўйишига руҳсат берарсиз ёки "қўл меҳнати" (эркак жинсий аъзосини массаж қилиш) билан шуғулланасиз ёки "най чалиш" (орал жинсий алоқа) билан шуғулланасиз. Сиз шундай қила туриб, ўзингизга жинсий покликни сақлаяпман, дея оласизми? (Бу жисмоний мурасага мисол бўла олади.)

Худо сиздан истайдиган жисмоний, ақлий, ҳиссий ва руҳий барқарорликка эришиш учун "стол"ингизни сирпанчиқ қияликларга қўймасликка ҳаракат қилинг, яъни ўзингиз билан ҳеч қандай мурасага келманг. Бунга қандай эришиш мумкин, деб сўрайсизми? Шубҳаланманг: бу китобни охиригача ўқиб чиқиб, барча саволларга жавоб оласиз.



3.1-расм: Тўрт оёқли жисмоний жозибадорлик

Турмуш қурмаган пайтингизда иффатни сақлаш, Худонинг ниятига зид бўлган қарама - қарши жинсдаги кишилар билан бўладиган жисмоний, ақлий, ҳиссий ва руҳий муносабатлардан ўзингизни асрашни англатади. Турмушга чиқмаган қизлар қалб, ақл, руҳ ва тана эҳтиёжларини қондиришни Худодан сўрашлари керак.

Қарама-қарши жинсга қизиқиш ёки бир кун келиб турмушга чиқишга, ёш йигит билан учрашишга ёки доимий дўстга эга бўлишга умуман ҳаққим йўқ, деб ўйламанг. Бу фақат бир нарсани англатади: қалбингиз, ақлингиз ва танангизни иффатингизга путур етказиши мумкин бўлган қалтис қадамлардан асрашга ҳаракат қилишингиз керак.

Турмуш қурганингиздан сўнг, жинсий яхлитлик сиз учун эрингиз билан жисмоний, ақлий, ҳиссий ва руҳий бирлашувни англатади - ва бошқа ҳеч ким билан, яъни никоҳдан ташқари ҳеч қандай эркак билан эмас.

Ҳар қандай муроса - жисмоний, ақлий, ҳиссий ёки руҳий - жинсий яхлитлигингизни бузади. Инфекция бир аъзодан иккинчисига ўтади, ниҳоят, бутун танага таъсир қилади ва сизни Худо хоҳлаган жинсий яхлитлик ва тўлиқликдан маҳрум қилади.

Қонунми ёки муҳаббатми?

Иффат ҳақида гап кетганда, кўпчилик одамлар уларга турли хил "қил" ва "қилма," "мумкин" ва "мумкин эмас," "керак" ва "керак эмас" каби рўйхатини беришларига умид қилишади. Улар: Қай даражагача жазосиз ҳаракат қилиш мумкин эканлигини билишни истайдилар. Қанча узоққа бориш мумкин? "Жуда узоқ" дегани нима ўзи? Аммо сизни ишонтириб айтаемизки, бундай тақиқлар ва маслаҳатлар рўйхати жавобнинг энг яхши варианты эмас, чунки у фақат ташқи, жисмоний ҳаракатларга тааллуқли. Биз, масалан, қандай кийинишни ёки у ёки бу вазиятда ўзимизни қандай тутишни танлашда ички истакларимиз ва фикрларимиз билан нима қилишимиз керак? Бизга нафақат жисмоний хатти-ҳаракатларимизни, балки ақлий ва ҳиссий хатти-ҳаракатларимизни ҳам ўз ичига оладиган жинсий яхлитлик ўлчови керак. Ақлимизни ҳам, қалбимизни ҳам, танамизни ҳам қамраб оладиган қоидалар рўйхатини ишлаб чиқиш мумкинми?

Жавоб легализмда эмас (ва бу сўз "қонун ҳарфига қатъий содиқлик" деб талқин қилинади), балки масиҳий севгидадир. Қадимги Аҳд даврида мавжуд бўлган сон-саноксиз қоида ва кўрсатмаларни Худо бор-йўғи ўнта амрга қисқартирди.

Кейинчалик, Янги Аҳд пайтида Исо бу қонунларни иккита асосий амрга бирлаштирди. Агар сен бу икки амрга мувофиқ яшаётган бўлсанг, демак, сенинг ҳаётинг иффат билан белгиланади.

Исо: "Қайси амр энг улуғ?" - деган саволга жавоб бераётиб, бу икки қонунни тушунтириб берди.

“Исо унга деди: — “Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан севинг.” Бу биринчи ва энг буюк амр. Иккинчиси эса шунга ўхшашдир: “Ўзгани ўзингизни севгандай севинг.” Бутун Таврот ва пайғамбарларнинг ҳамма битиклари* мана шу икки амрга таянади.” (Матто 22:37-40).

Исо қонун эмас, балки севги муҳимдир деб айтади. Кимки Худони севса, ўз яқинини севса, ўзини севса (айнан шу тартибда!), у ўз ҳаёти билан ҳар қандай қоидалар ёки кўрсатмалардан юқори туради. Муҳаббат руҳи ҳар қандай расмий андозалардан халос этади.

Исонинг "эркинлик ва масъулият" ҳақидаги таъкидини ҳаворий Павлус ҳам такрорлайди:

“Баъзиларингиз: “Инсон хоҳлаганини қилишга ҳақли”, деб айтяпсиз. Тўғри, лекин ҳамма нарса ҳам фойдали эмас. Инсон хоҳлаганини қилишга ҳақи бор, лекин ҳамма нарса ҳам манфаат келтирмайди. Ҳамма биринчи ўринда ўзининг эмас, бошқаларнинг манфаатини кўзда тутсин.” (1 Коринфликлар 10:23, 24).

Ҳаворий Павлус шундай деган: " Ҳамма нарсани қилиш мумкин, лекин ҳар қандай иш ҳам сизга ёки бошқаларга фойда келтирмайди. "Мумкин бўлган" нарсани эмас, балки ҳамма учун энг яхши бўлган нарсани қилишга ҳаракат қилинг." Бу ифбатга қандай тааллуқли?

Келинг, бир нечта вазиятларни олиб, уларни "қонун" ва "севги" филтридан ўтказамиз:

- Тор кийим кийишни тақиқловчи қонун йўқ, лекин уни кийишингиздан мақсад нима: яхши кўринишга интилишми ёки йигитлар сизни кўзлари билан кузатиб қолишларини хоҳлайсизми?
- Мамлакатимизда сўз эркинлиги бор, лекин ҳар доим ҳам ёшларга айтаётган гапларингиз уларнинг фойдасига ишлайдими ёки гапларингиз шунчаки йигитларни ўз мақсадингизга эриштириш учун манипуляция қилиш воситасими?
- Муқаддас Китобда эҳтиросли ўпичлар тақиқланмаган, лекин никоҳдан ташқарида қондирилиши мумкин бўлмаган шахвоний истақлар билан йигитнинг эҳтиросини кўзғатиш яхшими?

У ёки бу тарзда ҳаракат қилишдан олдин, ҳар доим яширин ниятингизни аниқлашга ҳаракат қилинг. Шунда сиз қонун ҳақида ортиқ қайғурмайсиз, чунки сиз буюкроқ қоидага - севги қоидасига амал қиласиз. 3.2-жадвалда икки турдаги саволлар келтирилган бўлиб, уларнинг баъзиларига (чапдаги устун) қиз ўз виждони билан мурасага келади, бошқалари (ўнгда) унга ифбатли бўлишга ёрдам беради. Улар сизнинг ниятларингиз ва хатти-ҳаракатларингизни баҳолашдаги фарқни кўрсатади, бу уларга қандай қарашга боғлиқ: қонун линзаси орқалими ёки севги орқалими.

<i>Мурасага олиб келувчи саволлар</i>	<i>Ифбатга олиб келувчи саволлар</i>
Бу ишим билан қонунни бузаманми?	Бу мен тарафдан севги намоён бўлиши бўладими?
Бу ҳақида ким билиб қолади?	Бу ишим учун кейин уялиб қолмайманми?
Ким мени ҳукм қилади?	Наҳот бу қила олишим мумкин бўлган энг муносиб иш бўлса??
Бу жамиятимиз томонидан қабул қилинадими?	Бу менинг эътиқодимга қарши эмасми?
Шунчалик очиқ кийинаманми?	Ўзимга эътиборни тортадиган тарзда кийинганманми?
Хоҳлаган нарсамга қандай эришишим мумкин?	Истагим нимадан келиб чиққан?
Айтган гапим жазосиз қолармикин?	Эҳтимол буни айтмаганим маъқулдир?
Бу кимга зиён еткази?	Бу кимга фойда келтиради?

3.2 Жадвал

Биз барча онгли ҳаракатларимиз учун Худо олдида жавоб берамиз. Агар сиз ифбатли аёл бўлишни истасангиз, ўзингизнинг баъзи "эркинликларингиз" (кийиниш, фикрлаш, гапириш ва хатти-ҳаракатлар) билан хайрлашишингиз керак бўлади. Худо сизга нафақат ифбатли бўлишни ўргатади. Агар сиз бу билимларни ҳаётингизга татбиқ этсангиз ва масъулият билан ҳаракат қилсангиз, У сизга мукофот ҳам беради.

Жинсий жозибаторлик ва ҳиссий яхлитлик

Шундай қилиб, айтилганларга яқун ясаймиз. Агар сиз жинсий ва ҳиссий жиҳатдан яхлитликка эга аёл бўлишни истасангиз, фикрларингиз, сўзларингиз, ҳис-туйғуларингиз ва ҳаракатларингиз ички гўзалликни, Худога, ўзингизга ҳамда бошқаларга нисбатан самимий муҳаббатни акс эттиришига эътибор беринг. Бу, албатта, ноўрин фикрлар, сўзлар, ҳис-туйғулар ёки хатти-ҳаракатлардан бутунлай холи бўлишни кафолатламайди - шунчаки сиз бу васвасаларга қарши туришга ва ўз эътиқодингизни маҳкам ушлашга қаттиқ ҳаракат қиласиз. Сиз муҳаббатга бўлган чанқоғингизни қондириш учун қарама-қарши жинснинг эътиросини ва жинсий хаёлларингизни қўзғатмайсиз.

Сиз эркаклар эътиборини тортадиган тарзда кийинмайсиз, лекин бу гардеробингизни товонгача тушадиган юбкалар ва томоққача ёпиб турадиган кийимлар билан чеклаб қўйишни англамайди. Сиз замонавий кийинасиз, ажойиб кўринасиз, баъзи йигитларнинг назарида эса, эҳтимол, жинсий жозибаторликка эга бўласиз (бу мутлақо шахсий таассурот, шунинг учун баъзи йигитлар сизни ҳатто ҳаддан ташқари камтарона кийинсангиз ҳам, жинсий томонлама жозибатор деб ҳам ҳисоблашади), лекин шу билан бирга, сизнинг истакларингиз ғаразгўйлик ёки васвасага солиш ниятидан йироқ бўлади. Сиз ўзингизни Худонинг номига доғ туширмаслик кераклигини биладиган жозибали ёш аёлдай тутасиз.

Ишларингиз сўзларингиздан фарқ қилмаслиги керак. Агар сиз ўзингизни Масихнинг издоши деб эълон қилсангиз, унда Унинг ахлоқий таълимоти - шаҳвоний фикрлар, кийиниш тарзи ва беҳаё суҳбатларга йўл қўймаслик ҳақидаги таълимотини эътиборсиз қолдирмайсиз. Сиз Худо буюрганидек яшайсиз ва бундан ички гўзаллигингиз янада ёрқинроқ порлайди. Ниҳоят, бўлажак никоҳ Худони қандай ният қилган бўлса, айнан шундай бўлишига ва сиз эрингиз билан завқланиб яшашингиз мумкин бўлган жўшқин жинсий муносабатларни олиб келишига умид қиласиз.

Агар ифбатли ҳаёт йўлида янги кашфиётларга тайёр бўлсангиз, нафақат танангизни, балки ақлингиз ва қалбингизни ҳам қандай асрашни билишни истасангиз, биз билан қолинг. Ҳозир биз васвасаларимизни кучайтирадиган афсоналарни йўққа чиқарамиз.

“Ким Менинг бу сўзларимни эшитиб, уларга амал қилса, уйини тош устига қурган доно одамга ўхшайди. Ёмғир ёғиб, селлар тошиб, шамоллар эсиб, ўша уйни босиб қолибди. Лекин тош устига ўрнатилгани учун уй қуламабди. Бироқ ким Менинг бу сўзларимни эшитиб, уларга амал қилмаса, ўз уйини қум устига қурган аҳмоқ одамга ўхшайди. Ёмғир ёғиб, селлар тошиб, шамоллар эсиб, ўша уйни босиб қолибди. Уй қулаб, бутунлай вайрон бўлибди!”

(Матто 7:24-27)

4-БОБ

Васвасаларимизни кучайтирувчи афсоналар

Ана, халқим Мени билмагани учун нобуд бўлмоқда...

Хўшея 4:6

Ҳар йили мен юзлаб ўсмир ва талаба қизларга "муҳаббатни нотўғри жойлардан излаш" мойиллигини енгишни ўргатаман. Бу ёш аёлларнинг баъзилари илгари жинсий алоқада бўлган. Ҳар

бир курс охирида семинар иштирокчиларидан қуйидаги саволга жавоб беришларини сўрайман: "Жинсий алоқа, севги муносабатлари ва учрашувлар ҳақидаги қайси афсоналар сизни хавfli жинсий вазиятларга дучор қилган ёки носоғлом муносабатларга олиб келган?" Ушбу бобда тасвирланган етти афсона мен одатда оладиган энг кенг тарқалган жавобларни акс эттиради.

Гарчи бир қарашда у ёки бу нотўғри тушунчалар шахсан сизга ҳеч қандай алоқаси йўқдек туюлиши мумкин бўлса-да, улар ҳақида ёзилган ҳамма нарсани диққат билан ўқиб чиқишни маслаҳат берамиз. Кўпинча биз ҳали дуч келмаган нарсаларимиз ҳақида маълум бир фикрга эга эканлигимизни ҳатто билмаймиз ҳам. Ушбу афсоналарнинг моҳиятини ва улар асосланган ёлғонни тушуниб, сиз бундай васвасага дучор бўлсангиз, ўзингизни янада ишончли ҳимоя қила оласиз.

1-афсона

Қандай кийинишим менинг ташвишим. Худога ҳам, ёшларга ҳам бунинг алоқаси бўлмаслиги керак.

Гардеробингиз билан Худонинг иши йўқ, деб ўзингизни ишонтиришдан олдин, Муқаддас Китобдан мана бу парчани ўқиб кўринг - у сизга мос келмайдими?

“Исо Ўз шогирдларига яна деди: “Гуноҳга етаклайдиган васвасалар доимо келади. Аммо васвасага сабабчи бўлган одамнинг ҳолига вой! Бу кичикларнинг биронтасини гуноҳга бошлаганингиздан кўра, бўйнингизга тегирмон тошини осиб, сизни денгизга ташлашгани ўзингиз учун яхшироқдир.” (Луқо 17:1,2)

Ёдингиздами? - биз йигитларда жинсий қўзғалишни келтириб чиқарадиган нарса ҳақида айтиб ўтган эдик. Улар кўриб идрок қиладиган нарса! Улар жинсий жиҳатдан жозибали бирор нарсани, масалан, очиқроқ кийинган ёш аёлни кўрганларида, уларнинг табиий реакцияси унга жисмоний мойиллик ҳисси ва яқинлик ҳақидаги доимий фикрдир. Қолаверса, бу йигит масиҳийми ёки йўқми, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Ҳатто имонли ёшлар ҳам бу васвасага учраши мумкин. Хуллас, агар сизлар Масиҳдаги биродарларингизни бундай қоқилиш ва йиқилишдан қутқаришни истасангизлар, камтарона кийининглар.

Кўпгина ёш аёллар, шу жумладан масиҳий аёллар ҳам, кўкракларини кўрсатадиган тор трикотаж майкалар, спорт мини-юбкалари ёки тасаввурга ҳеч қандай жой қолдирмайдиган калта шортилар кийишади. Улар киндикдан юқорироқ кесилган топик ва жинси шим кийиб олишади, шим ва юбкадан иборат кўйлак кийиб, белни очиқ қолдиришади, баъзан ички кийимларининг чети ташқарига чиқиб туради. Кейинчалик улар яна шундай деб шикоят қилишади: "Болалар жуда қайсар! Биз қизлар уларга қарши нима билан курашишимиз кераклигини ёлғиз Худонинг ўзи билади!

Биз коллеж талабаси Нейтдан бу шикоятга изоҳ беришини сўрадик ва у қуйидагиларни айтди: "Агар қизлар бундай очиқ кийинишмаганида, йигитлар бунчалик қайсар бўлишмасди. Қизчани тор кўйлакда ёки ҳаддан ташқари очиқ ҳолда кўрганимизда, бизнинг жинсий радаримиз ҳаддан ташқари кучайиб кетиши аниқ ва биз уни эътиборга олиб қўмиз. Албатта, бунақаларга уйланиш одатда ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Аслида, агар йигит принципал бўлса, бу фикрдан воз кечади ва унга эътибор бермайди. Бўлмаса, унга тегажўғлик қила бошлайди - қандай ниятдалиги албатта тушунарли."

Яхши айтдингиз, Нейт! Бу афсонани йўққа чиқаришга ёрдам берганингиз учун ташаккур!

2-афсона

Бегуноҳ ноз-карашмада ҳеч қандай ваҳимали нарса йўқ.

Эҳтимол, сизга ҳар қандай жойда ва ҳар ким билан ноз-карашма қилиш мумкиндек туюлаётгандир, лекин бу, эҳтимол, ноўрин ноз-карашма йигитда қандай ҳис-туйғуларни уйғотиши мумкинлигини тушунмаганингиз учундир. Йигитга у билан жиддийроқ муносабатда бўлишдан манфаатдор эканлигини билдириш - бу бир масала, лекин ғашига тегиш ёки васваса қилиш истаги сифатида қабул қилинадиган ўйламасдан ноз-карашма қилиш - бу

бутунлай бошқа масала. Агар сиз у билан муносабат ўрнатмоқчи бўлмасангиз, йигитни ҳиссий ёки жисмоний жиҳатдан қўзғатиш шартми? Агар сиз аслида унинг умидини оқлаш ниятида бўлмасангиз, ўзингизнинг алоҳида эътиборингиз ва ёқтирганингизга ишора қилиб, одамга умид беришингиз тўғри бўладими? Одамларга самимий муҳаббат ва ҳурмат бундай хатти-ҳаракатлар билан мувофиқ келмайди. Сиз ўзингизни йигит билан жинсий яқинлашишдан манфаатдордек тутмаслигингиз керак.

Албатта, сўздан иш маъқул, деб бежиз айтилмаган, лекин сўзнинг атрофимиздаги одамларга, қолаверса, шахсиятимизга кўрсатадиган таъсирини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Ёқуб 3: 5, 6 да шундай дейилган: "Тил ҳам худди шундайдир, тил баданнинг кичкина бир узвидир, аммо катта муаммоларни келтириб чиқаради. Қара, кичкина бир олов бепоён ўрмонни ёндириб юборади! Тил ҳам оловга ўхшайди. Тил — узвларимиз орасида бир бузғунчи дунё! У бутун вужудимизни булғайди. У дўзахдан алангаланиб, бутун ҳаётимизни ёндиради." Агар сиз эркакда шаҳват оловини ёқишни истамасангиз ва ўз эҳтиросларингизни ўзингиз бошқаришга интилангиз, сўзларингиз ва ҳаракатларингизни тарозига солиб кўринг. Ўзингиз ёқтирган одамга бўлган қизиқишингизни нигоҳ, табассум, илиқ оҳанг билан кўрсатишингиз мумкин - лекин Худо фақат никоҳда қондиришни буюрган истакларни уйғотмаслик учун ўзингизга эҳтиёт бўлинг.

3-афсона

Менга ўзимни "тўлақонли шахс" деб ҳис қилишим учун йигитим бўлиши керак. Бу менинг барча муаммоларимни дарҳол ҳал қилади.

Мана яна бир янгилик! Агар сиз йигит керак деб ўйласангиз, демак, аслида бунга ҳали тайёр эмассиз. Ҳа, кинода ҳар доим бир қаҳрамон иккинчисига: "Сен менинг боримсан!" деган саҳналарни кўриш мумкин. Бу сўзлар қанчалик ишонарли бўлмасин, уларга ишонманг: фақат Худо тўлдириши мумкин бўлган руҳий бўшлиқни ҳеч бир инсон тўлдира олмайди. Шундай бўлса-да, кўпгина ёш аёллар ўзларини ҳаётнинг лаззатини ҳис қилишга мажбур қиладиган ягона одамни топишга жонжаҳдлари билан ҳаракат қилишади (худди турмушга чиқмаган аёл яшашга ҳам арзимайдигандек!).

Маслаҳатимизга қулоқ солинг. Ўзингизга яхшилик қилинг - яшашни бошланг! Лекин сиз хаёлингизга келтирган эртакнамо ҳаётда эмас - у ерда сиз ажойиб йигитни учратдингиз, севиб қолдингиз ва у билан яшаб, бойлик орттира бошладингиз... Сиз реал дунёда яшашингиз, Худо сизни ким қилиб яратганини тушунишингиз ва ўзингизни шундай деб тан олишингиз, яъни шундай бўлишингиз керак.

"Агар ўзимга шу ҳолимча ёқмасам-чи?" - деб сўрарсиз. Эҳтимол, ўзингизни бесўнақай, ҳаддан ташқари уятчан, ҳатто хунук деб ҳисобларсиз? Худонинг ёрдами билан сиз тузатиб бўлмайдиган нарсаларни қабул қилишни ўрганишингиз ва ўзгартириш мумкин бўлган нарсалар устида ишлашингиз мумкин. Эътиборингизни аҳамиятсиз ва тез ўтиб кетадиган нарсаларга - сизнинг мавжудлигингиздан беҳабар йигитчага ёки бурнингизда пайдо бўладиган зарарли ҳуснбузарларга қаратманг. Яхшиси, бир қадам орқага чекиниб, бутун манзарани кўриб чиқишга ҳаракат қилинг. Бу ҳаётда нимага эришишни истардингиз? Сиз ўз олдингизга қандай таълим, мартаба, ижтимоий мақсадларни қўясиз? Жамоатингизда нима қилмоқчисиз? Бу мақсадларга иштиёқ ва қатъият билан амал қилинг. Худо сизни нима учун яратганини яхшироқ тушуна бошлайсиз ва шунда албатта, сизни бирорта йигит сезиб қолишидан ва бугун бурнингизда қанча ҳуснбузар пайдо бўлганидан қатъи назар, ўзингизни севишни ўрганасиз.

Нима учун реал дунёда яшаш ва ўз олдингизга қўйган мақсадларга эришиш шунчалик муҳим? Чунки эр ҳам, йигит ҳам сизни ҳеч қачон бахтли қила олмайди. У қанчалик чиройли, бой, келишган, ақлли, художўй ва мафтункор бўлишидан қатъи назар. Ҳеч бир эркак ҳеч қачон аёлни ўзини тўлақонли шахс деб ҳис қилишга мажбурлай олмайди. Ўз аҳамиятингизни англаш - Худога бефарқ эмаслигингизни тушуниш ва У яратган шахс сифатида ўзингизни англаш билан бирга келади. Шундай бўлинг - шунда ўзингизни бахтли ҳис қилишингиз учун эркак нигоҳига ташна бўлишингизга ҳожат қолмайди. Бунинг сизга кераги йўқ, чунки сиз ўзингиздан ва ҳаётингиздан мамнун бўласиз.

Ҳақиқат шуки, сиз қанчалик муносиб шахсга айлансангиз, шунчалик муносиб шахслар сиз билан қизиқа бошлайдилар. Агар сиз Худони севсангиз ва мазмунли ҳаёт кечирсангиз, худди шундай одамлар сизга эътибор беришади. Агар қизиқишларингиз доираси қалбингиздаги бўшлиқни

тўлдиришга қодир одамни топиш билан чекланса, худди шундай умидсиз йигитни ўзингизга жалб қиласиз. Сиз у билан худди бир-бирининг қонини сўраётган итсиз икки канага ўхшаб қоласизлар. Агар сиз носоғлом муносабатларнинг лойқа сувларида сузиб, ўз қийинчиликларингизни ҳал қилишга уринсангиз, ўзингиз амин бўлингки, аҳволингиз фақат ёмонлашади!

Албатта, ёлғизликнинг ўзига яраша ёқимсиз томонлари бор. Баъзида ўзингизни бепарво ҳис қиласиз. Одамлар сиз ҳақингизда нима деб ўйлашидан хавотирланасиз. Келажакка назар ташлашдан қўрқасиз, чунки ўзингизни бир умр шундай ҳис қиласиз ва ёлғиз қоласиз. Аммо бир гапни айтай: эркак билан муносабатлар муаммолардан бутунлай халос қилмайди. Шунчаки бир қийинчиликлар тўпламини бошқасига алмаштираёсиз. Кимгадир боғланиб қолганингизда, эркинликдан маҳрум бўласиз. Ўз келажагингизни эркин режалаштиришнинг иложи йўқ, чунки ҳар доим бошқа одамни ҳисобга олишга тўғри келади ва сиз аввалгидек атрофдагилар сиз ҳақингизда нима деб ўйлашидан хавотирланасиз.

Сизга яримта одам билан яна яримта одам бир яхлит муносабатларга тенг бўлади деб туюлиши мумкин, аммо бу нотўғри. Никоҳ ришталари билан боғланган икки инсон бир-бирининг ижобий ва салбий томонларини кўпайтиради. Қалбингиз жароҳатланган бўлса, ўзингизни яхлит эмасдек ҳис қилсангиз, худди шундай одамни ўзингизга жалб қиласиз ва иккалангиз ҳам Худо сиз учун хоҳлаган нарсанинг озгина қисмини ҳис қиласиз.

Умид қиламизки, биз гўё сизнинг ёшлар билан ҳар қандай учрашувингиз ва муносабатларингизни қоралаймиз, деган таассурот туғилмади. Йўқ, албатта.

Ўзаро соғлом, пок муносабатлар кўп қувонч келтириши мумкин, никоҳ эса жуда гўзалдир. Аммо муносабатлар жараёнида сизга керакли шахсни топиш эмас, балки ўзингизнинг шаклланишингиз содир бўлади. Соғлом никоҳ - бу ўз қадриятларини бир-бирига сарфлашга қарор қилган икки етук, тўлақонли инсоннинг иттифоқидир. Сармоя тикиш учун ҳеч нарсаси йўқлиги сабабли бир-бирини йўқ қиладиган икки киши - демак, улар фақат тортиб олишлари мумкин - жуда ва улар жуда носоғлом муносабатлар ўрнатадилар.

4-афсона

Йигитлар ҳам, умуман олганда, никоҳгача бўлган муносабатлардан қизлар кутган нарсани кутишади.

Агар сиз ҳали ҳам тўлиқ тушуниб етмаган бўлсангиз, шошилмасдан ва аниқ қилиб такрорлаймиз: йигитлар қизларга қараганда бутунлай бошқача сабабларга кўра ҳаракат қилишади. Кўпинча йигит жинсий алоқа қилиш учун севгига рози бўлади; қиз эса севгига эришиш учун жинсий алоқа қилишга рози бўлади. Қандай хавфли комбинация пайдо бўлиши мумкинлигини пайқадингизми? Агар ҳалигача буни кўрмаётган бўлсангиз, яққол мисол келтирамиз. Ўн етти ёшли Кристел ҳикоя қилади:

- Мен Дениэл билан бир-биримизни сўзсиз тушунамиз, деб ўйлардим. Мен яқин, жуда яқин муносабатларга жуда интилардим, лекин жинсий алоқа билан турмуш қургунимча кутишни хоҳлардим. Дениэл ҳам шуни хоҳлаётганини айтди, лекин бир куни иккаламиз ёлғиз қолганимизда, у узоқ ўйлаб ўтирмай, мақсадга ўтди. Бирмунча вақт мен учун самимий суҳбатлар ва бўсаларнинг ўзи етарли бўлди. У ёғига ўтмоқчи эмасдим, лекин аста-секин у қўлларига эрк бера бошлади ва мени шу даражада "қўзхатдики" кейинчалик ўзим уяладиган ишларни қилишига йўл қўйиб бердим. Биз у билан жинсий алоқада бўлмаганмиз, лекин мен жуда хавфли чегарага тушиб қолдим, чунки у талаб қилган нарсани беришим кераклигини ҳис қилдим, акс ҳолда у менга бўлган қизиқишини йўқотарди."

Кристел эҳтиёткор бўлиши ва Дениэл билан ёлғиз қолмаслиги керак эди, чунки у аллақачон уни ўзи хоҳламаган жисмоний яқинликка мойил қила бошлаган эди. Агар сиз бундай ҳолатга кўникиш учун етарлича содда бўлсангиз (умид қиламизки, бундай эмас), тез орада самимий суҳбатлар ва ҳиссий завқ-шавқлар йигитингиз учун орзуларнинг чегараси эмаслигини билиб оласиз. Йигитларнинг кўпчилиги жинсий эҳтиросларини жиловлай олмасликларини англаб, Худо эркакларни аёлларга қараганда бошқача яратгани ҳақида гапирадиган бўлсак, қизлар билан ёлғиз қолмасликка ҳаракат қилишади. Улар эҳтиросли томошани кўрганда ҳаяжонланиш учун яратилган. Уларнинг якуний мақсади жинсий яқинликдир. Улар шундай яратилган. Улар ҳиссий яқинликни умуман қадрламайдилар ёки хоҳламайдилар ҳам эмас - кўпчилик уни қадрлайди ва унга интилади. Аммо бу уларнинг якуний мақсади эмас.

Бошқа томондан, аёллар ҳиссий ва руҳий яқинлик учун яратилган. Бу - сизнинг яқиний мақсадингиз. Сиз шундай яратилгансиз. Никоҳдан олдинги йигит сиздан Худо белгилаган чегаралардан чиқишни талаб қила бошласа, бундай муносабатлар сизга ҳам, Худога ҳам шараф келтирмаслигини ўзингизга айтиш вақти келган бўлади.

5-афсона

Менинг муҳаббатим уни қутқаради. Мен уни бошқа одамга айлантира оламан.

Хатога йўл қўйманг: кимгадир турмуш ўртоқ бўлишидан олдин унинг устида пухта ишлаш керак бўлган йигит билан учрашманг. Кўпчилик қизларни дастлаб йигитдаги тийиқсиз, исёнкор феъл-атвор ўзига тортади, кейин эса уни тузатишга ва орзусидаги эркакка айлантиришга киришади. Сизни хафа қилишни истамайман, лекин сиз ҳеч кимни ўзгартириш ёки қутқаришга қодир эмассиз. Буни фақат Худо қила олади ва У буни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Аёл муҳаббати бузуқ эркакнинг хулқ-атворида ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслиги азалдан маълум. У фақат оловга мой сепеди. Унинг муҳаббати гўё унга: "Сен қандай бўлсанг, шундайлигингча яхшисан!" деяётгандек бўлади.

Ёш аёл дўстининг халоскори бўлишга ҳаракат қилар экан, у тез-тез оғриқли умидсизликка тушиб туришга дучор бўлиб қолади. Бу ҳақда Гари Коллинз "Масиҳий маслаҳатининг Инжил асослари," китобида "мессия комплекси" деб аталадиган нарсани тушунтириб шундай дейди:

"Мессия комплекси одамларга ғамхўрлик қилиш тенденцияси билан боғлиқ... яқинларини уларнинг муаммолари ва қийин ҳаётий вазиятлардан қутқаришга ҳаракат қиладиган халоскор бўлиш. Ахир қайси биримиз Исо Масиҳга ўхшаб, одамни нотинч оиладан олиб кетишни, гиёҳвандлик ёки ичкиликбозликдан қутқаришни, зарарли турмуш тарзидан қайтаришни истамаймиз..."

Аммо одамлар қутқарувчи бўлишга ҳаракат қилганда, охир-оқибат уларни деярли ҳар доим хафагарчилик ва умидсизлик кутади. Шунга қарамай, вақти-вақти билан биз Масиҳнинг ролини ўзимизга синаб кўришни хоҳлаймиз. Бир дўстим шундай деган эди: "Агар мен одамларни оғриқдан қутқариб, уларни қийинчиликлардан халос қила олсам яхши бўларди... лекин ҳар сафар бу ишга қўл уришим керак бўлганда, мен ўзимнинг қанчалик ожиз эканлигимни эслайман ва ҳақиқий Масиҳ билан нима содир бўлганини ўйлайман. Уни хочга михлашган ахир"

Агар ҳис-туйғуларингизни нобуд қилишларини истамасангиз, нажот ва тузатиш ишини Худога қўйиб беринг. Ўзингиз эса кимгадир эр бўлишидан олдин ҳали анча улғайиши ва ўзгариши керак бўлган йигитлар учун ибодат қилинг.

Ёдингизда бўлсин: ким билан учрашиб юрган бўлсангиз, ўша сизнинг эрингиз бўлиши мумкин. Сиз муносабатга киришаётган йигитнинг феъл-атвори ҳар доим капитал таъмирга муҳтож эмаслигига ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қилинг.

6-афсона

Жинсий алоқа нима эканлигини синаб кўришни жуда хоҳлайман. Эҳтимол, мен шундоқ ҳам Худо олдида катта гуноҳ қилгандирман, шунинг учун қаршилик кўрсатишдан нима фойда?

Шайтон васваса ва гуноҳ ўртасидаги чегарадан ўтишга бизни ишонтириб, сохта айбдорлик туйғусини қўллашни яхши кўради. У, масалан, бизга қуйидаги фикрларни юборади:

Уни жуда хоҳлаётганингни инкор этмайсан-ку! Бу лаззатни татиб кўр!

Сен шундоқ ҳам ҳаддингдан ошиб кетдинг. Ортиқча қадам ҳеч нарсани ҳал қилмайди.

У сенинг кимлигингни алақачон билади. Энди ўзингни тарбияли қилиб кўрсатишнинг ҳожати йўқ!

Бундай фикрлар ёрдамида шайтон сизни ўзингизни айбдордек ҳис қилишга ундайди, лекин бу ёлғон туйғу, чунки ўйлаш ҳали гуноҳ қилиш дегани эмас. Сиз васвасани бошдан кечиргансиз, лекин ҳали гуноҳга ботмагансиз.

Исо танавий гуноҳ ҳақида ўйлаш - уни амалга ошириш билан баробарлигини айтганида (Матто 5:27,28), у одамларнинг қайта ва қайта жинсий ҳаёлларга бериладиган ҳолатларни назарда тутган.

Баъзи фикрлар миямизда шунчаки инсоний табиатимиз туфайли пайдо бўлади, лекин биз уларни сунъий равишда қўлаб-қувватламаслигимиз ёки уларга эътибор қаратмаслигимиз керак. Уларни ўзимиздан узоқлаштиришимиз, бирор нарса билан чалғитишга ҳаракат қилишимиз керак - худди шу сингари, ҳар қандай васвасага қарши тура оламиз. Йигит номақбул томошадан "кўзини олиб қочишни" ўрганиши мумкин; сиз эса тўхтамаслик керак бўлган нарсалардан "фикрингизни олиб қочишни" ўрганишингиз мумкин. Ёдингизда тутинг: васвасага тушишнинг ўзи гуноҳ эмас. Васвасага истисносиз ҳамма мойил ва бу ерда ўзингизни айбдор ҳис қилишингиз шарт эмас. Ишонмасангиз, Ибронийлар мактубининг муаллифи нима деб ёзганини ўқинг:

«У ожизликларимизга ҳамдард бўла олади. Ахир, У биз каби ҳар томонлама синалган, лекин бизга ўхшаб гуноҳ қилмаган. Келинлар, иноятли Худойимизнинг тахтига жасорат билан яқинлашайлик. Шунда У бизга марҳамат кўрсатади, Унинг инояти зарур вақтда бизга ёрдам беради». (Ибронийлар 4:15-16)

Энди тушунгандирсиз? Исонинг ўзи ҳам турли васвасаларга дучор бўлган! "Ҳатто жинсий васвасаларга ҳамми?!" - деб ўйларсиз. Нега энди йўқ? Ахир У том маънодаги инсон эди. Уни чиройли аёллар ўраб олишганди. Исо уларга таълим бериб, ваъз қиларди ва уларнинг кўпчилиги, эҳтимол, Унинг қучоғида бўлишни орзу қилишгандир. Ахир бу оятларни ёзган киши: "Танавий васвасасидан бошқа ҳамма нарсага васваса қилинган" демаган-ку. Исо инсон бўлган ва инсоний васвасалардан қочиб қутула олмаган. Аммо У бизга васвасаларда ўз эҳтиросларимизга берилмасликни ўргатди.

7-афсона

Менга қанчалик қийинлигини ҳеч ким тушунмайди.

Бу афсона шубҳасиз мавжуд, чунки қизлар миш-мишлардан қўрқиб, ўзларининг жинсий ҳаёти ҳақида бир-бирларига камдан-кам гапиришади. Афсуски, бу қўрқувлар жуда ўринли, чунки аччиқ тажриба болалиқда орттирилади. Масалан, бир қиз дугонасига синфдошини севиб қолганини яширинча айтади. У муқаррар равишда ўз сирини бошқа икки дугонасига ошкор қилади. Агар сиз буни бошдан кечирган бўлсангиз, ўз сирларингизни ўзингизда сақлашни ва бошқа қизларга ҳеч қачон ошкор қилмасликни ўргангансиз.

Баъзи қизлар болалигидан ўғил болалар билан дўст бўлиб, уларни энг яхши дўстлар деб билишади, уларга ҳеч бир дугонага айтиб бўлмайдиган гапларни ишониш мумкин деб ҳисоблашади. Кўпчилик ўз аччиқ тажрибасида шунга амин бўлганки, эркак дўстларга ишониш дугоналарга қараганда анча хавфли бўлиши мумкин. Аёл сизнинг сирингизни яшира олмаслиги мумкин, эркак эса сизнинг заифлигингиздан фойдаланиб, агар сиз ўз эътиқодингизда қатъий бўлмасангиз, сизни ўз зўравонликларининг навбатдаги нишонига айлантиради.

Ёш аёллар ўзларининг жинсий курашлари ҳақида очиқ гапиришга мойил эмаслар, чунки севгига эришиш учун ҳамма нарсага рози бўлиш жуда пасткашлиқдир. Гарчи баъзилар у ёки бу йигит билан жинсий алоқада бўлганликлари билан мақтансалар-да, кўпчилик уларнинг қанча жинсий шериклари бўлганлиги ҳақида сукут сақлашни афзал кўришади. Бунинг сабаби шундаки, аёл учун мақсад муҳаббат муносабатлари, жинсий алоқа эса улар учун тўланиши керак бўлган нархдир. Агар нарх тўланган бўлса-ю, мақсадга эришилмаса, қиз ақл бовар қилмайдиган хўрликни бошдан кечиради: ахир унинг танаси эркакни қизиқтириш учун етарли эмас эди. Бундай шармандаликни бутун дунёга овоза қилишни ким ҳам хоҳларди?

Умид қиламизки, барча аёлларга хос хусусиятлар ҳақида билиб олганингиздан сўнг, сиз энди жим турмайсиз ва ўзингизнинг васвасаларингиз ҳақида етук масиҳий дугоналарингизга очиқ гапира оласиз. Бизнинг фикримизча, аёлларнинг тахминан 99,9 фоизи турли даражадаги жинсий васвасаларни бошдан кечиради.

Ҳаворий Павлус Коринфликларга биринчи мактубида шундай деб ёзган: "Сизлар тушган васвасага бошқалар ҳам дучор бўлган. Аммо Худо содиқдир, У кучингиздан ортиқ васвасага тушишингизга йўл қўймайди. Васвасага бардош бера олишингиз учун керакли пайтда васвасадан қутулиш йўлини ҳам беради". Ахир у: "Агар сиз шаҳвоний васвасага тушган бўлсангиз, демак, муаммо сизда, чунки сиздан бошқа ҳеч ким бундай васвасага дучор бўлмаган," демаган!

Павлуснинг айтишича, васваса умуман инсон табиатига хосдир. Худо барча одамларни (жинсидан, миллатидан ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар) жинсий мавжудотлар қилиб яратган

экан, бу дунёда жинсий ва ишқий васвасалар энг кенг тарқалганига шубҳа йўқ.

Васвасага қарши тура олишимиз учун Худо одатда қандай "енгилик" беради?

Эҳтимол, У барча ҳис-туйғуларингизни "ўчириб қўяр"? Йўқ. Ҳақиқий енгиллик масиҳий етакчининг доно маслаҳати орқали келади - масалан, ёшлар чўпони ёки якшанба мактаби ўқитувчиси ёки сизга яқин бўлган ва васвасага берилмасликка ёрдам берадиган ишончли дўстингиз. Бундай ишончли одамга сизга оғир, жуда шахсий саволлар беришига рухсат беринг, масалан: "Сен йигитингга иккалангиздан бирортангизда жинсий истакни қўзғатадиган хатти-ҳаракатлар амалга оширишига йўл қўйдингми? Сен эркак кишининг эҳтиросини қўзғайдиган сўзларни ишлатдингми? Ўзингизда шахвоний хаёлларни уйғотдингми? Порнография кўрганмисан?"

Агар сизда ҳисоб берадиган одам пайдо бўлса, буни ёлғиз бажаришга ҳаракат қилгандан кўра, ўз қалбингиз ва ақлингиз ҳолатини ўрганиш сиз учун жуда осон бўлади. Худонинг меъёрига етолмай қолиб кетганингизда, доно устоз ёки ишончли дўст сизни тўғри йўлга солиши мумкин.

Ғалабага тайёрланинг

Балки шу пайтгача сиз ҳам шунга ўхшаш афсоналарга ишонгандирсиз? Худо хоҳласа, ушбу бобни ўқиб, сиз жинсий яхлитлик учун курашда олов чизиғида турганингизни англайсиз. Илтимос, ўқишда давом этинг. Ҳозир биз сизга бу афсоналарни муваффақиятли равишда йўқ қилишга ёрдам берадиган ҳақиқатлар ҳақида гаплашамиз ва бу жинсий ҳаётда ақлингизни, юрагингизни ва танангизни ҳимоя қилишга тайёрланасиз.

«Исо уларга деди: “Агар Мени севсангизлар, амрларимга амал қиласизлар. Мен осмондаги Отага мурожаат қиламан ва У сизлар билан то абад қоладиган бошқа Ҳомийни юборади. Бу Ҳомий — Ҳақиқат Рухидир. Бу дунёга тегишли бўлганлар Уни қабул қила олмайдилар, чунки Уни кўрмайдилар ҳам, билмайдилар ҳам. Сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан яшамоқда, У ичингизда бўлади».

Юҳанно 14:15-17

II қисм

ЎЗ-ЎЗИНИ ҲАЛОК ҚИЛИШДАН САҚЛАНИШ

5-БОБ

Жинсий алоқага нисбатан истагимизни кучайтирганимизда

Эй азизларим, сизлардан ўтиниб сўрайман, жонга қарши курашадиган нафс эҳтиросларидан сақланинглар. Ахир, сизлар бу дунёда ғарибу мусофирсизлар.

1 Бутрус 2:11

Худо бизга кўплаб ажойиб ҳадялар берган. Шулардан бири оловдир. Унинг ёрдамида уйимизни иситамиз, овқат пиширамиз, асбобларни стериллаемиз. Совуқ қиш оқшомида иссиқ ўчоқ ёнида ўтириш қандай маъна!

Аммо олов бизга фақат яхшилик келтирмайди. Шу билан бирга, у жуда хавфлидир - ёнғинлар туфайли бошпанасиз қолган одамлардан сўраб кўринг. Бир танишимиз ҳовлидаги баргларни ёқиб, жараённи тезлаштириш учун уларга бензин сепган. Портлаш содир бўлиб, - натижада у оёқларига қаттиқ шикаст етказди ва учинчи даражали куйиш жароҳатини олди. Агар биз оловнинг ҳалокатли кучига етарли баҳо бермасак ва унга бепарволик билан қарасак, бу аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Нима демоқчиман, дейсизми? Гап бундай: ҳозир биз Худодан келган яна бир ажойиб ва ҳайратланарли инъом - жинсий майл ҳақида гаплашамиз. Жинсий алоқа қилишга интилиш бир вақтнинг ўзида ҳам ёқимли, ҳам муҳим, аммо унга енгил-елпи қаралса ва уни беҳуда кўзғатилса, унда таҳдид ва хавф яширинган бўлади. Эр-хотинликда, яъни Худо жинсий алоқа учун белгилаган доирада, аёлнинг жинсий истаклари уни эрига тортади, у билан жинсий алоқада у бу дунёда мумкин бўлган чуқур ҳиссий бирлик ва жисмоний лаззат даражасига эришади.

Шунга қарамай, кўп одамлар васвасага берилиб, никоҳдан анча олдин, баъзан эса ҳатто ҳар қандай романтик муносабатлардан ташқарида жинсий истак оловини ёқадилар. Қандай қилиб дейсизми? Мастурбация, яъни ўз-ўзидан лаззатланиш орқали. Тенгдошларингиз бу ҳақда нима дейишаётганини эшитинг. Ўйлаймизки, мастурбация жинсий майл оловини асло сўндирмаслигини, аксинча, аланга олдиришини ўзингиз кўрасиз.

Бир нечта самимий иқдорлар

Хезер олтинчи синфда ўқирди ва унинг уйда тунаган дугонаси унга мастурбация қилишни ўргатди. Хезер бу билан ўн икки йилдан бери давом этиб келаётган ва унинг ўзига бўлган ҳурматига тобора путур етказаётган эҳтиросга асос солганини хаёлига ҳам келтирмасди.

"Ўзимни бошқара олмаётганимни ҳис қиляпман ва бу мени жуда қийнайди. Мен доимо бу ҳақда ўйлайман ва мастурбация ҳақида ўйлашнинг ўзидаёқ "ёниб кетаман." Худо олдида неча марта тавба қилдим... Нима қилсам экан? Бундан ўзингни шундай ифлос ва пасткаш ҳис қиласанки, барибир ўзингни тўхтата олмайсан."

Баъзан мастурбация кўпроқ жинсий фаоллик истагига айланади. Дениз ташқи жинсий алоқадан қочиш учун атайлаб мастурбация қилганини тан олади. Аммо бу ҳийла, худди аланганинг тескари чақнаши каби, унинг ўзига қарши қаратилди.

"Ҳар сафар учрашувдан олдин мастурбация қилганимда, бутун оқшом давомида мени даҳшатли қониқмаслик ҳисси қамраб олди. Шунинг учун мен кўпинча таслим бўлардим ва шунчаки мастурбация тажрибаларимдан ҳафсалам пир бўлганидан жинсий алоқага киришардим. Кейин иккаласи ҳам жонимга тегди."

Агар сиз илгари жинсий аъзоларингизга тегиниш ва уларни қўзғатиш хавfli эканлигини билмаган бўлсангиз бу иқрорлик сиз учун кутилмаган бўлиши мумкин. Худди шу ҳолат Эмили билан содир бўлди, у шундай деб ҳикоя қилади:

"Мен мастурбация қилишни жуда эрта бошладим. Бу ишда бирор ёмонлик ёки нотўғрилиқ бўлиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Энди улғайганимда (ҳозир ўн етти ёшдаман) бу менинг энг ёмон кўрган одатимга айланди.

Мен ҳеч қачон бу ҳақда ҳеч кимга айтмаганман, чунки мени бузуқ деб ҳисоблашларидан ва мен билан мулоқот қилишни тўхтатишларидан қўрқардим. Мендан буни ҳеч ким кутмаган эди. Мен ажойиб оилада яшайман, менинг ажойиб, меҳрибон ота-онам бор, мен уларни жуда ҳурмат қиламан ва дунёда ҳаммадан кўра кўпроқ севаман. Мактабда аълочи ўқувчи бўлиб, ўз ёшлар гуруҳимда фаол ишлайман. Шунчаки ёрдам сўраб мурожаат қиладиган ҳеч кимим йўқ ва мен Масиҳдан тобора узоқлашаётганимни ҳис қиляпман. Мен энди Унинг овозини эшитмаяпман, ҳатто қачонлардир У мен билан гаплашганини ҳам эслай олмайман. Қандай қилиб бу даҳшатни тўхтатиб, яхши масиҳий бўлишим мумкин?"

Хўш, Хезер, Дениз ва Эмилининг мисолидан нимани ўрганишимиз мумкин?

- Мастурбация - бу фақат ёшлар муаммоси эмас. Қайсидир нуқтада унга кўпчилик эркаклар ҳам, аёллар ҳам дуч келишади. Қанчалик яхши, ақли, жозибали бўлманг, қандай фаровон оилада вояга етманг, сиз ҳам бошқа ҳар қандай одам каби бу васвасага мойилсиз. Шу билан бирга, қаерда яшашингиз, бўш вақтингизни қаерда ўтказишингиз, қайси мактаб ва қайси жамоатга боришингизнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ - бу васваса сизни исталган вақтда ушлаб олиши мумкин. Истиснолар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.
- Агар сизда мастурбация васвасаси бўлса, бу сизнинг бузуқ эканлигингизни англамайди. Бу фақат шуни англатадики, сиз барча жинсий истаклар ва эҳтиросларга эга бўлган инсонсиз. Агар сиз шу пайтгача буни бошдан кечирмаган бўлсангиз, бу сизда нимадир нотўғри эканлигини англамайди. Шунчаки бунинг учун Худога шукур қилинг ва бу васвасага дуч келсангиз, унга қарши туришга қатъий қарор қилинг.
- Мастурбация одатланишни келтириб чиқаради ва зарарли эҳтиросга айланиши мумкин. Мастурбацияга енгиб бўлмас иштиёқни бошдан кечираётган одамлар кўпинча, қанчалик хоҳламасинлар, бу одатдан воз кеча олмайдилар. Кўпинча у улардан кучлироқ бўлиб чиқади.
- Бу ўз-ўзидан лаззатланиш натижасида пайдо бўладиган бир лаҳзалик енгиллик ундан кейин юзага келадиган узоқ давом этадиган тушкунлик ҳолатига арзимайди. У кўпинча уят, ўзидан жирканиш, атрофдагилардан қўрқиш, ўзингда нимадир нотўғри бўлаётгандек ҳис уйғотади.
- Мастурбация жинсий майлларни қондирмайди: у жинсий майлларни янада кучайтиради. Агар сиз жинсий оловингизни ўчириш учун мастурбацияга мурожаат қилсангиз, ўзингизни назорат қилиш кўникмаларига эга бўлмайсиз. Биронта ширинсўз йигит қулоғингизга майда-чуйда гапларни шипшитиб қўйса-ю, ўзингизни қўлга ололмаётган бўлсангиз, нимага умид қилишингиз мумкин?
 - Ўз-ўзидан қониқиш одати сиз ва Худо ўртасида тўсиқ қўйиши мумкин, натижада сиз Унинг мавжудлигини ҳис қилмай қўясиз. Гарчи Худо бизни ҳеч қачон тарк этмаса-да, гуноҳ Ундан ва биз севган одамлардан бегоналик ҳиссини уйғотади.
- Турмушга чиққанингиздан сўнг, сиз "автоматик равишда" мастурбацияни тўхтатмайсиз.

Турмушга чиқмаган аёл сифатида орттирган одатларни турмуш ётоғида ҳам ўзингиз билан олиб юрасиз.

Илтимос, шуни тушунингки, бир марта жинсий истакларингизни уйғотсангиз (агар сиз мастурбация билан шуғуллана бошласангиз, айнан шундай бўлади), уларни яна ухлатиш жуда қийин бўлади. Бу кичкина махлуқларни овқатлантиришни бошлашингиз биланоқ, уларнинг иштаҳаси очилади ва улар ҳар сафар кўпроқ овқат талаб қила бошлайди. Яхшиси, уларни умуман боқмаган маъқул!

Ғалаба қозониш мумкин!

Одатий мастурбациядан халос бўлиш ҳақиқатан ҳам жуда қийин, лекин барибир имкони бор! Кристелнинг таъкидлашича, зарарли одатни ўлдиришнинг ягона ечими уни очликдан ўлдиришдир. Қизалоқлигиданоқ у яхши ухлаш учун уйқу олдидан мастурбация қилишга одатланган, аммо кейинчалик ўз иштиёқини енгишга муваффақ бўлган.

"Аввалига мен шунчаки завқланиш учун мастурбация қилдим, чунки бу ёқимли эди. Тахминан ўн икки ёшимда мен мастурбация асабий тарангликни енгиллаштиради, кейин эса бўшашиш ва ухлаш мумкин деган хулосага келдим. Бу нарса аста-секин одат тусига кириб, мени узоқ йиллар таъқиб этишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Бу ҳақиқий эҳтиросга айланганини тушунганимда, Худо менинг бу гуноҳга қул бўлиб яшашимни хоҳламаслигини англадим. Мен ётоқхонага васвасага қарши туриш ниятида кирардим, чунки мен мастурбацияга бўлган иштиёқим учун ўзимдан нафратланардим. Ярим кечада ўрнимдан туриб, йўлакка чиқардим-да, соатлаб у ёқдан-бу ёққа юрардим. Мен дарҳол йиқилиб, ухлаб қолиш учун атайлаб ўзимни бутунлай ҳолдан тойдиришга ҳаракат қилардим. Баъзан бундай юриш эрталабгача давом этарди. Бу менга ёмон одатдан халос бўлишимга ёрдам берди. Орадан бир неча ҳафта ўтди, энди бу васвасага бўйсунушга мажбур эмаслигимни аниқ биламан. Худо менга ечимни кўрсатди."

Зарарли одатга қарши курашиш оғир ва азобли бўлиши мумкин, аммо зарарли одатга ўз устингиздан ҳукмронлик қилишига йўл қўйиб берсангиз, янада оғирроқ туйғу пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам Бутрус шундай дейди: «Эй азизларим, сизлардан ўтиниб сўрайман, жонга қарши курашадиган нафс эҳтиросларидан сақланинглар» (1 Бутрус 2:11).

Тинчлик йўли ва Сўз йўли

Афсуски, биз мастурбация жинсий зўриқиш ёки истакни юмшатишнинг мақбул усули сифатида маъқулланган дунёда яшайпмиз. Мана, масалан, Канзас университети томонидан нашр этиладиган газетада доимий рух муаллифи бўлган журналист Меган Бейнемнинг ёзганлари (эх, ҳа! айтганча у бир вақтнинг ўзида "Плейбой" журналининг модели ҳисобланади):

- Баъзан ёнингда ўйнашга тайёр шерингиз бўлса ҳам, ишни ўз қўлингизга олишдан яхшиси йўқ... Аммо сизнинг эротик кечинмангизни исталмаган гувоҳ, масалан, хонадош аёл бостирса, нима қилиш керак? Ётоқхонада мастурбация қилиш ҳақиқатан ҳам қийин, лекин хоҳиш бўлса, йўл топилади, деганларидек амаллаш мумкин!

Гарчи баъзи яхши ниятли масиҳийлар бизнинг нуқтаи назаримизга қўшилмаса-да, биз мастурбация инсонни Худо унга тайёрлаб қўйган мукамал ниятидан узоқлаштиришига қатъий ишонамиз. Шундай экан, тенгдошларингиз ёки бошқа бирор киши билан маслаҳатлашишдан олдин Унинг фикрини билиб олинг. Бунинг учун Муқаддас Китобни ўқиш ва ибодат қилиш керак.

Мана, мастурбация фойдасига тез-тез эшитиш мумкин бўлган турли хил далиллар. Биз уларни ўз фикрларимиз билан кузатиб борамиз:

• “Жинсий аъзоларини ўрганиш” - нормал, соғлом ва мутлақо беғуноҳ машғулот. Эҳтимол, ёш болалар учун ўзларининг жинсий аъзоларини ва уларнинг тактил стимуляцияга реакциясини “аниқлаш” одатий ҳолдир, аммо вақти-соати келиб (жинсий етилиш даврида ёки бироз кечроқ) ҳар бир киши ўз жинсийлигига масъулиятли муносабатда бўлишни ва ўзини тута билишни ўрганиши керак бўлган ёш келади. “Жинсий аъзоларини ўрганиш” мастурбацияга айланганда (аёлларда бу кўпинча бошқа одамлар ҳақидаги жинсий хаёлларни, баъзан эса порнографияга мурожаат қилишни ўз ичига олади) у ёш мавжудотни жинсий покликдан маҳрум қиладиган зарарли одатга айланади. Шунингдек, биз мастурбацияни носоғлом машғулот деб ҳисоблаймиз, чунки у одамни “ёлғиз учишга,” ким бўлишидан қатъи назар ҳаракат қилишга ўргатади. Мастурбация қилиш орқали сиз танангиз ва онгингизни маълум завқларга ва оргазмга эришишнинг маълум усулига ўргатасиз. Турмушга чиққанингиздан сўнг эрингиз сизга сиз ўрганиб қолган лаззатни бера олмайди. Натижада эр-хотинлик яқинлиги сизни хафа қилиши ва умидсизликка тушириши мумкин. Масалан, Қуинн билан шундай бўлди:

“Турмушга чиққанимдан сўнг, жинсий ҳаётимиздан кўнглим қолди. Эрим ҳам мен каби сеҳрли тегиниш қобилиятига эга деб умид қилгандим, лекин у анча кўпол бўлиб чиқди. Мен унга ўзимга нима ва қандай тегинса ёқишини тушунтирдим, лекин бир куни кечқурун уни яна бир бор машқ қилдираётганимда, у менга: “Балки, ҳаммасини ўзинг қиларсан, модомики, менинг ишим сенга ёқмаётган экан,” деди. Бир томондан, мен ўзимни енгил ҳис қилгандек бўлдим, чунки ниҳоят ўзимга ёқадиган ишни қилиш имкониятига эга бўлдим, лекин бошқа томондан, бу унинг иззат-нафсига тегиши мумкинлигини тушунаман - ахир унинг тегинишлари мени ўзимникидек эҳтирос уйғотмайди”

Аксарият эрлар хотинини оргазм ҳолатига туширишдан ҳузур-ҳаловат топадилар. Агар сиз мастурбацияда мунтазам равишда жинсий бўшашишни топсангиз, бўлажак турмуш ўртоғингизни бу лаззатдан маҳрум қилиш хавфи бор, чунки сиз унга “ёрдам бериш” зарурлигини ҳис қиласиз.

• У бошқа одамнинг иштирокини назарда тутмайди, демак, гуноҳ ҳисобланмайди. Гарчи мастурбация ҳақиқатан ҳам шеригининг жисмоний иштирокини талаб қилмаса-да, у одатда унинг фикрий иштирокини ўз ичига олади. Оргазмга эришиш учун ёлғиз аёл мастурбация жараёнида одатда турмуш қурмаган одамларни тасаввур қилади. Бу хаёлий манзаралар сизнинг ифқатингизга худди ҳақиқий шерик билан жинсий алоқада бўлганингиз каби зарар етказди, чунки бу билан сиз ўзингиз учун қандайдир фикрий идеал яратасиз, унга ҳеч қандай тирик мавжудот, шу жумладан бўлажак эрингиз ҳам тенглаша олмайди.

• Муқаддас Китобда у ҳатто тилга олинмаган. Дарҳақиқат, Муқаддас Китобда “мастурбация” сўзи учрамайди, бироқ унда шаҳвоний фикрлар ва жинсий ахлоқсизликка оид саволларга кўп марта мурожаат қилинган. Мана, бизнинг фикримизча, мастурбация ва у билан боғлиқ ақлий фаолият ҳақида Муқаддас Китобда айтилган баъзи мисоллар:

Сизларнинг орангизда фаҳш, зинокорлик, ифлослик ёки хасислигу очкўзлик ҳатто тилга ҳам олинмасин. Булар Худонинг азизларига муносиб эмас. (Эфесликлар 5:3)

Шундай экан, дунёвий табиатингизни, яъни фаҳш–зино, нопоклик, шаҳват, ёвуз хоҳишлар ва бутпарастликка тенг бўлган очкўзликни йўқ қилинглр. Мана шулар сабабли Худонинг ғзаби итоатсиз бандаларнинг бошига тушади! (Колосаликлар 3:5-6)

Сизларнинг муқаддас бўлишингиз Худонинг иродасидир. Шунинг учун жинсий ахлоқсизлик қилманг.

Ҳар бирингиз муқаддаслик ва иззат–ҳурматга лойиқ тарзда ўзингизни тута билишингиз керак. Худони билмаган бутпарастлардай шаҳвоний ҳирсга қул бўлманг (1 Салоникаликлар 4:3-5)

Биз мунофиқ эмасмиз ва деярли ҳар бир инсон мастурбация билан шуғулланишини биламиз. Аммо бундан мастурбация қилиш фойдали деган хулоса келиб чиқмайди. Агар биз мастурбация гуноҳ эмас, чунки у Муқаддас Китобда тилга олинмаган деган фикрга қўшилсак ҳам, барибир Павлуснинг маслаҳатига қайтган бўламиз: "Инсон хоҳлаганини қилишга ҳақи бор, лекин ҳамма нарса ҳам манфаат келтирмайди" (1 Коринфликларга 10:23).

Хулоса: мастурбация сизни қул қилиб, устингиздан ҳукмрон бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу зарарли одатдан умуман воз кечиш керак. Агар мастурбация сизни аллақачон эгаллаб олган бўлса, унинг кучли таъсирини юмшатиш учун ҳамма нарсани қилиш вақти келди.

Истакларни Худога топшириш

Ушбу бобнинг охирида мастурбацияга қарши сўнгги далилни келтирамиз: ўз-ўзини қониқтириш - бу сизнинг мағрурлигининг намоён бўлишидир. Бу билан Худога: "Сен менга никоҳдан олдин жинсий майлларни тийишни ўргатмоқчисан, мен эса буни истамайман. Бу жуда узоқ ва ҳаддан ташқари кучли ўз-ўзини назорат қилишни талаб қилади. Мен ўз билганимни қиламан." Бу сўзларда мағрурликнинг яққол белгисини эшитяпсизми? Уларда Худонинг қудратини ва ўзингизни қўлга олишингизга ёрдам беришини тан олгингиз келмаётганини ҳис қиляпсизми?

Худо сизнинг танангиздаги ҳар бир ҳужайрани, ҳар бир асабни яратган, шундай экан, сизни қандай ҳис туйғулар чулғаб олганини У билмайдими? Худо сизни ўзингиздан ҳам яхшироқ билади. У кутиш қийинлигини билади, лекин Унинг йўли энг яхши эканлигини ҳам билади.

Шаҳвоний истакларингизни Худога олиб боринг ва ишни ўз қўлингизга олиш ўрнига, уни Худонинг қўлига топшингиз. Бу туйғулар сизга Худо томонидан берилган ва У ўзининг ниятига мувофиқ ҳолда амалга ошмагунча уларни ушлаб туришингизга ёрдам беришни хоҳлайди. Бир марта бўлса ҳам Унга суяниб кўринг - шунда ўз-ўзидан қониқиш аслида ҳеч ҳам қониқтирмаслигини тушуниб етасиз. Агар танангиз, ақлингиз, қалбингиз ва руҳингиз пок бўлишини истасангиз, қониқишни ўзингиздан эмас, Худодан изланг.

“Ким туриши мумкин Эгамизнинг муқаддас маконида?

Ким чиқиши мумкин Унинг тепалигига?

Қўли ҳалол, қалби тоза инсонлар,

Сохта нарсаларга кўнгил қўймаганлар,

Ёлғондакам онт ичмаганлар” (Забур 23:3-4)

БОБ 6

Кўзгу дўстимизга айланганида

Биз ҳаммамиз очиқ юз билан Эгамизнинг улуғворлигини кўриб турибмиз. Биз ўзгариб борар эканмиз, янада улуғвор бўлиб, Эгамизга ўхшаган бўламиз. Буларнинг ҳаммаси Эгамизнинг Руҳи орқали содир бўлмоқда.

2 Коринфликлар 3:18

Кўзгуга қараганингизда кимни кўрасиз? Дўстними ёки душманни? Яратгани учун Худога миннатдормисиз ёки Унинг ишига норозилик билан қарайсизми? Юзингиз, сочларингиз, тана тузилишингизни танқид қилишга қанча вақтингиз ва кучингиз кетади? Сиз ўзингизни журнал муқовасидаги қизлар ёки дугоналарингиз билан солиштирасизми? Ўз идеалингизга етолмаётганингизни ҳис қилсангиз, умидсизликка тушасизми?

Кўзгуда кўраётган нарсангиз юрагингизда содир бўлаётган воқеаларга бевосита алоқадор.

Балки сиз ойнага тез-тез қарарсиз, чунки у ерда кўраётган инсонингиз сизга жуда ёқар? Эҳтимол, бошқалар сизга ета олмайдилар деб ўйларсиз? Балки бу ерда гап кўзгудаги қандайдир бахтсиз аксингизда эмас, балки сизнинг шуҳратпарастлигингиз ва манманлигингиздадир?

Бу ерда айтилган гапларнинг сизга ҳеч қандай алоқаси бўлмаслигини истардим. Умид қиламизки, кўзгуда кўраётганингиз сизга ёқади, чунки сиз Худонинг ажойиб ижодларидан бирисиз. Аммо шу билан бирга, умид қиламизки, ўзингизнинг гўзаллигингиздан бошингиз айланмайди. "Ташқи кўринишимдан нафратланаман!" ва "Қаранг, қандай зўрман!" ўртасида нозик бир чизиқ бор, сиз уни топишингиз ва бутун умр унга амал қилишингиз керак. Нега бу шунчалик муҳим? Чунки бу иккаласи ҳам сизни тез орада жинсий бузуқлик йўлига олиб чиқади.

Ўз ҳаётимга назар ташлар эканман, бу ҳаддан ташқари ҳолатлар кўпинча мени нотўғри жойда муҳаббат излашга мажбур қилганини кўраман. Эсимда, 10-12 ёшларимда мен кичкинагина, бесўнақай митти қизалоқ эдим. Мен ҳам, албатта, нозиккина, латофатли синфдошларимга ҳавас билан қарардим. Лекин юқори синфга ўтганимда танам бутунлай ўзгариб кетганди. Бўйим бир неча дюймга ўсди, ортиқча вазним керакли жойга шундай жойлашдики, қоматим анча чиройли кўриниш олди. Янги танамга бўлган эътиборим, айниқса, катта ўғил болалар эътиборидан мамнун эдим ва тез орада шуни англадимки, бу ёқимли шаклларни тегишли кийимлар ёрдамида қанчалик кўп ажратсам, менга шунчалик кўп эътибор қаратилар экан. Афсуски, ўзимга бўлган янги, дадил ишончим танамни жуда қадрлайдиган, лекин мени жуда кам ҳурмат қиладиган йигитлар билан муносабатда бўлишимга олиб келди. Шундай қилиб, менинг жинсий фаолиятим бошланди. Мен уларнинг эътиборини жалб қилиш учун танамдан фойдаланардим ва бу эътиборни сақлаб қолиш учун бундан кейин ҳам ундан фойдаланишим кераклигини ҳис қилардим.

Келинг вақтни тўрт йил олдинга ўзгартирамиз... Ўрта мактабни тугатиб, коллежда ўқиш учун пул йиғиш мақсадида бир ҳарбий ҳаво базасига ишга кирдим. Умумий тайёргарлик бошланган биринчи ҳафтадаёқ ўн фунт вазн ташламагунимча "семиз оёқчалар" рўйхатида туришимни билиб, даҳшатга тушдим. Сени семиз деб ўйлашларига чидаб бўлмасди ва мен унчалик семиз эмаслигимни тасдиқловчи далилларни излай бошладим. Ҳарбий ҳаво кучларига киришдан бир неча ой олдин ўзимга жинсий алоқадан воз кечишга ваъда берган бўлсам-да, тўсатдан эркаклар шахсий таркибига диққат билан қараётганимни сезиб қолдим, кимдир менга эътибор қаратади деган умидда эдим. Қандай бўлмасин, ҳали ҳам жинсий жиҳатдан жозибали эканлигимга ишонч ҳосил қилишим муҳим эди. Бир неча ҳафталик умумий тайёргарлик давомида мен учта турли ёш йигитнинг жинсий истакларини рағбатлантирдим, бу мен яна жинсий алоқа қилишни хоҳлаганим учун эмас, балки ортиқча вазн ҳам халақит бермайдиган гўзаллигимга ишонч ҳосил қилиш учун эди.

Бу ерда, албатта, фахрланадиган ҳеч нарса йўқ, лекин мен сизга ўзимнинг шармандали ўтмишим ҳақида гапиришимнинг сабаби шундаки, сиз жуда муҳим бир тамойилни ўзлаштириб олинг: на ўзингизга бино қўйиш, на ташқи кўринишингиз учун ўзингизни қийнаш яхшиликка олиб келмайди - иккаласи ҳам жинсий фаровонлигингиз учун бир хил даражада хавfli.

Мукамал гўзалликнинг янги қиёфасини чизамиз

Жамиятимиз аёл гўзаллиги ҳақидаги тушунчаларни қаердан олади? "Ойи, мен жуда семизман!" номли китоб муаллифи Шерон Херш ўрта мактаб ўқувчиларидан йигирма бешта қиз билан суҳбатлашар экан, улардан идеал қизни тасвирлаб беришни сўради. Мана уларнинг жавоблари (камайиш тартибида):

- озғин
- малласоч
- эътиборга сазовор
- чиройли
- келишган

- кўкраги катта
- дўсти бор
- ўзига ишонган
- чиройли оппоқ тишли (қавссиз!)
- ўзининг машинаси бор
- ҳуснбузарсиз
- ўз мобил телефонига эга

Биз Шероннинг фикрига тўлиқ қўшилаемиз: бундай таърифга тўлиқ мос келадиган ягона нарса - бу Барби қўғирчоғидир. Қизиғи шундаки, болалар ўйинчоғи қиз боланинг "чиройли" тушунчаси ҳақидаги тасаввурларини қандай шакллантириши мумкин. Кўплаб ёш аёлларнинг юрак нолаларига ўн тўққиз ёшли Ким ҳам қўшилади:

"Ёшим улғайган сари кўзгудаги аксим Барбига эмас, онамга ўхшаб борарди. Ўз танам менга сотқин бўлиб туюлди, чунки у мен истаганимдек бўлишни истамасди."

Ким сингари, кўплаб қизлар ўз танаси ҳақида амалга ошмайдиган умидлар билан улғайишади. Гўзаллик ҳақидаги бу сохта тасаввурларни фақат Барби қўғирчоқлари яратмайди. Телевизион машҳурлар, кино юлдузлари, ялтироқ журналлар муқовасидаги моделлар, модельерлар ва ҳозирги поп-маданиятни ташкил этувчи бошқа кўп нарсалар ҳам худди шу иш билан шуғулланади.

Лекин аслида гўзаллик қаердан пайдо бўлади? Келинг, Муқаддас Китобга мурожаат қилиб, гўзаллик қаердан пайдо бўлиши ва ундан қандай фойдаланишимиз кераклиги ҳақида Яратувчининг сўзларини кўриб чиқайлик.

Жозиба алдамчи, чирой эса ўткинчидир,
аммо Эгамиздан қўрқадиган аёл кўкка кўтарилади.
(Ҳикматлар 31:30)

Сизнинг жозибангиз ўрилган сочлар, олтин тақинчоқлар, чиройли кийимлар каби ташқи зеб–зийнатдан иборат бўлмасин. Аммо қалбингиздаги ювош ва сокин руҳ сизларнинг сўлмайдиган ички гўзаллигингиз бўлсин. Худонинг назарида бундай гўзалликнинг қадри юксакдир. Ўтмишда Худога умид боғлаган муқаддас хотинлар ҳам ўзлари шу йўсинда безаниб, эрларига бўйсунар эдилар. (1 Бутрус 3:3-5)

Бу ерда сочимизни чиройли турмаклашимиз, замонавий кийимлар ёки тақинчоқлар тақишимиз кераклиги айтилганми? Албатта, йўқ. Муқаддас Китобда айтилишича, бундай гўзаллик ўткинчи ва унга умид боғлашнинг ҳожати йўқ. Бу оятлар жисмоний жозибадорлик узоққа чўзилмаслигини, шунинг учун эътиборимизни ташқи кўринишга қаратмаслигимиз кераклиги ҳақидаги ажойиб эслатма бўлиб хизмат қилади. Аксинча, Худога муҳаббат ва сидқидилдан хизмат қилишда туғилган гўзаллик абадий қолади ва ҳатто юзингизни ажинлар қоплаганида ҳам кўринади. Бундай гўзаллик сифатли макияждан, энг замонавий соч турмаги услубидан, янги тортилган жинсилардан келиб чиқмайди. У ичимиздан, Раббимиздан хурсанд бўлган қалбимиздан чиқади.

Ўйлаб кўришга арзийдиган яна бир оят:

“Сени олтинкумуш билан безанттирдим, устингга қимматбаҳо шойи, майин зиғир матосидан тикилган либослару нақш солинган кўйлақлар кийдирдим. Олий навли ундан ёпилган нонлар билан, зайтун мойи ва асал билан сени боқдим. Сен ниҳоятда гўзал бўлдинг, ҳақиқий маликага ўхшаб қолдинг. Мислсиз гўзаллигинг билан халқлар орасида донг таратдинг, чунки Мен сенга берган улғуворлигим гўзаллигингни мукамал қилган эди. Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.

Сен эса гўзаллигингга ишондинг. Шухратингдан фойдаланиб, фахш йўлига кирдинг. Ўтган–кетган эркакка ўзингни бердинг, гўзаллигингдан уларни баҳраманд қилдинг” (Ҳизқиёл 16:13-15).

Бу ерда гап Қуддус ҳақида кетяпти. Ҳизқиёл пайғамбар буни қуйидагича таъкидлаган: "Худо сенга ато этган руҳий гўзалликни бошқа худоларга хизмат қилиш учун ишлатяпсан! Сен бошқа халқларга ибрат бўлиш

ўрнига кўнглинга келган ишни қиласан! Ушбу парчада бугунги ёш аёллар учун ҳам ибрат бор. Худо (Ҳизқиёл тилидан) айтади: " (Сенинг) жамолинг Мен сенга кийгизган ажойиб либос билан мукаммал бўлди." Бошқача айтганда, мукаммал гўзаллик мукаммал теридан, оқартирилган тишлардан ёки жинсилардан эмас, балки Худога ишонганларнинг барчасига Худодан инъом сифатида келади. Кўп асрлар олдин бўлгани каби, Худо бизга руҳий ва жисмоний гўзалликни беради, шунда биз ўзимизга эмас, балки Яратувчимизга шараф келтирамиз. Унга жисмоний гўзаллигимизга эмас, балки ўз истакларимизга (масалан, соғлом муносабатларда эътибор ва меҳрга чанқоқлик) ишонишимиз керак. У бизни эртами-кечми тарк этади, Худо эса ҳеч қачон ташлаб қўймайди.

Кимки Худони севган қалбда гўзаллик туғилишини унутса, уни жисмига нисбат берган бўлади. Агар танангиз тасаввурингизда яратган гўзаллик тимсолига ўхшамаса-чи? Бу сизнинг ўзингиз ҳақингиздаги фикрингизга, бошқа одамлар билан муносабатларингизга қандай таъсир қилади? Эҳтимол, Ханна бу саволга биздан кўра яхшироқ жавоб бера олар.

Йигитингизнинг кўзларидаги гўзаллик

Ўн тўққиз ёшли Ханна ортиқча вазндан азият чекарди ва унинг сўзларига кўра, у ўзини умуман гўзал ҳис қилмайди. Бироқ, унинг йигити бор ва бу ҳолат унга ёқимсиз ҳис-туйғуларни енгашга ёрдам беради. Чиндан ҳам, агар Митч уни учрашиш учун етарли даражада чиройли деб ҳисобласа, эҳтимол, у чиндан ҳам унчалик хунук эмасдир? Ханна дўстининг пайдо бўлиши билан салбий фикр ва ўзи билан боғлиқ оғриқдан халос бўлишига ишонарди, аммо вақт ўтиши билан у адашгани маълум бўлди. У бизга қуйидагиларни айтиб берди:

"Митч билан учрашиб юришимизга тахминан бир йил бўлди. Аввалига у жуда меҳрибон эди ва мен билан жуда яхши муносабатда бўлди, лекин кейинчалик бу олтин кунлардан битта хотира қолди. Ҳаммаси, агар мен уни севганимда, у билан бирга ётишни хоҳлардим, деган тасодифий гапдан бошланди. Мен, албатта, уни севардим ва жавобан унинг севгисини жуда хоҳлардим, шунинг учун биз у билан жинсий алоқа қила бошладик. Кейин у мендан ҳисобларини тўлашда ёрдам беришимни сўради, чунки у коллежда ўқирди, мен эса ишлардим. Мен яна унга ўз муҳаббатимни исботлашга мажбур бўлдим, бунинг устига у мени севмай қўяди, деб жуда қўрқардим. Кейин у менга ташқи кўринишим ҳақида ҳар хил ёқимсиз гапларни айта бошлади: "Агар сен билан одамларга кўринишимни истасанг, ўзингни тартибга сол... Овқат ейишни бас қил - дўстларим мени шундай семиз аёл билан кўришса, хурсанд бўламан деб ўйлайсанми?.. Қанақа кийим кийиб олдинг? Дурустроқ кийинмасанг, ўзимга бошқа қиз топиб оламан. Эҳтимол, буларнинг барчасига бошқа ҳеч ким менга эътибор бермаслигидан қўрққанам учун чидагандирман - бундай семиз кимга ҳам керак? Хўш, агар муҳаббатнинг баҳоси шундай бўлса, демак, мен уни тўлайман. Менимча, усиз яшай олмайман.

Биз Ханнадан нима учун Митчсиз яшай олмайман, деб ўйлаётганини сўрадик. У гарчи у унга ёмон муносабатда бўлса ҳам ўзининг йигити борлигини тан олиш жуда муҳимлигини айтди. Аммо савол туғилади: агар Ханна ўзига бунчалик ишонмаганида, наҳотки ўзига нисбатан бундай муносабатга йўл қўйган бўларди? Агар у ўзини Худонинг азиз ва гўзал ижоди деб билганида, севилиш учун унга ўйнаш керак бўлармиди? Йўқ.

Албатта, илгари айтганимиздек, ўзига паст баҳо бериш ёш аёлнинг жинсий алоқага киришишининг ягона сабаби эмас. Баъзан уни бунга бутунлай қарама-қарши нарса ундайди.

Гўзаллик сирпанчиқ йўлга бошлаганда

Ретта бир нечта гўзаллар парадида қатнашиб, кўплаб совринларни қўлга киритди, аммо ўз устидан ғалаба қозониши унга анча қийинроқ бўлди. У йиллар давомида асаб анорексиясидан азият чекарди - овқатланишнинг бузилиши, бу одамнинг етарли тана вазнини сақлашдан бош тортиши ва семиришдан ваҳимага тушишдан қўрқиши билан ифодаланади. Ретта шундай деб ҳикоя қилади:

"Мен болалигимдан гўзаллар парадларида қатнашганман ва доимо нозик ва нафис бўлиб қолиш учун жуда кўп ҳаракат қилганман. Мен очликдан ўзимни қийнардим, борган сари озиб борардим, лекин буларнинг ҳаммаси етарли эмас эди. Озғинлик менинг иккинчи "мен"имга айланди ва мен ҳар доим тўсатдан семиришни бошласам нима бўлишини ўйлашдан қўрқардим.

Доим тўйиб овқатланмаслик одатим менга нафақат ўзимни тўлиқ назорат қилиш туйғусини берди, балки ажойиб ташқи кўринишим болаларни ўзига жалб қилишини ҳам англадим. Мен Жош исмли бир масиҳий бола билан учраша бошладим. У мени жуда ҳурмат қилар ва ҳеч қачон ўзига эрк бермасди. Бир куни дўстларим билан тоққа бордик ва у ердан Жошга кўнғироқ қилиб, уни ҳамроҳ бўлишга таклиф қилдим.

У ерда менинг алоҳида хонам бор эди ва у келишга ваъда берганида, эслайман, мен уни бунинг учун "мукофотламоқчи" бўлдим. Ўша пайтга келиб биз ярим йилдан бери учрашиб юрардик ва мен ўзимнинг энг яхши ҳолатимда эдим - нозиккина ва назаримда, ғайриоддий жозибали эдим. Мен ўша кечанинг ўзидаёқ унга бокиралигимни ҳадъя этишга қарор қилдим, бу билан уни ҳам бокираликдан маҳрум этишимни хаёлимга ҳам келтирмадим. Шундай гўзал туйғу таъсирида шундай даҳшатли ишни амалга ошириш мумкинлигига ҳалигача ишонмайман."

Реттанинг ҳикояси шуни кўрсатадики, ўзингизнинг рад этиб бўлмаслигингизни англаш сизни ички жозибасизлигингизни исботловчи худбин ҳаракатга ундаши мумкин - ахир қалб гўзаллиги тана гўзаллигидан анча муҳимроқ. Дарвоқе, ҳам ички, ҳам ташқи томонлама гўзал бўлиш мумкин-ку...

Гўзал бўлинг

Аввалига биз бу бобда ёш аёлнинг вазни қанча бўлиши кераклиги кўрсатилган жадвални жойлаштирмоқчи бўлдик, лекин кейин бу фикрдан қайтдик. Нима учун? Чунки биз сизнинг гўзаллигингиз ҳаммомдаги тарозининг мили қайси сонда тўхташига боғлиқ деган афсонани қўллаб-қувватламоқчи эмасмиз. Ҳақиқий гўзаллик ташқи параметрлар билан белгиланмаса-да, ташқи кўринишингизга эътибордан четда қолдирмаслик керак, чунки сиз барибир Худонинг суратида яралгансиз. Энг яхши кўриниш ва ўзингизни қандай ҳис қилишининг сири оддий: соғлом овқатланиш ва танангизни машқ қилдириш керак. Агар сиз шунчаки керакли микдорда керакли овқатни истеъмол қилсангиз ва тўғри метаболизм ва мушак тонусини сақлаб қолиш учун машқ қилсангиз, танангиз ўз-ўзидан сиз учун оптимал бўлган вазнга эга бўлади.

Аmmo сизнинг гўзаллигингиз мукамал вазнга эришгунингизча "кутиш ҳолатида" бўлмайди. Сиз ўзингизни ҳар қандай вазнда ҳам чиройли ҳис қилишингиз мумкин, ёки ўзингизни бахти тарозининг милига боғлиқ бўлган камбағал, хунук ҳис қилишингиз мумкин - ва сиз уни орзу қилган рақамингизга етказа оласизми ёки йўқми, ҳали номаълум, агар сиз буни уддаласангиз ҳам, бу рақам ҳам сизни қониқтирмаслиги мумкин. Шунинг учун ўзингиз танланг.

Бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўринг. Танишларингиз орасида, шубҳасиз, жинси шимлари ажойиб ўтирадиган қиз топилади, лекин унинг ўзи шу қадар худбин ёки бутунлай бузуқ одамки, "чиройли" сўзи унга умуман мос келмайди. Бошқа томондан, сиз, эҳтимол, моделлар уйининг агентлари остонасини безовта қилмайдиган қизни биласиз, лекин у жуда ажойиб инсон, бундайлар кам.

Шундай ажойиб қизлардан бири билан танишмиз. Унинг исми Трейси, ёши йигирмада.

Маъно билан эркалаш

Унинг бўйи беш фут-у ўн дюйм (177 см.), эгнида ўн олтинчи ўлчамли (56) кийим, лекин шу ўлчамда ҳам Трейси ҳар қандай моделдан, ҳатто энг нафис, ҳатто папирос қоғоздек юпқа моделдан ҳам чиройли. У ясси қорин бир умрлик бахт гарови деган афсонага ишониш учун жуда ақли ва ташқи кўринишига ортиқча эътибор бермайди (гарчи у жуда чиройли бўлса ҳам). Сиз ҳеч қачон Трейсининг сонлари катталигидан шикоят қилганини ёки болалигида ўтказилган операциядан кейин кўкракларида қолган катта чандиқдан нолиганини эшитмайсиз.

Унинг ички гўзаллиги Масиҳнинг беқиёс гўзаллигини акс этади. Доимий оптимизм ва хайрихоҳлик, Худога хизмат қилиш ва одамларга ёрдам бериш истаги бу ёш аёлни мутлақо гўзал қилиб қўяди.

Трейси косметолог бўлишни ва ўз салонини очишни орзу қилса-да, бошқа аёлларга ўзининг табиий гўзаллигини кашф этиш ва таъкидлашда ёрдам беришга интилади, уларни Худо яратганидан хурсанд бўлади ва нафақат жисмоний, балки руҳий ҳолатини ҳам яхши томонга ўзгартиради. Шунинг учун у аёллар клиникасининг мижозларига хизмат қилади: уларнинг сочларини ювади ва тартибга келтиради, маникюр қилади, қисқаси, улар касалхона тўшагига боғлаб қўйилганига қарамай, ўзларини жозибали ҳис қилишларига ёрдам беради. Мана буни маъно билан эркалаш дейилади!

Трейси ҳақиқий гўзаллик ичкаридан келишини ва бу охир-оқибат Худони улуғлашини тушунди, чунки одамлар биз билан мулоқот қилиб, Уни билишга интилишади. Масиҳни севиб, Унга сидқидилдан хизмат қилсангиз, Трейси каби чинакам гўзаллик манбаини кашф этишингиз мумкин.

Ҳозир эса сизга бошқа бир гўзал қизни таништирамиз. Унинг исми Тина. Бир пайтлар у кўзгуда ўз аксини кўрганда жуда хафа бўларди, лекин энди у Яратганнинг у ҳақида айтганларига ишониб, ўз гўзаллигига қандай ишониш мумкинлигининг тирик гувоҳига айланди.

Яратувчидан комплимент

Ўсмирлик даврида Тина ёғ безларининг кучли яллиғланишидан азият чекди. Ҳуснбузарлардан нафақат юзида, балки қалбида ҳам чуқур чандиқлар қолди. Тенгдошлари уни аёвсиз масхара қилишарди, устидан кулишарди ва Тина ўзини хунук эканлигига ишонтирганди.

Фақат ўн саккиз ёшга тўлганида, масиҳий ёшлар билан ёзги оромгоҳга боргач, аста-секин бу нотўғри тушунчадан халос бўла бошлади ва ўзига бошқача қарай бошлади. Мана унинг оромгоҳдан қайтганидан бир неча ҳафта ўтгач, кундалик дафтарига ёзган ёзуви:

«Қўшиқлар 4:7 да шундай дейилади: «Ҳар жиҳатдан гўзалдирсан, севгилим, Сенда ҳеч қандай нуқсон йўқ». Худо мени гўзал деб билади! Кўёш, ой ва юлдузларни яратган Коинотнинг Яратувчиси мени гўзал деб атайди! Бу сўзларнинг ҳайратланарли маъносини ҳеч қачон тушунмаганман. Агар Худо биргина Сўз билан - дунё пайдо бўлди, демак, Унинг Каломи ҳокимиятдир. Худо: "Ёруғлик бўлсин!" - деди-ю, ёруғлик бўлди, демак, у мени гўзал деяптими, демак, шундай. Эҳтимол, мен ўзимга Унинг кўзи билан қарашга дарров ўрганмасман, лекин Худо шундай деган экан, демак, бу ҳақиқат. Агар Худо мени чиройли деб билса, демак, одамлар менинг ташқи кўринишим ҳақида нима деб ўйлашлари унчалик муҳим эмас."

Бугунги кунда одамлар ҳар қадамда пластик жарроҳлик, липосакция ва реконструкция қилишнинг турли хил "экстремал" усуллари ёрдамида ўзларининг ташқи кўринишларини "тузатишаётган" бир вақтда ёш аёлларга Тина каби ўзларига Худонинг кўзи билан қараш вақти келди. Забур 138: 13 - 18 даги мана бу сўзларга эътибор беринг:

Ички аъзоларимни Сен яратгансан,
Онамнинг қорнида менга шакл бергансан.
Сенга шукрона айтаман.
Ахир, қандай ажойиб қилиб яратилганман!
Сенинг барча ишларинг нақадар ажойиб,
Буни мен жуда яхши биламан.
Мен пинҳон яратилганимда,
Ернинг тубида маҳорат ила тўқилганимда,
Суякларим Сендан яширин эмас эди.
Кўзларинг кўрганди ҳомила эканимни.
Менга ажратилган кунлар келмасдан,
Ҳаммаси китобингга ёзилганди.
Сенинг ниятларинг, эй Худо, менга қадрлидир,
Ниятларингнинг сон-саногини нақадар кўпдир.
Қумдан ҳам кўп бўларди агар уларни санаганимда,
Уйғонганимда қарасам, ҳамон мен билан экансан бирга.

Ушбу бобни яқунлар эканмиз, сиз ҳурмат қиладиган ва фахрланадиган аёллар ҳақида ўйлаб кўришингизни истардик. Муқаддас Китобдаги қаҳрамонларни, таниқли тарихий шахсларни ёки ҳаётингизда алоҳида ўрин тутган аёлларни эсланг ва сизда кучли таассурот қолдирганларнинг рўйхатини тузинг. Шундан сўнг сизга қуйидаги саволларни беришга ружсат этинг.

Ҳикоя сиз ҳақингизда нима дейди?

Сиз рўйхатингизга киритган аёллар сизни нима билан ҳайратга солганлар? Уларнинг ҳар бири ижтимоий ҳаётга ёки шахсий ҳаётингизга қандай ҳисса қўшган? Уларнинг нимаси сизни фахрлантиради - жисмоний жозибасими, вазними, хатти-ҳаракатларининг гўзаллигими ёки бошқаларнинг ҳаётига қўшган ҳиссаларининг кадр-қимматими?

Ўзингиз ҳақингизда нима дея оласиз? Сиз нима билан одамларнинг ёдида қолишни истардингиз? Ўз ташқи кўриниши ва вазнига маҳлиё бўлган инсон сифатидами ёки одамларни севиш, уларга хизмат қилиш иштиёқидаги инсон сифатидами? Ҳаётингизни нима билан тўлдиришни хоҳлайсиз - ойна олдида вақт ўтказиш биланми, бугун қандай кўринишингиз ва сиз билан солиштирганда бошқалар қандай кўриниши ҳақида доимий қайғуриш биланми ёки сиз орқали Худонинг севгисини англаши мумкин бўлган одамларга ғамхўрлик қилиш биланми?

Исо Масиҳнинг: "Яқинимизни ўзимизни севгандай севайлик", - деган сўзларини ёдда тутинг (Матто 22: 39).

Шундан келиб чиқиб, бошқа одамларни чинакамига севиш учун, аввало, ҳар куни эрталаб бизга ойнадан қараб турган инсонни севишимиз керак. Нафрат ва шуҳратпарастлик ўртасидаги олтин ўрталикни изланг. Ўзингизга: "Мен ўзимни севаман, чунки мени Худо яратган ва мен кундан-кунга гўзалроқ бўлиб боряпман, чунки мен Исога кўпроқ ўхшайман," деб такрорланг.

Кўзгу сизнинг дўстингизга айланганида ва сиз аста-секин ҳақиқатан ҳам муҳим нарсалар ҳақида ўйлашни ўрганганингизда, сизда кино юлдузлари ва машҳур моделларнинг тушига ҳам кирмаган гўзаллик порлайди. Ҳаётингизда тарозидидаги кадрли рақамдан кўра кўпроқ қувонч бағишлайдиган мақсад борлигини кўрасиз.

Жамолинга шоҳ мафтун бўлгандир, Таъзим қил унга, у хўжайинингдир.

Саройда малика нақадар гўзал! Либослари олтин билан безатилган.

Нақшли либосида уни шоҳ ҳузурига олиб келишади, Ортидан қизлар, унинг дугоналари эргашиб келади.

Улар шод-хуррамлик ичра келади, Шоҳнинг саройига улар кириб келади.

Забур 44:12, 14-16

7-БОБ

Ҳақиқатга таққослаб

Аксинча, сирли ва уятли ишлар қилишдан, макр-ҳийла ишлатишдан бош тортиб, Худонинг каломини бузмай гапирамиз. Ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиб, Худонинг ҳузурида ўзимизни бошқа одамларнинг ҳукмига топширамиз.

2 Коринфликлар 4:2

2002 йил 22 майда Нью-Ёрк Таймс журналисти Кори Килганон шундай деб ёзган эди:

Кундузи у Кристина Лонг, меҳробда хизмат қилувчи ўн уч ёшли қизалоқ ва Денвердаги Авлиё Пётр Рим-католик мактабининг мухлислар жамоаси сардорларидан бири эди. Директор уни "намунали хулқ-атворли яхши ўқувчи" деб таърифлайди.

Аммо кечқурунлари, тергов пайтида маълум бўлишича, у Интернетга "қайноққина қизалоқ" номи билан ва "Ҳамма нарса, ҳеч бўлмаганда бир марта" шиори остида чиққан. Унинг ётоқхонасида компьютер турарди; у мунтазам равишда турли хил чатларга кирар ва катта ёшли эркаклар билан танишиб, кейинчалик улар билан жинсий алоқага киришганди. "Оилавий аҳволи" бўлимида у шундай ёзган эди: "Балки ёлғиздир, балки ёлғиз эмасдир."

Душанба куни эрталаб Кристинанинг жасади Гринвичга олиб борадиган қишлоқ йўлидан ташқаридаги чуқур жарлиқдан топилди. Маълум бўлишича, қизалоқ чатлардан бирида танишган йигирма беш ёшли гринвичлик эркак томонидан бўғиб ўлдирилган.

Сол Дос Рейс Кристина билан бир неча марта жинсий алоқада бўлган, жума куни тунда эса уни ўлдириб, жасадини жарга ташлаб юборган."

Агар сиз: "Мен билан бундай бўлиши мумкин эмас!" деб ўйласангиз, унда ўйлаб кўринг: "Нега бундай бўлиши мумкин эмас?" Агар сиз Интернетда нотаниш одамлар билан мулоқот қилсангиз, унда бирор ёмон воқеага дуч келмаслигингизга кафолат борми? Ёқимли суҳбатдошингиз ҳақиқатан ҳам сизга фақат яхшилик тилайди, деган фикрни қаердан олдингиз? Сиз унинг ҳақиқатан ҳам ўзини ким деб таништираётганини қаердан биласиз? Нима учун бу одам сизнинг озгина эътиборингизга, айниқса, вақтингиз ва ҳиссий қувватингизни қурбон қилишга арзийди, деб ўйлайсиз? Сиз қаердан биласиз - у оммавий қотил, оммавий зўравон ёки болалар порнографиясини тарқатувчи бўлиб чиқиши мумкинми?

Ҳақиқий эмас

Интернет орқали танишув кўпчилик учун хавфсиз кўнгилхушлик бўлиб туюлади. Аслида, бу унчалик тўғри эмас. Кибернетик муносабатлар кўпинча сиз болалигингизда ўқиган сеҳрли эртақлар каби реал ҳаётдан узоқ бўлади. Албатта, Золушка ёки Оппоғойга ўхшаган гўзал шаҳзодани севиб қолиш, унга турмушга чиқиб, у билан узоқ ва бахтли яшаш ажойиб бўларди. Аммо аслида ҳаммаси бошқача бўлади ва бу тасодифий эмас.

Золушка билан Оппоғой ўз шаҳзодаларига тегишга розилик бераётганларида (албатта, уларнинг гўзал ва мафтункор эканликларидан ташқари) шаҳзодалари ҳақида нималарни билишарди? Умуман ҳеч нарса. Ноль. Агар ўшанда сиз, кичкина қизалоқ учун бу нарса мафтункор туюлган бўлса, энди сиз етарлича улғайиб, ақлли бўлиб қолдингизки, бундай эртақлар ғирт хомхаёл эканлигини, уларни ҳақиқатга айлантиришга уринишлар эса буюк муҳаббат тарихидан кўра кўпроқ фожиага айланишини тушуниб етдингиз.

Интернетда реал вақт режимида ёзишмалар қанчалик машҳурлигини бизсиз ҳам биласиз. Сиз бунга билишингиз керак, чунки агар ўзингиз ҳеч қачон таниш қидириб интернетга кирмаган бўлсангиз ҳам, бу билан шуғулланадиган танишларингиз бор. Эҳтимол, сиз ёки танишларингиз бу ўйин-кулги билан шу қадар чуқур шуғуллангансизки, ҳатто "киберсекс," яъни Интернет орқали жинсий алоқа мавзусида суҳбатлар олиб боргандирсиз.

Жон Элдриж ўзининг "Истак йўли" китобида кибермаконга бўлган бу оммавий қизиқиш ҳақида шундай ёзади:

"Кибернетик муносабатлар идеал эркак ёки аёлни излашни янги босқичга олиб чиқди, чунки улар жозибали сирлиликини узоқроқ сақлаб қолиш имконини беради. Электрон ўйнашнинг оғзидан ҳеч қачон ҳид келмайди, терминалдан таносил касаллиги юқмайди, бундан ташқари, бу алоқангиз ҳақида ҳеч ким ҳеч қачон билмайди."

Бунинг нимаси жозибали?

Нега одамлар романларни "жаҳон ўргимчак тўри"дан қидиришади? Виртуал муносабатлар нима учун бу қадар жозибали?

Интернет орқали танишув ҳақида эшитган турли фикрларимизни келтириб ўтамиз ва уларга изоҳ берамиз.

Виртуал муносабатлар	Реал муносабатлар
Фантазияга асосланган	Реал ҳаётга асосланган
Кўп ҳаракатни талаб этмайди	Маълум бир ҳаракатларни талаб этади
Атрофдагиларга ҳисобот бериш шарт эмас	Атрофдагилар кўз ўнгида ривожланади

Сохта сирлилик ва даъвогарликни назарда тутати	Яхлитлик ва ўзаро ишончни талаб этади
Шахс ҳақида бир томонлама тасаввур беради	Шахс ҳақида тўлиқ тасаввур беради

7.1 Жадвал

- *Нотаниш одам билан яқинлашиш жуда қизиқарли!* Розиман - янги танишлар орттириш қизиқарли бўлиши мумкин, лекин ўзингизни алдаманг. Қачондан бери клавиатура олдида ўтириб, босма хабарлар алмашиш "яқинлашиш" деб аталадиган бўлиб қолди? Ҳозиргина танишган одамингиз ҳақида янги маълумот олиш яқинлашишни англатмайди: бу шунчаки янгилик. Яқинлашиш бошқа одамнинг ички дунёсини билишни назарда тутати, бу фақат узоқ ва яқин мулоқотда мумкин бўлади. Сиз йигит билан танишасиз ва у билан компьютер орқали соатлаб суҳбатлашасиз - бу ҳақиқатан ҳам қизиқарли ва ёқимли бўлиши мумкин. Аммо эҳтиёт бўлинг: қизғин мулоқотни интим мулоқот деб қабул қилманг. Янгилик ўтиб кетиши билан интенсивлик пасаяди; интимлик эса инсонни қанча узоқроқ билсанг, шунча гуллаб-яшнайд.
- *Онлайн режимда мен ўзим хоҳлаганимдек бўлишим мумкин.* Бу жавоб ўзини етарли даражада ҳурмат қилмасликни кўрсатади. Сиз ўзингизнинг ҳақиқий "мен"ингиз ҳеч кимни қизиқтирмаслигидан кўрқасиз, шунинг учун ўзингизни аслингиздан кўра бошқача, жозибалироқ ёки кулгилироқ қилиб кўрсатасиз. Аммо сиз ўзингиз бўлмасангиз, ўзлингизни яширсангиз ёки ўзингизга хос бўлмаган ролни ўйнасангиз, йигитнинг ҳис-туйғуларидан нима завқ оласиз? Ахир у сизни танимайди-ку. Дарвоқе, шуни унутмангки, у ҳам ўзини истаган одам қилиб кўрсатиши мумкин!
- *Кўринишим қандай бўлишидан қатъи назар, мен билан қизиқишларини ёқтираман.* Фақат у ҳеч қачон сизнинг ташқи кўринишингизга қизиқмайди, деб ўйламанг! Эркактарнинг табиати шунақа - улар сизнинг ташқи кўринишингизга қизиқишади. Унда нима қиласиз? Бундай воқеаларга аралашиб нима қиласиз? Қармоққа илиниб қолманг!
- *Мен шунчаки йигит билан суҳбатлашишни ёқтираман, жисмоний яқинликни узоқдан нишонга олмайман.* Аввалига сиз у билан жисмоний яқинлик ҳақида ўйламаслигингиз мумкин, лекин унга қалбингизни тўкиб солиб, у сизга берган ҳар бир сатрдан завқланиб, сиз, албатта, соф ҳиссий мулоқот чегарасидан чиқишни хоҳлайсиз. Унга қалбингиз билан боғланиб, у билан учрашиш, унинг кучоғида бўлиш, лабларининг таъмини ҳис қилиш эҳтиёжини ҳис қиласиз, у ерда эса тобора тезроқ пастга, жинсий келишувга тушиб борасиз.

Бизнингча, аёлларни интернет орқали танишишга нафақат ўзини паст баҳолаш, балки яна иккита ҳолат ҳам ундаши мумкин:

- *Ёлғизлик ҳисси.* Агар сизда яқин дўстлар умуман йўқдек туюлса ва ёш йигитга эга бўлиш умиди кам бўлса, сиз ўзингизнинг кичкина дунёнгиздан ташқарида, улкан "бутунжаҳон ўргимчак тўри" да ўз бахтингизни синаб кўришни хоҳлайсиз. Аммо интернет алоқалари кўпинча ҳақиқий муносабатлар учун мўлжалланган қувватни тортиб олгани сабабли, сиз тўлдирмоқчи бўлган челақда тешик очасиз ва янада мазмунли дўстлик ўрнатиш имкониятини қўлдан бой берасиз.
- *Пода туйғуси.* "Ҳамма шундай қилади" дегани бу тўғри ёки хавфсиз дегани эмас. Агар дугоналарингиз йигитлар билан интернетда танишиб қолишса, уларга ушбу китобни ўқишга имкон беринг ва айниқса, мана бу бобни ўқишни маслаҳат беринг. Дўстларингизнинг ёмон йўлга кириб кетишига йўл қўйишдан кўра, уларга соғлом муносабатларга олиб борадиган тўғри йўлни топишга ёрдам беринг.

Бир умрлик сабоқлар

Биз, албатта, кибермаконда ўрнатилган барча танишувлар ёмонлик билан тугайди, демоқчи эмасмиз, аммо виртуал муносабатлар ҳақиқий муносабатларга қараганда кўпроқ боши берк кўчага олиб киради. Ушбу китоб устида ишлаш жараёнида биз 120 нафар ёш аёл билан сўровнома ўтказиб, уларнинг интернетдаги мулоқот туфайли носоғлом муносабатларга тортилган-тортилмаганлигини аниқладик. Биз улардан ўз тажрибалари билан ўртоқлашишни сўрадик ва кўпи билан тўрт-бешта жавоб оламиз деб ўйлаган эдик. Ўн барабар кўпроқ жавоблар олгач эса жуда ҳайратда қолдик! Албатта, биз олинган барча жавобларни бу ерга сиғдира олмадик, аммо Амбер, Эйми ва Тиффани ҳикояларида ҳам кўплаб тенгдошларингизнинг дилдан дўст излаб интернетни кезиб юрган ачинарли тажрибаси бир томчи сувдек акс этган.

Ўн уч ёшида Амбер руҳий тушкунликни бошдан кечирди, аммо тез орада интернет орқали нажот топди. У шундай дейди: "Мен ўз қиёфамни ўзим ўйлаб топишим ва яратишим мумкинлигини англадим ва ҳеч ким менинг ўтмишимни ҳам, қандайлигимни ҳам билмайди." Йигитлар билан суҳбатлашар экан, Амбер соатлаб компьютер олдида ўтирарди, шунинг учун ота-онаси ҳатто хавотирга туша бошлашди. Амбер уларга ёлғон гапириб, улардан яширинча онлайн режимга чиқа бошлади.

"Бир куни, шанба куни, ота-онам уйда йўқлигида, мен интернетда кетма-кет саккиз соат ўтирдим! Мен тобора кўпроқ одамлар билан мулоқотга киришдим, баъзилари билан ҳатто телефон орқали гаплашдим. Вақт ўтиши билан ҳақиқий одамлар мени унчалик қизиқтирмай қўйди ва мен фақат бир нарсани - интернетдаги дўстларим билан мулоқот қилишни хоҳлардим. Улар менга қизиқарлироқ туюлди, ўзимни мендан бошқачароқ қилиб кўрсатиш ўзимга ҳам қувончлироқ туюлди. Интернетда танишган бир йигитга шунчалик қизиқиб қолдимки, у билан учрашишга қарор қилдим. Мен Калифорнияга қариндошларимни кўргани бордим, у яқин атрофда яшагани учун учрашув жойи ва вақтини келишиб олдик. Мен амакиваччам билан келдим, уни узоқ кутдик, лекин у келмади. Худо менга раҳм қилди, деб ўйлайман, чунки бу йигит қотил ёки зўравон бўлиши мумкин эди. Ахир мен унинг ўзи ҳақида ҳам, феъл-атворининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам ҳеч қандай тасаввурга эга эмасдим-ку."

Ўзини аслидан бошқача кўрсатиб, нотаниш одам билан учрашишга розилик бериб, қандай хавfli ўйин бошлаганини Амбер энди тушуниб етди. Унинг айтишича, бу хаёлий мулоқот у тўлаган нархга арзимаган ва вақт беҳуда сарфланган.

Эйми ҳам Зак билан бўйдоқлар ва турмушга чиқмаганлар учун мўлжалланган масиҳий чатда танишган. Аввалига у қизга Худони астойдил излаётган ажойиб йигит бўлиб туюлди. Аммо воқелик унга ҳушёр торттирувчи таъсир кўрсатди. Эйми шундай деб ҳикоя қилади:

"Биз Зак билан тобора узоқроқ мулоқот қила бошладик, кейин эса бир неча соат кетма-кет суҳбатлашиб ўтирдик. Бир неча ҳафтадан сўнг у меникига меҳмонга келишга қарор қилди. Мен уни кўрганимда, у менда кутганимдек таассурот қолдирмади. Агар кўчада учратиб қолсам, унга қайрилиб ҳам қарамасдим. Аммо у менинг меҳмоним бўлгани учун мен унга шаҳарни кўрсатдим ва ўз жамоатимга олиб бордим. Мен ўйлардим: "Нега у бу ерда? Мен эндигина ўн саккизга кирдим ва ҳали бундай жиддий муносабатларга тайёр эмасман!" Бу ташвишли фикрларга, ҳатто дўстларим ва қариндошларимнинг огоҳлантиришларига қарамай, мен у билан яқинлашдим ва ҳатто анча узоққа боришига йўл қўйдим. Тўғри, ўшанда ўзимни жуда ёлғиз ҳис қилардим, шунинг учун кимдир менга эътибор бераётганини кўриш ёқимли эди. Биз у билан ҳақиқатан ҳам жинсий алоқа қилмаган бўлсак-да, яқинлашиб қолган эдик. Учрашганимда бутунлай жозибасиз бўлиб кўринган одамга ўзимни топшириб қўйишимга сал қолди, деган ўйлардан ҳам қўрқаман.

Эйми бундан буён ҳам чексиз фантазия қўядиган чигалликларга тушиб қолмаслик учун ҳақиқий муносабатларни сақлаб қолишга қарор қилди.

Тиффани Уэйс билан виртуал мулоқот қилиш учун икки йил вақт сарфлади, шундан сўнг бу муносабатлар у кутган яқин дўстликка айланмаганини тан олишга мажбур бўлди. Бўш вақтининг асосий қисмини оиласи ва дўстлари билан ўтказиш ўрнига Уэйс билан мулоқот қилиш учун компьютер олдида ўтказганлиги сабабли, улар билан муносабатлар ҳам боши берк кўчага кириб қолди. Тиффани қуйидагиларни тан олади:

"Уэйс мени мақтовларга кўмиб ташлади ва бу йигитдан бундай гапларни эшитиш менга жуда ёқди, айниқса, отам менинг хатти-ҳаракатларимдан норози бўлиб, мени қўпол ва асабий деб ҳисоблаган бир вақтда бу жуда ёқарди. Аммо Уэйс ҳеч қачон менинг қўполлигимдан шикоят қилмаган, чунки у ҳеч қачон бундай ҳолатга дуч келмаган. Аста-секин мен барча дўстларимдан ажралиб кетдим, чунки мен бутун вақтимни интернетда ўтказадиган бўлдим ва фақат Уэйс билан мулоқот қилардим. Ўқишни бутунлай ташлаб қўйганим учун баҳоларим ҳам ёмонлашди.

Бир неча ой ўтгач, Уэйс менга бўлган қизиқишини йўқотишидан кўрқа бошладим, чунки у учратган бошқа қизлар ҳақида гапира бошлади. Мен унга ўзимга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш учун қаерга боришим ва нима қилишим ҳақида гапира бошладим. Шундай бўлса-да, у ўзига "ҳақиқий" қиз керак деган қарорга келгач, мулоқотимиз аста-секин барбод бўлди.

Ёзишмаларимиз тўхтаганида, ичимда даҳшатли бўшлиқни ҳис қилдим, чунки мен у билан турмуш қурамиз деб ўйлашга одатланиб қолган эдим. Ўзимни жуда ёмон ҳис қилдим. Бундан ташқари, оиламдаги бузилган муносабатларни деярли бир йил давомида тиклашга тўғри келди, Уэйсга ишқибоз бўлган вақтимда дўстларимни ҳам йўқотгандим."

Эҳтимол, кўпчилигингиз Амбер, Эйми ва Тиффани кечинмаларини яхши тушунарсиз, чунки улар сизнинг Интернет орқали ёшлар билан мулоқот қилиш тажрибангизга мос келади. Агар шундай бўлса, биз сизга ёрдам беришни истардик...

"Ўргимчак тўри"дан қутулмоқ

Агар сиз алақачон носоғлом виртуал муносабатларга боғланиб қолган бўлсангиз ёки бу сиз билан содир бўлиши мумкинлигини ҳис қилаётган бўлсангиз, "жаҳон ўргимчак тўри"дан қандай қутулиш бўйича бир неча яхши маслаҳатларни қабул қилинг.

- Махфий ва ҳеч кимга кўринмайдиган электрон почта қутисини яратманг. Сиз, албатта, бегоналар сизнинг виртуал оламдаги ҳаётингиз ва тармоқдаги мулоқотларингиздан хабардор бўлишга ҳақли эмас, деб ўйлашингиз мумкин, лекин унутманг: сирлар йўқ жойда ёлғонга ҳам ўрин йўқ. Кристина (компьютердаги шериги томонидан ўлдирилган қиз) каби икки томонлама ҳаёт кечириш васвасасига берилманг. Ўзининг сирлари учун у ниҳоятда қимматга тушди.
- Ҳеч қачон шахсан учрашмаган одамлар билан компьютерда мулоқот қилманг. Уларнинг шахсияти ва хатти-ҳаракатлари ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш учун ҳақиқий одамлар билан ҳақиқий муносабатларни сақлаб қолинг.
- Агар сиз мулоқотни тўхтатган одам мулоқот воситаси ёки электрон почта орқали виртуал маконингизга бостириб киришда давом этса, "блок қилиш" тугмасини босинг. Жавоб беришга мажбур эмаслигингизни унутманг. Сизнинг собиқ суҳбатдошингиз вақт ўтиши билан шамани тушунади ёки дарҳол сизга бўлган қизиқишини йўқотади. Бу қўполлик эмас, балки шунчаки ўзингизни ҳимоя қилиш усули.

Ҳақиқий яқинликка интилинг

Эҳтимол, сиз виртуал муносабатлар ҳақиқий муносабатлардан анча яхши эканлигини бир неча бор эшитган бўлсангиз керак, лекин бу тўғрими? Йўқ, ундай эмас. Эҳтимол, хаёлий муносабатларга интилган одамлар ҳеч қачон ҳақиқий, жонли мулоқот қувончини ҳис қилмаганлар.

Кимдир сизнинг бутун икир-чикирларингиз билан таниш бўлса, сиз ҳақингизда билиши керак бўлган ҳамма нарсани билса-ю, барибир сизга нисбатан севгидан ақлини йўқотган бўлса - бу жуда ажойиб.

Бундай яқинлик - ҳақиқий яқинлик! - сизни ўз кўзингиз билан кўтаради, ҳаётингизни бойитади, чинакамига бахтли қилади.

Биласизми, яна нима? Кимдир сизни яхши билади ва жуда яхши кўради. У сизни туғилишингиздан олдин ҳам билган. У сиз йўл қўядиган ҳар бир хатони, ҳар бир исёнкор фикрни, ҳар бир гуноҳни олдиндан биларди, шундай бўлса-да, сизни шу қадар севардики, сиз учун ўлимга ҳам борди.

Масиҳ Ўзининг хочдаги ўлими билан сизнинг барча гуноҳларингиз уун тўлов тўлади. Шундай қилиб, сизлар энди Худодан ажралмас бўлибгина қолмай, балки Муқаддас Руҳ орқали кеча-ю кундуз Худога яқинлаша оласизлар. Хабарингизни қабул қилиш учун У компьютерини ёқишини кутишингиз шарт эмас.

Ундан хат бор ёки йўқлигини текшириш учун электрон почтангизга ҳар дақиқада қарашингиз шарт эмас, чунки Унинг кўплаб хабарлари аллақачон Муқаддас Китобда сизни кутмоқда.

Ҳафтада етти кун ва бир кеча-кундузда йигирма тўрт соат ибодат қилиш - Худога чексиз яқинлашиш имконини беради. Шундай қилиб, агар сиз яқинлик ва руҳий алоқага интилсангиз, виртуалликка эмас, реалликка мурожаат қилинг!

“Менинг тоат-ибодатларим қўйидагичадир: Худо Ўзининг улуғвор бойлиги билан сизларга куч-қудрат бериб, Ўз Руҳи билан ички борлигингизни бақувват қилсин. Имонингиз орқали Масиҳ юрагингиздан жой олсин. Сизлар илдизи чуқур дарахтдай бўлинг, Худонинг севгиси сизларни барқарор қилсин. Худонинг барча азизлари билан бирга, Масиҳнинг ақл бовар қилмас севгиси қанчалик кенг, қанчалик чексиз, қанчалик юксак ва теран эканлигини тўла англаб, билиб олинглар.

Шунда ҳаётингиз Худонинг камолотига тўлиб-тошади” (Эфесликлар 3:16-19).

8-БОБ

Бузуқ доирани узиш

Ахир, бизнинг курашимиз инсонларга қарши эмас, балки самовий оламдаги ёвуз руҳий кучларга, руҳий ҳокимият ва ҳукмронликка ҳамда бу қоронғи дунёни бошқараётган руҳий ҳукмронларга қаршидир. Шу сабабдан, Худонинг қурол-аслаҳалари билан қуролланинг, деб айтяпман. Шунда ёвузликка тўла кунларда маҳкам тура оласиз, қуролланиб тайёр турган бўласиз.

Эфесликлар 6:12-13

Ҳеч тўй совғасини танлаганмисиз? Эҳтимол, сиз турли универсал дўконларга кириб, келин-куёвлар учун маҳсулотларни кўздан кечиргандирсиз. У ёки бу жуфтлик эътиборини тортган нарсалар рўйхатини варақлаш қанчалик қизиқарли! Бу одамларнинг диди ва мойиллиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин - айниқса, улар қайси чинни, биллур ва кумуш идишларни танлашига қараб. Улар меҳмонларни кутиб оладиган зийнатли столни шундай тасаввур қиласан!

Бу рўйхатларга қараганда, келин-куёв сотиб оладиган идиш-товоқлар арзон эмас: тарелка, пиёла ёки салат идишининг нархи баъзан йигирма беш доллардан ошиб кетади. Тўлиқ чинни сервис юзлаб доллар туриши мумкин - ошхона биллур ва кумушни ҳисобга олмаганда! Энди шундай манзарани кўз олдимизга келтирайлик: тўй зиёфатидан сўнг келинчак ит ва мушук идишлари ўрнига қимматбаҳо чинни ликопчалар қўя бошлайди, эр биллур қадаҳларни гаражга олиб бориб, унга ҳар хил чиқиндиларни тўқади, яп-янги кумуш пичоқ, қошиқ ва санчқилар эса боғ анжомлари сифатида ишлатилади. Кулгили? Албатта!

Аммо қимматбаҳо буюмларнинг бундай бемаъни қўлланилиши уларнинг қийматини пасайтирадимми? Уларни ювиб, тозалаб қўйилса, яна ярқираб, порлаб, байрам дастурхонини беэмайдими? АЛБАТТА, шундай! Уларга қанчалик ёмон муносабатда бўлишмасин, уларни суиистеъмол қилишмасин, барибир улардан қандай мақсад учун яратилган бўлса, шундай фойдаланиш мумкин. Афсуски, гўзал ва бебаҳо бўлган кўплаб ёш аёллар ўзларининг аҳамияти ҳақида тасаввурни йўқотиб, ўзларини ифлос ёки паст деб ҳисоблашади, чунки уларни суиистеъмол

қилишди ва Худонинг мақсадига зид равишда фойдаланишди.

Биз жинсий зўравонликка учраган ёш аёллар ҳақида гапиряпмиз, бундайлар эса оз эмас. Мана бу даҳшатли статистика билан танишинг:

- Тахминан учта қиздан бири ўн саккиз ёшга тўлмасданоқ зўрланади.
- Баъзи тадқиқотларга кўра, йигирма йил давомида ўн икки миллион аёллар ва болалар, яъни Қўшма Штатлардаги аёллар аҳолисининг тахминан 10 фоизи зўрланган.
- Ҳар тўрттала талабадан бири зўрланади ёки зўрлашга уриниб кўрилган.

Жинсий зўравонлик ўз-ўзидан аёл учун катта зарба бўлса-да, агар жабрланувчи тегишли психологик ёрдам олмаса, вазиятнинг фожиалилиги янада кучаяди. Маънавий жароҳатлар даволанмаса, жабрланувчининг ўзи кўпинча зўравонга айланади. Аммо шуни ёдда тутишингиз керакки, бундай оқибат муқаррар эмас ва тўғри даволаниш бу зарарли доирадан чиқишга ёрдам беради.

Қуйида келтирилган ҳикояларни ўқиб, зўравонлик жисмоний, оғзаки ва жинсий бўлиши мумкинлигини ва турли одамлар - бегоналар, севишганлар, иш берувчилар, ходимлар, дўстлар ва қариндошлар томонидан содир этилиши мумкинлигини билиб оласиз. Зўравонлик турлари бир-биридан фарқ қилса-да, барча зўравонлар бир нарсада ўхшаш: улар худбин бўлиб, бошқаларга Худонинг азиз фарзандларига нисбатан муносиб муносабатда бўлмайдилар.

Шеллининг ҳикояси

2000 йил 7-апрелда номаълум эркак Шеллининг квартирасига бостириб кириб, уни қўпол равишда зўрлаган. Шундан сўнг у бир ҳафта касалхонада ётиб, тирик қолганидан хурсанд бўлган. Лекин кўп ўтмай қиз ғалати руҳий қарахтликка тушиб қолади.

"Узоқ ойлар давомида мен ҳеч қандай ҳис-туйғуларни бошдан кечирмадим, ўзимга ҳам, атрофдагиларга ҳам бефарқ эдим. Аста-секин мен ташқи кўриниши зўравонимга ўхшаган эркакларга эътибор бера бошладим ва уларни жозибали деб топдим. Мен илгари амал қилган ва бундан жуда фахрланган ахлоқий қоидалар ҳамда қадриятлар менга бефарқ бўлиб қолди. Мен ўша эркаклар билан ёта бошладим. Бу билан мен зўрланганимда йўқотган ҳокимият ва ўзимни назорат қилишни қайтариб олгандек бўлдим. Ким билан, қачон ва қандай бўлишни ўзим танлардим. Мен эркакларга ҳам, ўзимга ҳам тупуриб қўйгандим, ҳаётимни сақлаб қолган Зотни ҳеч қачон тан олмадим ва изламадим."

Охир-оқибат, Шелли психологга мурожаат қилди ва жинсий қарамлик каби ҳодиса ҳақида билиб олди. Вақт ўтиши билан у жинсий алоқа унинг учун ички оғриқни босиш ва ўзини яна ўзиники деб ҳис қилиш воситасига айланганини тушунди. Гарчи Шелли ўтмиш энди унинг устидан ҳукмронлик қилмаслигини билса-да, у билан содир бўлган воқеаларни эсламаган кун йўқ эди. Ўз хатти-ҳаракатлари ва ҳис-туйғулари ҳақида гапиришга журъати етгани учун Шелли зўравонлик туфайли етказилган жароҳатлардан аста-секин тузалиб бормоқда. Бундан ташқари, Худо уни кечирганини, уни севишини ва ҳар доим ёнида эканлигини тушунди. Ҳеч нарса - унга қилинган зўравонлик ҳам, унинг аввалги тартибсиз алоқалари ҳам буни ўзгартира олмайди.

Афсуски, фақат бегоналар зўрламайди. Баъзан бу ишни кутмаган, ишонган, севган одамнинг қилади.

Меганнинг ҳикояси

Меган ўн етти ёшида Бобни яхши кўрарди. У масиҳий эди ва турмушга чиққунга қадар яқин муносабатда бўлишни хоҳламади. Боб билан улар бутун ёз давомида учрашиб туришди ва улар ўртасидаги муносабатлар тобора жиддийлашиб борди: улар тобора кўпроқ вақтларини бирга ўтказишар, суҳбатлашишар ва ўпишишарди. Бир куни кечқурун улар яна бир ёш жуфтлик билан сайрга чиқишди. Дўстлар кетиб, Боб ва Меган ёлғиз қолгач, уларнинг муносабатларида кутилмаган бурилиш юз берди.

"Аввал биз шунчаки ўпишдик ва тўсатдан Боб мени ерга йиқитиб, зўрлади. Мен гўё бошқа оламга тушиб қолгандек эдим. Ундан тўхташни сўрардим, лекин у қулоқ солмади. Кейин ич кийимимдаги қонни кўриб, нима бўлганини тушундим. Шундан сўнг менда аралаш туйғулар пайдо бўлди. Демак, мен унга чиндан ҳам ёқаманми? Агар бегона одам бўлганида, албатта, унга ён бермаган бўлардим, лекин у Боб эди-ку... мен унга ишонардим. Қандай қилиб мен бу қадар содда бўлдим? Бироз вақт ўтгач, дўстларим мендан Боб билан жинсий алоқада бўлганимиз ростми, деб сўрай бошлашди. Мен ҳаммасини рад этдим. Бобга бўлган барча нозик ҳис-туйғуларим унинг бу билан мақтанишини билганимдан сўнг йўқолди. У бу ҳақда ҳаммага гапириб бераётганида кийиниш хонасига кириб: "Нега уларга ҳақиқатни айтмайсан, Боб? Ким бўлсаям, бу зўрлаш эканини ўзинг яхши биласан-ку! дейишимни тасаввур қилардим.

Мен шунчалик ғазабландимки, ундан нафратланардим! Ҳомиладор эмаслигимга ишонч ҳосил қилиш учун ҳайз кўришни кута олмадим. Ўша воқеадан кейин жуда ўзгариб кетдим. Дуч келган одам билан ёта бошладим, бошқа йигитдан ҳомиладор бўлиб, аборт қилдирдим. Мен энди романларсиз яшай олмасдим ва бир йигитдан иккинчисига ўтиб, у безор қилганида алоқани узардим.

Бобни қандай кечиришни ва ўзимни севиб яшашни кўрсатгани учун Худога жуда миннатдорман."

Меган "Клуб 700" кўрсатувида йигити томонидан зўрланган қиз билан бўлган интервьюни кўрганида, унда нимадир ўзгариши мумкинлигини тушуна бошлади. У ўз дилозорини кечириб, озод бўлганини ҳис қилганини айтди. Меган ҳам доимий ғазаб ва тартибсиз алоқаларга бўлган иштиёқ туйғусидан халос бўлишни хоҳлади. У худога илтижо қилиб, юрагидаги аламни кетказишини сўради. Маслаҳатчи ёрдамида у ўша пайтдаги Бобга адашган ўн саккиз ёшли боладек қарашни ўрганди. Охир-оқибат, Меган уни кечиришга муваффақ бўлди ва унга бўлган нафратидан халос бўлди. У ўзини ҳам бошқача идрок эта бошлади, бундан енгил тортиб, хотиржам бўлди.

Менинг шахсий ҳикоям

Мен Меганни яхши тушунаман ва унга ҳамдардман, чунки ўзим ҳам қиз бола бўлганимда жинсий зўравонликни бошдан кечирганман. Мен улғайиб, жисмонан гуллаб-яшнаганимда, мен чин дилдан яхши кўрган ва ишонган икки амаким уялмай-нетмай мени таъқиб қила бошлашди, менга ноз-карашма қилишди ва қалтис вазиятларга солиб қўйишди. Гарчи қўрқув улар билан жинсий алоқага киришишга йўл қўймаса-да, улар билан ноз-карашма қилиш менга куч бағишлаганини ҳис қилиш менга ёқарди. Уларнинг ҳар бири менга "бу бизнинг кичкина сиримиз бўлади," деб ваъда беришди, лекин улар ўзаро мен ҳақимда очиқ гапиришарди. Биттаси кейинроқ, улар ҳатто гаров ўйнашганини тан олди (улардан қайси бири мени биринчи бўлиб тўшакка судраб кириши ҳақида). Гарчи униси ҳам, буниси ҳам буни уддалай олмаган бўлса-да, мен ўзимни қандайдир ифлосдай ҳис қила бошладим.

Охир-оқибат, айтганларидек, мен нотўғри жойда, нотўғри вақтда нотўғри одам билан бўлдим. Ўн тўрт ёшимда ота-онамдан яширинча ўн саккиз ёшли йигит билан учрашишга рози бўлдим. У мени зўрлади, мен эса бу ҳақда оғиз очмадим, чунки жанжал чиқишидан қўрқардим: ахир уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, уни ўзим чақирдим-ку. Мен шу қадар тубанлашиб кетдим ва афтидан, ҳиссий алоқага шунчалик муҳтож эдимки, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бир мунча вақт зўравоним билан муносабатларимиз янада ривожланишига умид боғладим. Лекин у истаган нарчасини қўлга киритди ва мен энди унга керак эмасдим. Шундай қилиб, бўлиб ўтган воқеадан таъсирланиш устига, мени рад этишганидан ачиниш ҳам қўшилди.

Йигитлар билан очиқчасига учраша бошлаганимда, уларнинг жинсий ҳужумга осонликча берилардим. Йигитлар билан яқинлик ишқий муносабатларни бошлаб беришига умид қилсам, уларнинг тегажоғликларига унчалик қаршилиқ қилмасдим. Беш йил давомида бу зарарли занжирни узишга қодир бўлмадим, ниҳоят, ажойиб кунларнинг бирида ўзимдан фойдаланишга йўл қўйиб бераётганимни ва бошқа одамлардан Худонинг иродасига зид равишда фойдаланаётганимни англаб етдим.

Жисмоний ёки жинсий зўравонликнинг олдини олиш бўйича баъзи амалий маслаҳатлар:

1. Иложи бўлса, қоронғи тушгандан кейин ёлғиз сайр қилманг.
2. Уйда ёлғиз бўлсангиз, эшикларни қулфлаб ўтиринг. Агар уйда тез-тез ёлғиз қолсангиз, бу ҳақда ҳаммага ва ҳар кимга гапириб юрманг.
3. Йигит билан учрашганда, одамлар гавжум жойларда бўлишга ҳаракат қилинг, шунда ёрдамга чақирганингизда сизни эшитишлари мумкин.
4. Жинсий қўзғалишни келтириб чиқарадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўйманг: ноз-карашма, чуқур эҳтиросли бўсалар ёки интим эркалашлар.
5. Қатъий чегаралар ўрнатинг ва уларга риоя қилинг. Агар кимдир сизни жинсий алоқага моил қилмоқчи бўлса, дарҳол рухсат этилган чегарадан ўтишга йўл қўймаслигингизни билдиринг. Буни баланд овозда ва қатъият билан айтинг, керак бўлса, бутунлай кетинг.

Етти фойдали маслаҳат

Худо хоҳласа, на жинсий ва на бошқа зўравонликни ҳеч қачон бошдан кечирманг. Аммо кўпчилигингиз билан шундай бўлганини тушунамиз. Агар сиз зўравонлик қурбонига айланган бўлсангиз, руҳий жароҳатни енгишга ва бу зарарли занжирни узишга ёрдам берадиган маслаҳатларни қабул қилинг.

1. Бу ҳақда кимгадир гапириб беринг! Жимгина азоб чекманг. Онангиз ёки отангизга, ўқитувчингизга, чўпонга, профессионал психологга, ўсмирлар учун "ишонч телефони" операторига ёки шунчаки ишончли дўстингиз бўлган катта одамга ишонинг. Юз берган воқеадан омон қолишингизга ёрдам бера оладиган ва сизни соғайиш йўлига бошлай оладиган инсонга юрагингизни очинг. Агар сизга ишонишмаса, сизга ёрдам бера оладиган одамни топмагунингизча, бу ҳақда бошқа бировга айтинг. Буни дарҳол амалга оширган маъқул, айниқса, зўрлаш ҳолатида, шунда жиноят далилларини тўплаш ва жинорий иш қўзғатиш мумкин бўлади. Агар сизга қилинган зўравонлик ҳақида ҳеч кимга айтмаган бўлсангиз, буни энди қилинг.

2. Ҳеч қачон оғзаки, жисмоний ёки жинсий зўравонликка тоқат қилманг. Агар одамлар сизга ёмон муносабатда бўлишса, шуни ёдда тутингки, сиз уларни бошқача эмас, балки шундай муносабатда бўлишга ўргатасиз. Агар қўполликка индамай бардош берсангиз, йигитингиз сизни қўполлик қилишингиз ёки ҳақорат қилишингиз мумкин деб ўйлайди. Агар сиз дўстсиз қолмаслик учун энг ғайриинсоний муомалага чидашга тайёр бўлсангиз, 4-бобга қайтинг ва "3-афсона" деб номланган бўлимни қайта ўқинг. Кейин қўпол дўстингизга узоқроққа кетишни таклиф қилинг ва бундан буён йигитларни муносиб муомалага ўргатинг.

3. Зўравонликка лойиқман, деган ёлғон фикрга ишониб қолманг. Ҳеч ким ва ҳеч қачон зўравонликка лойиқ эмас. Кўпгина аёллар эҳтиётсиз сўзлар ёки хатти-ҳаракатлар билан ўзларига жинсий зўравонлик қилган эркекларга қарши айблов қўймайдилар. Ҳеч бир аёл қандай кийиниши, қаерга бориши ва нима иш қилишидан қатъи назар, зўравонликка лойиқ эмас. Ушбу иборани яна бир бор ўқинг ва бу муқаддас ҳақиқат эканлигига ишонинг. Агар сиз эркекни жисмоний яқинлашишга ундаган бўлсангиз ҳам, ҳар доим фикрингизни ўзгартириш ва кейинги жинсий фаолиятга йўл қўймаслик ҳуқуқига эгасиз. Албатта, бошиданоқ хавфли вазиятлардан қочган маъқул, лекин сиз шундай вазиятга тушиб қолган бўлсангиз ҳам, бу бошқа одамнинг сизга нисбатан зўравонлик қилишига йўл қўймайди.

4. Зўравонингизга қўполлик қилишдан қўрқманг, лекин ғазабингизни бошқа одамларга сочманг. Зўравонликка учраган кўплаб аёллар бошқа эркекни "жазолаш" билан бирга, зўравон билан "ҳисоб-китоб қилиш" истагини ҳис қилишади. Одатда улар жинсий вазиятларни саҳналаштириб, ўзларини ҳақорат қилиш пайтида йўқотилган хотиржамлик туйғусини тиклашга интиладилар. Бундай хатти-ҳаракатлар бошқа эркекларга нисбатан ҳурматнинг мутлақо йўқлигини кўрсатади, аммо бу сизнинг муаммоларингизни ҳал қилишга ёрдам бермайди, балки сизни боши берк кўчага киритиб қўяди.

5. Ёдингизда бўлсин, зўрлаш ва жинсий бузуқлик - бошқа-бошқа нарсалар. Агар сиз зўрланган бўлсангиз, поклингизни йўқотдим, энди ўзингизни эҳтиёт қилишнинг ҳожати йўқ, деб ўйламанг. Сизнинг ахлоқий ҳолатингиз жинсий аъзоларингизга кимдир киргани ёки сизни ўз ихтиёрингизга қарши нимадир қилишга мажбур қилгани билан эмас, балки ўз танангизни бошқа бировнинг жинсий рағбатлантирилиши ёки жинсий лаззат олиши учун беришга тайёрлигингиз билан белгиланади. Агар сиз ҳеч қачон бундай қарорни онгли равишда ва ихтиёрий равишда қабул қилмаган бўлсангиз, зўрланган ёки бузуқ ҳаракатлар қурбони бўлган бўлсангиз - сиз ҳали ҳам поксиз.

6. Хафа қилган кишингизни кечирингизга ҳаракат қилинг. Бу сиз қилишни истаган охириги нарса бўлиб туюлади, лекин шунга қарамай, фақат шу нарса сизни шафқатсизлик ва хафалик туйғусидан халос қилиши мумкин. Оғриқни азоб чекаётганлар келтириб чиқаради ва эҳтимол, кимдир сизнинг зўравонингизга нисбатан қачондир шафқатсиз муносабатда бўлгандир. Бу, албатта, уни асло оқламайди ва сизнинг оғриқингизни камайтирмайди, лекин у нималарни бошдан кечирганини ва нима уни бу ишга ундаганини тушуниш кечирим сари қадам ташлаш демақдир. Ахир сиз ҳақорат қилувчингиз бу ишни қандай оғриқ таъсирида қилганини ва ўзи қандай зўравонликка дучор бўлганини билмайсиз. Агар у қачондир сиздан кечирим сўраса ёки ҳеч бўлмаганда сизни хафа қилганини тан олса, уни кечирингизга ҳаракат қилинг. Бу сизни бутун умр кўтариб юриш жуда оғир бўлган ғазаб ва нафрат туйғуларидан халос қилади.

7. Сизга нисбатан қилинган зўравонлик ҳеч қачон унутилмайди, лекин барибир оғир хотираларни енгишни ва нима бўлишидан қатъи назар, яшашни давом эттиришни ўрганинг. Жинсий зўравонлик қурбони бўлган кўплаб аёллар соғ-саломат турмушга чиқиб, тўлақонли ҳаёт кечирмоқдалар; бундан ташқари, улар кўпинча бахтсиз дўстларига шафқатсиз муносабат туфайли юзага келадиган ҳис-туйғуларни енгишга ёрдам беришади. Бошқалар билан омон қолиш рецептини баҳам кўриб, сиз нафақат уларнинг шифо топишига ёрдам берасиз, балки ўзингиз ҳам катта қувончга эга бўласиз, чунки сизнинг ҳамдардлик ва далда сўзларингиз одамларга Худо томонидан тасалли беради.

Ёдингизда бўлсин: сиз Худонинг фарзанди, Масихнинг келини, борлиқ Подшоҳининг азиз қизисиз. Ҳатто кимдир сизга нисбатан ножўя муносабатда бўлса ёки сиздан Худо буюрганидан бошқа мақсадда фойдаланса ҳам, аслида ким эканингизни ҳеч қачон унутманг.

Сиз муносиб муносабатга ва ҳурмат билан муомала қилишларига лойиқсиз. Шуни ҳам унутмангки, бошқа одамлар ҳам шундай ҳурматга лойиқдирлар. Зўравонликнинг бузуқ доираси ҳаётингизни ва муносабатларингизни бузишда давом этишига йўл қўйманг. Ўтмишингиз остига чизик тортинг ва унинг келажакка соя солишига йўл қўйманг. Худо сиз учун кўплаб қувончли онларни тайёрлаб қўйган - фақат сиз яратилишингизнинг асл мақсади - илоҳий мақсадни тушунишга ҳаракат қилишингиз керак!

“Ахир, Мен сизлар тўғрингизда тузган режаларимни биламан, — деб айтмоқда Эгамиз. — Бу режаларим сизларга кулфат эмас, фаровонлик олиб келади, ёруғ келажагу умид беради.” (Еремиё 29:11)

III-ҚИСМ

БОШҚАЛАРНИ ВАСВАСАГА ТУШИРМАСЛИК

9-БОБ

Хукмронлик қилишга ташна бўлганимизда

Раббимиз Исо Масиҳнинг Худоси, улуғ Отамиз, Ўзини таниб–билишингиз учун Муқаддас Рух орқали сизга донолик ва ақл–идрок ато қилсин. Худо сизларнинг қалбингизни нурга тўлдирсин, токи Худо сизларни даъват қилиб, сизларга қандай умид берганлигини, Худонинг халқи У учун нақадар бой мулк эканлигини тушуниб олинглар. Худонинг биз — имонлиларга кўрсатган тенги йўқ қудрати нақадар буюклигини ҳам билиб олинг.

Эфесликлар 1:17-19

“Уни оёқларинг остига эмаклаб келишига юришга мажбур қил”. “У сендан ажралганига пушаймон есин”. “У сен нимани хоҳласанг, шуни қилади”.

Бугунги кунда эътиборингизни тортишга уринаётган кўплаб журналларнинг муқовалари шундай сарлавҳалар билан тўлиб-тошган.

Оммавий ахборот воситалари агар хоҳласангиз, ҳар қандай йигитни қўлга олишингиз мумкинлигини миянгизга тўхтовсиз сингдирмоқда: бунинг учун сизга табиатан тегишли қобилият берилган - шунинг учун ундан фойдаланинг! "Қизлар ҳокимиятининг 30 куни," ёки "Икки курагини ерга теккизишнинг 428 усули," ёки "Уни ёндирадиган кийимлар," ёки "Уни бугуноқ қўнғироқ қилишга мажбур қил" каби мақолалар беихтиёр шундай фикрга олиб келадик, агар сиз бор кучингиз билан эркакларнинг эътиборини жалб қилишга уринмасангиз ва шу орқали худбинлигингизни озиқлантирсангиз, демак, сизда нимадир нотўғри.

Биз шундай замонда яшайпмиз - кўплаб аёллар қарама-қарши жинсга ўз шуҳратпарастлигини қондириш воситаси сифатида қарайдилар: бу йиртқичлар бузуқ эркаклардан ҳам қўрқинчлироқ бўлади. Кўпчилик ўзининг жозибадорлигини тасдиқлаш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилади ва бу йўлда кўпинча бошқа одамларни эзиб қўяди. Аёлнинг эркаклар истибдоди қурбони бўлишни истамаслиги мутлақо табиий ва соғлом, аммо аёл қарама-қарши чегарага - эркак устидан тўлиқ ҳукмронлик қилишга интилганда мутлақо номақбулдир.

Баъзи аёллар эркаклар устидан ҳукмронликни қўлга киритишга уринаётган айёрона манипуляцияга бир нечта мисоллар келтирамиз:

- Лиза эрталаб кийинар экан, албатта, бугун йигитлардан қайси бири уни кўришини ҳисобга олади ва уларнинг эътиборини тортиш, улар билан ноз-карашма қилиш умидида атайлаб жозибали кийимларни танлайди. (Лиза ўз ҳокимиятини суиистеъмол қилиб, беҳаё кийимлар ёрдамида ўзининг жинсий жозибадорлигини кўрсататмоқчи бўлади. У эркакларни ўзига қизиқтириш орқали манипуляция қилади.

- Марисса йигит унга қизиқиб, тез-тез кўзига кўриниб турса, дарҳол унга нисбатан қизиқишини йўқотишини пайқади. Аксинча, йигитнинг унга бефарқлигини кўриб, уни хаёлидан чиқариб ташлай олмайди ва унга ёқиш учун бор кучини сарфлайди. (Марисса руҳий яқинлиқдан манфаатдор эмас. У йигитларни ўзига ўгирилиб қарашга мажбур қилиш ва уларни жозибадорлиги билан ўзига жалб қилиш орқали ўз иззат-нафсини қондиради.)
- Жейсон Кетини мақтовларга кўмиб ташлашига қараганда уни севишига қарамасдан, у Жейсонни унчалик ёқтирмайди Шунга қарамай, агар у ресторанда бирга овқатланишни таклиф қилса, у йўқ демай келади, баъзида эса шунчаки у билан одамлар олдидан кўриниш бериш учун боради. (Кети уялмасдан Жейсоннинг ва унинг ҳамёнидан фойдаланади, чунки унга жавоб қайтаришни хаёлига ҳам келтирмайди.)

Кўп қизлар (Муқаддас Китоб нуқтаи назари билан) тўғри бўлган эмас, балки умумэтироф этилган нарсаларга амал қилишади. Аёлнинг эркақдан устунлиги ғояси, афсуски, жамиятимизда тобора кўпроқ тарқалмоқда ва илдиз отмоқда. Эҳтимол, сизда бир неча бор: "Ҳамма шундай қилар экан, демак, менга ҳам мумкин," деган фикр пайдо бўлгандир. Аммо келинг, болалигимизда онамиз ҳар биримизга айтган иборани эслайлик: "Агар ҳамма томдан калла ташласа, сен ҳам сакрайсанми?" Она ҳақ. Ҳамма қилаётган ишлар ҳар доим ҳам тўғри ёки оқилона бўлавермайди.

Янги бебош қабилами ёки катта хатоми?

"Нью-Ёрк Тайм" газетаси учун "Мачо қизлар" сарлавҳали мақолани тайёрлаётиб, журналист турли одамлардан ёшларни ҳеч бир хижолатсиз таъқиб қиладиган ва ўзаро муносабатларда етакчилик ролини ўз зиммасига оладиган жозибали ва ҳукмрон ёш аёлларнинг янги қабиласи ҳақидаги фикрларини сўради. Мақолада ҳар ойда йигирма-ўттиз нафар ўсмирга маслаҳат берадиган психолог Теби Уптоннинг жавоби келтирилган: "Ўсмир йигитлар кўпинча қизлар уларни жинсий алоқага ундашини ва улардан жинсий зўравонлик кутишларини айтишади ва кутмасдан, ташаббусни ўз қўлларига олишади. Ҳалати ўзгариш юз берди, натижада қизлар ўзларини бузуқ деб ҳисоблайдилар, шунинг учун уларнинг эркақларга бўлган муносабатини "Мен таклиф қила оладиган нарса шу" ибораси билан ифодалаш мумкин эди.

Ўн олти ёшли Лиза Циммерманнинг фикрича, жинслар ўртасидаги муносабатларда ҳар доим тенгсизлик бўлган, чунки эркақлар дастлаб танлаш ҳуқуқига эга бўлишган. "Улар рад этилишидан қўрқишлари шарт эмас эди, - дейди у. - Лекин энди бизнинг навбатимиз келди!"

Теби Уптон, шунингдек, замонавий поп-маданиятнинг сеvimли тури бўлган бундай бебош, шўх гўзалнинг ролига қизиқиб қолган ўн беш ёшли қизча ҳақида ҳам ҳикоя қилади. "Бундай қизларни кинода, мусиқий каналларда кўриб, бир йўла бир неча йигитлар билан яқинлик қилишга иккиланмади." Уптоннинг айтишича, бу қиз ҳомиладор бўлган ва ҳатто чақалоғининг отаси кимлигини аниқ билмаган. Бундан ташқари, у жинсий йўл билан юқадиган касалликка чалинган. Қиз ўтмишга назар ташлаб, ўзидан сўрайди: "Нега бундай қилдим?" Уптоннинг хулосасига кўра, ёш бемор шунчаки муҳаббатни жуда хоҳлаган, бундан ташқари, у жасур ва бепарво кўринишни хоҳлаган. "Кино ва видеоклипларда бу жуда зўр ва чиройли кўринади! Лекин ҳаётда ундай эмас..." Уптон боласини асраб олишга берди.

Ҳокимиятга бўлган чанқоқлик сизни бу қадар қийин аҳволга солиб қўймаса ҳам, у сизни ёшлар билан муносабатларга бўлган талабларингизни деярли муқаррар камайтиришга мажбур қилади. Керри шундай деб ҳикоя қилади:

"Мен бирорта йигитнинг менга қизиқишини кутиб ўтирмасликка қарор қилдим. Менга дўст керак экан, ишни ўз қўлимга олиб, уни ўзим топишим мумкин. Ўн етти ёшимда ёшлар гуруҳида бир болани учратиб қолдим ва ўйладим: "Мана бу йигит мен учун жуда ёқимтой ва бунинг устига масиҳий." Гарчи мен ҳам унга ёқишини билсам-да, у мендан телефон рақамимни сўрамади. Шунда дугонам билан унинг рақамини маълумотномадан ўзимиз топиб, унга қўнғироқ қилишга қарор қилдик. Унинг фамилиядошлари жуда кўп экан.

- нақ қирқ киши! Тан олиш бироз уят, лекин биз уни топганимизча ҳаммага қўнғироқ қилдик.

У билан муносабатларимиз бор-йўғи бир йил давом этди ва бу вақт ичида мен кўплаб қайғу ва қийинчиликларни бошдан кечирдим. Тез-тез йиғлаб ҳам турардим, чунки у менга ғамхўрлик қилишини жуда хоҳлардим, лекин мен уни ташаббус кўрсатишга ва озгина романтика кўрсатишга қанча кўп ҳаракат қилсам, у шунчалик "орқа ўриндиқда қолишга" интиларди, мени эса "рулга ўтказиб қўярди". Мен унга қўнғироқ қилардим; уни учрашувларга таклиф қилардим; мен ҳамма нарсани ўз зиммамга олардим; бирор жойга борсак, машинани мен ҳайдардим; кўпинча, ўйин-кулги учун ўз ҳамёнимдан пул тўлардим; ҳар доим ва ҳамма жойда мен ташаббускор эдим - шу жумладан жисмоний алоқаларимизда ҳам. У ўзини мен хоҳлагандек тутмасди, мен эса уни мажбур қилардим. Қандай хато!

Қачонлардир қиз учун ташаббус кўрсатишнинг ягона имконияти "оқ рақс"га таклиф бўлган. Ҳозирги ёш аёллар нафақат йигитларни таъқиб қилишади, нафақат ўзлари уларни учрашувга таклиф қилишади, ҳатто жинсий алоқани ҳам ўзлари бошлашади. Қачонлардир жинсий зўравонликка йўл қўйган қиз ўзини қурбон, хўрланган ва ҳақоратланган ҳис қилган. Бугунги кунда эса ёш аёллар эркакларни ўзларининг шуҳратпарастлик қурбонига айлантirmoқдалар, уларни камситmoқдалар ва ҳақорат қилmoқдалар. Биз бир нечта ёшлардан йигитларни таъқиб қиладиган ва улар билан муносабатларда етакчи ролини ўз зиммасига оладиган қизлар ҳақида қандай фикрда эканликларини сўрадик. Улар шундай жавоб беришди:

Брент, 16 ёш: "Қизлар йигитларга қараганда ўзларини анча агрессив тутишади ва ҳамма нарсани ўзлари бошқаришга ҳаракат қилишади. Жуда қўрқинчи бўлиб кетяпти!"

Виктор, 17 ёш: "Қиз ортимдан югурганида, менда ундан қочиб кетиш истаги пайдо бўлади. Бир қиз менга хат ёзиб, кийиниш хонамдаги шкафчамга солиб қўярди. Мен унга жавоб бермадим - у имо-ишорани тушунади деб умид қилдим, лекин бунинг ўрнига у менга қўнғироқ қилиб, уйим ёнидан ўта бошлади. У менга ўз ўйинини тиқиштираётгани аниқ эди, лекин мен бўш келмадим. Менимча, охир-оқибат у шунчаки чарчаган, чунки у менга бошқа ёзмади ва қўнғироқ қилмади. Лекин энди бирорта қиз менга қизиқа бошласа, у ҳам мени таъқиб қила бошлайди, деб қўрқаман. Севгилим менга буйруқ беришини эмас, менга бўйсунини истайман."

Чед, 19 ёш: "Бизнинг давримизда бокира бўлиш урф эмас... Мени йўлдан урмоқчи бўлган қизлар шу қадар кўп эдики, мен бир марта таслим бўлдим ва бокиралигимни йўқотишимга сал қолди. Бўлажак рафиқам учун ҳамма нарсани - қучоқлашни ҳам, ўпишни ҳам, ҳатто қўлларини ҳам фақат у билан ушлашни жуда хоҳлайман. Лекин қандайдир бошқача бўлиб чиқяптики, атрофимда мутлақо бошқа қизлар ўраб турибди ва мен улардан қочиб қутулолмаяпман..."

Тартибли йигит ҳеч қачон қизнинг қўлида ўйинчоқ бўлишни истамайди. Худди сиз-у бизга ўхшаб, ёшлар ҳам ўзларига ҳурмат билан муносабатда бўлишларини хоҳлашади.

Орқага: Эрам боғига қайтамиз

Бир қарашда биз қандайдир янгиликларни бошдан кечириётгандек туюлса-да, аслида жинсий алоқа

азалдан аёллар учун эркаклар устидан ҳукмронликни қўлга киритиш воситаси бўлиб келган. Бу Муқаддас Китоб замонларидан бери давом этиб келади. Эрам боғида нима бўлганини эслайсизми? Илон Момо Ҳавони алдаб: "Йўқ, ўлмайсизлар. "Чунки Худо билади, сизлар бу мевалардан есангиз, кўзларингиз очилиб, сизлар ҳам барча яхши ва ёмон нарсаларни биладиган бўлиб, Худого ўхшаб қоласизлар" (Ибтидо 3:4,5) деди. Момо Ҳаво Худонинг амрларига бўйсунушига тўғри келаётганидан норози эди. У донолик ва ҳокимиятга эга бўлиш учун Худого ўхшашни хоҳлади ва шунинг учун тақиқланган мевадан татиб кўрди. Шунда Худо бу гуноҳ учун қандай жазоланишини айтди: «...Аммо эрингни қўмсайверасан, Эринг эса *ҳоким бўлади сенинг устингдан.*» (Ибтидо 3:16, курсив меники. - Ш.Э.).

Яратилишнинг дастлабки кунлариданоқ аёлни эркак билан муҳаббат/нафрат муносабатлари боғлайди. У кучли жинс муҳаббатини истайди, лекин унга ўз устидан ҳукмронлик берилганлиги ҳақидаги фикрга ҳам қаршилиқ кўрсатади. Узоқ йиллар давомида аёллар ҳуқуқлари учун шиддатли кураш олиб борилди ва баъзан мутлақо оқилона (аёлларга нисбатан зўравонлик, хурфот ёки камситишга қарши), баъзан эса ишончсизлик, қўрқув, очкўзлик, мағрурлик ёки худбинлик туйғулари билан боғлиқ норозиликлар билдирилди. Ҳокимиятга бўлган чанқоқлик ва эркак устидан ҳукмронлик бизга етишмаётган нарсани беришга қодирлигига ишонч, яъни ўзига ишонч, севги, ўз аҳамиятини ҳис қилиш - баъзида аёлни жинсий алоқадан ўзига ён бериш воситаси сифатида фойдаланишга мажбур қилади.

Жинсий ҳокимият ёш аёлга осон ўрганиб қоладиган гиёҳванд модда каби таъсир қилади. Тенгдошингизнинг бошини айлантириш ёқимли, лекин бундан ортиқ эмас; катта ёшли эркак - футбол жамоаси сардори, коллеж профессори ёки бўлим бошлиғи сизни севганидан ақлдан озса, бу сизнинг "мен"ингизга улкан завқ бағишлайди. Ҳокимиятни бундай суиистеъмом қилиш одатда обрўсизлантирувчи ёки ҳатто тақиқланган муносабатларга олиб келади, бу ҳақда 18-бобда батафсил тўхталамиз.

Ҳокимиятга интилишингиз ортида нима яширинган?

Агар сиз жинсий дахлсизликка қарши бўлсангиз, бунинг ортида эркаклар устидан онгсиз равишда ҳукмронлик қилиш истаги яширинган бўлиши мумкин. Менда ҳам шундай бўлди. Тажрибали психолог менга эркаклар билан бўлган барча муносабатларимнинг ҳаракатлантирувчи сабабини очиб берди: мен она қорнидаги кичкина қизалоқ эдим, менга етишмаётган муҳаббатни топиш учун онгсиз равишда отасининг тимсолини излаётган эдим.

Турмушга чиқишдан олдин ташқи кўринишимдан ёшларни ўзига жалб қилиш учун хўрак сифатида фойдаланганман. Улар менинг жозибадорлигимга маҳлиё бўлишар ва бу менинг шуҳратпарастлигимга таскин берарди.

Навбатдаги қурбонни илинтиришга муваффақ бўлганимда, ичимда ўзимни қудратли ҳис қилардим. Аммо менинг мамнунлигим, одатда, узоққа чўзилмасди ва тез орада ўзимга янги йигит излай бошлардим, у мени бахтли қилади, деб умид қилардим.

Тўйдан кейин эркакларга муносабатим ўзгаради, деган ўй билан овунардим, аммо умидларим пучга чиқди. Шунда мен масиҳий руҳшуносга мурожаат қилиб, васвасалар нега мени тарк этмаётганини тушунмоқчи бўлдим. Бир сеансда шифокорим мендан кейинги сафар жинсий алоқада бўлган ёки ҳиссий жиҳатдан интилган барча эркаклар рўйхатини тузишимни сўради.

Кейинги ташрифимда у менга келаси ҳафта ибодат қилишни таклиф қилди ва ўзимга шу саволларни беришимни: "Бу одамларнинг ўртасида қандай умумийлик бор?" Ва Худо менга ҳар сафар бу менинг устимдан қандайдир ҳокимиятга эга бўлган катта ёшли одам билан - ўқитувчим, бошлиғим, адвокатим ва бошқалар билан алоқа эканлигини кўрсатди.

Бу қонуниятнинг моҳиятини тушунишга уриниб, мен бир нарсани аниқладим: эркак устидан ҳукмронлик қилишга интилиш экан. Мени қаттиққўллик билан бошқарган отам билан муносабатларда ўзимни мутлақо ожиз ҳис қилишим мени ғайришуурий равишда эркаклар билан муносабатларда авторитарликка интилишга мажбур қилар экан. Ҳар сафар кучли жинс билан муносабатларда устунликка эришганимда, мен гўё шундай дердим: "Кўряпсизми, дада? Мени чинакамига севишади! Мен эътибор ва меҳрга МУНОСИБМАН!"

Қалбимда отам қолдирган бўшлиқни тўлдиришга ва ўзимни ҳурмат қилишга уринишларим билан ўзимга зарар етказардим. Шахсий тажрибамдан биламанки, фақат жинсий алоқага асосланган муносабатлар ҳақиқий руҳий яқинликдан маҳрум қилиб, ҳокимиятга бўлган чанқоқликни ва унинг етишмаслигини янада кучайтиради.

Ўшандан бери менга қониқиш ва ўз-ўзини ҳурмат қилишнинг ягона ҳақиқий манбаи очилди - Самовий Отам билан яқин муносабатда бўлиш. Уни биринчи навбатда излай бошлаганимда, Исо нафақат менинг асосий муҳаббатимга айланди, нафақат менга ҳеч бир эркак бера олмайдиган қадр-қиммат туйғусини берди: У менинг ердаги отам билан муносабатларимни тиклади ва турмуш ўртоғимга содиқ қолишимга ёрдам берди.

Албатта, муҳаббат истаги эркак устидан ҳукмронлик қилишга интилиш ортида яширинган ягона мотивация эмас. Мисол учун, агар сиз жинсий зўравонликка учраган бўлсангиз ёки эркаклар томонидан ҳиссий эътиборсизликни ҳис қилган бўлсангиз, ғазабланиш, хафа бўлиш ёки озгина бўлса ҳам сизни хафа қилган одамга ўхшаш ҳар қандай инсонни жазолаш истаги туфайли улар устидан ҳукмронлик қилишга интилишингиз мумкин. Шелли шундай қилган - унинг ҳикоясини 8-бобда ўқигансиз. Яна бир сабаб - эркакнинг оёғи остига тушиб қолишдан қўрқиш. Эҳтимол, сиз унинг сиздан устун келишга уринишдан қўрқаётгандирсиз ва шунинг учун унинг олдини олишга шошиляпсиз. Балки ҳамма гап оддий кибрдадир: ҳамма сизни кучли аёл деб билишини хоҳлайсиз, шунинг учун ҳам сизни заиф жинсга қўшмасликлари учун муносабатларда ҳукмрон бўлишга интиласиз!

Эркакларнинг эътиборини тортиш учун жон-жаҳдингиз билан ҳаракат қилиб, маълум вақт бунга эришишингиз мумкин, аммо ахлоқий покликни сақлашни истаган ёшлар сиздан қочишни бошлайдилар (бу сизнинг режаларингизга умуман кирмайди), чунки вақт ўтиши билан сиз уларнинг поклиги ва Масиҳ билан муносабатлари ҳақида ғамхўрлик қилиш учун ҳаддан ташқари худбин эканлигингиз маълум бўлади.

Нейл

Сиз ёшлар билан муносабатларда ҳаддан ташқари шиддаткорликни, уларни ўз ҳузур-ҳаловати ва худбин мақсадлари йўлида манипуляция қилишга мойиллигини сезасизми? Агар шундай бўлса, бу гапнинг тагида, шубҳасиз, бошқа гап ҳам бор. Худодан бу яширин истакларни аниқлашда ёрдам беришини сўранг ва яхши психологга мурожаат қилинг, у сизнинг кўзингизни очиб, қарама-қарши жинсга нисбатан соғлом муносабатда бўлишни ўргатади. Доно устоз ёки шунчаки соғлом фикрли катталар ёрдамисиз сиз ҳар қандай йўналишни йўқотишингиз ва бутунлай адашишингиз мумкин. Бу хатога йўл қўйманг.

Ҳокимият мувозанатини тиклаш

Ушбу бобни якунлар эканмиз, суҳбатимизга якун ясаймиз. Биз сизга ихтиёрий равишда ўзингизни кучсизликка маҳкум этишни ва барча ҳуқуқларингизни эркакнинг оёқлари остига ташлаб, қадр-қимматингизни оёқ ости қилишни таклиф қилмаймиз. Ҳар бир инсон ўзининг шахсий ҳокимиятини англаши керак. Сизни зўравонлик билан босим ўтказмоқчи ёки жинсий алоқага мажбурламоқчи бўлган эркакдан ҳимояланиш учун бу кучдан фойдаланиш табиий ва нормал ҳолатдир. Зарарли таъсир ёки ёмон муомаладан сақланиш учун ўз кучингиздан фойдаланинг. Аммо ўзингиз одамларга салбий таъсир кўрсатиш ёки уларга ёмон муносабатда бўлиш учун унга мурожаат қилманг. Ўзингизга қандай муносабатда бўлишларини истасангиз, бошқаларга ҳам шундай муносабатда бўлинг (Матто 7:12). Бошқаларни ҳурмат қилинг ва ўзингизга ҳам шундай муносабатда бўлишни талаб қилинг.

Хулоса ўрнида сизга бир сирни очамиз. Фақат Худо сизнинг севги ва ҳокимиятга бўлган эҳтиёжингизни тўлиқ қондира олади. Худо Ўз севгиси ва ҳокимиятини эркакларга берадими? Ҳа. Аммо буларнинг барчасини қўлга киритиш учун уларнинг қўлидан ўтишингиз шартми? Йўқ. Худди шу нарсани Худо аёлларга ҳам беради. Муқаддас Руҳнинг қудратли муҳаббати ҳиссий жиҳатдан соғлом, ҳушёр, тўлақонли ҳаёт кечириб беришини тушунганингизда, васвасага солиш кучи унинг олдида хиралашади.

«Биз инсон бўлиб, бу дунёда яшасак ҳам, башарий куч билан жанг қилмаймиз. Бизнинг қурол–аслаҳаларимиз башарий манфаат учун эмас, балки илоҳий манфаат учун ишлатилади. Бизнинг қурол–аслаҳаларимиз бу дунёнинг қурол–аслаҳаларидай эмас. Худонинг қудрати билан бу қурол–аслаҳаларимиз қалъадай мустаҳкам бўлган инсоний ўй–хаёлларни ҳамда қуруқ сафсаталарни йўқ қилишга қодир. Худони таниб–билишга тўсқинлик қилаётган такаббурона дунёқарашга биз барҳам берамиз. Ҳар қандай ўй–хаёлни Масиҳга бўйсундириб, асир қиламиз. Шундай қилиб, ўзларингиз ҳам тўла бўйсунганингиздан кейин, биз биргаликда ҳар хил итоатсизликни жазолашга тайёр бўламиз». 2 Коринфликлар10: 3-6

Таассурот уйғотиш учун кийинамизми?

*... Раббимиз Исо Масихга бурканинлар ва башарий
табиатингизнинг эҗтиросларини қондиришни ҳатто хаёлингизга ҳам
келтирманлар.*

Римликлар 13:14

Гурманлар учун телекўрсатувларда сиз ошпазлардан таомни тўғри тортиш муваффақиятнинг ярмини таъминлашини кўп марта эшитгандирсиз. Эътибор беринг: бу жуда адолатли, нафақат овқатга нисбатан, балки танангизга нисбатан ҳам. Биз бу ҳақда илгари ҳам гапирган эдик, энди эса, бу жуда муҳим бўлгани учун, яна такрорлаймиз: сиз одамларни ўзингизга шундай муносабатда бўлишга ўргатасиз, бошқача бўлиши мумкин эмас. Сиз уларга сизни ҳурмат қилиш ёки қилмасликни ўргатасиз. Қанчалик истамасангиз ҳам, сизнинг кийиниш услубингиз - хоҳ қўзғалишни келтириб чиқарадиган тана қисмларини камтарона яшириш, хоҳ "бошқа жойи йўқ" яланғоч бўлиш бўлсин - атрофдагиларга сиз ҳақингизда маълум бир маълумотни узатади. Бизга ишонмасангиз - тенгдошларингизга ишонинг.

Бир радиоэшиттиришда камтар бўлиш қанчалик муҳимлиги ҳақида гапирганимдан сўнг, Кристи исмли йигирма ёшли қиз менга шундай деб хат ёзди:

"Биринчи марта ёзги масиҳий оромгоҳда тарбиячи бўлиб ишлай бошлаганимда, мен ўзимга йигитлар билан ҳеч қандай муносабатда бўлмасликка ваъда бердим ва бутун эътиборимни коттеждаги қизлар билан ишлашга қаратдим. Уларга ёқишни, мени яхши қиз деб ҳисоблашларини жуда-жуда истардим. Шу мақсадда ёшлар модасининг "сўнги чийиллаши"га кўра кийинишни бошлаганим... белдан пастроқ камарли тор жинси шимлар, калта шортилар, тасмали спагетти майкалар ёки етарлича калта ва тор, шу билан бирга, нотўғри кийинаётганим ҳақидаги айбловлардан қочиш учун етарлича узун топиклар. Кечқурунлари қизларимни ўқитардим, ҳаммамиз бу машғулотларни интиқлик билан кутардик ва жуда завқланардик.

Мен ўз мақсадимга эришдим: қизлар мени чиндан ҳам қадрдон дугона сифатида қабул қилишди, лекин шу билан бирга мен баъзи эркак тарбиячиларнинг эътибори ва ҳайратига сазовор бўлдим. Мен бунга хотиржам муносабатда бўлишга ва бу йигитларни жиддий қабул қилмасликка қарор қилдим. Улар эса мени сув тўппончаларидан ўққа тутишар, елкамдан ошхонага судраб боришар, бўйнимга муз парчалари ва шунга ўхшаш нарсаларни ташлашарди. Улардан мени тинч қўйишларини илтимос қилдим, лекин иложи борица қатъийроқ ва кескинроқ гапиришга ҳаракат қилсам-да, сўзларимни қулоқларига олишмади.

Шунда мен катта тарбиячилардан бирига, болалар менга йўл беришмаяпти, шунинг учун хотиржам ишлай олмаяпман, деб шикоят қилдим. У қўлимни ушлаб, меҳрибонлик билан деди: "Кристи, сенинг ҳаракатларинг сўзлардан кўра баландроқ гапиради. Гарчи сен болаларнинг эътиборини тортмоқчи бўлмасанг-да, улар сени бундай кийинганимда пайқамасликлари мумкин эмас. Агар сен миясида фақат ўйин-кулги бўлган енгилтак ўсмир қизга ўхшасанг, ўғил болалар сени ўйинчоқ деб қабул қилишади! Кейинги йили оромгоҳда узунроқ шортик ва ичига тиқилган кўйлак кийиб юрардим. Болалар менга унчалик ёпишиб олишмади, шунинг учун қизларим билан бемалол шуғулланаварардим. Бу сафар оромгоҳдан бутунлай бошқача кайфиятда кетаётган эдим!

Кристини табриклаймиз: у ўзининг кийиниш услуби атрофдагиларнинг унга бўлган муносабатига таъсир қилишини тушуна олди, одамлар унга муносиб ҳурмат билан муносабатда бўлишлари учун у гардеробини ўзгартирди.

Ўзини кўз-кўз қилишдан чарчаб, мактабга янги қиёфада келганида Роз ҳам худди шундай сабоқ олганди.

- "Ўн олти ёшга кирган бўлсангда, йигитинг ҳалигача йўқ" деган мақолни биласизми? Бу деярли мен ҳақимда эди, фарқи шундаки, мен ўша пайтда аллақачон ўн саккизга кирган ва ўрта мактабни тугатаётган эдим. Мен нуқул: "Менга нима бўлган ўзи?" деб ўйлардим. Мен ҳеч қачон ҳеч ким билан учрашмаганман ва ҳеч ким мени учрашувга таклиф қилмаган. Йигитлар мени пайқашмасди, кўришса ҳам, фақат "дўст сифатида" кўришарди.

Шундай қилиб, пул йиғиб, ўзимга калта қора юбка, устидан қора шаффоф блузка кийиладиган тасмали қора майка ва тиззагача тушадиган қора этик сотиб олдим. Эртаси куни сочларимни тепага кўтариб, одатдагидан кўра ёрқинроқ бўяниб, лабларимни ялтироқ лаб бўёғи билан бўяб қўйдим. Аввалига ўзимни бироз ноқулай ҳис қилдим ва ҳатто устимдан футболкамни кийиб олдим, лекин бундан бутун таъсир йўқолди, шунинг учун уни ечишга мажбур бўлдим. Кўчада кетаётиб, орқамда одамлар фоҳишага ўхшайди, деб пичирлашаётганини эшитдим. Қалбимнинг қаеридадир мен уларнинг фикрига қўшилдим, лекин барибир менга эътибор қаратишди, ахир мен айнан шунга интилаётган эдим-ку! Кун охирида йўлакдан кетаётган эдим, бир йигит тўхтатди. У мен билан гаплаша бошлади ва беихтиёр елкамни, қўлларимни силай бошлади. Мен қўлимни бўшатиб, дарҳол тўхтатинг, десам, у: "Нима гап ўзи? Сен шуни хоҳламаганмидинг?" - деди Шундагина қандай аҳмоқлик қилганимни тушундим... Йўқ, мен буни хоҳламагандим.

Мендан нафратланишларини эмас, балки мени пайқашларини ва ҳурмат қилишни бошлашларини орзу қилгандим. У йигитдан қутулишим билан дарҳол кийиниш хонасига югурдим ва футболкамни кийиб олдим."

Роз ва Кристи ўзларининг аччиқ тажрибаларидан шунга амин бўлдиларки, биз одамларнинг бизга бўлган муносабатига, шу жумладан кийиниш услубига ўзимиз оҳанг берамиз. Сизга муносиб ҳурмат билан муносабатда бўлишларини истасангиз, давомини ўқинг.

Дунёвийликдан муқаддасликка

Бир куни савдо марказидан ўтиб кетаётиб, улкан макетдаги эълонга кўзим тушди - бу "Eberkrombi-end-Fitch" ёки бундай расмлар камдан-кам учрайдиган "Виктория сири"да эмас, балки биз болалар билан одатда харид қилиш учун борадиган "Жи-Си-Пенни"да эди. Эълонда орқасидан суратга тушган қиз тасвирланган эди. У калта топик кийган, жинси шимини белигача тушириб олган, шимининг белидан юқорироғигача боғичли ички кийим кийиб олганди. Мен мулоҳаза юрита бошладим: "Бу, албатта, ички кийимни реклама қилишга ижодий уриниш... Дарҳақиқат, қизни фақат тасмали ички кийимда суратга олишнинг иложи йўқ эди - унга жинси кийишга тўғри келган..."

Орадан ўттиз дақиқа ўтиб, қаҳвахонада ўтирганимизда, стол ёнидан ёшгина қизча ўтиб қолди - топинг-чи, у қандай кийинган эди? - мутлақо тўғри: калта топик ва белида жинси шим кийган, белида тасмали ички кийим мағрур турарди. Мен шундай деб ўйладим: Демак, бу сўнгги урф экан-да... Албатта, бу оқимнинг жамоатга сизиб кириши хаёлимга ҳам келмаганди. Аммо орадан икки-уч ҳафта ўтиб, жамоатда кўзларимга ишонмадим: ўша ердаги ёшлар гуруҳидаги қизлардан бири юқорида айтилган стандартга тўлиқ мос равишда кийинган экан!

Камтарона кийиниш қариялар кийимини кийиш дегани эмас. Албатта, бу туфайли танловингиз бироз қисқаради, лекин қурбонлик бунга арзийди. Агар сиз борадиган дўконларда камтарона кийимлар ассортименти кам бўлса, ариза ёзинг ва уни менежерга тақдим этинг. Маҳаллий савдо марказимизга мингдан ортиқ имзолар қўйилган шундай петиция топширганимизда, у ердаги менежерлар ўсмирлар модаси бўйича маслаҳат қўмитасини ташкил этишди ва энди бизнинг фикримизга қулоқ солишмоқда, чунки бу улар учун бизнесни кенгайтиришни англатади.

Мари

Очиғини айтганда, ёш чўпонлар кўпинча: "Қизлар ёшлар гуруҳига дарсга бораётиб, қандай қилиб бу қадар беҳаё кийинишларига ҳайрон қоламан! Наҳотки улар жмоатда эканликларини тушунишмаса? Наҳотки улар ўғил болаларни бу нарса ҳаяжонга солишини билишмаса? Наҳотки улар бундай кийиниш услубини кўрган одамларда улар ҳақида нотўғри таассурот уйғотишини билишмаса?" деган ўй-фикрлардан қийналадилар. Афсуски, жуда кўп ёш аёллар ҳақиқатан ҳам буни англамайдилар, агар англаган бўлсалар ҳам, барибир, эътиборни жалб қилиш истаги (ҳатто носоғлом бўлса ҳам!) уларда соғлом фикрнинг далилларида устун келади.

Аммо ифбатли аёл бўлишни истасангиз, ўзингизни бошқача тута бошлайсиз. Сиз дўстларингизни сизни "ширин конфет" ёки ўткир ҳис-туйғуларни кўзғатиш учун ўйинчоқ сифатида эмас, балки сизга муносиб ҳурмат билан муносабатда бўлишга ўргатасиз. Эркалар нигоҳини ўзингизга қаратганингизда, сизни кийинишингиз туфайли эмас, балки ўзингизни ишонч ва қадр-қиммат билан тутишингиз туфайли қизиқишаётганини билиб оласиз. Сизнинг ички гўзаллигингизга мафтун бўлган йигит, эҳтимол ажойиб муносиб эр бўлиб чиқар. Сизлар қандай кийинишни билиш учун Худонинг Каломига мурожаат қиласизлар ва ўз авлодингиз учун поклик ҳамда камтарлик намунаси бўласизлар.

Муқаддас Китобдан йўл-йўриқ излаймиз

Албатта, Муқаддас Китобда камтарона кийиниш қоидалари тўплами йўқ, аммо бу саволга жавоб излаётганда, биз доимо Масихнинг буйруғига мурожаат қилишимиз мумкин, у яқинимизни ўзимизни севгандек севишни буюради (Матто 22:39).

Тасаввур қилинг: дугонамиз мактабдаги бал олдида озиш учун парҳезга ўтирганини биласиз. Яна сизга маълумки, агар у озиб кетмаса, бал кўйлаги унга торлик қилади ва оқшом унинг учун расво бўлади. Сиз ўзингиз ёмон ширинхўрсиз, бунинг устига қамишдек нозиксиз, қоматингизни қандай қилиб сақлаб қолиш ҳақида бош қотириб ўтиришингизнинг ҳожати йўқ, лекин сиз дўстлар даврасида ширинликлар ейишни яхши кўрасиз.

Шунинг учун, харид қилиш учун савдо марказига борганингизда, ҳар сафар дугонангизни долчинли мазали рулет билан меҳмон қилишга кўндирасиз. Бундан ташқари, уйингизда ҳар доим кремли асосга эга қарсилдоқ печенье захираси бор, шунинг учун ҳар куни эрталаб мактабда сиз албатта дугонангизни ушбу ширинлик билан меҳмон қиласиз. Сиз бу хатти-ҳаракатларни дўстона деб ўйлайсизми ёки худбинлик дебми?

Энди бошқа ҳолат: ёшлар аёл гавдасини, айниқса, ярим яланғоч ҳолатини кўрганда ҳаяжонга тушиши сизга маълум (агар шу пайтгача бу ҳақиқатни ўзлаштирмаган бўлсангиз, "Ҳар бир йигитнинг кураши" китобини ўқиб чиқилишингизни тавсия этамиз!). Бундан ташқари, ёш масихийлар жинсий эҳтиёжни кўзғатадиган нарсалардан кўзларини олиб қочишга ҳаракат қилишади. Хўш, энди айтинг-чи, агар сиз буларнинг ҳаммасини била туриб, шундай кийим кийсангиз-у, у сизнинг нозик қоматингиз ва офтобда қорайган терингизни охиригача яланғоч қилиб кўрсатса, сизнинг хатти-ҳаракатларингизни дўстона деб аташ мумкинми?

Агар калта кўйлак кийган бўлсангиз, пастки қисмига узунроқ майка кийиб кўринг. Биринчидан, бу жуда чиройли ва замонавий кўринади, иккинчидан, шу тариқа сиз белингизни ёпасиз ва у ҳаракат қилганингизда очилиб қолмайди.

Бет

Эрталаб кийинаётганда, бу ишга вазминлик билан ёндашишга ҳаракат қилинг. Ўзингиздан шундай деб сўранг: бу кийим яқинимга бўлган муҳаббатимни кўрсатадими? У менинг акаларим учун қоқилиб йиқиладиган тошга айланмайдими?

Гарчи Муқаддас Китобда қандай кийиниш ҳақида аниқ кўрсатмалар бўлмаса-да, унда нима кийиш кераклиги ҳақида айтилган. Мана баъзи мисоллар:

«Шаҳватпарастлик ва фисқ–фужурга берилмайлик, жанжалкашлик ва ҳасадгўйлик қилмайлик, айш–ишрат ва ичкиликбозлик билан эмас, кундузга яраша, одоб билан кун кечирайлик. *Раббимиз Исо Масиҳга бурканинглари* ва башарий табиатингизнинг эҳтиросларини қондиришни ҳатто хаёлингизга ҳам келтирманглари». Римликларга 13:13,14 (курсив меники - Ш.Э.)

Шунга кўра, *раҳм–шафқат, меҳрибонлик, камтарлик, мулойимлик ва сабр–тоқатни* зеб–зийнат қилиб *тақиб олинглари*. ... Ва ниҳоят *муҳаббатга бурканинглари*, чунки меҳр–муҳаббат мукамал аҳилликка етиштиради». Колосаликлар 3:12-14 (курсив меники. - Ш.Э.)

Кўриб турганимиздек, Муқаддас Китобда на яланғоч бел, на ички кийим ҳақида ҳеч нарса дейилмаган! Аксинча, Худо бизни Исога тақлид қилишга, камтарликка, раҳмдилликка, яхшиликка, мулойимликка, сабр - тоқатга ва севгига ўргатмоқда. Сиз: "Мен буларнинг ҳаммаси билан мактабга бора олмайман-ку!" дерсиз. Олиб бора оласиз! Фақат бунда оддий кийим-бош ҳақида унутманг!
Хўш, Муқаддас Китобдаги маслаҳатларни қандай қўллашимиз мумкин? Давомини ўқиймиз.

Шафни тартибга келтирайлик

Бугунги кунда танани яланғочлаш одатий ҳол ҳисобланиб, ички кийимлар устки кийимга айланиб, аёллар кийимидаги интим буюмлар энди ҳеч қандай интимлик касб этмаётган бир пайтда, эҳтимол, гардеробимизни қайта кўриб чиқиш вақти келгандир. Нима кийиб, нима киймасликни охири-оқибат фақат сиз ҳал қиласиз, лекин биз сизга кийимингиз, улар орасида юришингиз, эгилишингиз, чўзилишингиз атрофдагиларга қандай таъсир қилиши ҳақида айтиб бериш орқали ёрдам бермоқчимиз.

Қуйидаги саволлар рўйхати ёрдамида кийимларингиздаги ҳар бир буюмни баҳолай оласиз. Тасдиқловчи жавоб шуни англатадики, бу буюмни гардеробингиздан чиқариб ташлаганингиз маъқул.

Блузка ва майкалар

- Агар кофтангиз тугмачалар билан қадалса, ҳалқалар орасидаги бўшлиқларда танангиз кўринадими?
- Энгашганингизда ёки тепангизда кимдир турганида кўкракларингиз орасидаги ўйиқ кўзга ташланадими?
- Сизда лифчиги кўриниб турадиган даражада шаффоф блузкалар борми?
- Енгсиз блузкаларингиз ёки майкаларингиз борми (улар остидан лифчик киймайсиз, чунки тасмалари кўриниб туради)?
- Белингиз ва орқангизни очиқ қолдирадиган ёки қўлларингизни бошингиз узра кўтарганингизда юқорига кўтариладиган блузка ёки майкаларингиз борми?
- Сизда қўзғатувчи мазмундаги ёзувли майкалар борми (масалан, "жинсий алоқа" ёки "ноз-карашма")?

Жинси ва шим

- Жинси шимингиз торми (чўнтагидаги тангага туширилган ёзувлар билинадиган даражадами)?
- Шимингиздаги "чақмоқ"ни қадаш учун ётиб, қорнингизни ичга тортишингизга тўғри келадими?
- Сиз жинси шимингизни орқа томондан ички кийимингиз кўринадиган даражада паст кийганмисиз?
- Орқа чўнтагингизда ёзувлар ёки расмлар туширилган шимингиз борми (улар нигоҳни думбага қаратадиларми)?

Юбка ва шортилар

- Қўлларингизни танангиз бўйлаб пастга туширинг ва юбкангизнинг этаги ёки шортигингизнинг чети бош бармоғингиз тирноғининг учига етадими ёки йўқлигини текширинг.
- Ойнага орқа ўгириб, қўллар билан оёқ бармоқларини олиш учун эгилинг. Бунда сизнинг жинсий аъзоларингиз ёки ички кийимингиз кўринадими?
- Ўтирганингизда юбкангиз тиззангиздан анча юқори кўтариладими?
- Ўтирганингизда оёқларингизни чалиштириб ўтиришга мажбур қиладиган ва шунда ички кийим ёки соннинг ички қисми кўринмайдиган юбкангиз борми?
- Олд, орқа ёки ён қирқимлари оёқларни ҳаддан ташқари баланд очиб турадиган юбкаларингиз борми?

Ички кийим

- Агар сиз тасмали ички кийим кийган бўлсангиз, ўтирганингизда ёки олдинга эгилганингизда унинг белбоғи ташқарига чиқиб турадими?
- Айниқса, сиз ёқтирадиган, тўрли тасмали блузкалар билан бирга кийилганда чиройли турадиган лифчингиз борми?

Калта тор майка ва жинси шим кийган қизни кўрганингизда, масиҳийлик идеалларида диққатни жамлаш қийин. Мен аёлларни қоралашни истамайман, чунки ўзимиз ҳам гуноҳдан холи эмасмиз. Лекин мен қизимнинг беҳаё кийинишини ва бошқа йигитлар олдида ўз жозибасини кўз-кўз қилишини истамасдим. Мен ўз танлаганимни, у эса мени ҳурмат қилишини истайман, токи биз у билан турмуш қурмагунимизча, у менга унинг танасига ҳирс қўйишимга йўл қўймасин.

Кертис

Агар барча кийимларингиз бу синовдан муваффақиятли ўтган бўлса, ишончингиз комил бўлсин: сиз камтарона кийинасиз. Фазилат, ҳаё ва виқор либосига бурканиб, бунга лойиқ бўлган ёшларда таассурот уйғотасиз!

«Либоси — қувват, шараф, у келажакка қараб қувонади». Ҳикматлар 31:25

11-БОБ

Ноз-карашма қилишми ёки қилмасликми?

Доноларнинг сўзлари уларга ҳурмат келтиради, нодонларнинг сўзлари эса ўзларини ҳалок қилади. Уларнинг сўзлари аҳмоқлик билан бошланиб, ғирт телбалик билан тугайди,

Воиз 10:12-13

Кўпчилик ёшлар "фақат ноз-карашма қилсам," бу билан ҳеч кимга зарар етказмайман, деб ўйлашади. Лекин аслида шундайми? Наҳотки, бу шунчаки эрмак ва беғубор ўйин бўлса?

Алисия, Рейчел ва Диана ҳам шундай деб ўйлашарди... фақат маълум вақтгача. Тажриба уларга таннозлик обрўсизлантирувчи ва ҳатто хавfli вазиятларга олиб келиши мумкинлигини ўргатди. Уларнинг ноз-карашмаси қаерга олиб борганини билганингизда, улар билан келишасизми-йўқми, кўрамыз.

Майли қара, лекин қўлингни теккизма!

Бир куни кечқурун, ёшлар гуруҳининг машғулотларидан сўнг, ҳамма тарқалгач, Алисия бир бола билан ноз-карашма қила бошлади. Гарчи у "шунчаки" ноз-карашма қилаётган бўлса-да, афтидан, йигитнинг нияти қатъий эди ва у ўзини дадил тутди: уни деворга босиб, бағрига босди ва ўпа бошлади. У қўрқиб кетди ва қочиб қутулишга муваффақ бўлди. Алисия олинган сабоқни қуйидагича хулосалайди:

"Болага (унда гормонлар ишлаб чиқарилаётгани ҳисобига) ноз-карашма қилиш истагим хавfli ва мутлақо кулгили бўлмаган тажрибага айланди!"

Рейчел ўрта мактабни битириб, кичкина, аммо ёқимли ресторанга официант бўлиб ишга кирганида ҳам худди шундай бўлганди. У ердаги бармен "Мел Гибсонга ўхшарди" ва у билан ноз-карашма қилганда, у ўзини жуда жозибали ҳис қиларди. Рейчел унинг эътиборини жалб қилиш учун жозибали кийинарди ва унинг мукофоти унинг "жинсий жозибадор" эканлиги ҳақидаги мақтовли сўзлари эди. У қизга машинада сайр қилишни таклиф қилмагунча, буларнинг барчаси ўйинга ўхшарди.

"Аввалига биз бироз суҳбатлашдик, кейин у сайр қилишни хоҳлайсизми, деб сўради. Мен бундай қилиш керак эмаслигини ҳис қилдим, лекин унинг ҳафсаласини пир қилишдан шунчалик қўрқдимки, рози бўлдим. У мени ёнилғи қуйиш шохобчаси ортидаги хиёбонга олиб борди ва ўпа бошлади. Мен ундан тўхташни сўрадим, лекин у бунга иложи йўқлигини айтди, чунки мен уни ақдан оздириш учун ҳамма нарсани қилиб бўлгандим. Гарчи у мени ҳатто ечинтирмаган бўлса-да, бу мен учун жуда оғриқли зарба бўлди. Охир-оқибат, ундан ва ёқимсиз хотиралардан узоқроқ бўлиш учун ишдан бўшадим."

Диана ўн тўрт ёшдалигида қишки оромгоҳга борганида, улар дўстлари билан ўғил болаларнинг эътиборини тортиш учун ўйин бошладилар. Ўн саккиз ёшли бир йигит дарҳол унга хушомад қила бошлади. Бу унга жуда ёқарди. Диана ота-онаси йигит билан бундай муносабатларни маъқулламасликларини тушунарди, лекин улар унинг оромгоҳда нима билан шуғулланганини ҳеч қачон билишмайди, агар билишмаса, хафа ҳам бўлишмайди, деб ҳисобларди.

Бироз вақт ўтгач, у бола ўзини дадилроқ тута бошлади, бу, албатта, мени хавотирга солиши керак эди, лекин ўшанда мен бунга аҳамият бермадим. У тез-тез менга қўл тегизиб қўярди; умумий йиғилишларда доим яқинроқ ўтирарди, қўлларимиз ва оёқларимиз бир-бирига тегиб турарди. Баъзан мени тиззасига, ўзига қараб ўтқазиб қўярди. Мен ўзимни ноқулай ҳис қилардим, чунки буларнинг ҳаммаси менда қандайдир ғалати ҳаяжон уйғотарди. Кейин у менга ҳар хил шаҳвоний ишоралар қила бошлади, охири куни эса менга маҳкам ёпишиб олди ва қўлларини секин орқамдан пастга қараб юргизиб, орқамдан қисди. Мен хафа бўлдим, лекин ҳеч нарса дейишга журъат этмадим, чунки ўз хатти-ҳаракатим билан уни шу даражага олиб келгандим."

Алисия, Рейчел ва Диана таннозлик унчалик беозор кўнгилхушлик эмаслигини ва ўз ҳузур-ҳаловати учун эркак эҳтирослари билан ўйнашиш мумкин эмаслигини тушунишди. Қизлар хатти-ҳаракатлари билан ёшларга ишқий ёки жисмоний муносабатларга қизиқаётганликларини кўрсатдилар. Гарчи Алисия, Рейчел ва Диана йигитлар уларга тикилиб қарашлари учун атайлаб ҳамма нарсани қилишган бўлса-да, улар ҳеч қандай жисмоний алоқани хоҳлашмаганди. Ноз-карашманинг баъзи турлари йигит учун шафқатсиз синов бўлиши мумкин - шу билан бирга, сизга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишга ундайди!

Агар у менга ёқса-чи?

Сиз шундай деб сўрашингиз мумкин: "Агар мен бирор йигитни ёқтирсамчи? У билан дўстона муносабатда бўлиш ва айни пайтда у сенга ёқишини билдириб қўйиш мумкин эмасми?" Мумкин, лекин фақат шарти шуки...

- хатти-ҳаракатларингиз ва ёки сўзларингиз шаҳвоний мазмунга эга эмас, жозибали ёки очикчасига номақбул эмас;
- унинг ёши сизнинг ёшингизга мос келади;
- у эркин (уйланмаган ва бошқа ҳеч ким билан учрашмайди);
- унда руҳий хасталик йўқ
- сизни ҳаммадан яхши биладиган ва ҳаммадан кўпроқ яхши кўрадиганлар - ота-онангиз ва дўстларингиз бу муносабатларга қарши эмас.

Агар сиз жинсий ва ҳиссий иффатни сақламоқчи бўлсангиз, хатти-ҳаракатларингиз бу интилишга жавоб беради. Аслида у сизни ўзига жалб қилмаётган бўлса-да, унга нисбатан қандайдир алоҳида қизиқиш борлигига ишора қилиб, йигитни чалғитмайсиз.

Муқаддас Китобдан йўл-йўриқ қидирамиз.

Албатта, Муқаддас Китобда "ноз-карашма" деган сўзини учратмайсиз, лекин бу, Худо бу борада сукут сақлаганини англатмайди. У бизнинг сўзларимиз ва хатти-ҳаракатларимиз билан нимани ифодалаётганимизга мутлақо бефарқ эмас.

«...Ахир, одамнинг дили нимага тўлиб–тошса, ўша тилига чиқади! Яхши одам юрагининг эзгулик хазинасидан яхшилик чиқаради, ёмон одам юрагининг ёмонлик хазинасидан ёмонлик чиқаради. Яна шуни айтиб қўяй: сизлар айтадиган ҳар бир бемаъни сўзингиз учун қиёмат кунида ҳисоб берасизлар. Сизлар ўз сўзларингиз асосида ё оқланасизлар, ёки айбланасизлар. (Матто 12:34-37)

Сизнинг сўзларингиз феъл-атворингиз ва қалбингиз ҳақида нима дейди?

«Сизларнинг орангизда фаҳш, зинокорлик, ифлослик ёки хасислигу очкўзлик ҳатто тилга ҳам олинмасин. Булар Худонинг азизларига муносиб эмас. Шунингдек, орангизда беадаблик, ножўя сўзлару қўпол ҳазиллар ҳам бўлмасин, чунки бундай қилиқлар сизларга тўғри келмайди. Яхшиси, Худога шукур қилинглари (Эфесликлар 5:3-4)

Хатти-ҳаракатларингизда жинсий ахлоқсизликка ишора йўқ, деб таъкидлаяпсизми?

«Биз отларни итоат эттириш учун оғизларига сувлуқ соламиз. Шу орқали уларнинг бутун танасини бошқарамиз. Мана, кемалар ҳам, қанча улкан бўлмасин ва кучли шамоллар ёрдамида юрмасин, кичкина бир руль билан бошқарилади. Кемачи руль ёрдамида кемани истаган жойга йўналтиради. Тил ҳам худди шундайдир, тил баданнинг кичкина бир узвидир, аммо катта муаммоларни келтириб чиқаради. Қара, кичкина бир олов бепоён ўрмонни ёндириб юборади! Тил ҳам оловга ўхшайди. Тил — узларимиз орасида бир бузғунчи дунё! У бутун вужудимизни булғайди. У дўзахдан алангаланиб, бутун ҳаётимизни ёндиради». (Ёқуб 3:3-6)

Агар сўзларингиз, фикрларингиз, хатти-ҳаракатларингиз ва эътиқодингиз бир-бирига зид бўлмаса ва улар Худонинг Каломига мувофиқ келса, демак, сиз жинсий ва ҳиссий жиҳатдан яхлит шахс сифатида ҳаракат қиляпсиз. Аммо Худонинг Каломидан узоқлашсангиз, жисмоний жиҳатдан қанчалик узоққа боришингиздан қатъи назар, жинсий яхлитлигингиз бузилади. Оятлардан бирида шундай ваъда бор: агар биз сўзларимизда Халоскоримизнинг соф муҳаббатини акс эттирсак, Худо бизни ўз марҳамати ва дўстлиги билан мукофотлайди:

«Покдилликни севиб, хушмуомала бўлганга шоҳ дўст бўлади. (Ҳикматлар 22:11)

Худо сизнинг сўзларингизга бефарқ эмас - Унга нима деяётганингиз ҳам, қандай гапираётганингиз ҳам У учун муҳимдир.

Сўзларимиз ва хатти-ҳаракатларимиз учун филтер

Энди сиз ноз-карашма нима эканини, унинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, бу машғулот қанчалик шафқатсиз ва хавfli эканини ҳамда Худо сўзларимизга қандай баҳо беришини яхшироқ тушуниб олдингиз. Келинг, сўзларимиз ва хатти-ҳаракатларимиз бошқаларнинг манфаатларига мос келиши учун қандай гапиришимиз ва ҳаракат қилишимиз кераклигини ҳамда "зино ва ҳар қандай нопоклик бизда ҳатто тилга олинмаслиги" учун нима қилишимиз кераклигини кўриб чиқайлик.

Ўзингизга қуйидаги саволларни беринг. Улар сизнинг сўзларингиз ва хатти-ҳаракатларингиз йигитнинг манфаати учун хизмат қиладими ёки оддий худбинлик туфайлими, шуни аниқлашга ёрдам беради.

- Бу гапларни айтаётганимда ёки қилаётганимда нимага таянаман? Охир-оқибат, бу сўзлар ёки хатти-ҳаракатлар бизнинг умумий фойдамизга айланадими ёки иккаламизга ҳам зарар етказадими?
- Бу йигит бошқа биров билан ҳам учрашиб юрадими? Агар шундай бўлса, унинг севгилиси у билан бундай оҳангда гаплашганимдан хафа бўлмасмикин?
- Менинг сўзларим уни мен билан тез-тез ва яқинроқ мулоқот қилишга ундамаяптими? Мен унда ҳиссиёт уйғотмаяпманми?
- Уни сўзларим ёки ҳаракатларим билан ҳиссий эҳтиёжларим ва иззат-нафсимни қондириш учун бошқаришга ҳаракат қилмаяпманми?
- Агар мен ҳақиқатан ҳам ўйлаганимни айтсам ёки қилмоқчи бўлганимни қилсам, ота-онам, ака-укаларим ёки дўстларим бу сўзлар ва ҳаракатларга қандай муносабатда бўлишарди?
- Қизиқишим бўлмаган йигит мен билан ноз-карашма қилса, мен қандай йўл тутаман: бу ўйинни қўллаб-қувватлаб, уни масҳара қиламанми ёки оғзимни ва унинг қалбини тоза сақлашни буюрадиган эътиқодимга мувофиқ ҳаракат қиламанми?

Шунингдек, сизга қуйидагиларни тавсия қиламиз:

- Сизга намойишкорона тикилаётган, "Ҳой, қизалоқ!" қабилидаги чақириқлар билан мурожаат қилаётган ёшларга эътибор берманг. Ўзингизни уларни эшитмаётгандек тутинг. Уларга фақат сизнинг эътиборингизга эришиш керак, агар (ҳеч бўлмаса уларни ўз ўрнига қўйиш учун жавоб берсангиз) - барибир уларнинг фойдасига ишлаган бўласиз. Ҳаракатлар сўзлардан кўра аниқроқ гапиради. Агар улар сиз томондан заррача эътироз билдиришмаса, сиз ўйин бошлаш мумкин бўлган қиз эмаслигингизни тушунишда ва бошқа сафар сизга тегажўғлик қилишмайди.
- Йигит билан телефонда гаплашаётганда ҳеч қандай шаҳвоний шамаларга йўл қўйманг. Амалий тажрибага асосланган олтин қоида - бегона одамлар олдида айтолмайдиган гапларни гапирмаслик. Тунги телефон суҳбатларидан ҳам сақланинг, чунки одатда бундай суҳбатлар жинсий эҳтиросларни қўзғатиш хусусиятига эга.
 - Жинсий алоқа билан боғлиқ ҳар қандай суҳбат ёки саволни ота-онангизга ёки ўзингиз ишонган устозга - руҳий етакчингизга йўналтиринг. Тенгдошларингиз, айниқса, қарама-қарши жинсдагилар билан жинсий мавзуда гаплашманг. Улар одатда жинсий алоқа ҳақида сиздан кўра кўпроқ маълумотга эга эмас ва сизни осонгина чалғитиши мумкин. Бундан ташқари, бундай суҳбатлар ноз-карашма сифатида талқин қилиниши мумкин, улар сизга ёки суҳбатдошларингизга жуда ҳаяжонли таъсир кўрсатиши ва жисмоний васвасаларга йўл очиши мумкин. Бу қоидада ягона истисно - сизни тўғри йўлга солиши ва маслаҳат бериши мумкин бўлган ишончли етакчи ёки катта дугонангиз олдида ҳисобот беришдир.

Ишончли жойда паноҳ топинг

Кейинги сафар "шунчаки" ноз-карашма қилмоқчи бўлганингизда, қалб истакларингизни ишонишингиз мумкин бўлган Зотни эсланг, У билан мулоқот қилиш нафақат иффатингизга путур етказмайди, балки аксинча, уни мустақкамлайди. Агар сиз эътибор ва меҳр бериш истагингизни рўёбга чиқарадиган муносабатларини излаётган бўлсангиз, аввало, Масихни изланг. У сизнинг қалбингиз ва руҳингиз қувончига айланади, вужудингизнинг ҳар бир заррасининг чанқоғини қондиради ва У билан мулоқотдан ҳис этадиганингиздек қониқишни дунёдаги ҳеч бир эркак бера олмайди.

Агар сиз ўзингизга: "Шу ҳам гап бўлди-ю! Худо билан суҳбатлашиш менга ҳеч қачон йигит билан суҳбатлашгандек завқ бағишламайди!" деяётган бўлсангиз, демак, сиз ҳали Яратганнинг севгисига жавоб бермагансиз. Оламни яратган Худо сизнинг юрагингизга сизни ҳаяжонлантирадиган, даволайдиган, чуқурлигини тасаввур ҳам қилолмайдиган ишқий муносабатларга жалб қиладиган сўзларни шивирлашни истайди. Йигит: "Кўринишинг жуда гўзал" деса, Худо: "Ҳар жиҳатдан гўзалдирсан, севгилим, Сенда ҳеч қандай нуқсон йўқ" (Қўшиқлар 4: 7.) дейди. Йигит: "Албатта, мен сени севаман!" деса, Худо шундай дейди: "Сени мангу севги билан севдим, Сенга содиқ бўлиб келдим" (Еремиё 31:3). Бўлажак турмуш ўртоғингиз: "Сенга бир умр содиқ қоламан," дейиши мумкин. Худо эса сизга шундай дейди: "Сизларни ташлаб кетмайман, сизларни тарк этмайман" (Ибронийларга 13:5). У айтадики, ҳатто ўлимнинг ўзи ҳам сизни Исо Масихдаги муҳаббатидан ажрата олмайди (Римликларга 8:38-39).

Худонинг олдига шошилиниг ва севимли ёки қадрдон дўстингизга айтмоқчи бўлган ҳамма гапларингизни Унга айтинг. Қалбингизда нима бўлса, Унинг ҳузурига тўкиб солиниг, сўнгра қалбингиз ила Унинг жавобини эшитинг. У сизга нафақат Ўзини очиб беради, балки ўзингизни яхшироқ билишга ёрдам беради, ҳақиқий севги ва яқинликнинг яширин истакларини қондиришни ўргатади. У сизнинг эҳтиёжларингизни сиздан кўра яхшироқ билади ва сизга ҳақиқий ҳамда тўлиқ лаззатланиш ҳиссини беришни хоҳлайди.

*«Эй Эгам, суянган Қоям, Қутқарувчим! Оғзимдан чиққан сўзлар,
Юракдаги ниятларим Сенга маъқул бўлсин. Забур 18:15*

IV-ҚИСМ

ЎЗ ОНГИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

12-БОБ

Онг жангида ғолиб чиқиш

Мен бундан ушбу хулосани чиқараман: яхшилик қилмоқчи бўлганимда, қалбимда ҳамиша ёмонлик пойлаб туради. Бутун қалбим билан Худонинг қонунидан завқ оламан. Аммо аъзойи баданимда бошқа бир қоида амал қилмоқда. Бу қоида онгимдаги қонунга қарши кураш олиб бориб, аъзойи баданимда амал қилувчи гуноҳ қоидасига мени асир қиляпти.

Римликлар 7:21-23

"Аёл нимани хоҳлайди" фильмининг бош қаҳрамони (уни Мел Гибсон ўйнаган) аёлларнинг миясида туғилган барча фикрлар ва истакларни эшитиш учун телепатик қобилиятга эга бўлади. Фильмининг ғояси қанчалик ғалати бўлмасин, у ўйлаш учун анча озуқа беради.

Сиз учрашиб юрган йигит-қизлар ёнингизда туриб, онгингизга кириб бориш хусусиятига эга бўлса, бу сизга ёқарди? Эҳтимол, шундай бўлишини тасаввур қилганингизда ҳатто жунжикиб кетгандирсиз? Қўрқиб кетдингизми, тонманг! Баъзан хаёлингизга шундай фикрлар келадики, буни ҳатто энг яқин дугонангизга ҳам айтиб бўлмайди. Масалан, мана булар:

- Қизиқ, у мени чиройли деб ҳисоблайдими ёки йўқми?
- Унинг "қутурган" темпераментга эга бўлса керак!
- Қизиқ, у қандай ўпишар экана...
- Балки у мен муҳтож бўлган инсондир?

Энди тасаввур қилинг, ҳар бир аёл ҳам ўзида шундай қобилиятни ривожлантирди ва энди сизнинг яширин фикрларингиз ҳеч кимга сир эмас:

- Қандай жирканч, ўзи ҳақида қандай хаёлларга боради!
- Қара, қандай ажойиб йигитни ўзига тортиб олди!
- Балки улар қачондир ажралашар ва ўшанда унинг йигити менга қизиқиб қолар?
- Ҳар ҳолда, мен унчалик семиз эмасман-ку!

Сиз, албатта, келажакда одамлар бундай қобилиятга эга бўлиши даргумон, деб ўзингизга таскин беришингиз мумкин, лекин сизда тўлиқ хотиржамлик учун асос йўқ, чунки Худо инсон нималарни ўйлаётганини билади.

Қалбингизда, онгингизда нималар бор? Довудга ўхшаб илтижо қилишга журъат этасизми?

"Эй Эгам, мени синагин, ичим ва қалбимни эритгин" (Забур 25: 2)? Эътибор беринг, Довуд: "Қилган ишларимни текшириб кўр", - демаган. У Худодан фикрларини текшириб кўришини сўраган.

Ҳатто ҳали йигитлар билан учрашмаган, жинсий алоқа қилмаган жуда ёш қизларда ҳам баъзан нопок фикрлар ва истаклар пайдо бўлади. Ўтмиши қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар ким бунга дуч келади.

Сиз васваса қилувчи фикрларнинг йўлини тўсишга қанчалик уринманг, улардан онгингиз дарвозасини қанчалик қулфламанг, уларнинг баъзилари барча қулфлардан сизиб чиқишга муваффақ бўладилар. Васвасаларни бизга ҳаётнинг ўзи тақдим этади. Сиз уларни бутунлай йўқ қилдим деб ўйлашингиз мумкин - лекин сиз романлар ўқишни ва кинофильмлар кўришни тўхтатмадингиз-ку. Васвасалардан сизни бармоққа тақилган никоҳ узуги ҳам, кеча-ю кундуз қилинган ибодатлар ҳам, рўза тутиш ҳам қутқара олмайди. Ўладиган кунингиздагина васвасалардан қутиласиз. Васвасалар инсон табиатининг ажралмас қисмидир ва сиз умумий қоидадан истисно эмассиз.

Аммо ҳар биримиз васваса қилувчи фикрларга мойил бўлганимиз сабабли, уларга берилмаслигимиз керак. Биз сизнинг онгингизда фикрларнинг пайдо бўлишини тақиқлашга қодир эмасмиз ва Худо буни тушунади. Аммо ҳар доим бундай фикрларни озиқлантириш ва асраб-авайлашдан бош тортишимиз мумкин. Самуэл Смайлснинг машҳур иқтибосида айтилганидек:

- Фикр эксанг, ҳаракатни ўрасан;
- Ҳаракатни эксанг, одатни ўрасан;
- Одат эксанг, феъл-атворни ўрасан; Феъл-атворни эксанг, тақдирни ўради.

Агар сиз ҳиссий ва жинсий жиҳатдан яхлит аёл бўлишни истасангиз, Масиҳнинг феъл-атворини акс эттирувчи яхши хатти-ҳаракатлар ва одатларни ўриб олиш учун яхши фикрларни экишга ҳаракат қилинг, бу орқали Худо сизга мўлжаллаган тақдирни амалга оширади. Буни қандай қилишни яхшироқ тушунишингиз учун келинг, ақлий ҳаётингизга оид учта саволни кўриб чиқайлик.

- 1.Жинсий ва ҳиссий иффатни сақлашга бўлган интилишингизга фикрларингиз қандай таъсир қилади?
- 2.Сизни гуноҳга ундайдиган ташқи таъсирдан онгингизни қандай ҳимоя қилиш мумкин?
- 3.Муқаддас Китобга кўра, диққатингизни нимага қаратишингиз керак ва буни қандай амалга ошириш мумкин?

Фикрларнинг сизга таъсири ҳақидаги саволга жавоб бериш учун спектаклда роль ўйнашга тайёрланаётган актрисани тасаввур қилинг. У матнни ёд олади, ролга киришади, ўз қаҳрамонини, унинг ҳис-туйғуларини ва хатти-ҳаракатларининг сабабларини тушунишга ҳаракат қилади. Унинг қиёфасига сингиб кетади. Хаёлан унинг ниятларига кириб боради, қаҳрамони қандай гапирса ва қандай қилиши керак бўлса, шундай гапиради ва шундай қилади. У ўз қаҳрамонининг характерини қанчалик чуқур ўйласа, унинг ижроси шунчалик аниқ ва чиройли бўлади.

Жинсий ёки ҳиссий жиҳатдан номақбул хатти-ҳаракатларни тасаввур қилсангиз, шунга ўхшаш ҳолат юз беради. Сиз у ёки бу одам билан ёлғиз қолганингизда олиб борадиган суҳбатларингизни тасаввур қилиб машқ қиласиз. Сиз интим учрашув, жинсий яқинлик, ўз сўзларингиз ва ҳаракатларингизни тасаввурингизда чизиш орқали машқ қиласиз. Хаёлий ва яхши машқ қилинган сценарий эртами-кечми ўйналиши керак. Бир неча бор такрорланган машқлар сизнинг истагингизни кучайтиради ва қаршилиқ кўрсатиш қобилиятингизни пасайтиради. Шайтон ўз тузоғини қўйиб, сизга шунга ўхшаш вазиятни қўйиб берса - нима бўлишини тахмин қиляпсизми? Сиз ўз ролингизни автоматик равишда, қандай машқ қилган бўлсангиз, шундай ўйнай бошлайсиз. Агар сиз ўз онгингизни эҳтиёт қилмасангиз, қарама-қарши жинс билан муносабатларда деярли ожиз бўлиб қоласиз. Аммо сиз шайтоннинг ўқлари учун ҳаракатсиз нишон бўлиб хизмат қилишингиз шарт эмас. Сиз онгингизга эҳтиёткорликни ўргатишингиз мумкин.

Онгимизни эҳтиёткорликка ўргатамиз

Менинг севимли мақолларимдан бири: "Қушни бошингиз устидан учиб ўтишига тўсқинлик қилиб бўлмайди, лекин уни бошингиз устига уя қуришига тўсқинлик қилиш мумкин." Васваса ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Айтайлик, сизнинг дугонангизга жуда ажойиб йигит хушомад қиляпти ва сиз дарсдан кейин у билан ёлғиз суҳбатлашишни орзу қиласиз - шунчаки суҳбатнинг қай томонга бурилишини кўриш учун. (Ичингизда сиз, албатта, унга дугонангиздан кўра кўпроқ ёқишга умид қиласиз.) Эҳтимол, севимли ўқитувчингиз тўсатдан сизни кечки овқатга таклиф қилади (гарчи ўқувчилар билан бундай норасмий мулоқот учун у ишдан бўшатилиши мумкин бўлса ҳам). Шундай бўлиши мумкинки, ёқимтой йигитчанинг устида жуда чиройли ўтирган футбол формасини кўргангизда, беихтиёр бу йигитча формасиз қандай кўринишини тасаввур қиласиз... Бу тасодифий фикрлар ҳали гуноҳ эмас, аммо жинсий тусдаги бундай номақбул хаёлларга тўхталиш энди гуноҳ, бундан ташқари, келажакда улар сизга катта таъсир кўрсатиши эҳтимоли ортади. Васвасалардан ҳеч ким ҳимояланмаган, лекин сиз ўзингизни васваса қилувчи фикрларга қайтишдан, айниқса, уларга мувофиқ ҳаракат қилишдан тийишингиз мумкин.

Хўш, қушларнинг бошингиз устига ин қуришига йўл қўясизми? Хаёлингизга васвасали фикрлар келганда қандай йўл тутасиз? Қандай қилиб сиз уларга қайтиш васвасасидан қоча оласиз?

Йўлдан оздирувчи фикрларни ҳайдаш

4 - бобда айтиб ўтганимиздек, Исо васвасаларга, шу жумладан жинсий алоқа васвасасига ҳам дучор бўлган, аммо гуноҳсиз бўлиб қолган.

«У ожизликларимизга ҳамдард бўла олади. Ахир, У биз каби ҳар томонлама синалган, лекин бизга ўхшаб гуноҳ қилмаган. Келинлар, иноятли Худойимизнинг тахтига жасорат билан яқинлашайлик. Шунда У бизга марҳамат кўрсатади, Унинг инояти зарур вақтда бизга ёрдам беради. (Ибронийлар 4:15-16).

Исо васвасага тушиш нимани англатишини билади. У инсон эди ва сиз дучор бўлган васвасаларга дучор бўлди, лекин уларнинг ҳеч бирига бўйсунмади. Агар сизда Муқаддас Рух бўлса, сиз ҳам васвасаларга қарши туришни ва уларни енгишни ўрганасиз.

Номақбул фикрларни (уларга қарши тегишли эътирозларни ичингизда такрорлаш орқали) ҳайдашингиз мумкин. Масалан, тўсатдан йигитингиз сизни маҳкам қучоқлаб турганини тасаввур қилсангиз, у сизни эҳтирос билан ўпа бошласа ёки қандайдир жинсий эркалашни сўраса, унга қандай жавоб беришингизни тасаввур қилиб, бу фикрни ҳайданг. Сиз унга мулойимлик билан рад жавобини беришингиз ва қатъий бўлиб қолишингиз керак. Жавобингизни яхшилаб ўйлаб кўринг ва ичингизда кўп марта такрорланг. У билан ёлғиз қолишни орзу қилиш ўрнига, дўстларингиз билан боғда сайр қилиш қанчалик қизиқарли бўлишини тасаввур қилинг. Ҳар қандай носоғлом ғояни бошидан оқ йўқ қилиш керак. Шундай экан, васвасага солувчи фикрларни миянгиздан чиқариб ташланг ва соғлом фикр юритишга эътибор қаратинг. Шунингдек, сизни умуман қизиқтирмайдиган йигит билан мулоқотни тасаввур қилиш орқали васвасани ҳайдашингиз мумкин:

- Агар энг яқин дўстингиз ёлғиз қолган пайтингизда ёнингизга келиб, сиз жуда чиройли эканлигингизни ва унга доим ёққанлигингизни айтса, қандай муносабат билдирган бўлардингиз? Тасаввур қилинг, у билан ноз-карашма қилишни бошлаш ёки ножўя фикрларга йўл қўйиш (бу сизнинг дўстлигингизга хиёнат бўларди) ўрнига, сиз унга шунчаки миннатдорчилик билдирасиз ва бошқалар тўпланган жойга чиқиб кетасиз.
- Агар чиройли ходимингиз сиз ҳақингизда ўйлашнинг ўзиёқ уни шунчалик қийнаётгани, ҳатто совуқ душ қабул қилишга мажбур бўлаётганини айтса-чи? Бундай ножўя гапдан мамнун бўлиш ўрнига, тасаввур қилинг, сиз ходимингизга муносиб жавоб берасиз: "Мен сиздан бундай эътирофлардан тийилишни сўрардим" деб кетиб қоласиз. Агар шунга ўхшаш бирор нарса содир бўлса ва жавобингиз уни тўхтата олмаса, бошлиғингизга бу одам жинсий зўравонлик билан безовта қилаётганини айтинг.

Тасаввур қилинг, ёмон номга эга бўлган ва Худога ишонмайдиган йигит сизни учрашувга таклиф қиляпти. Ўзингизга "севгингиз уни яхши томонга ўзгартиради" дейиш ва у билан учрашиш қандай бўлишини тасаввур қилиш ўрнига, унга: "Таклиф учун раҳмат, лекин бу имконсиз," деб жавоб бераётганингизни тасаввур қилинг.

Тасаввур қилинг, сиздан анча катта ёшдаги йигит сиз билан ўйнашишни бошлади ва дарсдан кейин у билан учрашишга таклиф қилди. Қувониш ва бу қанчалик қизиқарли ва ёқимли бўларди деб ўйлаш ўрнига, хушмуомала жавобни тасаввур қилинг: "Кечирасиз, таклифингиз менга маъқул келмади" деб жавоб берасиз.

Кераксиз фикрларни енгишнинг яна бир йўли бор - уларни бошқа ўзанга йўналтиришдир.

Йўлдан оздирувчи фикрларни бошқа томонга йўналтириш

Қуйида фикрларингизни тўғри йўналтириш учун бир нечта мисоллар келтирилган.

- Чиройли йигитни кўрганингизда, у ҳақида хаёл суриш васвасасига берилманг. Шунчаки ўзингизга: "Парвардигорим, чиндан ҳам Сен буюксан!" - деб айтинг ва фикрларингизни йигитга эмас, Худога қаратинг.
- Хаёлингизга ноўрин ёки гуноҳли фикр келганида, диққатингизни жамлаш учун ёдлаб олган Муқаддас Китоб оятлари устида мулоҳаза юритиб, фикрингизни ўзгартиринг. Бунга мана бу оятлар тўғри келади:

«Ғолиб келганларни Мен ёнимда, тахтимда ўтиришга ҳақли қиламан. Зотан, Мен ҳам ғолиб келганимда Отам Худо билан бирга Унинг тахтида ўтирдим». (Ваҳий 3:21)

«Ҳатто аҳмоқ ҳам индамай ўтирганда доно бўлиб кўринади, тилини тийиб турган фаросатли ҳисобланади». (Ҳикматлар 17:28)

«Бу дунёга мослашманглар, фикр–зикрингизни янгилаб, тубдан ўзгаринглар. Шунда Худонинг иродасини тушуна оладиган бўласиз, яъни нима яхши, Худога манзур ва мукамал эканлигини била оладиган бўласиз» (Римликлар 12:2)

- Хаёлингизда васвасага қарши туришга ёрдам берадиган, фикрларингизни керакли жойда ушлаб турадиган бирор масиҳий кўшиғини куйланг.
- Йигит ҳақида ноўрин ёки шаҳвоний фикрларга қайтиш ўрнига, унинг бўлажак хотини ёки бўлажак турмуш ўртоғи ҳақида ибодат қилинг. Ўзингизга шуни эслатингки, бундай фикрларга йўл қўйиб, сиз ўзингизга шундай ҳиссий юк яратасизки, уни эр-хотинлик муносабатларингизга ўтказиш сизга ноқулай бўлади. Худонинг ёрдамида қалбингиз ва онгингизни пок сақлай олганингиз учун Унга шукроналар айтинг.
 - Ва ниҳоят, ҳаммуаллифим Стив ўзининг "Янги ҳаётда яшанг" номли радиокўрсатувида айтганидек, васвасага дуч келганингизда, шунчаки керакли ишни қилинг. Автобус бекатига кетаётганингизда, ўша чиройли йигитни учратдингизми? Унда ҳеч иккиланмай йўлингизни давом эттиринг ва автобусга чиқинг. Дугонангизникига машғулотга борган бўлсангиз-чи? Шундай экан, уни куттириб қўйманг. Ўз йўлингиздан кетаверинг. Агар тўғрилиқ йўлидан бормоқчи бўлсангиз, рўпарангиздан учраган ёқимтой йигитлар сизни йўлдан уришларига йўл қўйманг.

Сиз васваса қилувчи фикрларни қандай қилиб ҳайдаб юбормоқчисиз ва қандай қилиб уларни бошқа томонга йўналтирмоқчисиз? Бу қуш бошингиз узра учиб юрганида қандай йўл тутасиз? Уни ҳайдаб юборасизми ёки бошингиз устига уя қуришига қўйиб берасизми? Ёвуз қушни ҳайдашнинг бир усули - фикрларни Яратувчининг ижодига (яъни ёқимтой йигитларга) эмас, Худога қаратишдир.

Асосий нарса асосий бўлиб қолиши учун

Бу ҳақда юқорида айтиб ўтгандик, лекин шундай бўлса ҳам, Исонинг ҳаётдаги энг муҳим нарса тўғрисидаги сўзларини эслаб қолдингизми?

«Исо унга деди: — “Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан севинг.” Бу биринчи ва энг буюк амр (Матто 22:37-38)

Кўриб турганимиздек, Исо Раббимизни юрагингиз, руҳингиз ва ақлингиздан қолган нарсалар билан севишингизни айтмаяпти. У ҳатто кун бўйи ўтириб, Худо ҳақида ўйлашингиз ҳақида ҳам гапирмаяпти. У зот сизга ҳаёт берилганини билади. У сизга бу ҳаётни берган ва сиз энг яхши шогирд, қиз, опа-сингил ва дугона бўлишингизни истайди.

Ушбу оятлардан кўриниб турибдики, Исо биздан вақт, куч ва эътибор талаб қиладиган ҳамма нарсадан кўра кўпроқ Худони севишимизни истайди. Биз Худони дунёдаги ҳамма нарсадан кўра кўпроқ, ўзимизга берилган бутун куч ва эҳтирос билан севишимиз керак. Яратувчига бўлган бундай муносабатни, У бизни нима қилишга ва У нимани хоҳлашига эътибор қаратиш орқали намоён этамиз. Ҳаворий Павлус Филиппиликларни нимага ундаган бўлса, Худо ҳам биздан шуни истайди:

«Энди эса, эй биродарларим, фикр–зикрингиз ҳақиқий, шарафли, тўғри, пок, ёқимли, таҳсинга сазовор нарсаларда бўлсин. Ҳа, олқишга лойиқ, аъло нарсалар ҳақида фикр юритинглар» (Филиппиликлар 4:8)

Мана сизга Худони севган ва бутун ҳаёти давомида Унга хизмат қилган ёш қизнинг мисоли: у янги кунни кутиб олиш ва уни ўтказишга тайёргарлик кўриш учун эрта туради. У атрофдагиларда яхши таассурот қолдириш учун яхши кўринишга ҳаракат қилади - ахир у масиҳий, шунинг учун одамлар кўзида у Худони ифодалайди. У ибодат қилади ва бир нечта оятларни ўқийди ёки ҳаммомда кўзгу олдида сочларини тараётганда Парвардигорга қўшиқ айтади. У нонушта қилади, уй вазифасини кўриб чиқади ва мактаб сумкасини йиғиштиради - ахир у жиддий ва тиришқоқ ўқувчи. Ўқитувчиларни тинглаб, иложи борича кўпроқ нарсани ўзлаштиришга ҳаракат қилиб, у Худо унга берган салоҳиятни оширишга интилади!

Бир синф хонасидан иккинчисига ўтар экан, дугоналаридан бирортаси унинг ёрдамига, далдасига муҳтож эмасмикан, деб синчиклаб қарайди. Агар унинг Исони танимайдиган дугонаси бўлса, у ўз хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари билан бу қизга Унинг кимлигини кўрсатиш учун имконият излайди. У мактабдаги мухлислар жамоасини муваффақиятли бошқарган синфдошига табрикнома ёзади, дугонасининг кўнглини кўтариш учун унга қизиқарли электрон хат жўнатади, бувисининг саломатлигини билиш учун кўнғироқ қилади - буларнинг барчасини у ҳамма билан соғлом ва яхши муносабатларни ўрнатиш ва сақлаб қолиш учун қилади.

Бу билан сиз фақат Худо ҳақида ўйлашингиз керак демоқчимизми? Йўқ. Айтмоқчимизки, сиз ҳар куни эътиборингизни талаб қиладиган энг оддий нарсалар ҳақида ўйлаганингизда ҳам, барибир Худони бутун қалбингиз, бутун жонингиз ва бутун ақлингиз билан севишингиз ва буни атрофингиздагилар билан баҳам кўришингиз мумкин. У сизга инъом этган ҳаётга жиддий ва масъулият билан ёндашсангиз, Унга бўлган муҳаббатингизни инкор этиб бўлмайдиган даражада исботлайсиз.

«Эй Эгамиз, Сенга ишониб, Фикри–зикри Сендан узилмайдиганга
Ўзинг комил тинчлик ато қиласан» (Ишаё 26:3)

13-БОБ

Даволовчи очлик

Шундай экан, дунёвий табиатингизни, яъни фаҳш–зино, нопоклик, шаҳват, ёвуз хоҳишлар ва бутпарастликка тенг бўлган очкўзликни йўқ қилинглр. Мана шулар сабабли Худонинг ғазаби итоатсиз бандаларнинг бошига тушади!

Колосаликлар 3:5-6

Ҳар бир масиҳийнинг қалбида икки асос ўзаро курашади. Муқаддас Китобда улар тана ва руҳ деб аталади. Гарчи имонли киши Худонинг қонунидан қувонч ва лаззат топса-да, айна пайтда бизни ноҳақ ишларга ундайдиган "гуноҳ қонуни" билан курашишига тўғри келади. Бу ҳақда Павлус Римликларга йўллаган мактубида шундай дейди:

«Мен бундан ушбу хулосани чиқараман: яхшилик қилмоқчи бўлганимда, қалбимда ҳамиша ёмонлик пойлаб туради. Бутун қалбим билан Худонинг қонунидан завқ оламан. Аммо аъзойи баданимда бошқа бир қоида амал қилмоқда. Бу қоида онгимдаги қонунга қарши кураш олиб бориб, аъзойи баданимда амал қилувчи гуноҳ қоидасига мени асир қиляпти. Оҳ, мен шўрлик одам! Ўлим сояси остидаги бу аҳволимдан ким мени қутқарар экан? Худога шукур! Раббимиз Исо Масиҳ орқали У бизни қутқаради! Хулласи калом, мен онгим билан Худонинг қонунига қул бўлсам–да, башарий табиатим гуноҳ қоидасига қулдир». (7:21-25)

Бу сизга ҳеч нарсани эслатмаяптими? Эҳтимол, ҳар бир кишига ёмон иш қилаётганингни била туриб, барибир ўзингни тўхтата олмаслик ҳисси танишдир. Ҳаётингизнинг маълум бир соҳасида интизомга бўйсунушга фақат шафқатсиз вазиятлар мажбур қилганми? Бу жанглрнинг натижасини одатда олдиндан айтиш мумкин.

Ичингизда эзгулик ёвузлик билан курашса, биласизми, нима ғолиб бўлади? Танангиз руҳингиз билан жанг қилаётганда, нима ғалаба қозонишини биласизми? Сиз мунтазам равишда қўшимча овқат бериб турадиган нарсасиз. Агар сиз МТВ каналининг кўрсатувлари ва ишқий романлардан доимий равишда завқланаётган бўлсангиз, шубҳа қилмаслигингиз мумкин: шахвоний васвасага дуч келганингизда, тана руҳингиз устидан ғалаба қозонади. Агар сиз Худонинг Каломидан, ибодатдан ва Унинг халқи билан соғлом муносабатлардан завқлансангиз, ҳатто энг шафқатсиз васвасалар пайтида ҳам руҳингиз тана устидан доимо ғалаба қозониши мумкин.

Хўш, сиз нимани яхшироқ озиқлантирмоқчисиз - тананими ёки руҳини?

Ахлат қўйсанг, ахлат чиқарасан

Эҳтимол, сиз паст савияли телекўрсатувларни томоша қилиш, беҳаё қўшиқларни тинглаш ва ҳатто порнографияни томоша қилиш мумкин, деб ўйларсиз. Аммо мен онга сингдирилган ахлат охир-оқибат чириб, бутун умрга қўланса ҳидга чулғаб олишига жонли далилдирман. Ўн икки ёшимда совунли операларни губка сингари ўзимга сингдира бошладим. Ҳар ёзда, ҳафтанинг беш кунда, соат 11:30 дан 15:00 гача, "Раян умиди" сериалларини узмай томоша қилардим ("Ҳамма болаларим," "Ҳаёт бир марта берилади" ва "Шифохона").

Ҳаётимнинг бу даврини эслар эканман, мен йўл қўйган фикрлар ва ҳаётимда содир бўлган воқеалар ўртасида тўғридан-тўғри ўхшашлик борлигини кўраман. "Раян умиди" менга покиза, ифбатли ҳаётдан умид қолдирмасди. "Ҳамма болаларим" сериалидан кейин қандай қилиб турмушга чиқмасдан фарзандли бўлолмаганимга ҳалигача ҳайронман. Бундан ташқари, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар туфайли "бир марта бериладиган" ҳаёт билан хайрлашимга йўл қўймагани учун Худога чексиз миннатдорман. Яратганга шукрлар бўлсинки, ишқ-муҳаббатга мубтало бўлиб, меҳнат кунларини телевизордан берилиб томоша қиладиган ўша "касалхона"га тушмадим.

Ўша йилларда менинг кумирим Сюзан Луччи ўйнаган "Барча болаларим" сериали қаҳрамони Эрика Кейн эди. Унинг мафтункор юриш-туриши мени ҳайратга солди. Ҳамма эрақлар унинг оёқлари остига йиқилишарди. Олтинчи синфдаёқ мен унинг ҳийлаларини муваффақиятли қўллаб, ўил болаларни ота-оналарга ёлғон гапириш мумкинлигига ва кинода учрашиш ҳали учрашувга бориш дегани эмаслигига ишонтирдим.

Шундай қилиб, ёзги таътил мен учун совунли опералар байроғи остида ўтди ва йигирма йил олдин видеомагнитофонни ёзиб олиш учун дастурлаш фақат ракета конструкторлари қўлидан келгани сабабли, янги ўқув йили мени севимли телекўрсатувлардан узоқлаштирди. Дарвоқе, тез орада совунли операларга муносиб ўринбосар топилди: дугонам мени ўсмирлар учун сентиментал романлар ўқишга ўргатди.

Қайсидир мактаб дарслигининг саҳифалари орасига яшириб қўйилган севгига тайёргарлик кўриш бўйича бу кўрсатмаларни мен дарсларнинг ўзидаёқ завқ билан ўрганардим, эътиборимни кутган ёшларни алдаш ва манипуляция қилиш усулларини хаёлан машқ қилардим.

Ўн йил ўтгач, коллежни битирганимда, менинг жинсий алоқаларим рўйхати ҳатто совун опералари қаҳрамонларининг ҳам оғзини очишга мажбур қилган бўларди. Масиҳий бўлишимга қарамай, мен руҳдан кўра танамга кўпроқ озуқа берардим ва натижада у жинсий танловимни белгилай бошлади.

Хавfli парҳез

Онгимизни шахвоний тасаввурлар билан тўлдириб, биз фақат никоҳда қўллаб-қувватланиши ва амалга оширилиши керак бўлган истакларни уйғотишимизни билиб олдим ва бу фан менга қимматга тушди. Криссида ҳам шундай бўлди. У онасининг ишқий романларини ўқишга қизиқиб қолди ва тез орада улар уни нафақат ҳиссий, балки жинсий жиҳатдан ҳам қўзғатишини тушунди. Крисси ҳикоя қиладди:

"Баъзан роман ўқиб, мастурбация қиламан. Мен шунчалик қўрқаман ва уяламанки, ҳатто ҳеч кимдан менга нима бўлаётганини сўрай олмайман. Жамоатда бундай нарсалар ҳақида ҳеч қачон гапирилмайди ва мен баъзан ўйлаб қоламан: "Наҳотки мен бу масалада ёлғиз бўлсам?"

Криси ўзини оддий одамлар орасида ёлғиз ҳис қилишига қарамай, аслида у ёлғиз эмас. Бошқа аёлларга хос бўлмаган васваса йўқ (1 Коринфликларга 10:13) ва энг кенг тарқалгани, албатта, жинсий хаёллар ва мастурбация.

Афсуски, кўпчилик ёш қизлар ўйлаб-нетиб ўтирмай, хаёлларини рўёбга чиқарадилар.

Масалан, Уитнинг синглиси билан шундай бўлган. Иккала қиз ҳам МТВ кўрсатувлари ва "Район Мелроуз," "Бухта Доусон" ва "Беверли-Хиллз 90210" сериалларини севиб томоша қилишарди, аммо Уитни ёш чўпоннинг бундай тасвирларни онгимизга сингдириш ўзимизга зарар етказиши ҳақидаги ҳикоясини эшитиб, бу одатини ташлади. Бахтга қарши, синглиси ундан ўрнак олмади ва Уитни бизга қуйидаги қайғули воқеани айтиб берди:

"Синглим ўн олти ёшида Мадонна ва бошқа поп юлдузлари каби кийинарди. Унинг севгилиси бор эди, у билан унинг уйида мунтазам учрашиб турарди. Ўн етти ёшида у ҳомиладор бўлди. У ўзини жуда ёмон ҳис қилгани учун мактабни ташлашга мажбур бўлди. Унинг дўсти у билан ҳам, бола билан ҳам ҳеч қандай алоқада бўлишни хоҳламади, шунинг учун у болани меҳрибонлик уйига топширишга мажбур бўлди. У барча дўстларини йўқотди ва энди ҳеч бир йигит у билан учрашишни хоҳламасди. Афсуски, у ҳали ҳам, менимча, уни шу даражага олиб келган сериалларни томоша қилади."

Уитни жуда доно фикр юритади. Оммавий ахборот воситалари таъсирида яқин ва сеvimли инсоннинг ҳаёти бузилаётганини, шунга қарамай, у зарарли одатдан воз кечишни истамаётганини кўриш оғриқли.

Гарчи биз онгли равишда порнографияга мойил бўлган ҳолатларни билмасак-да, тасодифан эротик фильм ёки веб-сайтга дуч келганда, дарҳол бошқа каналга ўтмасдан, шунчаки қизиқиш учун уни томоша қилишни бошлаган ёшларни биламиз (бу ҳақиқатан ҳам ўрганишни сиқиб чиқарадими ёки йўқлигини текшириш учун). Жен ўзи билан айнан шу нарса содир бўлганини айтади.

Бир куни кечаси каналларни алмаштираётиб, у дастлаб унга "Соҳил патрули"га ўхшаб туюлган шоуга дуч келди. Йигит ва қиз пляжда бўлган ва у қизга "оғиздан-оғизга" усулида сунъий нафас олдирган - гўёки у ҳозиргина чўкиб кетган қизни сувдан чиқариб олган. Улар одатда телевизион шоуларда кўрсатилмайдиган турли хил шаҳвоний нарсаларни қила бошлаганларида, Жен ҳайратда қолди. Охир-оқибат, у бу порнографик фильм эканлигини тушунди, лекин барибир уни охиригача кўрди ва кейин яна иккита шунга ўхшаш фильмни кўрди. У алламаҳалгача ўтириб қолар, уйдагилар уйқуга кетгач, ўша канални ёқиб қўярди. Жен ҳикоя қилади:

"Икки-уч ҳафта ўтгач, онам мени тўсатдан тунги соат иккида уйғотди ва сўради: "Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз, ёш хоним?" Мен эротик фильмларни кўрдим, лекин буни тан олишдан қўрқдим ва қандайдир кечки шоуни кўрганимни ва соат 10 ларда ухлаб қолганимни, кечаси эса порнография кўрсатила бошлаганини ўзим ҳам сезмай қолганимни айтиб ёлғон гапирдим. Онам менга ишонди, аммо қалбимда узоқ вақтгача нохуш чўкма сақланиб қолди. Менда Худодан кўрқув бўлиши керак ва бундай кўрсатувларни бошқа кўрмайман, деган қарорга келдим. Мен чиндан ҳам уларни бошқа кўрмайман. Ўшанда кўрганларимни унутишни истардим."

Жен кўрганларини хотирасидан чиқариб ташлашга ёрдам берадиган мўъжизавий воситани билсак эди! Лекин у мавжуд эмас. Порнографиянинг даҳшатли хусусиятларидан бири шундаки, сиз энди уни томоша қилмайсиз, лекин онгингиз экранда ифлос тасвирлар пайдо бўлишда давом этади.

Эротик расм тўсатдан кўз олдингизда пайдо бўлиши мумкин (гарчи сиз уни қидирмаган бўлсангиз ҳам). Кейли "Фақат кўнгилхушлик қилишни истайдиган қизлар" сарлавҳали электрон хабарни очганида, у ҳозир порнографик хабарни кўриши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. У буни қандайдир кулгили расм ёки дугонасидан келган хат деб ўйлади. У эротик расмни кўриб, уни кулгили деб топди ва ҳатто компьютер синфидаги синфдошига кўрсатди. У бунга жавобан бундай тасвирларни топиш мумкин бўлган порнографик веб-сайтлар ҳақида гапириб берди. Шундай қилиб, Кейли ўзи сезмаган ҳолда қармоққа илинди:

"Аввалига мен бу сайтларга шунчаки даҳшатга тушиш ва улар устидан кулиш учун кирганман, кейин эса бундай нарсаларни томоша қилиш мени тобора ўзига тортишини тушундим. Мен тўшақда ётганимда улар ҳақида ўйлайман, баъзида эса ўрнимдан туриб, интернетдан шунга ўхшаш нарсаларни қидириш учун компьютеримни ёқаман. Порнографияга берилиб кетдимми, деб қўрқаман, чунки ўзимни тўхтата олмаяпман."

Жейн ва Кейли кўплаб ёш аёллар пайқаган нарсани аниқладилар: порнография одатни келтириб чиқариши ва ҳатто кўзларингиз юмуқ бўлса ҳам, онгингизни доимий равишда қамраб оладиган фикрлар билан тўлдириши мумкин.

Очлик парҳезига ўтинг

Агар сиз номус учун урушда мудрофаа тизимингизга путур етказадиган маълумотларни доимий равишда истеъмол қилсангиз, биз сизга очлик парҳезига ўтишни маслаҳат берамиз. Гуноҳимизни очлик билан ўлдириб, уни ўзимиз устидан ҳукмронлигидан маҳрум қиламиз. Шунда тўғрилиқ ва поклик иштиёқи фикрларимиз, хатти-ҳаракатларимиз ва кайфиятларимизни бошқара бошлайди.

Бундай парҳезга ўтиш учун қуйидагилар кифоя:

- Энди кундузи ва кечқурунлари сериалларни томоша қилмасликка қарор қилинг. Ўсмирлар орасида машҳур бўлган кўплаб сериаллар одатда никоҳдан ташқари жинсий алоқани кенг тарқалган ва тўлиқ қабул қилинадиган нарса сифатида тасвирлайди. Бироқ, ушбу шоуларнинг қаҳрамонлари исталмаган ҳомиладорлик, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, ўзини ҳурмат қилмаслик, руҳий тушкунлик, ўзларининг гуноҳқорлигини англаш ва никоҳдан олдинги жинсий алоқа билан боғлиқ бошқа нарсалар билан камдан-кам дуч келишади. Албатта, совунли опералар никоҳсиз жинсий алоқани тарғиб қилувчи ягона телевизион санъат тури эмас ва кейинги бобда биз бу ҳақда, шунингдек, мақбул теледастурларни номақбулларида қандай ажратиш ҳақида гаплашамиз.

- Худонинг режасидаги жинсий алоқага оид тамойилларини масхара қиладиган телекўрсатувларни томоша қилманг. Эҳтимол, турли дастурларда бошқа одамларнинг интим ҳаётидан қизиқарли тафсилотларни тинглаш жуда қизиқ бўлса керак, лекин биз бундай шоуларнинг моҳияти вақтни беҳуда сарфлаш деб ҳисоблаймиз, чунки улар фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. "Кимнинг сохта кўкраклари яхши кўрнади?", "Ким ким билан ётади?", "Болажонимнинг дадажониси ким?" каби мавзуларнинг номлари нимага арзийди? Агар бизга: ўша кўрсатувларни кўриш ёки ўлгунча зерикиш танлови берилса, ҳар сафар зерикишдан ўлишни танлаган бўлардик. Сиз, шубҳасиз, бу бемаъни нарсаларни томоша қилишдан кўра мазмунлироқ машғул топшингиз мумкин.

- Ахлоқсиз севги романларини ўқиманг. Биз бундай адабиётларни аёллар учун порнография деб ҳисоблаймиз. Китобда тасвирланган шаҳвоний саҳналар онгимизга сингиб, ҳис-туйғуларимизни кўзғатади, бу эса аёллар учун кўзга кўринадиган тасвирлардан ҳам жозибалироқ бўлади. Бундай адабиётларда, одатда, никоҳдан ташқари жинсий алоқалар бўрттириб кўрсатилади, бу эса кўзғалишни келтириб чиқаради. Шунингдек, улар сизни келажакдаги ишқий муносабатлардан ва ҳатто кейинги никоҳдан ҳафсалангизни пир қилишга ундайди, чунки севги китоблари ҳаёт ҳақиқатини акс эттирмайди. Шунингдек, агар сизнинг идеал муносабатлар ҳақидаги тасаввурингиз бундай адабиёт ёрдамида шаклланса, сиз ўзингизни иллюзияларнинг абадий ҳалокатига олдиндан маҳкум этган бўласиз.

- МТВ томоша қилманг, чунки МТВда намоёиш этиладиган видеофильмларнинг 75 фоизи шаҳвоний тасвирларни ўз ичига олади; 50 фоиздан ортиғи зўравонлик саҳналарини ўз ичига олади ва 80 фоизи иккаласини бирлаштириб, аёлга нисбатан зўравонлик таъмини сингдиради. Шу ҳолатнинг ўзиёқ МТВ кўришдан бутунлай воз кечиш учун етарли сабаб бўлади - ахир бу чиқинди онгимизга кириб, ҳаётимизни заҳарлашини истамаймиз-ку. Бунинг эвазига яхши масиҳий мусиқасини узатувчи каналларни топинг. Масиҳий қўшиқлари замонавий мусиқанинг юракни эзувчи садолари олдида хиралашиб қолган замонлар ўтиб кетди. Бугунги масиҳий қўшиқчилар рок, поп, кантри, хеви-метал ва ҳоказо йўналишларда фаолият юритувчи ҳар

қандай гуруҳ билан муваффақиятли рақобатлашмоқда. Ушбу видеоканаллар кўнгилочар бозордаги бошқа дастурлардан асло қолишмайди, баъзан эса улардан устун ҳам туради.

- Порнографияни ҳар қандай шаклда - босма, кино ёки фотоплёнкага олинган, виртуал кўринишда бўлишидан сақланинг. Порнография - бу тубан ҳис-туйғуларни қўзғатиш учун беҳаё саҳналарни жозибали тасвирлаш. Эротик журналлар, кинофильмлар, веб-сайтлар ва ҳатто телефон "ишонч телефонлари" ҳам мавжуд.

Забур 100:3 да шундай дейилган: "Ҳеч қандай ёвузликка йўл қўймайман. Қинғир ишлардан нафратланаман, Мен уларга ҳеч қўшилмайман". Бундай тасвирларни томоша қилиш онгингизда бутун умр ҳал қилишингиз керак бўлган зиддиятни яратиш демакдир. Турмушга чиққач, турмуш ўртоғингиз билан тўлиқ боғланиш учун хотирангизда тўплаган тасаввурларингиздан жуда қийинчилик билан воз кечасиз. Никоҳдан олдин жинсий майлингиз уйғонишини истамайсизми? Эрингиз билан интим ҳаётингизга эротик саҳналар ҳақидаги хотиралар суқилиб киришини истамайсизми? Ундай бўлса, порнографиянинг устингиздан ҳукмронлик қилишига йўл қўйманг, аксинча, бундай тасвирлар билан танани озиқлантириш истагингизни жиловланг.

Сирингиз билан бўлишинг

Жинсий алоқа билан тўйинган маълумотларни қабул қилиш, ўқиш ва тинглашдан бош тортиш орқали сиз васвасага қарши туриш қобилиятингизни мустаҳкамлайсиз. Онгингизга фақат соғлом ва сиз интилаётган нормал, тўлақонли, Худога маъқул ҳаётни олиб боришга ёрдам берадиган нарсаларни киритинг.

Афсуски, тенгдошларингизнинг кўпчилиги бундай ҳаёт кечириш сиридан беҳабар. Доктор Энн Кирни-Кук шундай дейди:

"МТВ каналида намоёиш этилаётган видеоклиплар ва телекўрсатувлар ўсмир қизда унинг муваффақияти сири доимо жинсий томонлама жозибадор кўринишида ва тез-тез учрашувларга боришда эканлиги ҳақида тасаввур уйғотади... Ўрта мактабда ўз тенгдошларидан олдин ўғил болалар билан учраша бошлаган қиз ҳамманинг ҳавасини келтиради. Ўсмирлар ота-она меҳри ва эътиборига зор бўлиб, оммавий ахборот воситалари уларга тақдим этаётган образларга маҳлиё бўладилар. Ҳозирги болалар мактабдан уйга қайтганларида кўпинча ота-оналари уйда бўлмайдилар. Улар МТВ ва ток-шоуларни томоша қилишади, Интернет бўйлаб саёҳат қилишади ва айнан шу манбалардан эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар ҳақида маълумот олишади."

Ўз онгингизни қандай асраш ва ақлий курашда ғалаба қозониш сирини дўстларингиз билан бўлишинг. Уларга соғлом муносабатларни реал ҳаётдан излашни ва ёрдам сўраб оммавий ахборот воситаларига эмас, балки Худонинг Каломига мурожаат қилишни маслаҳат беринг. Уларни жамоатингизга таклиф қилинг, у ерда улар никоҳда бахтли ва тўлақонли ҳаёт кечирадиган одамлар билан танишишлари мумкин. Барча дўстларингиз ва дугоналарингизга ўрнак бўлинг. Шундай қилиб, сиз бир вақтнинг ўзида учта буюк мақсадга эришасиз: ўзингизни асрайсиз, бошқаларни асрайсиз ва Худони улуғлайсиз.

"...Сизлар Масиҳнинг сўзларини эшитиб, Унинг таълимотини олгансизлар, чунки ҳақиқат Масиҳда жамдир. Олдинги яшаш тарзингизга тобе бўлманг, эски ўзлигингиздан воз кечинг, чунки у алдовчи эҳтирослар туфайли бузилиб кетган. Янгичасига фикр-зикр қиладиган бўлинглар. Худонинг суратида яратилган, ҳақиқий солиҳлик ва муқаддасликдан иборат бўлган янги табиатга бурканинглар." Эфесликлар 4:21-24

ОАВ ва у билан қандай курашиш керак

Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳақи сизларга ёлвораман. Ўз танангизни тирик, муқаддас ва Худога манзур бўладиган қурбонлик сифатида бағишланг. Худога лойиқ бўлган асл хизмат мана шудир. Бу дунёга мослашманглар, фикр–зикрингизни янгилаб, тубдан ўзгаринглар. Шунда Худонинг иродасини тушуна оладиган бўласиз, яъни нима яхши, Худога манзур ва мукамал эканлигини била оладиган бўласиз.

Римликлар 12:1-2

Қурбақа ва иссиқ сув тажрибаси ҳақида ҳеч эшитганмисиз? Қурбақани қайноқ сувли идишга ташланг - у дарҳол у ердан сакраб чиқади, бу жой унинг учун хавфсиз эмаслигининг исботидир. Уни хона ҳароратидаги сувли идишга солиб, паст оловда сувни қайнаш ҳароратигача етказилса-чи? Нима бўлади? Сиз "қайнатилган қурбақа оёқлари" номли таомга бўласиз. Гап шундаки, унинг танаси аста-секин атроф-муҳит ҳароратига кўникиб боради. Қурбақа хавфни сезмай қолади.

Худди шундай, биз ҳам аста-секин таҳдидларга бефарқ бўлишимиз мумкин - фақат қайноқ сувда яширинган нарсаларга эмас, балки оммавий ахборот воситалари орқали поклигимизга таъсир қиладиган нарсаларга бефарқ бўла бошлаймиз. Жамиятимиз жинсий ахборотни қабул қилмайдиган бўлиб қолди, кўпинча биз, мажозий маънода, бошимизни бураб, юмшоқ ёстиққа қўйиб, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларига хоҳлаган нарса билан тўлдириш имконини берамиз.

Бир куни мен икки соат давомида телекўрсатувларни ёзиб олдим, улар кечқурун, томошабинларнинг максимал сони экранлар олдида ўтирганда эфирга узатиларди. Кичик таҳрирдан сўнг, бутун ёзув 12 дақиқалик видеоклипга айланди, у томошабинларни зериктирмаслик учун оддий сюжет чизифи билан бир-бирига боғланган жинсий алоқага ишоралардан иборат эди. Ушбу ёзувни ўсмирларга кўрсатиб, уларга видеоклип давом этаётган 12 дақиқа давомида эшитган ёки кўрган барча жинсий ишораларни ҳисоблашни таклиф қиламан.

Нима бўлганини топинг-чи? Томошабин дастлабки уч-тўрт лаҳзани илғаб олади, аммо кейин кулгили саҳналарга шунчалик берилиб кетадики, санашни тўхтатади. Энг кўпи билан 10-11 та жинсий ишора саналади. Улар аслида нечта эканлигини билмоқчимисиз? - Қирқ битта! Ҳатто намоёиш пайтида иштирок этаётган катталар ҳам одатда бу жинсий маълумотларнинг 50% дан кўпини "сезмайдилар."

Олдинги бобда биз умуман нимадан қочиш кераклиги ҳақида гапирдик: совунли опералар, паст даражадаги ток-шоулар, севги романлари, МТВ дастурлари ва порнографиянинг ҳар қандай шакли, аммо бошқа ахборот ташувчилар ҳақида нима дейиш мумкин? Ҳар куни бизни турли хил хабарлар билан бомбардимон қилишади, баъзан тарбияли, баъзан эса тарбияли бўлмаган хабарлар. шулар жумласидан. Ушбу бобда биз сизга оммавий ахборот воситалари - телевидение, мусиқа, кино, журналлар, Интернет хабарларининг тағмаъносини англашни ўргатишга ҳаракат қиламиз, шунда сиз ҳар қандай маълумотни тушуниб, нимани онгингизга киритиш ва киритмасликни ўз вақтида ҳал қила оласиз.

Дастлаб, телевидение, журналлар ва мусиқа саноати томонидан узатилган баъзи хабарларни кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Телевидение орқали узатиладиган хабарлар

Яқинда телеканалларни “айланиб”, бугун нима кўришаётганини билмоқчи бўлдик. Биз қуйидагиларни аниқладик:

"Дўстлар" сериалининг эпизодларидан бирида Рейчел (актриса Женнифер Энистон) кино юлдузи Вайнона Райдерга ёшлик пайтларида бир-бирларини эркалашганини эслатиб, уни эҳтирос билан ўпади.

- Бунинг нимаси бошқача эканлигига қизиқиб, Фиби (актриса Лиза Кудроу) кутилмаганда Рейчелнинг бўса олишини тўхтатади, шундан сўнг у шундай дейди: "Буни қаранг! Менда бундан яхшироғи ҳам бўлган!"
- "Мен у биланман" комедия шоусининг дастлабки эпизодларидан бирида ўқитувчи Патрик мафтункор кино юлдузи Алекс Янг билан учрашишни бошлади. Сюжетга кўра, Алекс Патрикни худди шу квартирани ижарага олган собиқ севгилисидан рашк қилади. Бутун шоунинг ўзига хослиги шундаки, ҳамма (шу жумладан, Патрик ва Алекс ҳам) учинчи севгилиси туфайли "ўзгача тун"ни ўтказишини ва "сўздан ишга ўтиш" вақти келганида айнан у "жинсий шам"ни ёқишини интиқлик билан кутишади.
- "Ҳаммаси нисбий" сериалининг эпизодларидан бирида унаштирилган жуфтлик унинг пойабзалини ёқтирмагани ва унинг тунги кўйлаги ёқмагани учун жанжаллашади. "Мен бўлсам, қуёнчалар солинган шинамгина кўйлагим сенга ёқади деб ўйлабман!" - дейди у, йигит эса: "Мен қуёнчанинг инига кирмоқчи бўлганим учун шундай дедим!" - деб жавоб беради. Келинга қасдма-қасд, у ботинкасида ухлашга ётади, шунда у: "Ботинкангни ечмасанг, инингга киритмайман!" дейди.

Кўплаб шоулар нафақат никоҳдан олдинги жинсий алоқани рағбатлантиради, балки муносабатларни ўрнатиш учун ҳеч қандай меҳнат талаб қилинмайди деган тасаввурни ҳам яратади. "Бўйдоқ қиз" теледастури бунга яққол мисол бўла олади. Уч юзтаси Раянни кутиб олади ва икки ҳафтадан сўнг у тиз чўкиб, унга бриллиантли узукни узатади ва унга турмушга чиқишни сўрайди, атрофда эса юзлаб шамлар ёниб, атиргул барглари хушбўй ёмғир бўлиб ёғади.

Бундай турдаги дастурлар "ҳақиқий телевидение" деб аталади, аммо аслида улар бошидан охиригача продюсерлар томонидан ишлаб чиқарилади, телевидение тармоғи томонидан тўланади ва фақат томошабинларни жалб қилиш учун мўлжалланган бўлади. Адолат юзасидан шуни таъкидлаш керакки, баъзи жойларда ҳаёт ҳақиқати ҳақиқатан ҳам бу кўрсатувларга жинсий йўл билан юқадиган кўплаб касалликлардан бири бўлган герпесга қарши дориларнинг рекламаси сифатида кириб келди (бу ҳақда 19-бобда яна гаплашамиз).

Телекўрсатувлар сизни ақлан, қалбан ва жисмонан поклик учун курашда мағлубиятга олдиндан тайёрлайди. Журналлар ҳам сизга шундай нопок ножўя хизмат кўрсатишга тайёр.

Журналлар таъсири

"Космоқиз!" "ҲМ," "Ўн етти" - булар сизнинг қулоғингизга қандай қилиб жинсий жозибадор ва ўзига ишонган бўлиш ҳақида шивирлайдиган кўплаб журналлардир. Саҳифалар кетма-кетлигида сизнинг олдингизда ёмон қиз ролини қандай ўйнаш кераклиги ҳақидаги маслаҳатлар тўплами пайдо бўлади.

"Teen people" ўсмирлар журналининг 2003 йил ноябрь сонидаги атиги ўнта мақоланинг сарлавҳаларига баҳо беринг:

- "Мур билан танишинг: Менди Мур - севгилиси, унинг "буферлари" ва суперюлдуз бўлишни истамаслиги ҳақида"
- "А дан Я гача бўлган жинсий алоқа: эротика дунёси сенсациялари"
- "Учрашувлар кундалиги: сиз бутунлай ажралишни хоҳлайсиз, лекин сизнинг жинсий магнитингизни тузатиш керак"
- Жинсий жозибадорлик тести. Ўзингни синаб кўр: сен ёняпсанми ёки сени ёндириш ҳам керакми?"
- Махсус жинсий шарҳ: чироқ ўчганида нима қиласиз ва нима учун?"

Бахтга қарши, кўп қизлар ҳаётини йўл-йўриқ излаб, Муқаддас Китобдан кўра, бундай журналларга тез-тез мурожаат қилишади. Шунинг учун ҳам биз ялтироқ журнални кўриб, ҳайратда қолдик.

"Revolve" - тушунтиришлар, саволномалар ва "Маслаҳатлар" рўқни билан тўлдирилган ўсмир қизлар учун Янги Аҳднинг расми оммавий нашридир. Қуйида биз "Revolve"да кўрган сарлавҳалардан баъзилари келтирилган:

- Учрашиб юрган йигитинг Худога ишонадими?
- Сен ҳали эшитмаган гўзаллик сирлари"
- Эътиқодингизни амалда қўллашнинг 1001 усули"
- Йигитлар ҳар доим "иш юзасидан" гапиришади.

Қизларимиз ва уларнинг дугоналари бу журнални нафақат Худо билан ёлғиз мулоқот дақиқаларини, балки сирли равишда ва шунчаки ўз хонасида дам олаётганда ҳам жуда яхши кўришади ва катта қизиқиш билан ўқишади.

Телевидение ва журналлардан ташқари, ёш қизнинг жинсий қарашларига мусиқа ҳам кучли таъсир кўрсатади.

Мусиқа саноатининг таъсири

Бир неча йил муқаддам онасининг илтимосига кўра ўн олти ёшли қиз билан учрашдим. Мелоди билан суҳбатимиз, бошқа нарсалар қатори, унинг севимли мусиқаси, киядиган кийимлари ва онаси билан энг кўп келишмовчиликларга сабаб бўладиган нарсалар ҳақида бўлди. Қизнинг таъкидлашича, онасидан ҳеч қачон киймайдиган "ҳар қандай майда-чуйда нарсаларни" сотиб олиш ўрнига уни ўзига жалб қиладиган кийимлар учун пул беришини сўраш энг қийин иш. "Мен шунчаки жозибали кийинишни яхши кўраман. Бу ҳали мени фоҳиша қилиб қўймайди," - деб мулоҳаза юритарди у.

Нега айнан шундай кўринишни ёқтиришини сўраганимда, Мелоди Мадоннани, у ижро этадиган қўшиқларни ва унинг "ақлдан оздирувчи" кийиниш услубини жуда яхши кўришини тан олди. Мелодининг пардоз столида "People" журналининг сони ётарди. Муқовада Шон Пенн, Деннис Родман ва Майкл Жексон каби машҳурларнинг портретлари рамкасида Мадоннанинг юзи тасвирланган. Бу ерда шундай ёзув бор эди: "Мадоннанинг эркаклари: у севган, ундан кўрққан, унга соатига ўттиз марта кўнғироқ қилганлар."

Ёшлигимда ёш қизларни ақлдан оздирган рок юлдузи феномени билан қизиқиб, "Ошиқ аёл" номли мақолага мурожаат қилдим. Унда мен Мадонна ҳар доим "ўғил болаларни қўлқоп каби алмаштиргани" ва ҳозир ҳам кўпинча эркаклардан жозибали ҳамроҳ сифатида фойдаланиши ҳақида ўқидим. Кўплаб ишқий муносабатлар (баъзилари уйланган эркаклар ёки лезбиян аёллар билан) ва иккита аборт - шунчаки "ўша пайтда фарзанд кўриш вақти эмас эди" - бўлса-да, мақола Мадоннани тақлид қилиш учун намуна деб эълон қилди.

"Ўтган қишда Мадонна таржимаи ҳоли учун материал тўплаш жараёнида Эндрю Мортон унинг 43 ёшли поп-мусиқа юлдузига бўлган муҳаббати одатий фанатлик чегарасидан анча ташқарига чиққан мухлисларидан бири билан учрашди. [Мортоннинг хотирлашича] "У менга шундай деди: " Ҳаёт қийинчиликларига дуч келганимда, мен ўйлайман: "Менинг ўрнимда Мадонна бўлганида, у қандай йўл тутган бўларди?"

Бу сизга ҳеч нарсани эслатмаяптими? Бундай фикрлаш тарзини қаерга олиб боришни тасаввур қила оласизми? Менинг ўрнимда бўлганида, Мадонна нима қилган бўларди! Бу жуда кўрқинчли фикр! "People"нинг кейинги хатбошида шундай дейилган:

"Мортоннинг китобига кўра... мухлислар ўз кумирларининг изидан боришдан олдин яхшилаб ўйлаб кўришлари керак - ҳеч бўлмаганда севги ҳақида гап кетганда... [Мортон] [Мадоннани] муҳаббатга чанқоқ бўлган ва бу билан кўплаб севгилисини кўрқитган хавфли манипулятор сифатида тасвирлайди, уларнинг аксариятига у хиёнат қилган. Деярли ҳар доим Мадонна томонидан қабул қилинган қарорлар ақлсизлик эди." Бизни тўғри тушунинг: биз на Мадоннага, на Мелодига тош отмоқчи эмасмиз. Агар кимдир сиз билан менинг бебошлигимиз ҳақида биографик очерк ёзишга жазм қилганида эди, манзара ҳам худди шундай хунук бўлиб чиқарди. Худога илтижо қиламизки, Мадонна ва Мелоди Унга, уларнинг ҳақиқий муҳаббатга бўлган интилишларини қондира оладиган Зотга келсин - бу муҳаббатни кўплаб алоқалар, "баладпарвоз" гардероб, "супер-хит" қўшиқлар, дунё миқёсидаги шон-шухрат ёки бойлик туфайли ҳам қўлга киритиб бўлмайд.

Худди шу "People" журналида тўшакка кўндаланг ётган ва белидан пастроқ камарли жинси шим кийган, оқ чарм нимча кийган, киндигида узук таққан ва киприкларида туш сурилган Бритни Спирснинг сурати чоп этилган. "Микки Маус" клубининг собиқ аъзоси Бритни тез орада энг машҳур ёш юлдузлардан бирига айланди; унинг юзи футболкалардан тортиб блокнотлар ва нонушта учун тунука қутиларгача бўлган ҳамма нарсани безаб турарди. Шунга қарамай, ёзувчи Чак Арнолд таъкидлаганидек, Бритни "Мен сенинг қулингман" "Ёлғизлик", "Ўғил болалар", "Олдиндан завқланиш" ва "Пуфлаб шиширилган севги" қўшиқлари каби

қўшиқларни куйлаганида, Микки Маус уятдан қулоқларини беркитиб олса керак.

Бу очиқдан-очиқ эротик расмда Бритнининг бўйнида осилиб турган кумуш хоч энг даҳшатли кўринади. Албатта, қўшиқчи бу билан ўзида мавжуд бўлган Исога бўлган ишончни намойиш этиши мумкин, аммо унинг ёш масиҳий мухлислари бу хочни кўриб, бундай хатти-ҳаракатлар масиҳий учун тўлиқ жоиз деган хулосага келишлари мумкин. Йўқ, яна бир бор йўқ!

Афсуски, мусиқа саноати поп-юлдузларни ҳаддан ташқари мақтайди, уларнинг фикрича, улар "тўғри" кўринади, ҳаракат қилади ва кийинади. Бу аёлларнинг кўпчилиги одобсизлик, жинсий поклик, ақлий, қалбий ва жисмоний ифбатдан йироқ бўлган, Муқаддас Китобга зид хулқ-атвор намунасини кўрсатишади. Шунинг учун бирор-бир поп-юлдузнинг кумири билан баҳслашишга шошилманг; аввало, унинг қўшиқларини тингланг ва сўзларини Худонинг Каломи билан солиштиринг, кейин эса буларнинг барчасини чиндан ҳам онгингизга сингдиришни хоҳлайсизми ёки йўқми, ҳал қилинг.

Оммавий ахборот воситаларини қандай енгиш мумкин

Оммавий ахборот воситалари орқали сингдирилаётган шаҳвоний ғоялар ҳақида яна узоқ гапириш мумкин, лекин асосий фикр сизга аён. Бундан қочиб қутулиб бўлмайди, шунинг учун шунчаки тан олиш керакки, дунё том маънода бизни ёмон маслаҳатлар ва ёмон мисоллар билан бомбардимон қилмоқда ва тезда бошингизни эгиб, бошпанага шошилишни ўрганиш керак.

Агар сиз жинсий ва ҳиссий жиҳатдан яхлит аёл бўлишни истасангиз, қуйидаги қадамларни бажаришни маслаҳат берамиз:

1. Сиз мамнуният билан мурожаат қиладиган барча маълумот ташувчиларни хаёлингиздан бир-бир ўтказинг: сиз ўқийдиган журналлар ва китоблар, сеvimли кинофильмлар ва телекўрсатувлар, қўшиқлар ҳамда мусиқачилар рўйхатини тузинг. Қирган веб-сайтларингизни ҳам киритинг.

2. Рўйхатингиздаги ҳар бир банд бўйича ўзингизга қуйидаги саволларни беринг:

- Масиҳий дўстларим, руҳоний ёки ота-онам бу иш билан шуғулланаётганимни билиб қолишса, ўзимни ноқулай ҳис қилармидим? Улардан буни сир тутишга эҳтиёж сезяпманми?
- Бу менинг масиҳий эътиқодимга зид бўлган ғоялар, қадриятлар ёки вазиятларни улуғлайдимми?
- Бу китоб (шоу, қўшиқ, фильм, веб-сайт) менда тушкунлик ёки ўзимдан норозилик ҳиссини қолдирдимми, менда носоғлом муносабатларга интилишни уйғотдимми?

Агар ушбу саволларнинг бирортасига ижобий жавоб берган бўлсангиз, буни огоҳлантириш сифатида қабул қилинг: демак сиз нотўғри йўлга қадам қўйгансиз.

3. Ниҳоят, бу ҳақда ибодат қилиб, ўзингизга қуйидаги саволларни беринг:

- Исо менинг ўрнимда бўлганида нима қилган бўларди?
- Исо нималарни томоша қилган бўларди?
- Исо нимани тинглаган бўларди?
- Исо нимани ўқиган бўларди?

Такрор айтамыз, ўз фикрларингизни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишнинг асосий усулларида бири - жинсий кўзғалишни келтириб чиқарадиган ярамас хаёллар ва манзараларни онгингизга киритмасликдир. Ўқиш, кўриш ва эшитишга одатланган нарсаларга диққат билан қаранг. Аввалига бундай ўз-ўзини назорат қилиш сизга қийин туюлади, лекин вақт ўтиши билан у сизнинг иккинчи табиатингизга айланади.

Қаердан паноҳ қидиряпман

Олдингизда нимани кўриш ва тинглашим кераклиги ҳақидаги шахсий эътиқодларим рўйхати, шунингдек, нима учун бундай қарорга келганимнинг изоҳлари турибди. Бу тамойиллар менга нотинч, тартибсиз дунёмиздан паноҳ топишга ёрдам беради. Улар туфайли мен енгиб бўлмас васвасаларга дучор бўлмасдан, ҳаётдан завқлана оламан. Умид қиламанки, улар сизни ҳам онгингизни васвасалардан ҳимоя қилиш йўллариини излашга ундайди.

- Мен жинсий алоқа ҳақида ўйлашга ундайдиган телекўрсатувларни кўрмайман. Улар одатда кўпол ҳазилларга бой бўлади, лекин уларда илгари сурилаётган ғоялар, муҳокама қилинаётган мавзулар на ақлга, на юракка фойда келтиради ва фақат қимматли вақтимни олади. Муқаддас Китоб нопок нарсаларга қарашни тақиқлайди (Матто 6:22,23), бу хабарларда одатда никоҳсиз жинсий алоқа ҳақида гапирилади. Агар телевизорда соғлом ва фойдали таъсир кўрсатадиган шоу кўрсатилса, мен ўтириб томоша қиламан. Лекин у тугаши билан менинг телевизор олдида ўтиришим ҳам тугайди. Мен ўрнимдан туриб, фойдалироқ ва унумлироқ машғулот билан шуғулланаман. Яхшиси, бу кечки соатларни ўзингиз учун қадрли бўлган инсонлар - оила ва дўстларингизга бағишланг.
- Мен носоғлом жинсий интилишни уйғотадиган ёки одамларни салбий (жинсий нуқтаи назардан) кўрсатадиган мусиқаларни тингламайман. Ўсмирлигимда шунга ўхшаш гапларни эшитганман ва кейинчалик улар жинсий ҳаётимга салбий таъсир қилганига амин бўлдим. 1980 йилларда шахсиятимни шакллантирган (ва унчалик яхши эмас) беҳаё кўшиқлар ҳали ҳам эсимда. Энди мен фақат масиҳий қадриятларимга путур етказмайдиган мусиқаларни тинглайман.
- Аёллар журналларига ҳам жуда эҳтиёткорлик билан ёндашаман. У ерда нашр қилинган нарсаларнинг кўпи менга ҳеч қандай фойда келтирмайди. Қандай қилиб озғинроқ бўлиш ҳақида саҳифама-саҳифа ўқиб, бир хил ички кийимдаги нозиккина гўзалларни томоша қилар эканман, ўз танамдан норозилик ва ҳатто ўзимдан жирканиш ҳиссини туйишим мумкин. Қачонки мен ўзимни моделлар билан солиштиришга эмас, балки менга берган мустаҳкам ва соғлом тана учун Худога миннатдорчилик билдиришга ҳаракат қилсам, ўзимни анча яхши ҳис қиламан.

Унутманг: шаҳвоний мазмундаги хавфли маълумотларни онгингизга сингдириш орқали сиз аста-секин ҳаётингизда учрайдиган ва сизни гуноҳга ундайдиган вазиятларга бефарқ бўлиб қоласиз. Бундай ғоялардан ҳимояланиш орқали сиз ўз қалбингиз ва ҳаётингизни ҳимоя қилган бўласиз.

Ўттиз кунлик тажриба

Ўз устингизда тажриба ўтказинг: 30 кун давомида телевидение, кино, журналлар, мусиқа ва Интернет орқали келадиган барча шаҳвоний маълумотлардан қочинг. Янгиликларни ёки мутлақо беэтиқод кўрсатувларни томоша қилишингиз мумкин, аммо кўрсатувнинг табиати ҳақида озгина шубҳа пайдо бўлса, дарҳол телевизорни ўчиринг. Ўттиз кун шундай қилинг. Оммавий ахборот воситалари томонидан тўхтовсиз берилаётган шаҳвоний маълумотлардан онгингизга дам берасиз. Қаршилиқ кўрсатиш орқали сиз анча сезгир бўласиз ва оммавий ахборот воситалари сизни ҳар хил ахлатлар билан тўлдирётганини дарҳол таний оласиз.

Бу тажрибани ўзида синаганларнинг кўпчилиги шундай дейишади: "Аксарият телекўрсатувларни энди кўра олмайман ва бузуқ кўшиқларни эшитишни ҳам хоҳламайман. Мени ҳайвон даражасига тушириб, орномусимни беҳаёларча ерга уришларига тоқатим йўқ! Кейинчалик бу одамлар ўз дўстларига худди шундай тажрибани ўтказишни маслаҳат беришди.

Хўш, розимисиз? Ўттиз кун давомида фақат масиҳийлик қадриятларини қўллаб-қувватлайдиган китоблар, кўрсатувлар, муסיқалар билан шуғулланишга уриниб кўрасизми? Худодан ёрдам беришини сўраб, ибодат қилинг. Шунда сиз ОАВ устидан ғалаба қозонасиз!

Эҳтиёткорлик ва донолик кўрсатинг, шунда поп-маданиятнинг тажовузкор ҳужумлари сиз учун кўрқинчли бўлмайди, онгингиз шахсиятингизни емирадиган ва жинсий ҳамда ҳиссий поклик учун курашда ғалаба қозониш қобилиятингизга путур етказадиган зарарли, камситувчи маълумотлардан халос бўлади. Сиз қурбон қилган арзимас нарсани сизни қутаётган улкан мукофот билан ўлчаб бўлмайди.

“Аmmo Мен, Эгангиз, одамнинг юрагини биламан, Унинг ўй-фикрларини текшираман. Қилмишига яраша жазолайман, Қилган ишига яраша тақдирлайман.” Еремиё 17:10

V-ҚИСМ

ЎЗ ҚАЛБИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

15-БОБ

Ҳис-туйғулар билан курашишда ғолиб чиқиш

*Бор кучинг билан қалбингни асра,
чунки у ҳаёт булоғидир.*

Ҳикматлар 4:23

Кимнингдир: "Қизлар учун жинсий майл йигитларникидек муаммо туғдирмайди" деган чуқур маъноли гапини эшитсам, "Қайси сайёрадан келиб қолдингиз?" деб сўрагим келади. Шаҳвоний васвасага берилган ҳар бир йигитга у билан бирга шундай гуноҳга ботган қиз тўғри келмайдими? Эҳтимол, бундай дейиш билан одамлар қиз бола учун шаҳвонийликнинг жисмоний томони йигит учун муҳим эмаслигини назарда тутишса керак.

Унутманг: йигитлар ҳам, қизлар ҳам жинсий майлларга қарши турлича тарзда курашадилар. Йигит ўз иффатини сақлаб қолиш учун кўзини фитналардан асраши, Худо ҳиссиётга берилувчан қилиб яратган қиз эса қалбини авайлаб асраши керак. Сиз ўзингизнинг жинсий ва ахлоқий поклигингиз учун кураш олиб борасиз, чунки агар сиз юрагингизни сақлаб қола олмасангиз, танангиз жисмоний васвасаларга анча заиф бўлиб қолади.

Сиз аёл бўлиб яратилгансиз, руҳингиз эса табиатан қарама-қарши жинс вакилларининг эътибори ва меҳрини кўмсайди. (Агар кўнглингиз бошқа аёлнинг муҳаббатига ташна бўлса - хотимани ўқинг.) Бироқ, сизнинг бошқа бировга мойиллигингиз бу одам сизга мос келади дегани эмас.

Муҳаббат излаб

Ҳар бир одам муҳаббат иштиёқида ёнади, бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Ҳамма гап уни қаердан излашда. Агар сизга ҳар биримиз олишга ҳақли бўлган жойда, яъни оилада, соғлом дўстлик муносабатларида муҳаббат берилмаса, сиз уни излашга шошилишингиз мумкин. Лекин Худо сизга бошқа, яхшироқ йўлни кўрсатади. Сизни севишларини хоҳлаганингиз учунгина қалбингиз ва танангизни хавф остига қўйишингиз шарт эмас. Сиз соғлом, тўлақонли муносабатларни излашингиз ва шу билан бирга руҳингизни хавф-хатардан ҳимоя қилишингиз мумкин. Шу ва кейинги учта бобда қуйидагиларни билиб оласиз:

- Худо юрак ҳақида нима дейди ва нима учун уни асрашингиз керак;
- соғлом мулоқотда ҳис-туйғуларингизга қандай "тус бериш" ҳақида;
- носоғлом муносабатлар остонасида турганингизни қандай аниқлаш мумкин ва агар шундай бўлса, нима қилиш керак;
- қалбингиз интизор бўлган муҳаббатни қаердан топасиз?

Ҳамма нарсанинг маркази


Худо бизга қалбимизни - ҳаётимиздан, эътиқодимиздан, муносабатларимиздан, пулларимиздан, орзуларимиздан, биз учун қадрли бўлган ҳамма нарсадан устун қўйишни буюради. Муқаддас Китобда шундай дейилган (ва бу оятни ушбу бобнинг эпиграфига киритганмиз): "Бор кучинг билан қалбингни асра, чунки у ҳаёт булоғидир" (Ҳикматлар 4:23).

Хўш, нега бу Худо учун муҳим? Жавоб "манбалар" сўзида. Юрак - ҳаёт манбаи. Худо инсонни яратар экан, унинг жисми, руҳи ва ҳиссиётининг қоқ марказига юракни жойлаштирган. Жисмоний жиҳатдан бу аъзо қон айланиш тизимининг марказида жойлашган. У кислородга тўйинган қонни бутун тана бўйлаб ҳайдайди. Агар юракда нуқсонлар пайдо бўлса, бутун тана бу ҳаётбахш оқимдан маҳрум бўлиши мумкин. Руҳий маънода юрак Муқаддас Рухнинг маскани бўлиб, биз Ундан ҳаётимизга киришини сўраймиз (Эфесликларга 3:16,17). Ҳиссий маънода, бу бизнинг ҳис-туйғуларимиз жамланмасидир: бирор нарсадан ёки кимдандир хурсанд бўлганимизда қалбимиз қувончдан титрайди ва умидсизликка тушганимизда ёки йўқотишдан қайғурганимизда қаттиқ оғрийди. Қалб барча ҳис-туйғуларимизнинг марказида туради, шунинг учун Худо уни ҳамма нарсадан устун қўйишни буюрганида, у аслида шундай дейди: "Ҳаётингизнинг манбаи - жисмоний, маънавий ва ҳиссий фаровонлигингизни ҳимоя қилинг.

Кўлнинг манбаси ифлос бўлса, у тоза бўлолмаганидек, қалбингиз гуноҳкор бўлса, фикрларингиз, сўзларингиз ва амалларингиз ҳам тўғри бўлмайди. Южин Петерсон Муқаддас Китоб амрини қайта ифодалаб, бу ҳақда шундай деб ёзади:

Қуйидаги амр ҳам сизга таниш: "Бировнинг эри ёки хотини билан ётма." Лекин ўзингизни бундай қилмадим, деган хаёлга борманг, демак, сизнинг пок номингизга доғ тушмаган. Шаҳват қалбни бадандан ҳам кўра кўпроқ бузади. Сизнинг эътиқодингизча, ҳеч ким кўрмайдиган ҳирсли қарашлар [ёки фикрлар] ҳам бузилади."

Шундай қилиб, агар сиз жинсий ва ҳиссий жиҳатдан пок қиз бўлишни истасангиз, юрагингиз ҳаракатланишига имкон берадиган йўналишни эҳтиёткорлик билан танланг. Никоҳгача бўлган жисмоний алоқалар қачон ҳаддан ошиб кетганини аниқлаш бир масала, аммо ҳиссий муносабатларда "ҳаддан ошиб кетиш" нимани англатишини ким айта олади? Қарама-қарши жинс билан ҳиссий муносабатларнинг чегаралари қаерда жойлашганлигини тушуниш учун 15.1-расмга қаранг.



15.1-Расм: Ҳиссий боғлиқлик даражалари

Ушбу схема сизга ҳиссий алоқанинг олти даражасини аниқлашга ёрдам беради:

- 1) эътибор;
- 2) майл;
- 3) мойиллик;
- 4) боғлиқлик;
- 5) муҳаббат муносабати;
- 6) эҳтирос

(Ҳар бир бандни алоҳида муҳокама қилганимизда бу схемага яна бир неча бор қайтамыз.) Гарчи Худонинг ниятига кўра, биз қарама-қарши жинс вакили билан муносабатлардан завқ олишимиз керак бўлса-да, У бизни "тақиқланган" ёки жинсий ва ҳиссий яхлитлигимизга путур етказадиган кишига юрагимизни бермаслигимиздан огоҳлантиради. Ушбу схемани ёдда тутган ҳолда, сиз хавfli вазиятлардан қочиш учун ҳис-туйғуларингизга қаерда чек қўйиш кераклигини ҳал қила оласиз. Ҳиссий алоқанинг турли даражаларини аниқлашни ўрганиб олгач, қаерда хавфсиз юриш мумкинлигини ("светофоримиз"нинг яшил чироғи), қаерда жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракатланиш кераклигини (сарик), қаерда орқага бурилиб, тескари томонга югуриш кераклигини (қизил) билиб оласиз.

Ушбу схемани ёдлаб олишингизни маслаҳат берамиз. Кейинги учта бобга ўтишдан олдин, ибодат қилинг ва Худодан бу уч даражани яхшилаб тушунишга ёрдам беришини сўранг ва улар сизнинг юрагингизни хавфдан ҳимоя қилишга қандай ёрдам беришини тушунинг. Кейин бу бобларни худди ҳаётингиздаги энг муҳим имтиҳонни топширишга тайёрланаётгандек ўқинг. Бу маълумотларни тушуниш, ўзлаштириш ва қўллашга қараб, қачондир олдингизда пайдо бўлиши муқаррар бўлган ҳиссий синовлардан муваффақиятли ўта олиш ёки ўта олмаслигингизни - айтиш мумкин бўлади.

«Эгамни олқишлайман, У менга йўл кўрсатади, Тунда ҳам қалбим менга ўғит беради. Мен доим Эгамга кўз тикаман, У ўнг томонимда бўлгани учун Мени ҳеч нарса қўзғата олмас. Шу боис, эй Эгам, юрагим қувончга тўла, Жоним ҳам қувонади. Танам хавф-хатарсиз яшайди» Забур 15:7-9

16-БОБ

Кетиш мумкин

[Қизим], сўзларимни эшит, айтганларимга қулоқ сол. Уларни кўз олдиндан қочирма, юрагингнинг қаърида сақлагин. Чунки уларни топганларга ҳаёт, бутун тан-жонига малҳам бўлади.

Ҳикматлар 4:20-22

Ҳар биримиз у ёки бу сабабга кўра кимдир нигоҳимизни ўзига қаратган ҳолатни эслашимиз мумкин.

Балки рок-гурӯҳнинг концертида ажойиб гитарачига эътибор бергандирсиз, балки дугонангизнинг акаси шунчалик ёқимтойки, уни шунчаки томоша қилиш мумкин. Эҳтимол, сизнинг харидларингизни машина олдига олиб келадиган супермаркетдаги чиройли югурдак йигитнинг ажойиб табассуми бордир ва сиз унинг хайрлашув сўзларида "Ҳаммаси яхши бўлсин. Яна бизникига келинг!" - деган яширин маънолар бордир.

Тўсатдан бирор йигит сизга ёқимтой бўлиб кўринса, бундан қўрқиш керакми? Хавfli йўлга қадам қўймайсизми? Балки кимнидир чиройли деб топиб, қалбингизни асраб қолмагандирсиз? Асло ундай эмас! Сиз Муқаддас Ёзувларга зид келадиган ҳеч қандай иш қилмадингиз, ҳеч қандай қасамни бузмадингиз ва бу вазиятларда ҳар қандай айбдорлик ҳисси ёлғон бўлади. Бўлинг

Мутлақо хотиржамсиз: кўзларингиз сизга садоқат билан хизмат қилмоқда, шунинг учун бундай гўзалликни

яратгани учун Худога миннатдорчилик билдиришингиз мумкин. Йигитнинг эътиборингизни тортишида ҳеч қандай жиноят йўқ ва бу бобда биз ҳиссий алоқанинг "яшил даражаси" ҳақида гаплашамиз, унинг биринчи босқичи диққатдир.

У сизнинг эътиборингизни тортганда

Биринчи курс талабаси Сара университет кутубхонасида ўтирганида, эшик очилиб, жуда ёқимтой бир эркак кириб келди. "Вой, сен-эй! Бу менинг бўлажак эрим шекилли! - деб ҳазиломуз хитоб қилди у дугонасига, шунда ёнида турган аёл хотиржамлик билан жавоб берди: - Кечирасан, жоним, бу менинг эрим! Гарчи бунда қизаришнинг ҳожати бўлмаган ва у мутлақо ҳеч қандай гуноҳ қилмаган бўлса-да, бу сўзларни эшитиб, Саранинг қанчалик қизариб кетганини гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Чиройли йигитни пайқаганимизда, у бизнинг эътиборимизни тортади. Бу мутлақо нормал, соғлом ва табиийдир, - ҳатто кейинчалик у билан яқинроқ учрашиш ёки танишишнинг иложи йўқлиги маълум бўлса ҳам. Ҳиссий алоқанинг даражаси чегарадан чиқмагунча "яшил сигнал," сиз ўзингизни айблашингиз шарт эмас.

Кўпчилик ёш қизлар биздан: "Чиройли эркакка бошқаларга бўлгани каби эътибор бермайдиган вақтим келармикин?" деб сўрашади. Ҳа, вақт ўтиши билан, балоғатга етиш билан қарама-қарши жинсга бўлган қизиқишингиз камаёди, лекин у изсиз йўқолиб кетмайди. Ёдингизда тутинг: муҳаббат, эътибор, меҳрибонлик ва руҳий яқинлик истаги инсон табиатида хосдир. Мактабни битирганингиз, бармоғингизга никоҳ узугини таққанингиз, фарзандли бўлганингиз, кексайганингиз, сочингиз оқаргани ва ажинлар билан қопланганингиз билан у ўзгармайди. Бу истакнинг йўқлиги фақат бир нарсани билдиради: сиз ўлган бўласиз.

Шу куни жанг майдонидан зиёфат дастурхонига ўтасизлар. У ерда, Исо билан бирга бўлганингизда, энг яхши таомлар билан озиқланасиз (Забур 62:5).

Кейинги босқичга ўтишдан олдин диққат даражаси билан боғлиқ кенг тарқалган бир афсонани бартараф этмоқчимиз.

Агар бу севги бўлса-чи?

Сиз йигитга тикилиб қолдингиз ва ўзингиздан сўрадингиз: "Балки бу бир қарашдаги муҳаббатдир?" Бўлмаган гап.

Бунақа нарса умуман йўқ. Бир қарашда фақат эътибор бўлади. Муҳаббат тўсатдан маст бўлиб, бошни айлантриб юборадиган нарса эмас. Бу одам билан узоқ ва яқин мулоқотдан сўнг пайдо бўладиган жиддий ишончдир. Агар кимдир сизнинг эътиборингизни қозонган бўлса, бу унинг алақачон қалбингизни забт этганини англатмайди. Бу фақат вақт ўтиши билан ва фақат сизнинг рухсатингиз билан содир бўлиши мумкин.

Эътибор кўрган нарсангизга асосланади ва гарчи сизнинг нигоҳингиз чиройли эркакка тўхташи мумкин бўлса-да, бу ҳали сизни унга тортишига кафолат бермайди. Одам билан бир неча бор гаплашиб, уни яхшироқ билиб олганингиздан кейингина эътибор қизиқишга айланади.

Бунинг исботи учун бир мисол келтирамиз. Айтайлик, сиз ёқимтой йигитни кўриб қолдингиз ва дарҳол унинг синглисига бақирганини, машинаси билан мақтанаётганини ёки кимнидир ғазаб билан сўкаётганини эшитдингиз. Сизда бундай одамга нисбатан майл пайдо бўладими? Бўлиши мумкин эмас! У қанчалик басавлат бўлмасин, сизда унга нисбатан меҳр уйғонмайди. У сизнинг эътиборингизни тортди, лекин у сизни ўзига тортмади. Бошқа томондан, сиз ташқи кўринишидан ҳеч қандай эътиборга лойиқ бўлмаган йигитни учратишингиз ва дастлаб унга умуман эътибор бермаслигингиз мумкин, аммо уни яқиндан таниганингиздан сўнг, унинг нимаси сизга ёқишини ҳис қиласиз. Бунинг сабаби шундаки, уларга аёл керак, аёл эса "кўзлари билан эмас, қулоқлари билан севади."

Энди ҳиссий алоқанинг иккинчи даражаси - майлга ўтамиз. (15.1-расмга қаранг).

Диққат-эътибор қизиқишга айланганда

Агар йигитни етарлича яхши танисангиз, у сизга ҳақиқатан ҳам ёқишини тушунсангиз, эътибор - майлга айланади. Яна бир бор айтаманки, майл туйғусида ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Бироқ, бу йигит билан учрашиш ёки яқинлашишни бошлаш учун у сизга аллақачон яшил чироқни кўрсатяпти деб ўйламанг.

Агар сизда кимгадир мойиллик пайдо бўлган бўлса, бу зудлик билан бу борада қандайдир чоралар кўришингиз кераклигини англатмайди (гарчи оммавий ахборот воситалари сизни аксинча ишонтирса ҳам). Агар сиз дўстларингиздан бирига мойил бўлсангиз, у билан ўйнашишни бошлашингиз ва шу билан муносабатларингизни сифат жиҳатидан янги, шаҳвоний даражага олиб чиқишингиз керак деб ўйламанг. Сиз ҳиссиётларнинг ожиз қули эмассиз. Сиз у билан яқинлашишга, айниқса, жинсий алоқа қилишга "маҳқум" эмассиз, гўё бу ерда энди ҳеч нарса қилиб бўлмайдигандек. Аслида, агар керак бўлса, сиз уни умуман эътиборсиз қолдиришингиз мумкин - ёки ёшингиз ўртасидаги фарқ жуда катта, ёки у билан қизиқишларингиз ва қадриятларингиз бутунлай фарқ қилади, ёки баъзи ҳолатлар ўртасидаги муносабатларни имконсиз қилади. (Тақиқланган муносабатлар ҳақида 18-бобда батафсил тўхталамиз.)

Шундай қилиб, сиз йигитга бўлган иштиёқни ҳис қилишингиз мумкин ва шунга қарамай, бу туйғуни нотўғри ривожлантиришдан воз кечиб, қалбингиз ва танангизни жинсий нуқсонлардан ҳимоя қилишда давом этишингиз мумкин.

Нима учун бир одамга эътибор берамиз-у, иккинчисига бермаймиз, буни тушунтириш қийин эмас. Нима учун бизни у томонга эмас, бу томонга тортишини тушуниш қийинроқ. Бу ерда жуда кўп сабаблар бўлиши мумкин, уларнинг ҳар бири ўзимизга хос ва кўпинча ёш ўтиши билан орттирган тажрибамизга асосланади.

Ўз ҳаётимдан мисол келтираман. Бир куни оиламизнинг бир дўстига кўнглим қаттиқ тортиб қолди. Мен "имаго-терапия" нима эканлигини тушуниб олмагунимча, нима учун бундай бўлганини тушунолмадим ("имаго-терапия" - бу баъзи одамлар шунчаки "сизнинг моделингизга мос келади" ва ҳар бир шахс ўзига хос "модель" эканлигини ўргатадиган усул). Шундай ҳам бўладики, дугонангиз сизга янги йигитини завқ-шавқ билан мақтайди, сиз эса уни кўриб, ҳайрон бўласиз: "У йигитдан нима топди экан?" Ҳамма гап шундаки, у қизнинг ички идеалларига мос келади, сизникига эса тўғри келмайди.

Ўз "моделим"ни бироз тушуниб олгач, бу оилавий дўст акамга жуда ўхшашлигини, ўзини тутиши эса отамнинг хатти-ҳаракатларини эслатишини англадим. Уни жозибали деб топганимдан ажабланишим керакми? У менинг моделимга мос келарди. Лекин у мени шунчалик ўзига жалб қилган экан, ўртамызда муқаррар равишда ишқий ва жинсий алоқа пайдо бўлади, деган фикрдан қўрқдимми? Ёшлигимда кўп хатоларга йўл қўйишим мумкин эди, лекин бахтимга, қарама-қарши жинсга эътибор ва мойиллик инсон табиатида хос эканлигини аллақачон билардим. Мен шунчаки бу одамнинг олдида ўзимни қандай тутишимни кузата бошладим ва у билан суҳбатлашиш учун мавзу танлашда мени нима ҳаракатга келтираётганини текшира бошладим. Аслида укам ва отам билан мулоқот етишмаслигини тушунган ҳолда, улар билан муносабатларни яхшилашга ва мустақамлашга ҳаракат қилдим.

Олийроқ бўлган мақсад

Худо бизга ҳиссий алоқанинг "яшил" даражаларини - эътибор ва майлни - завқланиш мумкин бўлган совғалар сифатида берди. У Ўзи яратган нарсаларнинг гўзаллигини, шу жумладан, қарама-қарши жинс вакилларини ҳам кўришимиз учун кўз ато этган. У бизга эшитиш, сўзлаш ва фикрлаш қобилиятини ато этганки, биз атрофимиздаги одамлар билан мулоқотда бўлганимизда улар ҳақида тасаввурга эга бўламиз ва улар билан яқинлашамиз. Худо бир-биримизни қадрлашимиз ва Масих севгисида бир-биримизга интилишимизни истайди.

Аммо Раббимизнинг бундан ҳам олийроқ мақсади бор, шу мақсадда у қалбларимизга бир-биримизга эътибор ва мойиллик ташналигини жойлаган. У ақлимиз ва қалбимиз билан Унга мурожаат қилишимизни истайди. Биз Худони англаб етганимизда ва пайқаганимизда, мўъжизавий Яратувчимизни билиш учун вақтни аямасак, У бизга ажойиб Ёр сифатида намоён бўлади, биз билан чуқур ҳиссий алоқага киришади ва юрагимизни тўлдиришга қодир бўлган Ўзининг меҳр-муҳаббатига

интилиш ҳиссини уйғотади. Биз Исони бу фазилатда таниганимизда, ер юзидаги барча севги ва алоқалар Унинг олдида аҳамиятсиз бўлиб қолади.

“Эй Эгам, содиқ севгинг фалакларга етгайдир, Эй Эгам, садоқатинг самоларга чўзилгайдир.

Одиллигинг буюк тоғларга ўхшайди, Адолатинг тубсиз денгизга ўхшайди,

Эй Эгам, инсонун жониворларни Сен сақлагайсан. Содиқ севгинг, эй Худо, нақадар бебаҳодир!

Қанотларинг соясида инсонлар паноҳ топади. Улар уйингдаги неъматлардан еб тўяди,

Лаззат тўла дарёингдан уларга ичирасан.” Забур 35:6-9

17-БОБ

Эҳтиёткорлик билан ҳаракатланиш

Шунинг учун маҳкам турибман, деб ўйлаган одам эҳтиёт бўлсин, тагин қоқилиб йиқилмасин.

1 Коринфликлар 10:12

Бу китобнинг вазифаларидан бири сизни ечинмасдан севишга ўргатиш эканлигини биласизми? Ҳайронмисиз? Хижолат бўлдингизми? Куляпсизми? Эҳтимол, сиз ўзингиздан: "Бу ҳазилми?" деб сўрарсиз. Хўш, бу ҳолатда "севмоқ" сўзининг жинсий алоқага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сиз ўзингизни обрўсизлантормасдан, лекин айни пайтда севимли инсонингиз муҳаббатингиз ва чуқур ғамхўрлигингизни ҳис қилишини ўрганишингиз мумкин.

Биз сизнинг онгингиз, қалбингиз ва танангизни хавф-хатардан асрашингизни истаймиз, лекин шу билан бирга, ўғил болалар билан нормал дўстона муносабатлардан ва ҳатто учрашувлар ҳамда учрашувлардан (албатта, ифбатли) завқ олишингизни хоҳлаймиз, чунки буларнинг барчаси сизни келажакдаги биргаликдаги ҳаётга тайёрлайди. Аммо бу ерда жуда тезлашиб, жуда узоққа кетиш осон, шунинг учун секин ва эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш керак. Агар сиз у ёки бу йигит меҳр-муҳаббатингиз ва садоқатингизга лойиқ ёки лойиқ эмаслигини аниқлашни ўргансангиз, ҳис-туйғуларингизни жиловлаб турсангиз, туйғуларингизнинг тўсатдан ва бошқариб бўлмайдиган портлашлари сизга таҳдид солмайди. Кейинчалик: "Қандай қилиб бунга қўл қўйдим?" - деб қайғуриб ўтирмайсиз.

Ушбу бобда биз ҳиссий алоқанинг "сарик даражаси"га эътибор қаратамиз, бу ерда жуда эҳтиёт бўлиш кераклигини эслаймиз (15.1-расмга яна бир бор эътибор беришингизни сўраймиз). Бу даражанинг биринчи поғонасида туриб (бу поғона "дўстлик" деб аталади), сиз дўст бўлган ва кўнглингиз тортган йигитга нисбатан ўз ҳис-туйғуларингизни қандай тўғри ифодалашни билишингиз керак. "Сарик даража"нинг иккинчи босқичига ўтиб (у "садоқат" деб аталади) сиз кимга қалбингизни беришга тайёрлигингизни билишингиз керак.

Майл боғлиқликка айланганида

Сиз бир йигитга эътибор бердингиз. У билан танишганингиздан сўнг, сизга нима ёқишини билиб оласиз. Энди нима бўлишини топинг-чи?

Унга ўз меҳрини шундай кўрсатишни хоҳлайсизки, у сиз учун оддий дўст эмаслигини тушунсин.

Муносабатларнинг кўп турлари учун ёқтиришни ифодалаш табиий бўлса-да, улар билан мулоқотда қарама-қарши жинс билан бунга жуда эҳтиёткорлик билан бажариш керак. Қачон ва қандай қилиб ўз хайрихоҳлигини кўрсатишни билиш осон иш эмас. Агар сиз ишқий муносабатларга қизиқсангиз, самимий бўлишни билинг, лекин бу яқинлашишга жон-жаҳдингиз билан интилаётгандек кўринмасин ва албатта, ҳеч қачон ғазаблантирувчи ҳаракатларни қилманг.

Хўш, сизни ўзига жалб қилган йигитга қачон меҳр билдириш ўринли бўлади? Бу қачон ноўрин? Фарқи қандай илғаш мумкин? Бу ингичка чегара чизиғи қаерда жойлашган?

Гарчи биз сиз учун ҳар хил "мумкин" ва "мумкин эмас" рўйхатини тузишга қодир бўлмасак-да, ўзингизни текшириш учун баъзи саволларни тавсия этамиз. Кўнглингиз тортган йигитга хайрихоҳлик билдиришга қарор қилишдан олдин ибодат қилиб, бу саволларни ўзингизга беринг.

- Мен бу одамни яхши биламанми? Унинг характериға ишончим комилми? Унга меҳр қўйганимдан кейин афсусланмайманми?
- Уни яхши кўришга мени нима ундаяпти? Нима мақсадда шундай қилмоқчиман? Бу мақсад яхшими?
- Агар у мени учрашувга таклиф қилиши учунгина менга жуда ёқишини билдирмоқчи бўлсам, ота-онам (ва унинг ота-онаси) бунга қандай муносабатда бўлишади?
- Мен унга самимий хайрихоҳлик кўрсатишга ҳаракат қиляпманми ёки буни беҳуда қилмаяпманми? Мен ўз иззат-нафсимни қондириш учун мақтов сўрамаяпманми?
- У эркинми? Менинг илтифотимдан ранжиши мумкин бўлган бирор қизи йўқми?
- Менинг илтифот кўрсатишим нотўғри талқин қилинмасмикин: у хижолат тортмасмикин, васвасага тушмасмикин, мени қандайдир яширин ниятда деб шубҳаланмасмикин?
- Унда менга нисбатан - мен унга нисбатан ҳис қилмаган туйғулар йўқми? Агар шундай бўлса, унга мен шунчаки дўстликдан кўра кўпроқ нарсани хоҳлаётгандек туюлмадимми (аслида ундай эмас)?
- Агар бу илтифотни бошқа одамлар (қариндошларим ёки яқин дўстларим) билиб қолишса, уялган бўлармидим?
- Хушмуомалаликнинг бу кўриниши васваса деб талқин қилиниши мумкинми ёки у масиҳий аёлга хосми?

Агар сиз Худодан сизнинг асл ниятларингизни очиб беришини сўраган бўлсангиз, агар ҳар бир саволга тўғри жавоб берилган ва ҳеч қандай хавф аломатлари топилмаган бўлса, демак, ҳаммаси жойида ва сиз ўз меҳрингизни муносиб тарзда кўрсатишингиз мумкин.

Аммо бу саволларнинг ҳеч бўлмаганда биттасига жавобан қалбингизда қизил чироқча пайдо бўлган бўлса, тўғри ва рост ҳаракат қилаётганингизга тўлиқ ишонч ҳосил қилмагунингизча, ҳар қандай илтифот кўрсатишдан ўзингизни тийинг. Мулоқотингиз дўстона бўлиб қолсин, лекин сизни ким бошқараётганини тўлиқ тушунмагунингизча, унга алоҳида муносабат билдирманг. Бу ҳақда ибодат қилинг, етук масиҳий дугоналарингиз билан маслаҳатлашинг ва қалбингизни доимо текшириб туриг. Бу одамни яхшироқ билиб олганингиз сари "қизил байроқчалар" йўқолиб кетмаяптими ёки аксинча, кўпайиб кетмаяптими, кузатиб боринг. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, ичимизда у билан муносабат ўрнатиш керак эмаслигига ишонч пайдо бўлади.

Агар сиз учрашмоқчи бўлган йигитга хайрихоҳлик кўрсата оламан деб ўйласангиз, буни қандай амалга оширишни ўйлаб кўринг. "Севгининг беш тили" китоби муаллифи Гери Чапменнинг фикрича, биз севгимизни бешта "тил" ёрдамида намоён қиламиз: совғалар, ёрдам, раъбат сўзлари, шахсий вақт ва жисмоний тегиниш. Бу модель бизда 17.2-расмда акс эттирилган. Уни ўрганиб чиқинг ва шунда сиз ёқтирган йигитни ёқтиришнинг мақбул ва номақбул усулларини ажрата оласиз.

Сиз ўзингиз бу рўйхатни сезиларли даражада кенгайтиришга қодирсиз. Бу жуда қизиқарли машғулот, шунинг учун унга дугоналарингизни жалб қилишингиз мумкин.

	Мумкин	Мумкин эмас
Совғалар	<ul style="list-style-type: none"> • мактабда туширилган кичкина расм • уйда пиширилган печенье • ёрдам учун миннатдорчилик хати 	<ul style="list-style-type: none"> • рамкага солинган рангли расм • хушбўй атир сепилган узун хат

Ёрдам	<ul style="list-style-type: none"> • у қолдирган дарс бўйича уй вазифасини айтиш • синглизининг туғилган кунига совға танлашда ёрдам беришни таклиф қилиш 	<ul style="list-style-type: none"> • унга футбол ўйинидан кейин орқасини массаж қилишни таклиф қилиш • унга чўмилиш кийими ва калта шорти кийиб, машинасини ювишга ёрдам бериш
Рағбат сўзлари	<ul style="list-style-type: none"> • унинг характерини мақтамоқ • унинг кийимидаги бирор буюмни баҳоламоқ (масалан: "Чиройли кўйлак экан." дея) 	қуйидаги каби мақтовларни айтиш: - Бу кўйлакда жуда жозибали кўриняпсан!
Шахсий вақт	<ul style="list-style-type: none"> • реферат устида кутубхонада бирга ишлаш • уни ёшлар гуруҳингизга таклиф қилиш 	<ul style="list-style-type: none"> • шанба оқшомларини ёлғиз ўтказмоқ • ҳамма жойда ва ҳар доим сиам эгизаклари каби ажралмас бўлиш
Жисмоний тегиниш	<ul style="list-style-type: none"> • яхши баҳо олгани учун унинг елкасига қоқиб қўйиш • йўлакда учрашганда, йўл-йўлакай кафтни кафтга уриш 	<ul style="list-style-type: none"> • бутун гавдани гавдага теккизиб қучоқлашиш • унинг тиззасида ўтириш • ёнида ўтириб сонини силаш

17.2-Расм

Жуфтлик бўлишингиздан аввал

Ёдингизда бўлсин: агар сиз йигитга мойилликни ҳис қилсангиз ва уни ёқтирсангиз, бу сиз у билан албатта жуфт бўлишингиз кераклигини англамайди. Бундай қарорни жуда эҳтиёткорлик билан қабул қилиш керак.

Сиз ва у йигитга дўстлик босқичида иложи борича узоқроқ қолишни ва кейинги босқичга ўтишга шошилмасликни маслаҳат берамиз. (Яна 15.1-расмга мурожаат қилишингизни сўраймиз) Бу босқичда сиз тез-тез бирга бўласиз, бир-бирингизга кўнглингизни очасиз, бир-бирингизни яхшироқ биласиз ва ўзингизни фақат бир-бирингиз билан учрашиш мажбурияти билан боғламай, ўзингизни яхши дўстлардек тутасиз. Сиз шунчаки ўзингизнинг эҳтимолий келажакингиз ва жиддийроқ муносабатларингизни ўрганасиз, уларга ўзингизни урмайсиз.

Дўстлашиш босқичида бўлгангизда, унинг дўстлари ва оиласи билан танишинг. Унинг феъл-атвориغا эътибор беринг, шунда кейинчалик жуфтлик бўлишга қарор қилсангиз, қабул қилган қарорингиздан пушаймон бўлмайсиз.

Бу даража ўзига хос "изланиш" бўлганлиги сабабли, ёлғизлик билан боғлиқ васвасаларга дучор бўлмаслик учун йигит билан фақат дўстлар даврасида учрашишни ва фақат одамлар ташриф буюрадиган жойларга боришни тавсия этамиз. Агар сиз унинг уйига боришга рози бўлсангиз (ёки уни ўзингизга таклиф қилсангиз), уйда катталар ёки хонадошлар борлигига ишонч ҳосил қилинг ва ётоқхона эшиги ортида ёлғиз қолмасдан, меҳмонхонада қолинг. Агар сиз талабалар ётоқхонасида яшасангиз, уни жамоат жойларида қабул қилинг ёки жуда бўлмаганда, ноаниқ хатти-ҳаракатларнинг энг эҳтимолини бартараф этиш учун хона эшигини очиқ қолдиринг.

Агар иккалангиз ҳам бир-бирингизга ёқинлигини билсангиз, бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Аммо уни яқиндан билгангизда пушаймон бўлишингиз мумкин бўлган келажак ваъдаларини беришга шошилманг. Светофорнинг сариқ ишораси тезда қизил ишораси билан алмашади; худди шундай, номуносиб одамга боғланиб қолиш жуда тез орада муносабатларнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Бу босқичда, тўғриси айтганда, муҳаббат кўпинча кўр-кўрона бўлади. Сиз ундаги фазилатларга шунчалик мафтун бўлишингиз мумкинки, унинг барча камчиликлари қаердадир узоқда, орқа фонда йўқ бўлиб кетади. Мана нима учун сизда унга нисбатан ҳиссий боғлиқлик пайдо бўлишидан ва сиз жуфт бўлишингиздан олдин одамни яхши билиш жуда муҳим. Аввалига унинг барча кучли ва заиф томонларини тарозига солиб кўринг, кейин эса уни ҳаммадан устун қўйиш-қўймаслигингизни ва бундан буён фақат у билан учрашиш-учрашмаслигингизни ҳал қилинг.

Гарчи ҳиссий боғлиқлик мутлақо табиий ва бизга хос бўлса-да, ёшларга бутун қалбингиз билан қайта-қайта ёпишиб олишингиз оқилона қарор бўлмайди (гўё сиз учрашган ҳар бир йигит айнан ўшадай).

Мисол учун бири қизил, иккинчиси қора бўлган иккита қоғоз юракчани тасаввур қилинг. Уларга елим суртинг ва елим яхши ёпишиши учун уларни бир-бирига маҳкам босиб ушлаб туринг. Юракчалар бир-бирига маҳкам ёпишиб олгач, уларни йиртинг. Нима бўлади? Қизил юракда қора толалар, қора юракда эса қизил толалар қолади. Хулоса: кимгадир қаттиқ боғланиб қолганингизда, ўша одамнинг бир қисми сизга абадий ёпишиб қолади; у ҳақидаги хотиралар сизнинг ҳиссий бойлигингизда қолади ва охир-оқибат эр-хотинлик ҳаётингизга ўтади. Кейин эса ўз эрини бошқа биров билан ёки ҳатто аввалги барча ёшлар билан таққослаш васвасаси пайдо бўлади. Шунини ҳам унутмангки, қачонлардир жудо бўлган юрагингизнинг бир парчасини энди ҳеч кимга бера олмайсиз: биринчи муҳаббат, биринчи бўса, биринчи жинсий тажриба.

Аммо бутун қалб билан қайта-қайта боғланиш одатида яширинган ягона хавф бу эмас. Яна бир мисол: ёпишқоқ лентанинг узун бўлагини тасаввур қилинг. У қўли теккан ҳамма нарсага ёпишиб олади. У қутига ёпишиб қолиб, картонга зарар етказмасдан кўтарилмайди ва қоғоз парчаларини ўзи билан олиб кетади. У билан яна бирор нарсани ёпиштириш мумкин бўлади, лекин тасмани қанчалик кўп ёпиштирсангиз ва кўчириб ташласангиз, унда елим шунчалик кам қолади. Охир-оқибат, у қадокни ёпиштиришни бутунлай тўхтатади.

Шунга ўхшаш ҳолат бизнинг қалбимизда ҳам содир бўлади. Вақти-вақти билан турли одамларга боғланиб, биз ҳиссий "ёпишқоқлигимизни" йўқотамиз. Шунинг учун, агар сиз шунчаки, одатга кўра, кетма-кет йигитларни ўзингизга жалб қилсангиз, бир умр бир кишига содиқ қолиш қобилятингизни йўқотишингиз мумкин. Зерикишнинг озгина белгиси бўлиши биланоқ, навбатдаги "ойнинг ифори"дан баҳраманд бўлиш учун бирини ташлаб, бошқасига ўтиш, аммо янги нарсага доимий чанқоқлик ҳиссини уйғотади. Кейинчалик, яхши йигитни учратиб, яқуний танловни амалга оширганингизда, эски одатларингиз ҳали ҳам эслатиб туради. Эр-хотинлик муносабатларида янгилик ҳисси ўтиб кетгач, биз бирор янги нарсани татиб кўришни жуда хоҳлаймиз.

Мана, тўрт йил олдин турмуш қурган Линнетнинг ҳикояси:

"Ёдимда, юқори синфларда кўп ўғил болалар билан гаплашиб юрардим. Баъзан эрталаб, ўқув куни тугамасданоқ бошқа йигит билан муносабатга эга бўлиш учун бошқасидан воз кечардим. Бир ҳафта - Жеймс, иккинчи ҳафта - Уэндел, учинчи ҳафта - Крис, кейин яна Жеймс. Ўшанда бу ҳақда ўйлаб кўрмагандим, аммо ҳозир, турмушга чиққанимда, тан олишим керакки, кўпинча янги муносабатлар ёки янги олов билан аланга олган узоқ йиллик алоқалар олиб келадиган ҳаяжонли қувончни қўмсайман. Оилавий ҳаётимда нимадир ўхшамаса, ҳаммасини ташлаб, ўзимга янги қизиқарли йигитни топиш истагини зўрға енгаман. Маълум бўлишича, никоҳ мажбуриятларига содиқ қолиш мен ўйлагандан кўра анча қийинроқ экан, чунки мен ҳар ҳафта бир йигитдан иккинчисига югуришга одатлангандим"

Келажакда сиз ва эрингиз ўртасида ўрнатиладиган ҳиссий алоқа мустаҳкамлигини қандай ошириш мумкин? Йигит ўзининг феъл-атвори билан сизга муносиб умр йўлдоши эканлиги маълум бўлмагунча унга боғланиб қолмасликка ҳаракат қилинг.

Қуйида у ёки бу йигитни алоҳида афзал кўриш керакми ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам

берадиган бир нечта амалий маслаҳатлар келтирилган:

- Сиз уни дўстингиз сифатида биласиз (камида бир йил давомида), унинг руҳий фазилатларига ишонасиз ва унинг характеридан мамнунсиз.
- Иккалангиз ҳам Исо Масиҳ бизнинг Раббимиз ва Нажоткоримиз эканига ишонасизлар.
- Унда сиз тузатмоқчи бўлган жиддий камчиликлар йўқ (у ичмайди, гиёҳванд моддаларни қабул қилмайди, ёлғон гапиришга мойил эмас, жинсий мойиллиги йўқ ва ҳоказо).
- Сиз ўрта мактабни тугатяпсиз (Битирувчи синфга ўтишдан олдин йигит билан ҳиссий алоқага йўл қўймаслик керак.)
- Худо сизни нимага даъват этаётганини тасаввур қиласиз ва никоҳ қуриш чақирувингизга халақит бермаслигига, аксинча, бунга ёрдам беришига аминсиз.
- Сизнинг кейинги таълимингиз ёки келажакдаги ишингиз ҳақидаги ниятларингиз унинг режаларига зид келмайди.
- Оилангиз бу танловни маъқуллайди ва ҳиссий боғлиқлигингизни эҳтиёткорлик билан қўллаб-қувватлайди.
- Сиз унинг яқин қариндошлари билан танишдингиз ва улар сизнинг муносабатларингизга қарши эмаслигига аминсиз.

Ёқтириш боғлиқликка айланганда

Вақти-соати келиб, ўзингизга керакли инсонни топганингизга ишончингиз комил бўлса, меҳрингиз ҳиссий боғлиқликка айланади (айниқса, дўстингиз ҳам сиз каби ишқий муносабатларга интильса). Сиз юрагингизнинг тез-тез уришини ва титрашини ҳис қиласиз.

Баъзан унинг хотини бўлиш ҳақида хаёл сурасиз. Баъзан эса шунчаки унинг қандай кўринишини томоша қилиш учун исмингиз ва фамилиянгни ёнма-ён ёзиб қўясиз. Ҳаётингизда ажойиб давр келди: сиз ва азиз инсонингиз "расмий" жуфтлик бўлишга қарор қиласиз.

Шундай бўлса-да, унинг феъл-атворини диққат билан кузатишингиз керак, шунда у ҳақиқатан ҳам сиз дам олиш кунлари учрашишни эмас, балки ҳаётингизни ўтказишни хоҳлаган одамми ёки йўқлигини аниқлайсиз. Гарчи уни етарлича яхши биладигандек туюлса-да (ахир анчадан бери учрашиб юрибсиз-ку), эҳтимол, аста-секин ўйлашга мажбур қиладиган нохуш тафсилотлар юзага чиқа бошлар.

Одатда қизлар йўл қўядиган хатога йўл қўйманг, чунки йигитларнинг феъл-атворида жиддий нуқсонлар борлиги маълум бўлади. Улар: "Мен бу муносабатларга жуда кўп пул сарфладим, энди уларни бузишим керакми?" деб ўйлашади. Майли, сиз унинг севгилиси ҳисоблангиз, лекин агар у ҳақида бўлажак эрингиз ҳақидаги тасаввурларингизга тўғри келмайдиган нарсаларни билиб қолсангиз, у билан никоҳдан ўтишингизни кутиб ўтирмасдан, муносабатларни дарҳол узганингиз маъқул.

Янги муносабатлар учун сарфлайдиган ҳиссий қувватингиз миқдори аёллар турмушга чиқиши керак бўлмаган эркаларга содиқ қолиш учун сарфлайдиган улкан ахлоқий ҳаракатлар олдида ҳеч нарсасиз эмас.

Шунингдек, сиз жинсий ҳис-туйғуларингиз ва истакларингизни қаттиқ назорат остида ушлаб туришингиз, айнақса, жисмоний поклигингизни эҳтиёт қилишингиз керак бўлади. Шуни унутмангки, аёлнинг танаси унинг қалби қаерга жойлашган бўлса, ўша томонга интилади. Ҳиссий алоқанинг бу босқичидаги қизлар кўпинча ҳушёрликни пасайтирадилар, чунки уларнинг ҳис-туйғулари кўтарилишда бўлади. Кўп ҳолларда никоҳгача бўлган жинсий яқинликни оқлаш учун "биз шунчаки ўзимизни тута олмадик. Муҳаббатдан бошимизни йўқотибмиз!" дейишади. Муносабатларнинг бу босқичидаги оқилона чегаралар ҳақида 22-бобда яна гаплашамиз, 23-бобда эса баъзи фойдали маслаҳатларни топасиз: улар сизга қалбан боғланиб қолган йигитга турмушга чиқиш-

чиқмаслигингизни ҳал қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, ҳиссий алоқанинг "яшил" даражасидан "сарик" даражасига ўтар экансиз, вақт сиз учун ишлаётганини ёдда тутинг.

Вақт сизнинг иттифоқдошингиз

Барча муносабатлар дастлаб жуда ажойиб тарзда шаклланади. Дастлабки ҳафталар ёки ойларда ёшлар шунчалик хушмуомала ва мафтункор бўладики, юрагингиз қувончдан эриб кетади. Лекин уларнинг муҳаббати, ҳурмати, садоқати чинми ёки чин эмаслигини вақт кўрсатади. Ўзингизга яхшилик қилинг - сабрли бўлинг. Атиргул ғунчасини зўрлаб очиш билан сиз фақат гулни нобуд қиласиз; худди шундай, муносабатлар ривожини сунъий равишда тезлаштириб бўлмайди: уларнинг ҳақиқий гўзаллиги аста-секин очилиши керак. Соғлом ишқий муносабатларда шошқалоқликка ўрин бўлмаслиги керак. Ўз табиатига кўра, улар шошилмасдан очилиш ва Худо томонидан берилган салоҳиятга эришиш учун вақт талаб қилади.

Агар қизлар кимга кўнгили қўймоқчи бўлса, ҳар бирига биттадан майда танга беришса, кўп одамлар анча-мунча бойиб кетарди. Аммо воқеаларни шошилтирмайдиган ва никоҳгача бўлган муносабатларда ўзини эҳтиёт қиладиган оқила аёл қурбонгоҳга ҳеч қандай бойлик билан тенглаштириб бўлмайдиган хазинани - бўлажак эри билан бир умрга қовушишга тайёр омон қолган юракни кўтариб боради.

«Болалигимда отам менга шундай дерди: “Сўзларимни юрагингга жо қилиб, амрларимни бажаргин, шунда яшайсан. Доно бўл, идрокли бўл, уларни унутма, сўзларимдан чиқма. Доноликдан юз ўтirma, сени ҳимоя қилади, уни севгин, сени асрайди. Доноликнинг боши шудир, доно бўл, бор-йўғингни бериб бўлса ҳам, идрок ол. Уни ҳурмат қил, сени кўкка кўтаради. Уни қучгин, сени шон-шўҳратга эриштиради. Бошингга илтифот гулчамбари, шўҳрат тожини кийдиради.”

Ҳикматлар 4:4-9

18-БОБ

Қаерда тўхташни билиш

Лекин адашманглар, ахир, “ёмон улфатлар яхши ахлоқни бузади”, дейишади-ку! Кўзларингизни очиб, ўзингизга келинглар! Бас энди, гуноҳ қилаверманглар. Кўриниб турибдики, баъзиларингиз Худони билмайсизлар. Сизларни уялтирай деб, буларни айтяпман.

1 Коринфликлар 15:33-34

Сиз учун светофорнинг яшил чироғи ёнганда, қандайдир машина тезликни ошириб, чорраҳадан қизилга учиб ўтгани учун светофор олдида тўхташингизга тўғри келмадимиз? Бу тез-тез содир бўлиб туради ва ҳайдовчиларнинг бундай нооқилона хатти-ҳаракатлари натижасида кўпинча йирик авариялар содир бўлади. Эҳтимол, рулда ўтирган одам шундай мулоҳаза юритади: "Тўлиқ тезликда тормозлаш фақат покришкаларни ювишдир. Яхшиси, мен бу чорраҳадан ўтиб кетаман!" Лекин..."сочи тўкилган" покришка мажақланган машиналар ва майиб-мажруҳ одамлар билан таққосладимиз?

Ҳиссий маънода "қизил чироққа чиқиш" ҳам бизга худди шундай қимматга тушади. Биз сизга соғлом муҳаббатдан баҳраманд бўлишингизни тилаймиз, аммо зарарли ва носоғлом муносабатлар ҳам борлигини унутманг: бу "тақиқланган мева"га интилиш ва мойилликдир. (Яна 15.1-расмга мурожаат қилишингизни сўраймиз).

"Тақиқланган мева"

Шундай ишқий муносабатлар борки, аёл уларни ҳеч қандай кўринишда қўллаб-қувватламаслиги керак, чунки Худо Ўз Каломиди уларни амалга оширишни қатъиян тақиқлайди. Мана шундай "тақиқланган мева"га бир нечта мисоллар:

- имонсизлар - «Имонсизлар билан шерик бўлманглар. Солиҳлик билан қабиҳликнинг орасида қандай алоқа бор?! Нур билан зулмат орасида қандай умумийлик бўлиши мумкин?!» (2 Коринфликлар 6:14)

• уйланган эркаклар - «Никоҳни ҳаммангиз эъзозланглар. Эр–хотинлик муносабатини беғубор сақланглар. Фақшу зинога берилганларни Худо ҳукм қилади» (Никоҳни ҳаммангиз эъзозланглар. Эр–хотинлик муносабатини беғубор сақланглар. Фақшу зинога берилганларни Худо ҳукм қилади (Ибронийлар 13:4).

• Бошқа аёллар - Гомосексуализмга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, чунки у Парвардигор ҳузурида қабиҳликдир(Леви 18:22 га қаранг).

Агар қалбингизни хавф-хатардан сақлашга интилсангиз, санаб ўтилган ҳолатларнинг барчаси сиз учун номақбул бўлади. Масалан, Саманта бундай муносабатлар унга қандай таъсир қилишини олдинроқ ўйлаб кўрмаганидан қаттиқ афсусланади.

У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Ренди билан танишганди. Бу унинг қўшимча иш билан шуғулланадиган касалхонасида бўлганди. Гарчи у ўн икки ёш катта бўлса-да ва ота-онаси бу танишувни маъқулламасе-да, Саманта ҳамда Ренди кўп вақтларини бирга ўтказиб, яқин дўстларга айландилар. Бироз вақт ўтгач, кимдир унга Рендининг уйланганини айтди, лекин кеч бўлиб бўлганди: Саманта аллақачон уни севиб қолган эди. Саманта қуйидагиларни тан олади:

"Албатта, мен у билан учрашишни дарҳол тўхтатишим керак эди, лекин мен бундай қилмадим. У менга ажрашишини айтди ва дастлаб беғуноҳ бўлган севгимиз жинсий алоқага айланди. Бу воқеа мен ота-онамнинг уйдан чиқиб, коллежга ўқишга кирганимда содир бўлди. Мен биринчи жинсий яқинлигимни у ажрашгандан кейин содир бўлганлиги билан оқладим. Биламан, ҳатто уйланган одамни шунчаки севиш ҳам нотўғри, лекин у ёнимда бўлганида, бу мен учун аҳамиятсиз эди.

Коллеждаги биринчи семестрни ўртача даражада яқунладим, чунки дарс қилиш ўрнига деярли барча вақтимни Ренди билан ўтказдим. Тўғриси айтсам, муваффақиятсизликка учрамаслик учун бир нечта фанлардан воз кечишга мажбур бўлдим. Иккинчи семестрдан кейин ёмон баҳоларим туфайли стипендиядан маҳрум бўлдим. Энди тиббиёт ҳамшираси бўлиш ҳақидаги орзуим билан умуман хайрлашишга тўғри келадими, деб кўрқаман. Агар ўтган йилларни қайтариш мумкин бўлганида, мен бунга йўл қўймасдим, албатта. Мен Рендини ҳаётимдан ўчириб ташлаган бўлардим.

Агар Саманта юрагини эҳтиёт қилганида эди, бу уйланган эркақдан жон-жаҳди билан қочган бўларди, кейин эса на жисмоний иффати, на баҳолари, на стипендия, на келажакдаги режалари ҳақида ташвишлинишига тўғри келарди. Эҳтимол, сиз қандайдир "тақиқланган мева"га интилаётгандирсиз ва сиз вақти-вақти билан бу муносабатларнинг таъми қанчалик ширин бўлиши мумкинлиги ҳақида тасаввур қилиб турарсиз. Ҳатто ҳозир бундай одам бўлмаса ҳам, қачондир у сизнинг уфқингизда пайдо бўлади - ё имонсиз курсдошингиз, ё уйланган ходимингиз, ё яқин дугонангиз бўлади. (Лесбий муносабатлар ҳақида 20-бобда ва хотимада гаплашамиз.) Бу ерда сизни ҳиссий алоқанинг "қизил" даражага олиб бормаслигига ишонч ҳосил қилиш учун ўзингизга бир нечта амалий саволлар беришингиз мумкин:

- Ўша одамга ёқадиган тарзда кийиняпманми?
- Унинг эътиборини тортиш учун кўпроқ унинг кўзига тушишга ҳаракат қиляпманми?
- Бошқа муносабатларни эътиборсиз қолдириб, бу одам билан бирга бўлиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланяпманми?
- Бу одам билан дўстлигимни атрофдагилардан яширишим керакми?
- Унинг овозини эшитиш учун қўнғироқ қилишга баҳона изляпманми?
- Дўстлигимиз ҳақида ҳеч ким билмаслиги учун бу одам билан электрон почта орқали гаплашяпманми?
- Мени ўша одам билан гаплашиш ёки ёлғиз қолиш, бегона кўзлардан, қулоқлардан йироқ бўлиш фикри таъқиб этяптими?

Агар ушбу саволларнинг бирортасига ижобий жавоб берган бўлсангиз, орқага ўгирилиб, бу муносабатлардан қочинг. Фақат танангизни эмас, балки юрагингиз, ақлингиз ва оғзингизни ҳам бу офатдан асрашини Худодан сўранг, токи бу одамга йўл қўйиб бўлмайдиган яқинлик йўлини очадиган бирор нарса қилманг ва гапирманг.

Ҳар сафар ўзингизни заиф ҳис қилганингизда Худога илтижо қилишда давом этинг, лекин эҳтиёт бўлингки, бу одам ибодатларингизнинг асосий мавзусига айланмасин.

Яқинларингиз ва дўстларингиз билан бўлган муносабатларингизни ҳам марҳаматлашини Худодан сўранг. Агар керак бўлса, кейинги хавфдан ҳимояланиш учун уларнинг ёрдамига мурожаат қилинг. Аввало, руҳан улғайишингизга кўмаклашишини ва тақиқланган ришталардан қочиб бўлган қарорингизни мустаҳкамлашини сўраб, Худо билан бўлган муносабатларингизга эътибор қаратинг. Шунингдек тутингки, истагингизни озиклантирмасангиз, ким биландир ҳиссий яқинлашиш истагини аста-секин нобуд бўлади. Сиз носоғлом алоқаларга бўлган интилишингизни қанчалик кўп чекласангиз, шунчалик сизда ўз қадр-қимматингиз ва жинсий ҳамда ҳиссий жиҳатдан пок ёш аёл бўлишга қодир эканлигингиздан қониқиш ҳисси ортади.

Агар сиз носоғлом ишқий муносабатларга мойиллигингизни Худонинг иродасига бўйсундира олмасангиз, тез орада нафақат муҳаббатга бўлган кучли истак билан, балки бошқариладиган баъзи кучлироқ ва анча мураккаброқ нарсалар билан курашишингизга тўғри келади.

Муҳаббат эҳтиросга айланганда

Эҳтиросга, яъни бирор нарсага кучли мойилликка мубтало бўлган одам одатда ёки ўз эҳтироси туфайли заифлигига берилади ёки ён беради. Агар ўзингизни қўлга олмасангиз, ҳар қандай нарсага - спиртли ичимликларга, харид қилиш учун дўконларга боришга, гиёҳванд моддаларга ва ҳатто ишқий муносабатларга ҳам ўрганиб қолишингиз мумкин. Ошиқ-маъшуқлик ва жинсий алоқага киришиш одати гиёҳвандлик ёки ичкиликбозликдан ҳам баттар бўлиши мумкинлигини билармидингиз?

Гретхен воқеаси бунинг исботидир. У бир вақтнинг ўзида учта турли йигит билан муносабатда бўлади ва уларнинг ҳеч бири қолган иккитаси борлигини билмайди. Гретхен шундай деб ҳикоя қилади:

"Менинг "расмий" йигитим - мактабимиз баскетболчиси Том. У мени синфга кузатиб қўяди, ошхонада ёнимга ўтиради ва дарсдан кейин дарслари бўлмаганда машинасида уйга олиб кетади. Иккинчисининг исми Ронни. У билан интернет орқали танишганман. Биз у билан деярли ҳар куни электрон почта орқали ёшишамиз. Умуман олганда, мен уни ўзимнинг йигитим деб ҳисобламайман, лекин барибир қолган иккитаси ҳақида унга ҳеч нарса демайман. Биринчи курс талабаси Ойзек ҳам бор. У амакиваччам билан бирга ўқийди. Дам олиш кунлари уни кўриш учун университет шаҳарчасига борганимда, Айзек ҳар доим талабалар зиёфатларида менинг йигитим бўлади. Бу йиғинларда ҳамма нарса жуда романтик бўлади ва Айзек чиройли ўпишади. Вақти-вақти билан хат ёзишиб турамиз, бўш вақти бўлганида эса менга қўл телефони орқали қўнғироқ қилади. Мен бу болалар билан икки томонлама (йўқ, ҳатто уч томонлама!) ўйин олиб бораётганимни биламан, лекин учаласи ҳам менга жуда ёқади ва уларнинг бирортаси билан алоқани узишга тўғри келишини ўйлашни ҳам истамайман."

Гретхен нафақат болаларнинг қалбини ўйнаётганини, балки ўзига ҳам қайғули келажакни тайёрлаётганини англамайди. Кўпчиликнинг муҳаббати билан - ҳатто ўсмирлик даврида ҳам - ўйнашиш орқали сиз келажакдаги хиёнатингиз учун пойдевор қўясиз, чунки сиз ўзингизни яқин муносабатларга эмас, балки юзаки муносабатларга ўргатасиз. Битта одам билан ҳиссий алоқани чуқурлаштириш ўрнига, сиз жамиятда янги ва янги мухлисларнинг янги ўткинчи ҳис-туйғуларини таъқиб қиласиз.

Ёш қизни ишқий муносабатларга ёки жинсий алоқага мубтало бўлишга нима мажбур қилади? Худо унинг энг яширин истакларини амалга ошира олишига нисбатан шубҳа ёки ишончсизликми.

Бу ҳақиқатга шубҳа билан қарайдиган аёл одатда тақиқланган муносабатлардан қониқиш излайди, лекин эртами-кечми кутганлари амалга ошмаганини англайди. Бундай боғлиқлик инсон қанчалик эътиборли, чиройли ва ажойиб бўлмасин, тўлиқ қониқиш келтирмайди. Доимий равишда бир йигитдан иккинчисига ўтиб, баъзида янги алоқаларни олдинги алоқалар билан кесишишига йўл

қўйиб, сиз шунчаки нотўғри жойда муҳаббат излаяпсиз. Сизнинг романтик муносабатларингиз оддий "фитналар"дан иборат бўлиб, улар ёрдамида қалбингиздаги бўшлиқни тўлдиришга муваффақиятсиз уринасиз.

Қалбимиз Худо томонидан шундай яратилганки, инсоний муносабатлар бизга тўлиқ қониқиш бера олмайди. Бу чанқоқни - фақат У билан мулоқот қондира олади.

Худонинг севгисига тўлиб-тошганимиз сайин, чинакамига севиш қобилиятига эга бўламиз. Муносабатларимиз пок ва ифбатли бўлса, иззат-нафсимизни улар ҳисобига овутиш ёки ҳис-туйғуларимизга етказилган навбатдаги зарарни қоплаш эмас, балки бошқа одамларни ҳурмат қилиш ва уларнинг қалбини асрашга қодир бўламиз.

Худо хоҳласа, ҳеч қачон ҳиссий эҳтиросларни бошдан кечирманг ва ушбу китоб сизни "қизил" даражадан ўтмасликни қатъий назорат қилиш зарурлигига ишонтирсин.

Бироқ, агар сиз аллақачон хавфли чизиқдан ўтиб бўлган бўлсангиз, билинги, ҳали ҳаммаси йўқотилмаган. Кўп қизлар юрагидаги бўшлиқни тўлдирадиган нарсани излаб, умидсизлик қаърига чўкиб кетишди, аммо жарлик улар тасаввур қилганидан ҳам чуқурроқ, қорароқ ва даҳшатлироқ эканлиги маълум бўлди. Мен улардан бири эдим, лекин кўп йиллар давомида биринчи муҳаббатим - Исо Масихга бўлган эътибор ва меҳрдан сўнг, менинг ҳаётим Худонинг марҳамати ҳамма нарсани тубдан ўзгартиришга қодир эканлигига гувоҳ бўлди. Қанчалик пасткашлик қилмайлик, Худонинг меҳрли қўли биз тасаввур қила олмайдиган даражада узоққа етади.

Битта китоб доирасида жинсий алоқа ва севгига мойиллик билан боғлиқ барча масалаларни батафсил муҳокама қилишнинг иложи йўқлиги сабабли, агар жинсий алоқа, севги, ишқий муносабатлар ва алоқаларга чанқоғингиз бошқариб бўлмайдиган даражада бўлиб қолса, ота-онангизга, ёшлар руҳонийсига, мактаб ўқувчисига ёки ҳатто профессионал психологга мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз.

Ёрдам сўранг. Агар сиз зарарли эҳтирослардан халос бўлишни ва уларнинг сабаби ва натижаси бўлган яраларни даволашни истасангиз, у сизга жуда фойдали бўлади. Индамай азоб чекиш керак эмас. Шунингдек, Стивнинг "Севгига берилганлар" китобини ўқиб чиқишни тавсия қиламиз, бу сизга севги ва жинсий майлларни енгишга ёрдам беради.

Донолик учун мукофот

Эҳтимол, сиз қачонлардир юрагингизни асрашни ўрганиш мумкин эмас, чунки бу қоронғи ва умуман фойдасиз иш, деб ҳисоблагандирсиз. Умид қиламизки, ўқиган бобларингиз сиз учун ҳиссий яхлитлик масаласини қизил, сариқ ва яшил рангларга "бўяди" ва энди сиз қаерда қўрқмасдан юриш мумкинлигини, қаерда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш кераклигини ва қаерда синмаслик учун тезроқ тормозни босиш кераклигини биласиз. Бу янги тушунча сизни хатолардан, сохта айбдорлик ҳиссидан, бевақт ҳиссий боғланишдан, тақиқланган муносабатлардан ва ҳоказолардан халос этади. Аммо энг муҳими - Худо қалбингизни асраб-авайлаётганингизни кўрганида, У сизга Ўзини ва ўзининг буюк муҳаббатини очиб бериб, мукофотлайди.

«Покдил бўлганлар бахтлидир, Чунки улар Худони кўрадилар». Матто 5: 8

VI-ҚИСМ

ЎЗ ТАНАНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ўз танангиз устидан ғолиб келиш

Шундай қилиб, энди гуноҳ сизларнинг фоний таналарингиз устидан ҳокимлик қилмасин, худбин истақларингизга итоат этманглар. Танангизнинг ҳеч бир аъзосини ёмонлик қуроли қилиб, гуноҳнинг измига топширманглар. Аксинча, ўзингизни Худонинг измига топширинглар, чунки сизлар олдин ўлик эдингизлар, энди эса янги ҳаётга эгасизлар. Сизларнинг танангиз Худонинг солиҳлик қуроли бўлсин.

Римликлар 6:12-13

Мактабдан сўнг мен патологоанатомликка ўқимоқчи ва мурдаларни ёриб, ўлим сабабини аниқламоқчи эдим. Аммо тиббиёт коллежида ўқишга қурбим етмагани учун, кўп ўйлаб ўтирмай, турдош ўқув юртини танладим ва дафн хизматлари соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган коллежга ўқишга кирдим.

У ерда ўқиётганимда, Далласдаги энг йирик дафн маросими идорасида ишлардим. Бундан ташқари, биз шаҳар атрофидаги бошқа ўн учта шунга ўхшаш муассасада буюртма қилинган балзамлашни амалга ошираддик. Гарчи мен шуғулланган марҳумларнинг аксарияти, одатдагидек, умри тугаган қариялар бўлса-да, менинг балзамлаш хонамда кўплаб ёшлар ва ўсмирлар пайдо бўлгани мени ҳайратда қолдирди. Уларнинг ўлимига одатда нима сабаб бўлган? Кимдир ОИТС асоратларидан вафот этган, кимдир ОИВ билан касалланганини билиб, ўз жонига қасд қилган. Бу одамларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмишлари уларнинг жинсий танлови хусусиятлари туфайли эканлигини тушуниш учун пешонангизда етти қарич бўлишингиз шарт эмас эди ва мен ўз турмуш тарзим ҳақида ўйлай бошладим. Ўзимга-ўзим тез-тез: "Ҳақат Худонинг раҳм-шафқати билан мен бу мумланган стол устида турибман, унда ётмайман!" - дердим.

Бир неча йил ўтгач, турмушга чиқиб, биринчи фарзандимни дунёга келтирганимда, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ва уларнинг аёллар репродуктив тизимига таъсири ҳақидаги маърузаларда қатнашишга тўғри келди. Маъруза слайдлар намойиши билан бирга олиб борилди. Мен ОИТС ва ОИВ ҳақида кўп нарсани билардим, лекин бу йўл билан кўплаб касалликлар - герпес, хламидия, гонорея, захм, одам папилломаси вируси ва яна кўплаб бошқа, талаффузи қийин бўлган номлар юқиши хаёлимга ҳам келмаган. Мен касалланган жинсий аъзоларнинг суратларини томоша қилиб, бундай касалликларга чалинган ёш аёллар ҳақидаги ҳикояларни тинглаб ўтирдим ва кўзларимдан ёш оқарди. Беморларнинг кўпчилиги жинсий тизимнинг қайтмас шикастланиши натижасида фарзанд кўриш қобилиятини йўқотган. Ўрнимдан ирғиб туриб, уйга югургим, қизалоғимни маҳкам қучоқлаб олгим, бу даҳшатли касалликлардан бирини орттириб, ўз фарзандимни дунёга келтириш имкониятидан умрбод маҳрум бўлишимдан олдин ҳаётимни ўзгартириб юборгани учун Худога минг бор шукроналар айтгим келарди.

Мен Худодан сўрардим: "Қандай қилиб мен ОИТСдан ўлмадим? Мени бепушт қилиб қўядиган касалликдан қандай қилиб қутулиб қолдим? Нега менга раҳм қилдинг? Раҳм-шафқатинг учун чуқур миннатдорчилигимни қандай изҳор эта оламан? Қалбимда Худонинг жавоби аниқ жаранглади: "Ана, халқим Мени билмагани учун нобуд бўлмоқда [Хўшея 4:6] Сен ўз билимингни бошқаларга етказишинг керак, токи улар ҳалок бўлмасинлар."

Бир кун келиб севимли инсонингизга турмушга чиқиш учун яшашни хоҳлайсизми?
Янги туғилган чақалоқларингизни қўлингизда кўтариб юриш учун;
Фарзандларингиз қандай улғайиб, ўз фарзандларига эга бўлишларини кўриш учун;
Севимли турмуш ўртоғингиз билан бирга умр кечириш ва кексайиш учун;
Унда кейинги айтиладиган гапларга диққат билан қаранг.

Ҳозир биз сиз билан жинсий поклигимиз учун курашда ютқазганимизда нима бўлишини кўриб чиқамиз. Бизни иккита мавзу қизиқтиради: сизнинг соғлиғингиз ва бўлажак фарзандларингизнинг соғлиғи. Аммо аввало, Худо никоҳдан ташқари муносабатлар ҳақида нима дейишини билиб олайлик.

Нега Худо учун бу шунчалик муҳим?

Мана, Худо зинокорлик ва фоҳишабозлик (никоҳсиз жинсий алоқани акс эттирувчи сўзлар) ҳақида нима деяётганига бир неча мисол.

«Жинсий ахлоқсизликдан ўзингизни олиб қочинглар! Жинсий ахлоқсизлик билан гуноҳ қилган ўз танасига қарши гуноҳ қилган бўлади, қолган ҳамма гуноҳлар эса танага бевосита боғланмаган ҳолда қилинади. Наҳот билмасангиз?! Қалбингизда маскан қилган Муқаддас Рухни Худо сизларга берган. Танангиз Муқаддас Рухнинг маъбадидир. Сизлар ўзларингизга тегишли эмассизлар. Сизлар қиммат баҳога сотиб олингансизлар. Шунинг учун ўз танангиз билан Худони улуғланглар». (1 Коринфликлар 6:18-20)

«Худбинлашмоқ истакларга эрк бериш қуйидагиларни келтириб чиқариши ҳаммага аён: фаҳш–зино, ҳаром–ҳаришлик, ахлоқий бузуқлик, бутпарастлик, фолбинлигу иссиқ–совуқ қилишлар, душманлик, жанжалкашлик, рашк, жаҳлдорлик, ғаламислик, низолау ҳар хил гуруҳларга бўлиниш, бахиллик, ичкиликбозлик, айш–ишратга берилиш ва шуларга ўхшаш ишлар. Сизларни олдин огоҳлантиргандим, яна огоҳлантиряпман: бундай ишларни қилувчилар Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайди». (Галатияликлар 5:19-21)

Эҳтимол, сиз ҳайрон бўлаётгандирсиз: "Никоҳдан ташқари жинсий алоқанинг нимаси кўрқинчи? Кўпчилик бу билан шуғулланади! Нега Худо учун бу шунчалик муҳим?"

Худо учун бу жуда муҳим, чунки У бизнинг таналаримизни яратди ва уларни бир киши - турмуш ўртоғи ёки рафиқаси билан соф жинсий алоқада бирлаштириш учун мўлжаллади.

У биладики, бизнинг организмимиз табиатан микроблар ва бактерияларнинг баъзи турларини енгишга қодир эмас. Шунингдек, танамиз ўзимизга ҳам, Унинг "кўпайиш ва насл қолдириш," яъни жинсий ҳаёт кечириб, фарзанд кўриш буйруғини бажариш қобилиятимизга ҳам катта зарар етказадиган жинсий йўл билан юқадиган касалликларга дош беролмайди.

Худо жинсий алоқанинг баъзи турларини тақиқлайди, чунки у бир-биримиз билан муносабатларимизда соғлигимиз ва фаровонлигимиз ҳақида қайғуради.

Қисқаси, Худо бизга фақат яхшилик тилайди, шунинг учун Муқаддас Китоб орқали никоҳсиз жинсий алоқа Унинг ниятига зид эканини ва катта хавф туғдиришини айтади. Шунинг учун ҳам...

Ўз танангиз ҳақида нималарни билишингиз керак?

Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ҳақида гап бошлашдан олдин, Худо бизнинг танамизни фарзанд кўриш учун қандай яратганини кўриб чиқайлик. Аёллар жинсий соҳасига кўплаб таркибий қисмлар кирса-да, биз бу ерда юқорида айтиб ўтилган касалликлардан энг кўп азият чекадиган репродуктив ёки туғиш тизимининг энг муҳим элементларини кўриб чиқамиз: булар тухумдонлар, фаллопий найлари, бачадон, бачадон бўйни ва вагинал канал.

- Тухумдонлар. Бу иккита кичик бодомсимон орган бўлиб, уларда тухум ҳужайралари деб аталадиган минглаб урғочи репродуктив ҳужайралар мавжуд. Қиз бола тухум ҳужайралари захираси билан дунёга келади, бу тухум ҳужайралар унга бутун умрга берилади, улар жинсий балоғатга етганда ҳар ойда биттадан ажралиб чиқа бошлайди. Бу жараён овуляция деб аталади. Жинсий алоқада сперматозоид (яъни эркаклик жинсий ҳужайраси) тухум ҳужайра ичига кирса, тухум ҳужайра уруғланади ва шу тариқа бўлажак бола пайдо бўлади.
- Фаллопий найлари. Тухумдонларни бачадон билан боғладиган бу иккита ингичка найчалар ичкаридан ингичка, тукларга ўхшаш хивчинлар билан қопланган бўлиб, улар "киприкчалар" деб аталдилар. Уларнинг вазифаси тухумни тухумдондан, уруғни эса бачадондан бирига қараб ҳайдашдир, шунда улар учрашиб, уруғланиш содир бўлади.
- Бачадон. Бу - бўлажак боланинг уйи, чунки у тўққиз ой давомида айнан шу ерда ўсади ва ривожланади. Бачадон шаклан тўнкарилган нокка ўхшайди. Ҳар ойда бачадоннинг ички деворлари қон билан мўл-кўл тўйиниб, уруғланган тухум ҳужайранинг деворга ёпишиб, ўса бошлаши ва туғилажак болага айланишини кутади. Чақалоқ дунёга келгунча озуқа моддаларни шу қондан олади. Агар уруғланиш содир бўлмаса, қон қатлами аста-секин парчаланади ва ҳайз цикли давомида организмдан чиқиб кетади, бу одатда уч кундан етти кунгача давом этади.

- Бачадон бўйни. Бу бачадонни қин каналидан ажратиб турадиган юмалоқ мушакдир. Унинг асосий вазифаси аёл ҳомиладор бўлганида қисқариш, ёпилиш ва шиллиқ тиқин ҳосил қилишдир. Шундай қилиб, боланинг бутун ривожланиши давомида уни ўраб турадиган суяқлик билан тўлдирилган амниотик қопнинг ҳимояси яратилади. Агар чақалоқ аллақачон туғилишга тайёр бўлса, бачадон бўйни очила бошлайди ёки кенгаяди ва шиллиқ тиқин чиқади. Бачадон бўйнининг диаметри ўн сантиметрга етганда, бола боши ва танаси ўтиши мумкин бўлган йўл ҳосил бўлади.
- Қин канали. Бу узунлиги уч-тўрт дюйм (7-10 см) бўлган эластик мушак йўлагидир. Агар ҳайз пайтида тампонлардан фойдалансангиз, улар айнан қинга жойлаштирилади. Жинсий алоқа пайтида бу каналга эркак жинсий аъзоси киради. У туғруқ канали деб ҳам аталади, чунки у орқали бола дунёга келади.

Энди танангиз ҳақида кўпроқ билиб олганингиздан сўнг, никоҳдан олдинги жинсий алоқадан ўзингизни тиймасангиз нима бўлиши мумкинлигини кўриб чиқамиз.

Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ҳақида нималарни билиш керак?

1970 йилларгача жинсий алоқа орқали юқиши мумкин бўлган касалликларнинг фақат иккита асосий тури маълум эди: сифилис ва гонорея. Иккаласи ҳам пенициллин инъекцияси даволаш курси ёрдамида осонгина тuzаларди, шунинг учун улар камдан-кам одамларни жинсий фаолликдан тийилишига ёрдам бермасди.

Бугунги кунда тиббий тадқиқотлар маълумотларига кўра, жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг йигирмадан-йигирма бештагача асосий турлари мавжуд. Уларнинг баъзилари ҳақида сиз билан суҳбатлашамиз. Бу касалликлар ҳақида АҚШдаги мутахассислар шундай дейдилар:

- Ҳар йили америкаликлар орасида 15 млн. янги Жинсий йўл орқали юқтирилган касалликлар ҳолатлари қайд этилади.
- АҚШда 68 миллиондан ортиқ одам Жинсий йўл орқали юқтирилган касалликлар билан касалланган.
- Ҳар йили Жинсий йўл орқали юқтирилган касалликлар Америкага 8 миллиард доллардан ортиқ зарар келтиради.
- Ҳозирги вақтда генитал герпес билан бошқа барча Жинсий йўл орқали юқтирилган касалликларга қараганда кўпроқ америкаликлар (45 миллион) касалланмоқда.
- Янги инфекциялар орасида ҳар йили энг кўп одам папиллома вируси (ОПВ) билан касалланиш ҳолатлари қайд этилмоқда - 5,5 млн.

Барча Жинсий йўл орқали юқтирилган касалликлар орасида ОИВ (одам иммунитетини танқислиги вируси) энг катта ташвишга сабаб бўлмоқда. У танани касалликларга қарши туриш қобилиятидан маҳрум қилади, натижада одатда ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) ривожланади, бу иммунитет тизимини йўқ қилади ва одамни кўплаб касалликлар олдида бутунлай ҳимоясиз қилади: у лейкемиядан ҳам, ўпка яллиғланишидан ҳам вафот этиши мумкин. ОИТС онанинг қони орқали унинг қорнидаги ҳомилага ўтиши мумкин, бу эса болага эрта ёшда ўлим хавфини туғдиради. Баъзи маълумотларга кўра, ОИТСдан аллақачон 20 млн. дан ортиқ одам вафот этган, ҳозирда эса 42 млн. ОИТСнинг олдини олиш чоралари асосан ўсмирлар орасида амалга оширилади, чунки улар катталарга қараганда турли шериклар билан кўпроқ хавфли жинсий алоқага киришадилар.

Агар ОИВ бутун диққат-эътиборимизни банд қилмаганида эди, биз ОИВ (одам папилломаси вируси) ҳақида кўпроқ эшитган бўлардик. Ушбу касаллик ҳар йили энг юқори инфекция даражасига эга (эслатиб ўтамыз, биргина Қўшма Штатларда ҳар йили 5,5 миллион киши касалланади!). Бактериал инфекциялар антибиотиклар ёрдамида даволанади, аммо ОПВ, герпес ва ОИВ каби вирусларнинг давоси йўқ. Ушбу касалликларнинг аломатлари даволанади, аммо вируснинг ўзи сизда бир умрга қолади. Мана Жинсий саломатлик тиббиёт институти (ЖССТ) нинг ОПВ ҳақидаги маълумотлари:

- ОПВ бош мия саратонининг барча ҳолатларининг 93% дан ортиғида мавжуд.
- Ҳар йили Қўшма Штатларда бачадон бўйни саратонидан ОИТСдан кўра кўпроқ аёллар вафот этади.
- Кўпчилик америкаликлар, шу жумладан соғлиқни сақлаш ходимлари, ОПВнинг қанчалик кенг тарқалганлиги ҳақида хабардор эмаслар. Бачадон бўйни саратонидан ташқари, ОПВ қин, жинсий олат, тўғри ичак (анал жинсий алоқа натижасида) ёки оғиз бўшлиғи (орал жинсий алоқа натижасида) саратонини келтириб чиқариши мумкин.
- Миллий онкология институти доктори Ричард Клауснер шундай дейди: "Презерватив воситаси ОПВдан самарасиз ҳимоядир, чунки бу вирус нафақат шиллиқ [нам] тўқималарда, балки қорин ва чов соҳасининг қуруқ терисида ҳам кўпаяди, у бу жойлардан қин ва бачадон бўйнига [кўчишга] қодир."

ОПВ папилломалар (ўткир учли сўгаллар) пайдо бўлишини рағбатлантиради, шифокорлар уларни лазер ёрдамида куйдириб, кўпинча шикастланган тўқималарни қолдиради (одатда, бунда қиннинг бўйни ёки ташқи соҳаси, вулва деб аталадиган қисми зарар кўради). Кўпинча бундай операция натижасида бачадон бўйни мушағи заифлашади ва ҳомиладорлик пайтида у бу органни ёпиқ ҳолда ушлаб тура олмайди, бу эса ҳомила тушиш хавфини оширади.

Ҳатто сизда ҳеч қандай аломатлар бўлмаса ҳам...

Жинсий йўл орқали юқтирилган касалликлар ҳақидаги барча огоҳлантиришларга қарамай, кўплаб одамлар вагинал, анал ва орал жинсий алоқа қилишда давом этмоқдалар. Улар ўзларига: "Мен соғломман, чунки менда ҳеч қандай касаллик аломатлари йўқ!" ёки: "Мен ҳар доим "хавфсиз жинсий алоқа" билан шуғулланаман, шунинг учун бу касалликлардан қўрқишимнинг ҳожати йўқ." дейишади. Ёки бўлғуси шеригидан эҳтиёткорлик билан: "Сен касал эмасмисан?" деб сўралса, у: "Албатта, йўқ!" деб жавоб беради.

Хавф йўқлигига ўзингизни ишонтиришдан олдин, МИСЗ маълумотларига кўра, 70-80% ҳолларда Жинсий йўл орқали юқтирилган касалликларни ташувчиларда ҳеч қандай аломатлар кузатилмаслигини ёдда тутинг. Тегишли тиббий кўриқдан ўтмасдан туриб, сиз билан мулоқотга киришган ҳар бир янги ҳамкорга юқиши мумкин бўлган у ёки бу касалликка чалинганлигингизга шубҳа қилмайсиз. Баъзи Жинсий йўл орқали юқтирилган касалликларлар - масалан, ОПВ ни - ҳатто тиббий текширувлар ёрдамида ҳам аниқлаш қийин. Касаллик умрингизнинг охиригача сизга ҳамроҳ бўлади ва сиз жинсий алоқанинг ҳар қандай тури билан: вагинал, орал, анал ёки ўзаро мастурбация билан шуғулланган ҳар қандай одамга юқтирасиз.

Бугунги кунда ёшлар "хавфсиз" жинсий алоқа билан шуғулланиб, касалликлардан қўрқмаслиги мумкинлигига қаттиқ ишонтирилмоқда. Дарҳақиқат, презервативдан фойдаланадиган одам камроқ таваккал қилади, лекин бу жинсий алоқани "хавфсиз" қилмайди. Доктор Сюзан Уэллер шундай дейди: "Презерватив ОИВ юқишидан сақлайди, деган фикрни қўллаб-қувватлаган одам бошқаларга зиён етказган бўлади." Презерватив ОИВ тарқалишининг олдини олишга қанчалик қодирлигини аниқлаш учун махсус тадқиқотлар ўтказилди ва ундан фойдаланиш юқтириш хавфини атиги 69 фоизга камайтириши аниқланди. Бундай юқори хавф омилида - 31% - презерватив сизни ОИВдан ҳимоя қилишига умид қилиш олти ўқли револьверга иккита ўқ жойлаб, рус рулеткасини ўйнашга ўхшайди. Унчалик оқилона эмас, тўғрими?

Агар сиз ҳақиқатан ҳам ўзингизни ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, тартибсиз жинсий алоқалардан сақланинг. Ҳеч бир презерватив сизни никоҳдан ташқари жинсий алоқанинг мумкин бўлган жисмоний оқибатларидан тўлиқ ҳимоя қила олмайди. Ҳеч қандай презерватив сизни гуноҳнинг маънавий оқибатларидан - Худо билан муносабатларнинг бузилишидан ҳимоя қила олмайди. Ҳеч қандай презерватив сизни ҳиссий оқибатлардан - руҳий оғриқдан, синган юракдан ҳимоя қила олмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жинсий алоқага эрта киришган ўсмир қизлар бокиралигини сақлаб қолганларга қараганда уч баравар кўпроқ ўз жонига қасд қилишади. Қиз бола бокиралигини йўқотар экан, одатда, ўзига бўлган ҳурматини йўқотади, аччиқ афсус-надоматлар ва қаттиқ изтироб чекади. Шунинг учун "хавфсиз жинсий алоқа" ҳақида эмас, балки никоҳдан олдин жинсий алоқани кечиктириш ҳақида ўйлаш керак.

Агар сиз бу ҳақиқатни жисмоний чегараларингизни бузишга йўл қўйганингиздан кейин ўзингиз учун кашф этган бўлсангиз, жинсий йўл билан юқадиган касаллик юқтирган-юқтирмаганингизни текшириш учун албатта шифокорга боринг. Сизга қийин ёки ноқулай бўлишини тушунамиз, аммо тўғри даволаниш нафақат сизнинг, балки бўлажак оилангизнинг ҳам ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

Бўлажак фарзандларингиз учун

Агар сиз кўпчилик тенгдошларингизга ўхшасангиз, демак, қачондир фарзандли бўлмоқчисиз. Ҳаётни қайта тиклаш ва ўз авлодларига меҳр-муҳаббат мерос қолдириш истаги деярли барча одамларга хосдир. Забур 126:3-5 да шундай дейилган:

«Ўғиллар Эгамиздан меросдир, Фарзандлар Ундан мукофотдир. Ёшлигингизда туғилган ўғилларингиз Жангчининг қўлидаги ўқлардайдир. Ўқдони тўла шундай инсон бахтлидир! Шаҳар дарвозаси олдида Душмани билан даъволашганда, У шарманда бўлиб қолмайди.

Агар қачондир фарзанд кўришни истасангиз, бу китобни диққат билан ўқиб чиқишингиз керак. Фарзанд кўриш қобилиятингиз кўп жиҳатдан иффат учун курашда ғалаба қозонишингизга боғлиқ бўлади. Гап шундаки, жинсий йўл билан юқадиган баъзи касалликлар фаллопий найларида чандиқлар ҳосил бўлишига сабаб бўлади, бу чандиқлар аёл тухум ҳужайрасининг эркак спермаси билан қўшилишига тўсқинлик қилади. Сиз ўзингизга: "Буни қаранг-а! Мен эса бепуштликни даволайдиган клиникага бораман ва у ерда менга ҳомиладор бўлишимга ёрдам беришади." дерсиз. Аммо, биласизми, тиббий муолажалар ҳомиладорлик билан муваффақиятли яқунланиши ва сизда соғлом бола туғилишига ҳеч қандай кафолат йўқ; бундан ташқари, сунъий уруғлантириш катта маблағ, вақт ва ҳиссий харажатларни талаб қилади. Кўпчилик буни тасдиқлашлари мумкин эди.

Шуни ёдда тутингки, абортлар ҳам фарзанд кўриш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Кўпинча никоҳсиз ҳомиладор бўлган ёш аёллар буни вазиятдан чиқишнинг оддий ва осон йўли деб билишади. На омма олдида шарманда бўласан, на дўстларинг ва қариндошларинг олдида уяласан - шунчаки исталмаган ҳомиладан халос бўласан ва буни ҳеч ким ҳеч қачон билмайди. Аммо ўз хатоларини қилиш ўрнига ўз хатоларидан сабоқ олишингизни истайдиган Дебра шундай ҳикоя қилади:

"Ўн тўққиз ёшимда ҳомиладор бўлдим. Йигитим менга уйланишдан қатъиян бош тортди ва бўлажак фарзандимни тарбиялашда менга ёрдам бермоқчи эмаслигини айтди. Шунда мен аборт қилишга қарор қилдим. Назаримда, бу фожиали хатони тузатишнинг энг осон ва тез йўли эди. Йигирма йилдан кўпроқ вақт давомида, айниқса, Мавлуд байрамларида ва апрель ойида, бу боланинг туғилган кунини нишонлашимиз мумкин бўлганида, мени қийнаган уят ва оғриқни тасвирлай олмайман. Ўша машъум аборт натижасида бачадоним қаттиқ шикастланди, энди туғолмаяпман, ваҳоланки, эрим, ажойиб инсон, фарзанд кўришни жуда-жуда истарди. Ўша бемаъни қароримдан қанчалик афсусдаман - ундан кўра никоҳсиз ҳомиладорликдан уят ва хўрликни бошдан кечиришни афзал кўрардим, бу болани туғиб, уни асраб олишга берган бўлардим, менга анча енгил бўларди. Лекин ҳозир ўз боламни ўлдириб, бепушт бўлиб қолганим учун юрагимда оғир юк борлигини доимо ҳис қиламан. Бу ҳасратни ўзим билан гўрга олиб кетаман".

"Аборт. Алданган умидлар" мақоласида Мегги Галлагернинг маълум қилишича, статистик

маълумотларга кўра, ҳомиладор бўлган тўртта боладан биттаси ўлимга маҳкум: онаси уни аборт қилиб ўлдиради. У шундай деб ёзади:

"Аборт аёлларга биринчи дуч келган одам билан ҳеч қандай мажбуриятсиз маъносиз жинсий алоқа қилиш имкониятини беради... Қизиғи шундаки, бу жинсий бебошлик аёлга унчалик завқ ҳам бермайди. Сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёлнинг жинсий қониқиши, биринчи навбатда, у танасига яқинлаштирган эркак билан муносабатларининг ҳиссий сифати билан белгиланади."

Меги мутлақо ҳақ. Никоҳсиз жинсий алоқа жозибали туюлиши мумкин, аммо никоҳдан олдин жинсий алоқада бўлганлар бундай муносабатлар аёлнинг севги, яқинлик, ишончилиққа бўлган ички интилишини қондирмаслигини тасдиқлайдилар. Бу фақат Худо томонидан белгилаб қўйилган яқинликни, яъни аёлни никоҳ ришталари боғлаб турган севган, садоқатли, вафодор эркак билан бўладиган яқинликкина беришга қодир.

Ғалабага тайёرمىсиз?

Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ҳақида билиб олганингиздан ва Худо нима учун жинсий алоқага фақат эр-хотин муносабатлари доирасида йўл қўйиши ҳақида тушунчага эга бўлганингиздан сўнг, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, режалаштирилмаган ҳомиладорлик ва бепуштлиққа қарши мудофаа чизиғини қуришга тайёرمىсиз? Ажойиб!

Кейинги бобларда биз танангизни жинсий хавфдан ҳимоя қилишнинг баъзи аниқ усуллари кўриб чиқамиз.

“Ўзларингизни алдаманглар! Худони лақиллатиб бўлмайди. Инсон нима экса, шуни ўриб олади. Худбин истакларини қондириш учун уруф экканлар ўша худбин истаклари туфайли ҳалокатни ўриб оладилар. Руҳни мамнун қилиш учун уруф экканлар эса Руҳдан абадий ҳаёт ўриб оладилар” Галатияликлар 6:7-8

БОБ 20

Техник боқиралик

...аммо баданимиз зино учун хизмат қилмаслиги керак, аксинча, баданимиз билан Раббимиз Исога хизмат қилишимиз керак.

1 Коринфликлар 6:13

Бу лаҳзани анчадан бери, бир неча ҳафтадан бери кутардим, мана, ниҳоят, у етиб келди - мен учун жуда қадрли бўлган инсон билан янги, қизиқарли жойда ўтказишим керак бўлган оқшом. Биз "Тексас Рейнджерс" жамоаси иштирокидаги бейсбол ўйини бўлиб ўтиши керак бўлган янги қурилган стадион тўхташ жойига келдик. Биз - мен ва жиянимиз. Мен унинг ўн ёшга тўлиши муносабати билан бу ўйин-кулгини уюштирдим. Стадионга боргунча гурунглашиб, кулишиб, роса хурсанд бўлдик. Кейин тантанавор оҳангда дедим: "Пейж, сен ўн ёшдасан ва шубҳасиз, кимдандир сўрашинг керак бўлган турли саволларинг бор. Билиб қўй: сен мендан нимани хоҳласанг ва қачон хоҳласанг, шуни сўрашинг мумкин, мен сенга албатта жавоб бераман!" Бу тантанали ваъдамнинг оқибати нима бўлишини олдиндан билганимда эди! Жияним ўша заҳоти: Шеннон хола, оғзаки жинсий алоқа нима ўзи? - деб сўради.

Соч турмаги, мактаб, балки ўғил болалар ҳақидаги саволларни кутгандим. Лекин оғзаки жинсий алоқа ҳақидами?.. Ўн яшар қизча берган бу савол, юмшоқ қилиб айтганда, мени ғафлатда қолдирди. Мен ундан оғиз орқали жинсий алоқа ҳақида қаерда эшитганини сўрадим, у шундай жавоб берди: "Бу ҳақда радиога доим гапиришади!"

1998-йилда, сизда жинсий муносабатлар ҳақидаги тушунчалар ва шахсий фикрларингиз шаклланаётган бир пайтда, АҚШ Оқ уйда содир бўлган жинсий можарони ларзага келтирди. У, албатта, барча оммавий ахборот воситалари томонидан фаол муҳокама қилинди. Ўша пайтдаги президент Билл Клинтон ўзининг Моника Левински билан ишқий алоқаси борлигини рад этиб, оғзаки жинсий алоқани жинсий алоқа сифатида таснифлаш мумкин эмаслигини таъкидлади. Гарчи бу далил унинг қораловчилари учун етарлича асосли бўлмаса-да, бахтга қарши, кўпгина ёшлар уни ишонарли деб топдилар.

Статистика шуни кўрсатадики:

- 1999 йил кузида "Seventeen" журнали томонидан ўтказилган сўров маълумотларига кўра, савдо марказларида сўров ўтказилган иккала жинсдаги (723 нафар) ўсмирларнинг (15 ёшдан 19 ёшгача) 49 фоизи оғзаки жинсий алоқани жинсий алоқадан "беозорроқ" деб ҳисоблайди, 40 фоизи эса уни тўлиқ маънода "жинсий алоқа" деб ҳисобламайди.
- Яқинда 15 ёшдан 19 ёшгача бўлган қизлар ва ўғил болалар ўртасида ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, уларнинг 55 фоизи оғиз орқали жинсий алоқа қилади.
- Манхеттенлик бир психологнинг сўзларига кўра, кўплаб ўсмирлар учун оғзаки жинсий алоқа "хайрли тун тилаб бўса олиш"дай гап: унинг еттинчи ва саккизинчи синф ўқувчилари никоҳгача бокираликни сақлаб қолишга қарор қилганлар, аммо оғзаки жинсий алоқада бўлган, чунки бу усулни хавфсиз деб ҳисоблаганлар.

"Оғзаки жинсий алоқа жинсий алоқа эмас" деган афсона ортида нима яширинган?

Сўнгги пайтларда оғзаки жинсий алоқа ўсмирлар ва ёшлар орасида сеvimли кўринишга айлангани, қизлар кўпинча "олувчи" эмас, балки "берувчи" томон эканлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Хўш, нима учун бу машҳурликка эришди?

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, аммо кўплаб ёш аёллар оғиз орқали жинсий алоқани фойдали келишувга ўхшатишади. Нима учун? Бунинг асосий сабаблари:

- Ҳомиладор бўлиш хавфи йўқ. Бироқ, эҳтирос жуда тез ўсиб боради ва кўплаб ёшлар оғиз орқали жинсий алоқа қилишни бошлаганларидан кўп ўтмай жинсий алоқага киришадилар. Шундай қилиб, ҳомиладор бўлиш хавфи тўлиқ ҳақиқатга айланади.
- Оғиз орқали жинсий алоқадан касаллик орттирилмайди. Сиз шундай деб ўйлайсизми? Одам папилломаси вируси, пуфакли темиртки вируси ва гепатит В - нафақат жинсий йўл билан, балки оғиз орқали ҳам юқадиган касалликлар; сўзак, захм, хламидия ва юмшоқ шанкр - оғиз орқали жинсий алоқа пайтида юқиши мумкин бўлган бактериал инфекциялар. Эҳтимол, буни қинга эмас, балки оғизга олиб юриш яхшироқ деб ўйлаётгандирсиз, аммо бу йўл билан жинсий йўл билан юқадиган касалликларни юқтириб олган бўлсангиз, касаллигингизни бўса орқали юқтиришингиз мумкин, сиз уни мукофотлаган одам эса сиз билан оғиз орқали жинсий алоқа қилиш орқали уни қинингизга ўтказиши мумкин. Аввалги бобда айтиб ўтганимиздек, сизга жинсий йўл билан юқадиган касалликларни юқтириш учун қин орқали кириш умуман шарт эмас.
- Ўғил болалар орасида кўпроқ шуҳрат қозонаман. Оғиз орқали жинсий алоқа қилиш учун осон нишон бўлиш машҳурликдир! Шубҳа йўқки, бу турдаги хизматларни кўрсатиб, сиз машҳур бўласиз ва ёшларнинг эътиборини қозонасиз, лекин уларнинг ҳурмати, севгиси ва садоқатини қозонишга умид қилманг.

• Мен уни "бахтли қилишни" истайман. Агар йигит оғиз орқали жинсий алоқа қилиш уни бахтли қилишини айтса, билингки, у сизни севмайди. У фақат сиздан фойдаланади ва сиз ундан жон-жаҳдингиз билан қочишингиз керак. Агар уни бахтли қилиш учун оғиз орқали жинсий алоқа қилиш ғояси ва истаги сизга тегишли бўлса, кейин пушаймон бўладиган ишлар қилмасдан олдин бу масалани ҳал қилишда ёрдам бериш учун тезроқ жамоат ёки мактаб психологига боринг. Бундай лаззатлар тезда одат тусига киради ва охир-оқибат жинсий майлларга айланади.

• Оғзаки жинсий алоқа пайтида мен унинг устидан ҳукмронлик қиламан (албатта, жинсий алоқа пайтида у сизнинг устингиздан ҳукмронлик қилади деб тахмин қилинади). Кўпгина ёш аёллар зўравонликка дучор бўлганликлари ёки ўзлари хоҳламаган жинсий ҳаракатларга мажбурланганликлари сабабли, оғзаки жинсий алоқа пайтида эркак устидан ҳукмронлик қилиш иллюзияси улар учун жуда жозибали туюлади. Лекин бу сизнинг тасаввурингиз маҳсули, холос. Агар оғиз орқали жинсий алоқа қилиш таклифи сиздан чиқса, сиз уни кўпи билан икки-уч дақиқа "бошқарасиз," лекин эякуляция содир бўлиши билан ва зўриқиш пасайиши билан сиз дарҳол бу хаёлий кучни йўқотасиз. Агар бу ғоя унга тегишли бўлса ва сиз бунга қўшилсангиз, демак, сиз ундан устун эмас, у сиздан устун.

Юқорида айтилганларни инобатга олган ҳолда, сиз никоҳдан ташқари оғзаки жинсий алоқа жинсий фаолликнинг бир тури эканлигини тушунасиз, сиз - жинсий ва ҳиссий покликка интилаётган ёш аёл - ундан воз кечишингиз керак.

Тийилиш ва у ҳақидаги нотўғри тушунчалар

Оғзаки жинсий алоқа тийилиш билан боғлиқ бўлган жинсий фаолиятнинг ягона тури эмас. Бир тадқиқотга кўра, биринчи ва иккинчи курс талаба қизларининг 61 фоизи ўзаро мастурбацияни тийилиш деб ҳисоблайди, 24 фоизи эса бу рўйхатга анал жинсий алоқани ҳам киритиш мумкин деб ҳисоблайди. Афтидан, улар: "Агар бундан ҳомиладор бўлолмасам, демак, бу ўзини тийишдир!" деб мулоҳаза юритадилар. Бундай нуқтаи назар ўта чекланган ва тубдан нотўғридир. Ўзини тийиш ҳар қандай жинсий алоқадан ва қўзғалишни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятдан четлаштиришни англатади. Оғзаки ва анал жинсий алоқа ва ўзаро мастурбация тақиқланган тоифага киради, шунинг учун улардан бутунлай воз кечиш керак.

Кўпчилик бундай ишлар билан шуғулланиш мумкин деб ҳисоблайди. Улар: "Қин орқали жинсий алоқа бўлмагунча, мен жинсий алоқадан ўзимни тияман ва шунинг учун ҳам аввалгидек бегуноҳман," деб ҳисоблашади. Майли, бу сўзнинг "техник" маъносидаги бокиралик бўлсин, лекин барибир бокиралик! Уларнинг тасаввуринида оғиз орқали жинсий алоқа қилиш ҳали жинсий алоқа эмас. Унга қин соҳасини ушлашга ёки ҳатто қин каналига бармоқлар билан киришга рухсат бериш, у билан "қўл меҳнати" билан шуғулланиш ҳали жинсий алоқа эмас. "Техник" бокира қизнинг фикрича, жинсий олат унинг қинига кирмагунча, у бегуноҳ бўлиб қолади.

Жинсий поклик борасида ҳеч кимнинг хомхаёлларини синдиришни истамайман, аммо "техник" бокиралик фахрланиш учун ҳеч қандай сабаб эмас. Бу васвасаларга қарши туришга қодир эмаслигингиздан далолат беради.

Агар шунга ўхшаш ишлар билан шуғулланаётган бўлсангиз, умидсизликка тушманг. Раббингиз сизларни айбламайди (Римликларга 8:1). Мен ва ҳаммуаллифим сизга жинсий жиҳатдан яхлит ва пок ҳаёт кечиришингизга ёрдам берадиган билимларни бермоқчимиз. Бир вақтлар иккаламиз ҳам ўзимиз билмаган ҳолда жиддий хатоларга йўл қўйганмиз, шунинг учун хатоларимизни такрорламаслигингиз учун ўша пайтда бизга номаълум бўлган ҳамма нарсани сизга маълум қилмоқчимиз. Биз озодлик ва итоаткорликда топган қувончни сиз ҳам ҳис этишингизни истаймиз.

Биз сизга тўлиқ тийилишингиз Худо учун нима учун муҳимлигини тушунишга ёрдам бермоқчимиз, лекин аввал бу борада энг кенг тарқалган нотўғри тушунчалардан бирини кўриб чиқамиз.

Лесбиялик тажрибаси васвасаси

Кўпгина ёш аёллар "лесбиянча муҳаббат"да ҳеч қандай қўрқинчли нарса йўқ деб нотўғри тахмин қилишади. Улар: "Мен фақат қизлар ўртасидаги муносабатларни синаб кўраман - бу том маънодаги жинсий муносабат эмас-ку!" деб ўйлашади. Биз яна машҳур "жинсий алоқа бўлмагунча, мен жинсий алоқадан ўзимни тияман" иборасига қайтамиз ва лесбиян аёлларда жинсий олат бўлмагани сабабли, улар бир-бирлари билан тажриба ўтказиш ва шу билан бирга бокираликни сақлаб қолиш мумкин деб ҳисоблашади. Баъзилар учун бу ўз йўналишини аниқлаш усулидир. "Агар иккаласини ҳам синаб кўрмасам, ўзимнинг гомосексуал ёки гомосексуал эмаслигимни қаердан биламан?" дейишади. Бошқалар ўз жинсидаги шериклари билан жинсий алоқада бўладилар, чунки бу сўнгги пайтларда модага айланган. Баъзилар, айниқса ўрта мактаб ўқувчилари, "Мен бисексуалман!" деб дадил ва ҳаммага эшиттириб айтиш орқали атрофдагиларни ҳайратда қолдиришни яхши кўрадилар. Кўпчилик қизлар лесбиянлик йигитларга жуда "зўр" туюлади деб ўйлашади ва шу йўл билан уларда ўзига нисбатан қизиқиш уйғотишга умид қилишади.

Лесбиянча тажрибаларни асло бетарафликнинг бир кўриниши деб бўлмайди. Бундай муносабатлар Муқаддас Ёзувларга зиддир (Левилар 18: 22; Римликларга 1: 24-26) бўлиб, жинсий эҳтирос ва қизиқишни ҳаддан ташқари кучайтиради. Аҳмоқлик билан бошланган нарса эҳтиросга айланади ва ҳаётингизни остин-устун қилиб, ўткир айбдорлик ҳиссини уйғотади.

"Мен ўзимни асраб-авайлаганман, шунинг учун худди мен каби ўзини ҳам асраб-авайлайдиган қизга уйланмоқчиман. Мен унинг нафақат жисмоний бокиралиги ҳақида қайғуришини, балки ҳар томонлама пок бўлишини истайман."

Денни

Келинг, Мерини эшитайлик. У ўн бир йилдан бери масиҳий. У пок ҳаёт кечиришни истайди ва ҳар доим эркак билан соғлом ва соф муносабатларни орзу қилади, бироқ лесбиянлик тажрибалари уни боши берк кўчага олиб кириб қўйган ва у бундан чиқиш йўлини топа олмайди.

"Дугонам билан бўлган жинсий алоқа туфайли ҳаётимда жиддий қийинчиликлар пайдо бўлди. Мен ўзимни ҳеч қачон лесбиян деб ҳисобламаганман, лекин бир марта у билан ҳазиллашганимиздан сўнг, бизнинг мулоқотимиз жуда шаҳвоний тус олди. Биламан, Худо менинг бу иш билан шуғулланмаслигимни истайди, лекин менга жуда қийин! Мен бунга қайта-қайта қайтаман ва қандай тўхташни билмайман."

Ишончимиз комилки, Мери бунга дарҳол чек қўймаганидан жуда афсусда. Гуноҳ ҳали илдиз отиб улгурмаган пайтда унга қарши курашиш анча осон. Тақиқланган мевадан бир марта татиб кўрсак, иштаҳамиз очилиб кетиши мумкин. Агар сиз лесбиянлик алоқасига киришиб, уни узишга қодир эмаслигингизни ҳис қилсангиз, биз сизга тезда психологга мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз.

Суҳбатни давом эттиришдан олдин, болалар жинсий ўйинлари ва лесбиянлик тажрибалари ўртасидаги фарқни тушунтирмоқчимиз. Эҳтимол, орангизда кимдир бу сатрларни ўқиб, даҳшатга тушиб: "Вой! Эҳтимол, биз Сюзи билан беш ёшлигимизда худди шундай қилгандирмиз!" дерсиз. Қўрқманг! Ёш болаларнинг кўпчилиги қизиқувчанлик ва шаҳвоний хатти-ҳаракатлар даврини бошдан кечирадилар - улар, масалан, "шифокор" ёки "эр ва хотин" ўйинларини ўйнайдилар; баъзида қизлар ўғил болаларни шерик қилиб оладилар, лекин кўпинча бу ўйинларни бир-бирлари билан ўйнайдилар (айниқса дугонаси ёки амакиваччаси тунаб қолганида).

Болаликда қилинган шаҳвоний ҳаракатлар сизни лесбиянка қилиб қилмайди, шунинг учун бу ерда хавотирланишга ҳожат йўқ. Биз сизни ўзингизга муносиб бўлмаган турмуш тарзини танлашга онгли равишда қарор қилишдан огоҳлантирамиз. Агар сиз ушбу китобни ўқиш учун етарлича вояга етган бўлсангиз, демак, сиз ўз жинсий хулқ-атворингизни тўғри баҳолаш ва ҳақиқий тийилишга мос келадиган қарорлар қабул қилиш учун етарлича вояга етгансиз.

Умид қиламизки, бизнинг китобимиз сизга нафақат бу борада мустаҳкам ўрнашиб олишга ёрдам беради, балки бунинг учун зарур бўлган барча билимлар билан таъминлайди ва тўғри қарорга мамнуният билан амал қилишни ўргатади.

Нега ўзимизни тийишимиз Худо учун шунчалик муҳим?

Худо сизнинг ҳаётингизни заҳарлаш, ҳаёт қувончларидан маҳрум қилиш ва доимий равишда эслатиб туриш учун қатъий қоидалар рўйхатини атайлаб ўйлаб топгандек таассурот қолдирмоқчи эмасмиз. Ҳар қандай жинсий фаолликдан (нафақат жинсий алоқадан) бутунлай воз кечишингиз жуда муҳим, чунки Худо учун сизнинг поклигингиз ва муқаддаслигингиздан азизроқ нарса йўқ. Нима учун? Чунки фақат шу орқали бизга гуноҳдан холи ҳаёт ва Худо биз учун тайёрлаб қўйган олий қувонч очилади. Ёдингизда бўлсин: Унинг бизга бўлган севгиси шунчалик қудратлики, у инсон тасаввуридан устун туради - у биз ўзимизга нисбатан ҳис қиладиган туйғулардан анча кучлироқдир. У "никоҳдан олдин жинсий алоқа қилмаслик" қоидасига амал қилишимизни истайди ва бунинг бешта сабаби бор:

- Мукамал жисмоний саломатлик. Танангизни яратган Худо унинг соғлигингизга ва келажакда фарзанд кўриш қобилятингизга путур етказиши мумкин бўлган микроблар ва касалликларга мойил эканлигини билади. У сизларни жисмонан бақувват бўлиб, "кўпайиб, насл қолдиришингиз" учун яратган (Ибтидо 1: 22 га қаранг).
- Мукамал ақлий саломатлик. Худо, жинсий ахлоқсизликка берилиб кетганингизда васвасалардан халос бўлишингизни истайди. У аниқ ва соғлом фикрлашингизни истайди.
- Мукамал ҳиссий саломатлик. Худо сизни эзилган юрак изтиробидан, айбдорлик туйғусидан, ўзидан нафратланишдан асрамоқчи. У сизнинг тушқунликка тушмаслигингизни, балки сўз билан ифодалаб бўлмайдиган қувончга тўла бўлишингизни истайди.
- Мукамал руҳий саломатлик. Худо сизнинг Унинг ҳузурига киришингиз ва У билан мулоқотда бўлишингизни истайди. У жинсий гуноҳ сизни бу эркинликдан маҳрум қилишини билади.
- Муносабатларда мукамал саломатлик. Худо сизнинг жинсий соҳангизни шундай яратганки, унда эрингиз билан қўшилишингиз содир бўлади - бу шунчалик интим, шунчалик шахсийки, бошқа ҳеч қандай муносабатлар у билан тенглаша олмайди. Эр-хотинлик - бу мутлақо ўзига хос мулоқот тури бўлиб, ундан кучлироқ ва мустаҳкамроқ мулоқот бўлиши мумкин эмас. Худди шунинг учун ҳам Худо сизнинг танангизни (бу Унинг муқаддас руҳининг ибодатхонасидир) ва айниқса "муқаддас маскан"ни, яъни ҳамма учун ёпиқ бўлган ва фақат муқаддас, Худога маъқул мақсадлар учун мўлжалланган жойни ҳимоя қилишни истайди. Ўзини пок тутиш, бир кун келиб эрига яқинлик қилиш эса, шубҳасиз, муқаддас ва Худога маъқул мақсаддир.

Жавоб қандай бўлади?

Агар оғиз орқали ва орқа орқали жинсий алоқа, ўзаро мастурбация ёки лесбиянлик билан боғлиқ тажрибалар "никоҳдан олдин жинсий алоқада бўлмаслик" қоидасига жавоб бўлмаса, унда нима деб жавоб берасиз? Жинсий қониқишни қаердан излайсиз?

Ушбу китобда бир неча бор такрорланганидек, тўлиқ қониқишга эришишнинг фақат битта усули бор: ҳамма нарсада Худо буюрганидек йўл тутиш. Исталмаган ҳомиладорлик ва жинсий йўл билан юқадиган касалликлардан сақланишнинг фақат битта йўли бор. Фақат мавжуд бокираликни сақлаш ва жинсий покликни асрашнинг бир усули. Унинг ёрдами билан сиз бир кун келиб ўзингиз

учун қадрли бўлган одамни ақл бовар қилмайдиган даражада бахтли қилишингиз ва унга содиқ қолишга қодир эканлигингизни исботлашингиз мумкин. Ўзингизни қўлга олинг ва атайлаб жисмоний қўзғалишга йўл қўйманг. Гап, албатта, "техник" бокиралик ҳақида эмас, балки тўлиқ тийилган ва маънавий бой ҳаёт ҳақида кетмоқда.

«Рухнинг самараси эса қуйидагилардир: муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр–тоқат, меҳрибонлик, эзгулик, ишонч, мулойимлик ва ўзини тута билиш. Бу хислатларга қарши бирон қонун йўқ». Галатияликлар 5:22,23

21-БОБ

“Тормозсиз” жинсий алоқа

Сизларнинг муқаддас бўлишингиз Худонинг иродасидир. Шунинг учун жинсий ахлоқсизлик қилманг. Ҳар бирингиз муқаддаслик ва иззат–ҳурматга лойиқ тарзда ўзингизни тута билишингиз керак. Худони билмаган бутпарастлардай шаҳвоний ҳирсга қул бўлманг.

1 Салоникаликлар 4:3-5

2003 йил 19 июнда "Хайрли тонг, Америка" радиоэшиттиришида ўсмирларнинг 20 фоизи 15 ёшга тўлмасдан жинсий алоқага киришгани ҳақида хабар берилди. 2001 йилда Касалликларни назорат қилиш маркази юқори синф ўқувчиларининг 45,6 фоизи жинсий алоқа муносабатларида эканлигини маълум қилди. Газетадаги "Тийилиш қанчага тушади?" сарлавҳали мақолада Мери Михен шундай деб ёзади: "Тахминан 600 нафар ўсмир ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, ўзларига тийилиш ҳақида ваъда берганларнинг 61 фоизи бир йил ичида бу ваъдасини бузишган. 39 фоизи ўзлари берган ваъдага риоя қилишларини таъкидлашади, аммо уларнинг ярмидан кўпи оғиз орқали жинсий алоқа қилишларини тан олишган."

Биз суҳбатлашган ёш аёлларнинг аксарияти турмуш қуришдан олдин жинсий алоқа қилиш ниятида бўлмаганликларини айтишади. Қизлар бокиралигининг қимматбаҳо инъомини беришга нима мажбур қилипти? Ёки, агар у жисмонан бокира бўлиб қолса ҳам, нима уни жинсий фаолликнинг бошқа шаклига, масалан, оғзаки жинсий алоқа ёки ўзаро мастурбацияга берилишига мажбур қилади? Афтидан, бундай қиз нафақат ақли ва юрагини, балки танасини ҳам сақлай олмаган - буларнинг барчаси хавфсизликнинг қатъий чегараларини ўрната олмагандандир.

Тормозсиз жинсий алоқа

Эҳтимол, сиз “ёш аёллар ҳақиқий, жиддий муносабатларни жуда хоҳлаганлари учун ҳар хил жинсий алоқаларга берилиб кетишади ва улар жуда қимматга бўлса ҳам, барибир турмушга чиқишга умид қилишади” деб ўйлаётгандирсиз. Бироқ бугунги кунда кўплаб алоқалар ортида мутлақо бошқа мулоҳазалар турибди. 1970-1980 йиллардаги жинсий инқилоб давридан бери кўплаб одамлар нафақат никоҳдан ташқари, балки нотаниш шериклар билан ҳам жинсий алоқага киришадилар. Сўнгги ўн йилликларда жинсий алоқага факультатив машғулот, ёқимли вақт ўтказиш сифатида қарала бошланди. Кўпгина ёш аёллар бизга "бир оз ўйнаб-кулиш ва бир-бирини туртиш"

"ўйнаш дўстлар" энди одатий ҳолга айланди. Бошқача айтганда, ҳеч ким билдирмайдиган ва кутмайдиган ҳеч қандай ўзаро мажбуриятларсиз энг оддий қўшилиш содир бўлади. Одамлар учрашадилар, жуфтлашадилар ва кейинги шерикни топиш учун қочадилар.

Бу тенденцияни Мери Бет Марклей ва "USA Today" журнали тасвирлайди. У ўз мақоласида Йел университети талабаси Натали Кринскийдан иқтибос келтиради, у 2002 йил 1 ноябрда университет газетаси "Yale Daily News"да "Жинсий алоқа ва шаҳар" рукнида қуйидагиларни ёзган:

"Аёл эркак билан беш дақиқа гаплашиб, у билан жинсий алоқада бўлиш-бўлмаслигини тушуниши кифоя. Лекин... йигит ўзи хоҳламагунча уни қармоққа илинтиришмоқчи эканликларини сезмаслиги керак... Ётоқдан кейин йигитлар одатда ўзларини ноаниқ тута бошлайдилар [сизга эътибор бермайдилар]. Шундай қилиб, улар аёллардан қасос олишади. У

сиз билан яна ётишни хоҳлайдими? Номалум. Учрашиш?.. Номалум. Балки у гомикдир? Номалум. Унинг исми нима эди? Номалум!

Минг афсуски, бугунги кунда нафақат имонсизлар "тормозсиз жинсий алоқа" қилишга моил. Сизни бу фикрдан қайтариши мумкин бўлган одамлар бор, Келли улардан бири. Бир куни кечқурун дўстлари билан пляжга кетаётганда, у "илинтириш" ниятида эмас эди (фақат ёқимтой йигитни кўрмагунча). Келли ҳикоя қилади:

"У йигит эмас, балки орзу эди: чиройли, жуда келишган ва ҳоказо. Кечаси унинг машинасида уйга кетаётган эдик, у мени уйига таклиф қилганида, рад этмадим. Биз бир-икки дақиқа гаплашиб ўтирдик, кейин ўпиша бошладик. Яна бир неча дақиқадан сўнг кийимларим полга учиб тушди ва мен бокиралигимни бир неча соат олдин учратган йигитга топширдим. Нега уни тўхтатмаганимни билмайман. Ҳаммаси шунчалик тез содир бўлдики, ўйлашга вақтим бўлмади."

Келли тўсатдан дунёнгизни ларзага солган йигит, агар сиз ўз вақтида ишончли жисмоний рамкалар ҳақида ғамхўрлик қилмасангиз, уни вайрон қилиши мумкинлигини тушунди. Никол дунёси ҳам тахминан шундай вайрон бўлган, фақат бу биргина тасодифий алоқа эмас, балки кўплаб жинсий муносабатлар натижаси эди. Никол ҳикоя қилади:

"Ўн беш ёшимдан бошлаб, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда алоқаларда бўлганман, лекин мен ҳар доим ўзимга "завқли дам олиш учун дўстлар" танлашга ҳаракат қилардим. Менга улар билан ўпишиш ва петинг қилиш ёқарди, лекин улар, албатта, жинсий алоқа қилишни хоҳлашарди ва мен қаршилиқ қилмасдим. Ўзим хоҳлаган нарсани олишни истасам, уларга хоҳлаган нарсасини беришим керакдек туюларди. Вақт ўтиши билан бундай муносабатлар менда одат тусига кирди. Дам олиш кунлари ўзимга бир йигитни кўриш ва у билан учрашиш учун мен атайлаб футбол ўйинларига ёки қандайдир зиёфатларга борардим."

Йигит билан оғиз орқали жинсий алоқа қилиш мен учун конфет ейиш билан баробар эди. Уни мутлақо билмаслигимга тупурдим. Мен нотаниш одамлар билан муносабатда бўлиш янада яхшироқ деб ҳисоблардим: кейинчалик ноқулайлик ёки таранг муносабатлар бўлмайди. Аммо бунинг оқибати даҳшатли эди: доимий тушкунлик, ғазаб, рашк, ўзига ишончсизлик ва ўзимни мутлақо аҳамиятсиз ҳис қилиш. Ўзимдан нафратланиб, ўзимни ўлдириш ҳақида жиддий ўйладим."

Яхшиямки, Худо Келли ва Николга вазиятдан чиқишнинг бошқа йўлини кўрсатди. "Teen Mania" (www.teenmania.org) ташкилоти қошидаги "Қудуқ ёнидаги аёл" гуруҳи машғулотларига қатнай бошлагач, улар ўзларининг носоғлом хулқ-атворлари сабабини тушуниб етишди. Бугунги кунда уларнинг иккаласи ҳам яхлит жинсий ҳаёт кечирмоқда ва тенгдошларини Худога ва жинсий покликка қайтаришга қатъий қарор қилишган.

Коллежга тайёргарлик бўйича қисқача курс

Тайёрланинг. Аксарият университет шаҳарчаларида тасодифий жинсий алоқа кутубхонага ташриф буюриш каби одатий ҳолдир. Коллежга кириш ёки мустақил ҳаёт кечириш учун ота-онангизнинг уйини тарк этганингизда, сиз кучли жинсий васвасаларга дуч келишингиз мумкин, шунинг учун олдиндан қатъий жисмоний чегаралар ҳақида ўйланг!

Бостон коллежи талабаси Анна Шлеэяйн талабалар ётоқхонасида яшовчи ёшлар доимо дуч келадиган жинсий васвасалар манзарасини ёрқин тасвирлайди.

"Коллеж талабаларга тўлиб-тошган. Бу ақлга сиғмайдиган нарса. Бизни - жинсий майл авжига чиққан олти минг нафар ёшларни олиб, ётоқхоналарга тиқиштиришди, у ерда тўшакдан бошқа ўтирадиган жой йўқ эди. Қарама-қарши жинс вакиллари, худди сиз билан бир хил жинс вакиллари каби, бир зинапоя оралиғида, баъзан эса қўшни эшик орқасида яшайдилар."

Шунга қарамай, кўплаб ёшлар ифбатли ҳаёт кечирадилар, шунинг учун бунинг иложи йўқ деб ўйламанг. Фақат ақл ва юракни асраш, мустаҳкам жисмоний чегараларни ўрнатиш керак. Айтганча, агар ўрта ва юқори синфларда шу доирада яшасангиз, кейинроқ, талабалик йилларида ва ундан кейин ҳам шахвоний васвасаларга қарши туриш анча осон бўлади.

Давом этишдан олдин, келинг, дунёдаги энг яхши ҳаёт дарслиги тасодифий жинсий алоқа ҳақида нима дейишини кўриб чиқайлик.

Муқаддас Ёзувни ўрганиш

Сизнингча, Худо "ўйнаш дўстлар" ва "тасодифий алоқалар"га қандай муносабатда? Бундай жинсий муносабатларга нисбатан Худонинг нуқтаи назари қандай эканини тушуниш учун, келинг, Муқаддас Китобнинг айрим парчаларни кўриб чиқайлик.

«Шунинг учун Худо уларни ўз юракларидаги чиркин эҳтирослари оғушида қолдирди. Шу сабабдан улар бир-бирлари билан беҳаё ишлар қиладилар. Улар Худонинг ҳақиқатини ёлғон билан алмаштириб, Яратувчига эмас, балки яратилганга сажда қилиб, хизмат қиладилар. Яратувчи Худобагина то абад ҳамдлар бўлсин! Омин. Ҳақиқатни рад қилганлари учун Худо уларни ўзларининг беҳаё эҳтиросларига топширди. Ҳатто аёллар ҳам табиий жинсий муносабатни нотабиий муносабатга алмаштириб, бир-бирлари билан жинсий алоқа қилдилар. Худди шунингдек, эркаклар ҳам аёллар билан бўладиган табиий жинсий муносабатдан воз кечиб, бир-бирларига нисбатан шахвоний ҳирс билан ёндиладар. Эркаклар бир-бирлари билан беҳаё ишлар қилиб, қилмишларига яраша жазо тортяптилар». (Римликлар 1:24-27)

Ушбу парчадан кўриниб турибдики, бундай муносабатлар Худо рухсат берган чегаралардан анча ташқарида. Эътибор беринг, Худо бизга: "Қани, бас қил! Бундай қилиш мумкин эмас!" демаяпти. У инсонга жинсий танлов эркинлигини беради (24-оятга қаранг), аммо бу танлов муқаррар равишда тегишли оқибатларни келтириб чиқаради (27-оятга қаранг). Ахлоқ мураккаб эмас: соғлом натижаларни хоҳласангиз, соғлом жинсий танлов қилинг. Қуйидаги парчага мурожаат қиламиз:

«Сизларнинг муқаддас бўлишингиз Худонинг иродасидир. Шунинг учун жинсий ахлоқсизлик қилманг. Ҳар бирингиз муқаддаслик ва иззат-ҳурматга лойиқ тарзда ўзингизни тута билишингиз керак. Худони билмаган бутпарастлардай шахвоний ҳирсга қул бўлманг. Жинсий ҳаёт тарзига келганда, ўз биродарларингизнинг ишончини суиистеъмол қилманг, уларга хиёнат қилманг. Бундай қилганларни Эгамиз жазолайди. Биз сизларга бу ҳақда олдиндан айтиб, қаттиқ огоҳлантирганмиз. Худо бизни ҳаром йўлдан юришга эмас, балки муқаддас бўлиб яшашга чақирди. Шундай экан, ким мана шу таълимни рад этса, инсонларни эмас, сизларга Ўз Муқаддас Рухини берадиган Худони рад қилган бўлади». (1 Салоникаликлар 4:3-8)

Охири оятнинг маъносини тушундингизми? Худонинг жинсий поклик ҳақидаги таълимотини рад этсак, Худонинг Ўзини рад этган бўламиз. Унинг наздида бизнинг бузуқлигимиз ёки тасодифий алоқамиз жирканч ҳид таратувчи қабиҳликдир. Бу сўзлар сизга жуда кескин туюлиши мумкин, лекин шундай ёзилган ва биз Муқаддас Китобда ёзилганларини ўзгартириб, жинсий нопоклик унчалик кўрқинчли эмасдек таассурот қолдирмоқчи эмасмиз. Кўпгина тенгдошларингиз танлаган йўллардан юрмаслик учун, Худонинг никоҳдан ташқари жинсий алоқаларга (нафақат жинсий алоқага, балки ҳар қандай шунга ўхшаш ҳаракатларга: оғиз орқали ва орқа орқали жинсий алоқага, ўзаро мастурбацияга ва лесбиянликка) бўлган муносабатини аниқ тасаввур қилишингиз жуда муҳим. Мен ва ҳаммуаллифим сиздан қуйидаги қарорларни қабул қилишингизни сўраймиз:

- Раббимизни улуғлаш ниятингизни акс эттирувчи соғлом жисмоний чегараларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш;
- Худонинг мукамал ниятига мувофиқ яшаш, яъни никоҳдан олдин жинсий муносабатларни кечиктириш керак;
- Бу дунёда бўлиши мумкин бўлган энг яхши жинсий муносабатлардан баҳраманд бўлиш, бир аёл ва бир эркак ўртасидаги никоҳда, бутун умр давомида.

Биз бир неча бор эслатиб ўтган оқилона жисмоний чегаралар нимани ифодалайди? Энг бошидан, яъни сиз биринчи марта кимгадир эътибор берган пайтингиздан бошлаймиз. Шуни унутмангки, гап вақтинчалик мулоқот учун жисмоний чегаралар ҳақида бормоқда, шунинг учун биз бу ерда дўстлик ҳақида гаплашамиз; маълум мажбуриятлар билан боғланган муносабатлар учун чегараларга келсак (севгилим), улар ҳақида кейинги бобда гаплашамиз.

Дўстингиз чегарадан ўтишга йўл қўймайди

Сизнинг муносабатларингиз оддий танишувдан дўстликка айланганда, чегарадан ўтиш васвасаси пайдо бўлиши мумкин, бу сизнинг (ёки унинг) соғлом фикрлаш қобилиятингизни хавф остига қўяди. Бу хавфнинг олдини олиш учун дўстликнинг табиатини эсланг. Дўстлар бир-бирлари билан самимий суҳбатлашадилар, бирга ўйин-кулги қиладилар, бир-бирларига ғамхўрлик қиладилар ва ҳоказо. Бироқ, улар бир-бирининг бошини айлантиришга ёки жинсий қизиқишни уйғотишга уринмайдилар. Ўртоқ ўз дўстининг ақли, қалби, жисми ва руҳига ғамхўрлик кўрсатади ва унинг хавфли аҳволга тушиб қолмаслиги учун нималардандир кечишга тайёр бўлади.

Кўпинча ёш аёллар бу хавфли чизиқни кесиб ўтишларини кўрасиз (уларнинг эркак дўстларини қандай қучоқлашларини кўрсангиз). Йигитнинг бўйнидан қучоқлаб олиш ёки елкасига қоқиб қўйиш мумкин, лекин кўкрак билан унга ёпишиб олиш, худди эҳтиросингиз жўшиб, уни ерга йиқитиб юборадигандек ҳаракат қилиш мутлақо мумкин эмас. Бу эркакда жинсий қўзғалиш уйғотади. "Ёнма-ён қучоқлаш" ва елкангизга дўстона қоқиб қўйиш билан чекланинг. "Учбурчак қучоқлаш" мутлақо мақбулдир: сиз бироз олдинга эгилиб, йигитнинг бўйнидан қучоқласангиз, бу билан сиз ҳозир унга бутун танангиз билан ёпишасиз, деган таассуротдан қочасиз.

Кўпинча қизлар йигитларнинг тиззасига ўтирганини кўрамиз - шунчаки ноз-карашма учун ёки "бошқа ўтирадиган жой йўқ!" деган баҳонада. Йигитнинг тиззасига ўтиришдан олдин бир нарсани ўйлаб кўринг: сиз бундай ҳолатни эгаллаганингизда, сизнинг жинсий аъзоларингиз унинг устида бўлади, бу, табиийки, уни жуда ҳаяжонлантиради - ҳатто сиз учун бу шунчаки "унинг тиззасида ўтириш" деб аталса ҳам. Бундан ташқари, агар сиз унга юзма-юз бўлсангиз, кўкрагингиз унинг кўз ўнгида бўлади, шунинг учун у унга қарамаслиги мумкин эмас. Агар хонада жуда кўп одам йиғилган бўлса, яхшиси полнинг бирор жойига жойлашинг. Йигитнинг ёнига "валет" бўлиб ётманг ва оёғингизни унинг устига қўйманг, чунки бу ҳам қўзғатувчи таъсир кўрсатади. Агар дўстингизга дўстона муносабатда бўлишни истасангиз, унинг тирсагидан юқорироғига қўлингизни теккизинг, елкасига уриб қўйинг ёки ёнидан сиқиб қўйинг.

Кўкрак, сон, думба ва жинсий аъзолар ҳар қандай тегиниш, ушлаш, чимчилаш, шапалоқ ва ҳоказолар учун тақиқланган ҳудуд бўлиши керак - бу ҳатто ҳазил учун ҳам мумкин эмас. Ҳеч кимга танангизга тегишга рухсат берманг - на кийимингиз орқали, на кийимингиз остидан. Ҳаддан ташқари очиқ чўмилиш кийимлари ва ҳаддан ташқари калта шорти кийманг.

Танишлар ва дўстлар билан муносабатларда танангизни жинсий жиҳатдан хавфли вазиятлардан ҳимоя қилиш усуллари рўйхатини, албатта, ўзингиз давом эттиришингиз мумкин. Бу йўлда сизга донолик ва соғлом фикр йўлбошчи бўлсин. Агар муносабатларингизда нимадир нотўғри эканлигини ҳис қилсангиз, демак, шундай бўлиши мумкин. Сизнингизга ишонинг ва хавфсиз масофани сақланг. Бу билан ўзингизни ҳам, атрофингиздаги йигитларни ҳам ҳимоя қилган бўласиз, қолаверса, бошқа қизларга ҳам яхши ўрнам кўрсатган бўласиз. Сизнинг оқилона хулқ-атворингиз ҳам Худони, ҳам бўлажак турмуш ўртоғингизни ҳурмат қилишингизнинг белгисидир.

“Жинсий ахлоқсизликдан ўзингизни олиб қочинглар! Жинсий ахлоқсизлик билан гуноҳ қилган ўз танасига қарши гуноҳ қилган бўлади, қолган ҳамма гуноҳлар эса танага бевосита боғланмаган ҳолда қилинади. Наҳот билмасангиз?! Қалбингизда маскан қилган Муқаддас Рухни Худо сизларга берган. Танангиз Муқаддас Рухнинг маъбадидир. Сизлар ўзларингизга тегишли эмассизлар. Сизлар қиммат баҳога сотиб олингансизлар. Шунинг учун ўз танангиз билан Худони улуғланглар” 1 Коринфликлар 6:18-20

22-БОБ

“Ахир биз бир-биримизни севамиз!”

*«Қўлингдаги муҳр узугингдай, Мени ҳам юрагингга муҳрлаб олгин.
Ахир, севги ўлимдай кучли, Ишқ ажалдай шиддатлидир.
Севгининг учқунлари олов учқунларидай, Ловуллаган алангадайдир».*

Қўшиқ 8:6

Биз юқорида олов ўзида бир вақтнинг ўзида ҳам яхшилик, ҳам хавф-хатарни мужассам этишини айтиб ўтган эдик, лекин шундай бир савол устида ўйлаб кўрайлик: каминдаги иссиқлик билан тоғ ёнбағирларида қутуриб ёнаётган тўхтатиб бўлмас аланганинг фарқи нимада? Биринчиси ишончли чегаралар билан ўралган, иккинчисидан ҳеч қандай чегара йўқ. Йигитингиз билан муносабатлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Агар сиз ўзингизни ҳеч ким ҳатлаб ўтиши мумкин бўлмаган мустаҳкам чегаралар билан ўраб олган бўлсангиз, сизнинг учрашув вақтингиз жуда романтик ва қувончли бўлиши мумкин. Аммо ишончли чегараларга эга бўлмаган ҳолда, тез орада ўзингиз истамаган ҳолда ҳаддан ташқари чуқурлашиб кетганингизни, муносабатларингиз эса хавfli ва ҳалокатли бўлиб бораётганини билиб қоласиз. Андреа, Лесли ва Кори ўз тажрибаларида бунга ишонч ҳосил қилишди.

Қимматга тушган дарслар

Андреа бошиданоқ мустаҳкам чегаралар ўрнатмасдан, йигитни чалғитиб, кутилмаган ва ноқулай вазиятга тушиб қолиш мумкинлигини тасдиқлаши мумкин:

"Мен у билан жон-жаҳдим билан ноз-карашма қилардим ва бу уни шунчалик ҳаяжонга солар эдики, бизнинг учрашувларимиз бутунлай эҳтиросли эркалаларга айланиб кетарди. Кейин - эса кўпроқ бўлиб борди. Мен ўзимни осонгина оқлай олардим. Назаримда, бу иш билан ҳамма шуғулланаётгандек ва у мени чиндан ҳам яхши кўрадигандек туюларди. Бир куни у билан пинг-понг ўйнаётган эдик, копток қоронғи омборхонага кириб кетди. Иккаламиз кириб борганимизда, у эшикни ёпиб, калта иштонини ечди-да, менинг калта иштонимни бесўнақай еча бошлади. Мен ҳайрон бўлдим: нега энди у мени ўз ихтиёрига топширмақчи бўлди, бунинг устига омборхонада! Мен ундан ўзимни четга олдим ва бу йўналишда ҳаракат қилишга ҳали тайёр эмаслигимни айтдим."

Леслининг айтишича, у турмушга чиққунга қадар бокиралигини сақламоқчи бўлган ва отаси ҳатто бу ваъданинг рамзи сифатида унга узук совға қилган. Лекин бу орзудан Лесли ўз йигити билан ишқий муносабатда бўла бошлаган пайтдаги хотира қолган, холос.

"Аслида, биз бундай қилмоқчи эмасдик, лекин "французча бўсалар"дан бутунлай эс-ҳушимни йўқотиб қўйдим! Биз у билан бирга ётдик, кейин иккимиз ҳам жуда уялганмиз. Биз Худодан кечирим сўрардик, бир ҳафта бир-биримизга тегмасдик, кейин яна васвасага берилардик. Охир-оқибат, интернатурани ўташ учун жўнаб кетганимдан сўнг бу ўз-ўзидан барҳам топди, аммо пинҳоний гуноҳим ҳақидаги хотира йиринг каби қалбимни заҳарларди. Ибодат қилиш учун ёлғиз қолардим ва на гапиришга, на Худони эшитишга қодир бўлиб, ўзимга маъносиз тикилиб ўтирардим.

Ҳаммасини тўғрилаб, гуноҳимни тан олишим кераклигини тушунардим. Мен отамга қўнғироқ қилдим ва йиғлаб, унинг "поклик узуги"ни қайтариб юборишимни айтдим, чунки ўзимни тия олмагандим. Отамнинг жавоби мени ҳайратга солди. - Лесли, узугингни тақиб юривер, - деди у, - чунки сенга яна бир имконият беряпман ва ишонаманки, бу сафар уддалайсан. Худо отам орқали менга ўз меҳрини кўрсатганини биламан. Ота-онам билан гаплашиш мен учун ҳаммасидан ҳам қўрқинчлироқ эди, лекин буни қилиш қалбимни енгиллаштириш ва тозалаш учун зарур эди. Ўшандан бери мен ҳар доим ўзимни эҳтиёт қиламан, тасодифан йигитни ота-онам ва Худо олдида уяладиган хатти-ҳаракатларга ундамаслик учун."

Лесли ота-онасининг олдида ҳамма нарсани тан олишга, ўз хатоларидан сабоқ чиқаришга ва ўзини мустаҳкам чегаралар билан ўраб олишга жасорат топди. Бу ҳавас қилса арзийдиган иш. Баракалла, қизалоқ! Шундай давом этгин!

Лесли ва унинг севгилисидек аниқлаганидек, жинсий эҳтирос тез ўсиш хусусиятига эга. Агар шу пайтгача ўзингизни қатъий чегаралар билан ўраб олмаган бўлсангиз, билингки, буни қилиш ҳеч қачон кеч эмас. Айбдорлик ҳисси сизни хавфли ҳолатда ушлаб туришига йўл қўйманг. Шунчаки хатоларингизни ҳисобга олинг ва келажак учун чегараларни мустаҳкамроқ ўрнатинг.

Кори соғлом ва носоғлом жисмоний ҳаракатлар ўртасидаги чегаранинг қаерда жойлашганини билмасди ва бу беҳабарлик туфайли у ҳозир пушаймон бўлаётган нарсага йўл қўйди. Бироқ у тушкунликка тушмайди ва келажакда анча эҳтиёткор бўлишни ният қилган. Кори шундай дейди:

"Ҳар бир йигитнинг кураши" китобини ўқий бошлаганимда кўзим очилгандай бўлди! Мана мени ҳайратга солган асосий ибора: "Шубҳасиз, аёлнинг кўкрагини силлаш жинсий алоқадан олдин севги ўйини билан шуғулланиш демакдир." Момақалдироқ ургандек бўлди! Ахир бир пайтлар мен йигитимга буни қилишга рухсат берардим ва буни жинсий рағбатлантириш сифатида умуман қабул қилмасдим. Кейинчалик, бошқа бир маҳбубим бўлганида, у билан янада узоқроққа борардим. Мен унга нафақат кўкрагини, балки жинсий аъзоларини ҳам ушлашга рухсат берардим - ахир ўз вақтида ҳеч кимга бундай қилишга йўл қўймасликка ўзимга қасам ичганман. Бунинг учун ўзимдан нафратланардим! Сизнинг китобингизни бир кечада ўқиб тугатдим ва энди йигитларни ҳам, улар билан муносабатларда аниқ чегаралар ўрнатиш кераклигини ҳам анча яхши тушунам. Энди йигит менга: "Бўлди! Ўзимни ортиқ тутиб туролмайман!" деса, мен унга: "Йўқ, қила оласан!" Ўзимни ҳам қўлга оламан. Энди ҳеч қачон ўзимни "севги ўйини"га тортишга йўл қўймайман.

Агар сиз - ихтиёрий ёки беихтиёр - ҳаддан ошишга улгурган бўлсангиз, ҳаммасини бошидан бошлашингиз керак. Аввалги хатолар ҳақида "ўйлаиб қолманг." Худо меҳрибон ва У сизни қанчалик узоққа боришингиздан қатъи назар, У билан муҳаббат ва яхши муносабатлар йўлига қайтаришни истайди. Ундан сизни кечирини ва тўғри йўлга бошлашни сўранг. Исо Масих барча хатоларингиз ўчирилиши ва унутилиши учун ўлди, агар сиз Унга ишонсангиз ва бу инъомни қабул қилсангиз, шундай бўлади. Келажакка эътиборингизни қаратинг ва шуни билингки, Муқаддас Рух сизга ифбатли ҳаёт кечирингиз учун куч-қувват берганида, ҳаммаси яхши бўлади.

Ўзаро ишончли ўрганинг

Ҳар сафар бирор йигитни эҳтирос билан ўпишга ёки унга яқинлашишга журъат этганингизда, бу билан у сизга худди ўзининг ўйинчоғига қарагандек муносабатда бўлиши мумкинлигини билдирасиз. Агар сиз уни масофани сақлашга мажбур қилсангиз, сиз унга сизга ҳурматга сазовор бўлган ифбатли ёш аёл сифатида муносабатда бўлишни ўргатасиз. Агар у турмуш қуришдан олдин ўзини тийиб туриш учун жуда сабрсиз бўлса, демак, у яхши эр бўлиши даргумон. Агар тўйгача ўзингизни сақлай олмасангиз, демак, сиздан садоқатли хотин чиқиши даргумон. Бир-бирингизга тўлиқ ишонишни ўрганмоқчимисиз? Хўш, хушторлик пайти - бунинг айна вақти. Севгилингиз ўзини ё бутун табиати ва умр йўлдошига муносиб номзод сифатида, ёки бармоғидаги никоҳ узуги ҳам жинсий майлларига эргашишга халақит бермайдиган ахлоқсиз худбин сифатида намоён қилади ва сиз ҳам ўзингизни у ёки бу томондан намоён қиласиз. Қизиқ, иккисидан қайси бирини танлайсиз?

Қанчалик “чуқурлашиш” мумкин?

Агар сизнинг йигитингиз бўлса, ошиқ-маъшуқлар бизга доимо берадиган энг ҳаяжонли саволлардан бирига жавобни билишни хоҳлашингиз аниқ: "Биз қанчалик “чуқурлашишимиз” мумкин?" Севгилингиз билан жисмоний муносабатларда эркак дўстингиздан кўра кўпроқ нарсага йўл қўйишга мажбурсиз, деб бирор жойда айтилганми? Эрта турмуш қуриб, шунчаки мулоқот қилиш, бир-бирини яқиндан билиш, оилалар билан танишиш, чиройли жойларга бориш, қизиқарли нарсалар билан шуғулланиш ва умуман ҳаётдан завқланиш мумкин эмасми?

"Эҳтимол, менинг гапларим кимгадир эскирган ва урф бўлмаган гапдай бўлиб туюлиши мумкин, лекин мен никоҳдан олдин жинсий алоқани кечиктирмоқчиман - гарчи бизнинг жамиятимизда бокираликка қўлдан ташлаб юборишга ошиқадиган иссиқ картошка каби муносабатда бўлишса ҳам. Бундай дейишимнинг сабаби шундаки, мен худди шундай фикрда бўлган кўплаб йигитларни биламан."

Уэйд

Эр-хотин ўртасидаги мулоқотнинг хавфсиз ва соғлом чегараларини аниқлаш учун олдинги бобда муҳокама қилинган масалага қайтамыз. Дўстлик муҳаббатга айланганда, жинсий хавфли вазиятларга тушиб қолмаслик учун жисмоний муносабатларни иложи борица секинроқ ривожлантириш жуда муҳимдир. Албатта, сиз бир-бирингизга яхшилаб қараш учун етарлича узоқ вақт дўст бўлгансиз (бунинг учун камида бир йил мулоқот қилишингиз керак) ва ота-онангиз бу муносабатларни қўллаб-қувватлайди деб тахмин қиламыз. Ўйлаймизки, сиз никоҳгача бўлган мулоқотда ҳар қандай интим тегинишлар, хоҳ оғиз, анал ёки вагинал жинсий алоқа бўлсин, ўзаро мастурбация, тос ва сонларни бир-бирига қарама-қарши ҳаракатлантириш, кўкракларни силаш ва бошқа эротик эркалашларга йўл қўйилмаслигини тушундингиз. Гарчи хавфсиз чегаранинг бундай таърифи ғалати туюлса-да, у ўзини тўлиқ оқлайди!

Жинсий ифбат учун курашда танангизни ҳимоя қилишга ёрдам берадиган оқилона чегараларни ўрнатишингиз учун, келинг, ишқий муносабатларда жисмоний яқинликнинг турли босқичларини батафсил кўриб чиқайлик. Бундай чегараларга эга бўлган ҳолда, сиз ўзингизни анча ишончи ва эркин ҳис қиласиз ва жинсий васвасага берилиш ёки икки томонлама ҳолатга тушиб қолишдан қўрқмасдан мулоқотдан завқлана оласиз.

Қўл ушлашиб

Жисмоний яқинликнинг бу даражасида йигит ва қиз қўл ушлашиб юришади. Бирор йигит билан қўлтиқлашиб юргангизда, бу шунчаки дўст эмас, балки у билан кўпроқ бирга эканлигингизнинг, ҳаётнинг бу даврида бирга бўлишни хоҳлаётганингизнинг ва ўз меҳрингиздан уялмаётганингизнинг аниқ белгисидир.

Бу даражадаги яқинликда у сиз билан университет шаҳарчасида қўлтиғига китоб қистириб, иккинчи қўли билан белингиздан қучоқлаб сайр қилади ёки қўлингиздан ушлайди, балки олдингизга эшикларни очиб, орқангиздан оҳиста ушлаб ўтказиб юборади. Агар бундай даражадаги яқинлик сизни қониқтирса, буларнинг барчасини қабул қилиш мумкин.

Юзма-юз

Биргаликда ўзингизни қанчалик яқин ва қулай ҳис қилсангиз, бир-бирингизга шунчалик яқинлашишни хоҳлайсиз. Кўпинча бу сиз учун қадрли бўлган инсон билан юзма-юз бўлишга интилишингизда намоён бўлади. Агар дўстларингиз ёки танишларингиз билан турганингизда маълум масофани сақласангиз (одатда, бир метр атрофида), унда, табиийки, севгилингизга яқинроқ келасиз.

Бу даражада бўсалар ҳақида гапириш мумкин. Баъзи қизлар турмушга чиқмагунча бундай қилмасликка ваъда беришади. Улар биринчи бўсаларини кимдир "ўғирлаб" кетишини истамайдилар ва бу қувончни бўлажак турмуш ўртоқлари учун сақлаб қўйиш ниятидалар. Агар сиз ҳам шуни хоҳласангиз, бу ҳақда йигитингизга айтинг, токи у бу чегарадан ўтишга уринмасин ёки сиз ҳам унинг бу қимматбаҳо совғасини "ўғирламаслигингиз" учун у ўзини шунга ўхшаш ваъда билан боғламадими, деб сўранг.

Агар сиз ҳам, у ҳам бу лаззатни никоҳгача кечиктирмоқчи бўлмасангиз, сизга узоқ ўпичлардан (кўпи билан уч сония!) Эҳтиросли деб аталувчи "французча бўсалар"лардан ҳам қочинг (тилдан-тилга), чунки бу жинсий қўзғалишнинг энг тўғри йўлидир. Шуни ёдда тутингки, жинсий йўл билан юқадиган баъзи касалликлар (масалан, герпес) оғиз бўшлиғи орқали ёки сўлак аралашмаси орқали юқиши мумкин - мана сизга келажақдаги никоҳ учун нафақат танани, балки оғизни ҳам асрашнинг яна бир сабаби.

"Радар"ингизга қулоқ тутинг

Агар қайсидир лаҳзада ичкарида қўйидагиларни эслатувчи огоҳлантириш қўнғироғини эшитсангиз (Эҳтиёт бўл! Бу ерда нимадир нотўғри!) унга қулоқ солинг.

Миянгиз ёки юрагингизнинг огоҳлантирувчи сигналларини эътибордан четда қолдирманг. Хабар сизга йўлбошчи бўлсин. Бу "радар" бизга Худо томонидан берилган. Агар илгари унга эътиборсиз бўлган бўлсангиз, уни қайта тинглашни ўрганинг. Агар вазият хавfli тус олаётганини ҳис қилсангиз, радар кўрсатмаларига амал қилинг. Бу огоҳлантиришларга қўл силтаб, сиз аста-секин уларга бефарқ бўлиб қоласиз ва хавф таҳдид солганда, ундан ўзингизни ҳимоя қила олмайсиз. Аммо "радар"ингизга ишониб, унинг кўрсатмаларига амал қилсангиз, у сизни фалокатдан асрайди.

Хуллас, "тревога" сигналини эшитиб, табассум қилинг ва дўстингизга айтинг: "Бундай қилмаганимиз маъқул, хўпми?" Агрессив бўлиш шарт эмас - шунчаки унга чегараларга риоя қилиш кераклигини эслатиб қўйинг. Борди-ю, у, нима бўлишидан қатъи назар, уларни ёриб ўтишга уринса, сиз қаттиққўллик ва қатъият кўрсатишга ҳақлисиз. Агар у сизга ҳурмат кўрсатишга қодир бўлмаса, у билан бошқа учрашмаслигингизни тушунтиринг. Ёдингизда бўлсин: танангиз ва жинсий поклигингизни ўзингиздан бошқа ҳеч ким ҳимоя қилмайди. Бу - сизнинг ишингиз.

Кутишга арзийди

Қанча яшамоқчисиз? Узоқми? Айтайлик, сиз ўзингизга тўқсон ёшгача яшашни режалаштирдингиз. Келинг, сизнинг ҳаётингизни чизғич шаклида тасаввур қилайлик - худди математика дарсларида фойдаланганингиз каби.

Дастлаб белгини ҳақиқий ёшингизга қўйинг. Сўнг никоҳдан ўтмоқчи бўлганингизда неча ёшда бўлишингизга мос рақам остига белги қўйинг. Энди орқага қайтинг ва бу манзарани реал вақтда тасаввур қилинг. Гарчи Худо умрингизнинг охиригача жинсий алоқадан лаззатланишингизга йўл қўядигандек туюлса-да, бу абадият билан солиштирганда кўпни ташкил қиладими? Елкангизда оғир ҳиссий юк бўлмаган, шармандали касалликларсиз, исталмаган ҳомиладорлик ва бошқа бузуқлик белгиларисиз турмуш қурганингизда, эрингиз билан узоқ йиллар давомида жинсий алоқадан завқланиш эҳтимоли бир неча баробар ортади.

Жинсий алоқага шошилмаслик қанчалик муҳимлигини тушунишингиз учун Майк Мейсоннинг "Никоҳ сири" китобидан парча келтирамиз:

"Эркаклар ҳаётидаги яна қандай лаҳзалар биринчи никоҳ кечаси билан тенглашиши мумкин, гўзал хоним кийимларини ечиб, унинг ёнидаги тўшакка ётади ва бу аёл унинг турмуш ўртоғи ҳисобланади. Камдан-кам учрайдиган тиришқоқлик ва зукколик билан одамлар шарманда қилиб, лойга қориштирган машғулот асида тасаввур қилиш мумкин бўлган энг беғубор нарса эканлигини билиб қолганда, унинг ҳайратига нима етсин? Дунёда балоғатга етган эркак ва аёл иштирок этиши мумкин бўлган (Худога сиғинишдан ташқари) ва бу севги ҳаракати каби болаларча, пок ва ифбатли, табиий, соғлом ва шубҳасиз адолатли бўлган бошқа ҳаракат борми? Зеро, агар бизнинг тоат-ибодатимиз Худо билан энг яқин мулоқот бўлса... жинсий яқинлик инсонлар ўртасидаги мумкин бўлган энг теран қўшилиш усулидир."

Ҳа, Худо жинсий ҳаётни энг ажойиб лаззатлардан бири сифатида ўйлаб топган, бу эса хотинни эрига супер-елим каби мустаҳкам боғлайди. Никоҳдан олдинги муносабатларингизда соғлом жисмоний чегараларни ўрнатиш ва сақлаб қолиш орқали сиз биринчи никоҳ кечасида ҳам, асал ойида ҳам ва умрингизнинг қолган қисмида ҳам афсусланмасдан жинсий яқинлик мўъжизасидан баҳраманд бўлишингиз мумкин.

«Никоҳни ҳаммангиз эъвозланглар. Эр-хотинлик муносабатини беғубор сақланглар».
Ибронийлар 13:4

VII-ҚИСМ

МУҲАББАТНИ КЕРАКЛИ ЖОЙДАН ИЗЛАШ

23-БОБ

Сизга керак бўлган Зот

*Сув севгини ўчиролмайди,
Тўфонлар уни чўктиролмайди.*

Қўшиқ 8:7

Муҳаббат. Инсоният тарихида у ҳақида бошқа ҳар қандай ҳодисага қараганда кўпроқ қўшиқлар, китоблар ва фильмлар яратилган, ёзилган ва суратга олинган. У энг хушбўй атиргулдан ҳам, энг сархуш шаробдан ҳам, энг тансиқ таомлардан ҳам кучлироқ маст қилади. Муҳаббатнинг нақадар гўзал ва сеҳрли бўлишини таърифлашга сўз ожиз. Қанчалар оғриқ беришини таърифлашга сўз ожиз. Шунинг учун ўйламай-нетмай муҳаббатга ташланмаслик жуда муҳим. Агар биз унда севги ҳақидаги тўртта саволга жавоб беришга ҳаракат қилмаганимизда, бу китоб тўлиқ бўлмас эди:

- Севиш вақти қачон келади?
- У сенга керакли инсон эканлигини қаердан биласан?
- Ҳақиқий севгини қандай аниқлаш мумкин?
- Севгингизни қандай ҳимоя қилишингиз мумкин?

Севиш вақти қачон келади?

Ўз севгилисини излаш вақти келганда, бу ҳар бир аёлда ўзига хос тарзда кечади, аммо деярли ҳамма тўртта "мавсум"дан ўтади:

1. Кузатиш мавсуми
2. Танлаш мавсуми
3. Садоқат мавсуми
4. Бирлашиш мавсуми

"Кузатув мавсуми" биринчи марта ўғил болаларга бўлган иштиёқни ҳис қилганингизда бошланади - бу одатда ўн ёшдан ўн олти ёшгача содир бўлади - ва сиз етук фикрлаш асосида ўзингизга ёқадиған одамни танлаш ва муносабатларни ўрнатишга тайёр бўлганингизда тугайди. Бу даврда - у жуда

қизиқарли ва жозибалидир! - сиз турли ёшларни танийсиз: улар билан дўстлашиб, уларда сизга нима ёқиши ва нима ёқмаслигини аниқлайсиз ва шу тариқа ўзингиз учун потенциал умр йўлдошингиз образини яратасиз.

Масалан, Бен ўзининг зерикарлилиги билан сизни тоқатингизни тоқ қилади, аммо Скотти сизни ва дугоналарингизни қаттиқ кулдиради - ва умуман олганда, у жуда кулгили! Аста-секин сиз ўзингизга керак бўлган одам яхши ҳазил туйғусига эга бўлиши кераклигини тушуна бошлайсиз. Ёки, масалан, Жаред ҳар ҳафта янги дугонаси билан пайдо бўлишини пайқаб қолсангиз, йигитингиз содиқ ва садоқатли ҳис-туйғуларга қодир бўлиши керак, деган қарорга келасиз. Хуллас, ғоя сизга равшан.

Бу даврдан фойдаланиб, бошқа одамлар ва уларнинг феъл-атвор хусусиятларини яқиндан билиб олинг, эрталаб қайси инсон билан бирга уйғонишни хоҳлашингизни тушуниб олинг. Бу "мавсум"нинг давомийлиги ҳар сафар ҳар хил бўлади. У бошланғич синфлардаёқ, сиз ёқтирган биринчи боладан бошланиши мумкин ва сиз ўзингиз учун қизиқарли бўлган ёшлар билан дўстона муносабатларни сақлаб, бўлажак турмуш ўртоғингиз қандай фазилатларга эга бўлиши кераклигини тушунишга ҳаракат қилгунингизча давом этиши мумкин ва бу балоғат ёшига етгунингизга қадар давом этиши мумкин. Ниҳоят, "тўғри" йигит билан жиддий муносабатларга тайёр бўлганингизда, ҳаётингизда янги босқич бошланади.

"Танлов мавсуми"да сиз онгли равишда "айнан ўша" йигитни излай бошлайсиз, ўзингизга бўлажак умр йўлдошингизни танлаётганингизни биласиз ва бу танловга тайёр эканлигингизни ҳис қиласиз. Истисно қилиш усули билан ҳаракат қилиб, сиз у ёки бу сабабларга кўра талабларингизга жавоб бермайдиган ёшларни рад этасиз. Бу даврда сиз, эҳтимол, ўзингизга ёққан, жиддий муносабатлар учун муносиб номзодга ўхшайдиган, феъл-атворида яққол камчиликлари бўлмаган, сизнинг "намунангизга" мос келадиган, ота-онангиз ва дўстларингизга ёқадиган йигит билан мулоқот қиласиз. Сиз у билан кўп вақт ўтказасиз, телефонда гаплашасиз, хат ёзишиб турасиз. Доимо ўзингиздан: "Эҳтимол, бу менга керак бўлган одамдир?" деб сўрайсиз.

Йигитни дўст сифатида қадрлайдиган, қадрдон инсон сифатида севадиган даражада яхши билиб, у ҳар томонлама сизга мос, деган қарорга келганингизда кейинги "мавсум"га қадам кўясиз.

"Садоқат мавсуми"да туйғуларингиз ғайриоддий кўтаринкиликда, умидларингиз юксак ва ёрқин, эҳтимол, қалбингизда бўлажак оилани орзу қиляпсиз. Ҳа, албатта, сиз бундан олдин ҳам турмушга чиқишни ва она бўлишни орзу қилган бўлсангиз керак, лекин ўша табиий ва соғлом хаёлларингизда куёвингизнинг қиёфаси қандайдир ноаниқ ва ноаниқ кўринарди. Энди эса сиз унинг юзини аниқ тасаввур қиласиз ва сизга керак бўлган одамни таниб олганингиздан хурсанд бўласиз.

"Уйланиш мавсуми" - бу сизнинг турмуш қурган вақтингиз. Сиз отангиз ва онангизни ташлаб, умрбод турмуш ўртоғингизга ёпишиб олишга ваъда бергансиз. Сиз уни соғ-саломатлигидаям, касаллигидаям, бойлигидаям, камбағаллигидаям, шодлигидаям, ғам-ташвишидаям севишга ваъда бергансиз. Сиз уялмасдан танингизни бериб, севганингиз билан бир тан-у бир жон бўлиб қоласиз.

Навбатдаги масалага ўтишдан олдин сизни огоҳлантириб қўймоқчимиз: ҳаддан ташқари узоқ муддатли учрашувлар одатда жинсий васвасаларга бой бўлади ва биз уни узоқ давом эттиришни маслаҳат бермаймиз. Айнан шунинг учун ҳам биз вақт сизнинг иттифоқчингиз эканлигини ва воқеаларни шоширишнинг ҳожати йўқлигини тақрорлашдан чарчамаймиз. Шунини ёдда тутингки, кузатув ва танлов "мавсуми"дан от чоптириб ўтиб, ўн уч-ўн тўрт ёшли қизалоқ кимгадир умрбод ваъда бериш учун истиқбол олдида камида яна беш йил кутади.

Шунча вақт давомида йигит билан ишқий муносабатда бўлиб, ақлингизни, қалбингизни ва танангизни ифбатда сақлаш осон эмас. Шунинг учун биз сизга жиддий муносабатда бўлишни ҳеч бўлмаганда ўрта мактабнинг охириги синфигача кутишни тавсия қилган бўлардик. Шундан сўнг, агар сиз ўзингизга керакли инсонни топдим, деб ҳисобласангиз, яна бир-икки йил сабр қилиш сиз учун унчалик қийинчилик туғдирмайди. Бу даврда сиз ўзингизни яхшироқ билиб олишингиз ва бўлажак турмуш ўртоғингизда қандай фазилатларни кўришни хоҳлашингизни тушунишингиз мумкин. Бундай шароитда сиз ўзингизга муносиб умр йўлдошни танлайсиз.

У сизга керакли инсон эканлигини қаердан биласиз?

Худо сизга битта-ю битта йигитни тайёрлаб қўйдими? Наҳотки, дунёда фақат биргина одам сизга чин юракдан дўст бўла олса? Йўқ, албатта. Худо сизга керак бўлган Ягонани атайлаб сайёранинг нариги бурчагида яширмайди, кейин сизга: "Энди уни қандай қидиришингизни томоша қиламиз!" Кўпгина ёшлар сизнинг бўлажак турмуш ўртоғингиз ҳақидаги тасаввурларингизга мос келади, аммо ҳаётингизни ким билан боғламоқчи эканлигингизни ўзингиз танлашингизга тўғри келади. Аммо ҳатто танловингиз нотўғри бўлиб чиқса ва сиз ўзингизга керак бўлмаган одамга турмушга чиқсангиз, никоҳ қасамларини ичганингиздан сўнг, у сизнинг умрбод танлаганингизга айланади. Худо, кейинчалик намоён бўлиши мумкин бўлган нуқсонларга қарамай, қувончи ва қайғули дамларда Унга садоқатли ва вафодор хотин бўлишингизни истайди. Агар сиз ақлли қиз бўлсангиз, ўзингизга керакли одамни танлаш учун кўп йиллар давомида "кузатув мавсуми"дан завқланасиз.

Сизнинг бўлажак умр йўлдошингиз қандай бўлиши керак? Баъзиларингиз дарҳол "чиройли, келишган, қора сочли!" деб хитоб қиласиз. Майли, шундай бўлсин, лекин сиз бу юксак фазилатлардан ташқари яна бешта фазилатни эътиборга олишингиз керак:

1.Руҳий етуклик ва ҳақиқий масиҳий характер. У Худони севадими? У жамоатга борадими? Худога ибодат қилиб, ўз эътиқодини уялмасдан бўлишадими? Яқинларига хизмат қилиб, уларга ва биринчи навбатда оиласига ёрдам бериб келадими? Унда Муқаддас Руҳнинг мевалари - севги, қувонч, тинчлик, сабр-тоқат, эзгулик, раҳм-шафқат, имон, мулойимлик, вазминлик кўриняптими? Агар қачондир у сизнинг оилангизга руҳоний бўлса, руҳий етуклик каби фазилатлар рўйхатнинг бошида туриши керак.

2.У соғлом оилада тарбияланган (ёки ҳеч бўлмаганда шундай оилани яратишга интилади). Шунинг унутмангки, сиз ўзингизни нафақат у билан, балки унинг қариндошлари ва яқинлари билан ҳам боғлайсиз. Эҳтимол, сиз унинг оиласи билан мулоқот қилишдан унчалик завқланмасиз, лекин келажакда сиз бу одамлар билан байрамларни ҳам, дам олишни ҳам ўтказишингиз керак бўлади. Агар у соғлом оилада тарбияланган бўлса, ота ва онаси яхши масиҳийлар бўлса, бу идеал вариант. Аммо ҳатто имондошимиз бўлмаган ёки ажрашган ота-онанинг ўғли ҳам яхши умр йўлдоши бўлиши мумкин. Шунга қарамай, агар сиз унинг нотинч оиладан чиққанлигини билсангиз (гарчи бизнинг давримизда камдан-кам оилалар тўлиқ фаровон деб ҳисобланиши мумкин бўлса-да), дўстингизга диққат билан қаранг, у нормал, соғлом муносабатларни ўрната оладими ёки йўқми. Ота-онаси ёмон ўрнак кўрсатганига қарамай, у яхши эр ва ота бўлишни истаётганига ишонч ҳосил қилинг. (Айтганча, агар сиз нотинч оиладан бўлсангиз, сизнинг романтик танловингиз муваффақиятли бўлиши даргумон - фақат сиз болалиқда олган жароҳатларингизни руҳан даволашга ҳаракат қиласиз. Тенгдошларингиз - ўғил ва қиз болалар билан яқин дўст бўлинг ва жиддий ишқий муносабатларга киришишдан олдин соғлом мулоқотни ўрганинг).

3.Молиявий масъулиятни ўз зиммасига ола билиш. Агар у оила бошлиғи, сиз ва фарзандларингизнинг боқувчиси бўлса, унга пул топиш, уни оқилона тақсимлаш ва тежаш қобилияти зарур. Агар унинг жорий ҳисобида бир тийин ҳам бўлмаса, эҳтимол, у ҳали сизга керакли одам эмасдир. У билан жиддий муносабатларга киришишдан олдин, унинг молиявий ишлари тўлиқ тартибга солинганлигига ишонч ҳосил қилинг.

4.Келажак ҳақида аниқ тасаввур. Бу ҳаётда Худо уни нимага ундаётгани ҳақида тушунчага эга бўлган, нима билан шуғулланишни хошлаётганини биладиган ва бунга қандай эришиш бўйича аниқ режаси бўлган одамни изланг. Унинг ҳаётий режалари сизнинг режаларингизга зид келмаслигига ишонч ҳосил қилинг. Агар сиз унга хотин бўлсангиз, унга ёрдамчи бўлиб, Худо қаёққа бошласа, ўша ёққа боришингиз керак бўлади. Гарчи қизиқишларингиз бир-биридан кескин фарқ қилса-да, улар барибир бир томонга интилиши керак. Кейин нима қилишини аниқ билмай турмуш қурадиган енгилтак йигитларга ўхшаманг. Уларнинг келажак ҳақидаги тасаввурлари озми-кўпми аниқ-равшан шакллангунга қадар, улар эр ёки хотиннинг режаларига мутлақо тўғри келмаслиги маълум бўлади. Бундай ҳолат юз берганда, эр-хотиндан бири ўз орзуларини қурбон қилишга мажбур бўлади ёки вақт ўтиши билан никоҳ бузилади.

5. Жисмоний жозибадорлик. Эътибор беринг: гарчи бу фазилат бизнинг рўйхатимизда охириги ўринда турса-да, шунга қарамай, у рўйхатда мавжуд. Танлаган одамингиз спортчи ёки кино юлдузи бўлиши шарт эмас, лекин у сизни жисмонан ўзига жалб қилиши керак. Агар у Худони севса, ажойиб, мустақкам оилада ўсган бўлса, пул топишни ва уни оқилона бошқаришни билса ва уни порлоқ келажак кутаётган бўлса ҳам, лекин жисмонан у сиз учун жозибадор бўлмаса, унга турмушга чиқманг. Тўғриси ўзигим учун узр, лекин сизни жисмонан ўзига жалб қилмайдиган эркакка ҳадеб таслим бўлаверишни истамайсиз. Сиз ўз тақдирингизни бундай одам билан боғлашингиз ҳам ақлсизлик, ҳам шафқатсизлик бўларди. Турмуш ўртоғингизнинг сизга нисбатан ҳеч қачон жисмоний майли бўлмаганини билиш сиз учун даҳшатли эмасми? Эркаклар ҳам худди шундай ҳис қилишади.

Ҳақиқий севгини қандай аниқлаш мумкин?

Бундай савол севги ҳиссиёт эканлиги ҳақидаги нотўғри тасаввурингизни ошкор қилади. Эр-хотинларнинг кўпчилиги сизга баъзида бир-бирларини севишларини "ҳис қилишлари"ни, баъзида эса ҳеч нарсани "ҳис қилмасликларини" айтишади. Ҳис-туйғулар ўзгарувчан, аммо муҳаббат - бу бошқа нарса. Бу садоқатдир. Агар сиз йигитни чиндан ҳам яхши кўришингизни билмоқчи бўлсангиз, ўзингиздан сўранг:

"Мен бу одамга содиқманми?" Агар бу нотўғри бўлса ёки сизнинг садоқатингиз жуда шартли бўлса, демак, сиз уни севмайсиз. Агар сиз унга ҳеч қандай шарт ва оқлашларсиз содиқ бўлсангиз (ҳатто бу сизга жуда қийин бўлса ҳам), демак, бу чинакам муҳаббатдир.

Ҳаворий Павлус Коринфликларга биринчи мактубида шундай деб ёзган:

«Севги сабр—тоқатли ва меҳрибондир. Севги ҳасад қилмайди, мақтанмайди, кеккаймайди. Севги одобсизлик қилмайди, худбинлик қилмайди, аччиқланмайди, кек сақламайди. Севги ноҳақликдан севинмайди, аксинча, ҳақиқат қарор топганда шодланади. Севги ҳар нарсани кўтаради, ҳеч қачон ишончини йўқотмайди, ҳар қандай шароитда умид сақлайди, ҳар нарсага тоқат қилади. Худонинг сўзини етказиш инъоми ҳам, номаълум тилларда гапириш инъоми ҳам йўқ бўлади, билим ҳам бартираф бўлади. Севги эса асло адо бўлмайди»

Агар унинг муҳаббати вақт синовидан ўтса, сизга ўзгармас ҳурмат билан муносабатда бўлса, сиз белгилаган чегараларга риоя қилса, сизни асраб-авайласа, сизга ишонса ва доимо сиз учун фақат яхшилик истаса, амин бўлингки, у сизни севади. Агар у бундай қилмаса, демак, унга турмушга чиқмаслигингиз керак. Ўзингизни ҳам кузатишни унутманг - севгингиз вақт синовидан ўтятими ва ҳоказо.

Севгингизни қандай ҳимоя қилишингиз мумкин?

Керакли одамни топиб, у билан "садоқат мавсуми"ни бошлаганингизда, сиз учта қоидага риоя қилишингиз керак (агар севгингиз йўқолишини эмас, балки мустақкамланишини истасангиз):

1. Унинг шахсий ҳаётини ҳурмат қилинг. Доимо ёнингизда бўлишга мажбур қилиб, унга ёпишиб олманг. У сизнинг севгилингиз, лекин сиамлик эгизагингиз эмас-ку! Сизнинг ҳиссий эҳтиёжларингизни қондиришда у бутун бўш вақтини фақат сизга бағишлайди, деб кутманг. Унда севимли машғулот билан шуғулланиш ва яқин дўстларингиз билан вақт ўтказиш истагини рағбатлантиринг ва ўзингиз ҳам шундай қилинг. Уни ҳозирги пайтда унинг учун жуда муҳим бўлган машғулотлардан: кунт билан ўқиш ёки унга қўшимча даромад келтирадиган ишдан атайлаб чалғитманг. Сизнинг сабр-тоқатингиз эртами-кечми мукофотланади, чунки у сизнинг ўзини, унинг муносабатларини, шахсий мақсадларини қўллаб-қувватлашга бўлган интилишингизни албатта қадрлайди. Кейинчалик, у сиз билан бирга бўлиш учун келганида, сиз унинг зарурат туфайли эмас, балки ўз хоҳиши билан шундай қилаётганини билиб оласиз.

2. Ташаббусни унга қўйиб беринг. Йигитни ўзидан узоқлаштиришнинг энг ишончли ва тезкор усулларида бири - уни ҳали қодир бўлмаган мажбурият томон қаттиқ турткилашдир. Агар у ҳали уйланишга тайёр бўлмаса, эҳтимол, бу фикрга кўникиши учун вақт керакдир. Буни одатий ҳол

сифатида қабул қилинг ва сабрли бўлинг... ёки у сизга керакли одам эмас, деган тахминга йўл қўйинг ва қидиришда давом этинг. Дарҳақиқат, унинг бевақт, чала мажбуриятининг сизга нима кераги бор? Ким билсин, - борди-ю, у тайёр эмасман деса, эҳтимол, бу билан у сизга буюк бир хизмат кўрсатиб, сизни кўпдан-кўп азоб-уқубатлардан халос этгандир? Агар сиз унинг ўзи "ҳа" дейишини кутсангиз, у ҳақиқатан ҳам рози эканлигини биласиз.

3. У билан бирга яшаманг ва ҳар қандай шаклдаги жинсий алоқани рад этинг. "Christianity Today" журнали томонидан ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, ўсмирларнинг 70 фоизи умуман ва масиҳий ўсмирларнинг 50 фоизи никоҳдан олдин бирга яшашни мақбул деб ҳисоблашади. Кўпгина ёш аёллар йигит билан жинсий алоқа қилиш орқали муносабатларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишади: улар танани бериб, севгилисини абадий боғлаб қўяман деб ўйлашади. Алданманг! Ёдингизда бўлсин: жинсий алоқа одатда эркак интиладиган асосий нарсадир ва агар у аллақачон хоҳлаган нарчасига эришган бўлса, нима учун у ўз эркинлигидан воз кечиб, уйланиши керак? Онам айтганидек: "У шундоқ ҳам сутни текинга олаётган бўлса, сигир сотиб олишнинг нима кераги бор?" Мукофотни кутишни биладиган одам олади, интим муносабатлар эса бунга арзийди. Бугун уларни кечиктириш билан сиз ўзингизга бир умрлик мукофот тайёрлайсиз.

Сизга ҳаммадан кўра кўпроқ керак бўлган Зотни унутманг!

Хулоса ўрнида сизга дунёдаги ҳамма нарсадан кўра кўпроқ керак бўлган, сизнинг эътиборингиз ва меҳрингизни кутаётган, сизни тасаввур ҳам қилолмайдиган даражада севишга тайёр бўлган Зотни эслатиб ўтаман. Сизга бу беминнат муҳаббатни кўрсатиш учун У аллақачон улкан қурбонликлар берди. У тасаввур қилиш мумкин бўлган энг мустаҳкам оиладан чиққан ва Унинг Отаси бизга Ўғлига бўлган мукамал севгининг намунасини кўрсатади. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. У зот сизларни улуғ неъматлар билан ризқлантиради. Сизнинг биргаликдаги келажагингиз Унинг учун очиқ китобдир ва бу китобда сизнинг жаннатдаги туганмас асал ойингиз тасвирланган.

Модомики сиз дунёвий никоҳ ришталари билан боғланмаган экансиз, нега Исо Масиҳнинг беқиёс муҳаббатидан ҳар соатда баҳраманд бўлмайсиз?

«... Имонингиз орқали Масиҳ юрагингиздан жой олсин. Сизлар илдизи чуқур дарахтдай бўлинг, Худонинг севгиси сизларни барқарор қилсин. Худонинг барча азизлари билан бирга, Масиҳнинг ақл бовар қилмас севгиси қанчалик кенг, қанчалик чексиз, қанчалик юксак ва теран эканлигини тўла англаб, билиб олинглар. Шунда ҳаётингиз Худонинг камолотига тўлиб-тошади». Эфесликлар 3:17-19

24-БОБ

Унга керак бўлган қиз бўлиш

Яна Худованди Карим: «Одамнинг ёлғиз бўлиши яхши эмас, энди унга муносиб мададкор яратаман», – деди.

Ибтидо 2:18

Тасаввур қилинг, сиз хонага кирдингиз, у ерда олти чиройли ёш масиҳий ўтирибди ва ҳар бири навбати билан қайси хотинни орзу қилаётганини айтмоқда. Сиз пашшага айланиб, деворга суяниб ўтириб, уларнинг самимий суҳбатини тинглашни истармидингиз? Бўлмасам-чи! Мана шу ҳақда гаплашамиз.

Биз олти йигитдан сўрадик: "Бўлажак рафиқангизда қандай ўнта асосий фазилатни кўришни хоҳлайсиз?". Уларнинг жавоблари бу ерда ушбу фазилатларни қандай ривожлантириш бўйича кўрсатмаларимиз билан бирга жойлаштирилган. Бу фазилатлар рўйхатини биз суҳбатдошларимиз билан олдиндан келишиб олган ҳолда ихтиёрий тартибда келтирамиз, бу китобда улар энг муҳим деб ҳисоблайдиган нарсалар ҳақида нималар айтилиши керак. Албатта, бошқа фазилатлар ҳам муҳокама қилинди, аммо ҳар бир киши қуйида келтирилган мезонларга қўшилди.

1. У "Исо Масихда" яшайди.

Сиз жамоатга ёки ёшлар гуруҳига борасизми? Масихнинг садоқатли шогирди бўлиш учун ўз устингизда ишлаб, Унга хизмат қилиш йўллари излаясизми? Худонинг Каломини ўқиясизми ва Худони янада яхшироқ билиш учун ибодат қилясизми? Бутун қалбингиз билан Худога интилангиз, У сизни ҳайратланарли тарзда ўзгартиради, одамлар интиладиган ва яқинроқ билишни хоҳлайдиган шахсга айлантиради. Агар йигит сизнинг масихийлик моҳиятингизга мойил бўлса, демак, у ҳам Худони севади.

2. У ўзини парваришлайди ва ҳурмат қилади.

"Ўзини парвариш қиладиган" қиз деганда нимани назарда тутишган? Бу шуни англатадики, унинг вазни озми-кўпми бўйига мос келиши керак; териси тоза, сочлари ва тирноқлари парваришланган бўлиши керак. Бундай аёл ўзининг қандай кийингидан мамнун бўлади ва ўз кўринишидан уялмайди.

Ҳақиқатдан қочиб қутулиб бўлмайди: эркалар "ташқи кўринишга тумшуғини суқади." Биз суҳбатга тортган йигитлар бу фикрни иложи борича нозик ифодалашга ҳаракат қилишса-да, жозибали қизларни ёқтиришларини ҳеч ким инкор этмади. Улардан бири: "У гўзаллик қироличаси ёки журнал муқовасидаги модель бўлиши шарт эмас, шунчаки чиройли бўлсин," деди. Яна бири қўшимча қилди: "Унинг ички жозибаси мен учун ташқи жозибадан кўра муҳимроқ бўлади." Баъзилар ўтмишда стереотип "гўзаллар" билан учрашганликларидан шикоят қилишди, аммо вақт ўтиши билан аниқланган ёқимсиз характер хусусиятлари улардаги жозибадорликни йўқ қилди. Бошқа қизларнинг рейтинги улар ўзига ишонмагани учун тушиб кетди ва уларни доимо яхши эканликларига ишонтаришга тўғри келди. Йигитлар, шунингдек, қизларнинг мақтовларга "кўмилиб кетишини" ёқтирмасликларини айтишди. Уларга ўзига бўлган ишончи ташқаридан эмас, ичкаридан келадиган ёш аёл керак.

3. У энгил, қувноқ характерга эга бўлиши, ҳаётга оптимистик кўз билан қараши керак.

Йиғлоқи ва вайсақиларни ҳеч ким ёқтирмайди. Биз табиатан бошқаларнинг кайфиятини кўтара оладиган қувноқ одамларга интиламиз. "Ўзимга керакли инсонни топсам бўлди, ўша ерда ҳам қувноқ, ҳам бахтли бўламан," деб адашманг. Ўн беш йил давомида йигирма тўрт минг кишининг муносабатларини ўрганган психологлар шуни аниқладиларки, "Эр-хотинлик камдан-кам одамларни бахт билан тўлдирди - бундайлар ўн бир бўлинма шкаласининг ўндан бир қисмини эгаллайди... Кўпчиликни никоҳдан кейинги ҳаёти никоҳдан олдинги ҳаётдан кўра кўпроқ қониқтирмайди... Эр-хотинлик аҳд-паймонларидан сўнг бахт туйғуси ортса-да, кўпчиликда икки йил ичида никоҳгача бўлган даражага қайтади." Хуллас, тўй инсонни абадий тушқунликдан чиқариш воситаси эмас. Ўзингизни ва умуман ҳаётни ҳаддан ташқари драматик қабул қилманг. Нарсаларга оптимизм билан қарашни ўрганинг. Яхшиликсиз ёмонлик бўлмайди, деган гапни тез-тез эслаб туринг. Тез-тез кулинг, айниқса ўз устингиздан. Агар тушқун кайфиятингиз кетма-кет икки ойдан ортиқ вақт давомида ҳаётингизни заҳарлаётган бўлса, ота-онангиз, руҳоний ёки шифокор билан суҳбатлашинг ва тушқун кайфиятингиз сабабларини аниқлашга ҳаракат қилинг.

4. Бошқа йигитлар даврасида у ўзини вазмин тутиши керак.

Ажабланманг, лекин аксарият болалар ўзларининг жуда рашкчи эканликларини тан олишади. Агар қиз уларга ёқса, бошқа йигитларга ҳаддан ташқари дўстона муносабатда бўлишини хоҳламайдилар. Бир йигит шундай деди: "Агар қиз билан жиддий муносабатда бўлсам, у учун фақат мен борлигимни билишини истайман! Унинг бошқа йигит билан ўйнашини ёқтирмайман ва у мени унга алмаштиради, деб хавотирланишни хоҳламайман." Айтганча, йигитлар севгилисининг эркак дўстлари бўлиши мумкинлигини тан олишади ва қиз билан расман учрашишни бошлаганларида улар билан дўстлашишга ҳам қарши эмаслар.

5. У тежамкор бўлиши ва оилавий бюджетни оқилона режалаштира олиши керак.

Кўпчилик ёшларни бўлажак оилани муносиб таъминлай оламанми, деган ўй ташвишга солади. Улар нон учун жавобгарлик ва ҳисоб-китоблар бўйича тўловлар мажбурияти катта эҳтимол билан уларнинг елкасига тушишини тушунишади. Сухбатдошларимиздан бири шундай деди: "Агар мен пул топиш учун кўп ҳаракат қилишим керак бўлса, хотиним уни иложи борида узоқроқ сарфлашга ҳаракат қилсин!" Турмуш қурганингиздан сўнг пулни тежаб-тергаб, оқилона ишлатишингизга ишонч ҳосил қилишнинг бир йўли - қанча пул ёки даромадга эга бўлишингиздан қатъи назар, бу ажойиб фазилатни дарҳол машқ қилишни бошлашдир. Бу шуни англатадики, ота-онангиз сизга керакли нарсаларни ликопчада олиб келишларига умид қилмаслигингиз керак. Агар шу пайтгача ўзингизни шундай тутган бўлсангиз, демек, эрингиздан ҳам шуни талаб қиласиз. Пулни исроф қилманг ва дуч келган нарсани сотиб олманг. Агар сиз кредит карточкасида фойдалансангиз, ундан ҳар ойда қатъий белгиланган суммани ечиб олинг, ундан кўп эмас. Ҳеч қачон кредит олманг ва қарзга ботманг, акс ҳолда фақат фоизлар билан хонавайрон бўласиз. Қарз кўринишида эрига молиявий "маҳр" олиб келадиган хотин яхши! Шундай қилиб, бугуноқ тежашни бошланг - ва сиз бўлажак турмуш ўртоғингиз учун зарар эмас, балки қимматли ютуққа айланасиз.

6. У оиласи билан яхши муносабатда бўлиши ва яқин дўстларига эга бўлиши керак. Никоҳда яшашни ўрганмоқчимисиз? - Оилангиз билан яшанг! Қариндошларингиз билан тинч-тотув яшашни билмайсизми ва яқин дўстларингиз йўқми? Эҳтимол, бу сизнинг қўпол феъл-атворингиз билан ажралиб туришингиз туфайлидир - ва бу нормал йигит учун "қизил байроқча" дарров кўзга ташланади. Аммо сиз ва ота-онангиз ўртасида "оталар ва болалар" ўртасида тез-тез кузатиладиган ўзаро тушунмовчилик бўлса ҳам, улар билан мулоқот қилиш ёки биргаликда бирор машғулот сизга завқ бағишлайдими? Ноҳақлигингизни тан олиб, кечирим сўрашни биласизми? Бошқаларнинг барча нуқсонларига қарамай, уларни кечира оласизми ва сева оласизми? Муносабатларда ён беришга қодир бўлганингиз туфайли одамлар сиз билан дўстлашадими? Унга керакли бўлишни истасангиз, ўзингизда бу фазилатларни ривожлантиринг.

7. У ғамхўр ва вақт ўтиши билан яхши она бўлади.

Ёшлар фарзандларининг бахтли бўлиб ўсишини хоҳлашади, шунинг учун улар болаларига ғамхўрлик қиладиган ва яхши она бўладиган рафиқага эга бўлишни орзу қилишади. Албатта, уларнинг кўпчилиги ўзлари ҳам энг яхши ота бўлишни ният қилишади ва бола тарбиясида хотинига ёрдам беришга астойдил тайёргарлик кўришади. Аммо бу иш кўп вақт ва куч талаб қилади, шунинг учун Худо отага ҳам, онага ҳам фарзандларининг жисмоний, ҳиссий, ақлий ва маънавий эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилишни буюрган. Эҳтимол, сиз карьера қилишга қатъий қарор қилгандирсиз, аммо оила қурмоқчи бўлсангиз, ҳиссий жиҳатдан соғлом фарзандларни тарбиялаш учун баъзи шахсий манфаатларингизни қурбон қилишга ёки ҳеч бўлмаганда уларни келажакка қолдиришга тайёр бўлишингиз керак.

Турмуш ўртоғим билан биринчи фарзандимиз бўлишидан олдин мен тиббиёт коллежи қошидаги тайёрлов курсида ўқиганман. Эсимда, қизимиз бир ёшга тўлганида роса йиғлаганман: ахир, бир йиллик тиришқоқлик билан ўқишим беҳуда кетгандек эди! Тиббиёт коллежига ўқишга кирсам, ҳаётимни янада мураккаблаштиришимни тушундим ва ўшанда ҳаётимда учраган энг оғир қарорлардан бирини қабул қилдим. Мен бакалавр даражаси учун имтиҳон топширдим, лекин ўқишни давом эттириш фикридан қайтдим. Мен буни оилам номидан қилдим ва кейинчалик ёшлар хизматчиси ва маърузачи сифатида ярим ставкада ишлаган бўлсам ҳам, бундан ҳеч қачон афсусланмадим. Аммо мен фарзандларим билан кўпроқ вақт ўтказишим мумкин эди ва ўртамизда руҳий алоқа ўрнатилди, буни ҳатто энг ёрқин мартаба ҳам ўрнини боса олмайди.

8. У менинг ҳаётим режаларимни қўллаб-қувватлаши, менга далда бериши ва руҳлантириши керак.

Энг муҳими, эр хотинининг самимий ёрдамига муҳтож. Сиз унинг ашаддий мухлиси бўлишингиз керак. Ҳа, баъзида сизга қийин бўлади. Бу ҳаётда ҳеч биримиз йўқотишлардан - ишсиз қолишдан, яқинларимиз ва севимли инсонларимизнинг, балки фарзандимизнинг ўлимидан ҳам суғурталанмаганмиз. Баъзида эри ишини ўзгартириб туради, бу эса катта молиявий қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ҳаёт қийинчиликлари ва умидсизликларни енгиб ўтаётганда, эркакка ҳар нарсада уни қўллаб-қувватлайдиган содиқ ҳамроҳ - ёнида турадиган аёл керак. Мен ҳуқуқшуносга турмушга чиққан бир аёлни биламан - қисман амалий мулоҳазаларга кўра: унга юқори маош оладиган мутахассисга турмушга чиқиш ҳар қандай молиявий муаммолардан бутунлай халос этадигандек туюлган. Аммо қирқ ёшга кирганида эри жуда чарчаганини ҳис қилди ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳламади. У ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланишга қарор қилди, гарчи бу унинг маоши сезиларли даражада камайишини аниқларди. Хотини уларнинг ҳаётидаги кескин ўзгаришни қабул қилмади ва бир неча йиллик келишмовчилик ва жанжаллардан сўнг улар ажрашишди. Унинг эрига бўлган муҳаббати чек дафтарчаси туфайли эди. Сизга керак бўлган Том ҳақида ўйлар экансиз, ўзингиздан шундай деб сўранг: "Мен бу одамга қанчалик содиқман? Уни ҳурмат қиламанми, унга энг содиқ мухлиси бўла оладиган даражада ишонаманми?" Унутманг, турмуш ўртоғингизни ҳаёт йўлининг ҳар бир қадамида қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш сизнинг бурчингиздир.

9. Унинг орзулари ва мақсадлари бўлиши керак, уларни амалга оширишда мен унга ёрдам бера оламан.

Нима билан шуғулланасиз? Севимли ишингиз борми? Сизга нима куч ва ҳаракат қилиш истагини беради? Юқори синфларда ўқиётганингизда, қайси машғулотлар сизни қизиқтириши ва руҳлантириши мумкинлигини аниқлай оласиз. Коллежда ўқиётганимда, жисмоний тарбия бўйича имтиҳон топшириш зарурати мени жуда қийнади. Аламимдан акваланг бўйича сузиш тўғрисида аъзо бўлдим ва кутилмаганда сув остига шўнғишни севиб қолдим. Бундан ташқари, она тили машғулотлари мени жуда безор қиларди. "Инглиз тилини қанча топшириш мумкин! - деб ўйладим. - Ҳар йили шу аҳвол!" Лекин кейин нима бўлганини топинг-чи? Бу менга яхши ёзувчи ва суҳбатдош бўлишимга ёрдам берди, умуман олганда, севимли машғулотимга айланди. Болалар психологияси курси менга ўз фарзандларимни яхшироқ тушунишга ва улар учун яхши она бўлишга ёрдам берди - бу ҳар доим менинг асосий мақсадим бўлиб келган. Дунёқарашингизни кенгайтиринг, ўзингиз учун янги қизиқишларни кашф этинг ва сиздан қизиқарли, кўп қиррали, бахтли инсон чиқади!

10. У саргузаштларни яхши кўриши ва менинг баъзи қизиқишларимни баҳам кўриши керак. Йигитлар умуман қизиқувчан бўладилар, шунинг учун уларга ҳеч бўлмаганда баъзи қизиқишларини баҳам кўра оладиган дугоналар керак. Сиз саргузаштларни яхши кўрасизми? Агар сизда ҳеч қандай севимли машғулот бўлмаса, ўзингизда у ёки бу машғулотларга мойилликни ривожлантиришга ҳаракат қилишингиз мумкин. Бошланг, санъат фестивалларига ташриф буюринг, музейларга боринг ёки қандайдир ғайриоддий маҳоратни эгаллашни бошланг - ёғоч ўймакорлиги ёки интерьер дизайни. Театр синфига ёзилинг. Чет тилини ўрганишни бошланг, ҳайкалтарошлик ёки веб-сайтларни ишлаб чиқиш билан шуғулланинг - қисқаси, қайиғингизни ушлаб турадиган бирор нарса билан шуғулланинг. Ёпиқ дунёнгиздан чиқиб, янги қувонч ва завқларни топишни ўрганинг. Албатта, ўйин-кулги ҳақида ҳар бир инсоннинг ўз тушунчалари бор. Бўлажак турмуш ўртоғим билан учраша бошлаганимда, у софтбол ўйнашни, мен эса дўкон айланишни яхши кўришим маълум бўлди. Шундай қилиб, ҳеч ким хафа бўлмасин деб, жума кунлари ишдан кейин харидга чиқардик, шанба кунлари эса трибунада ўтириб, севимли футболчимга мухлислик қилардим. Неча марталаб: "Кел, шанба куни мен дўкон айланаман, сен софтбол ўйнайсан, кечқурун учрашамиз," деб таклиф қилмоқчи бўлдим, лекин бу "ёлғизликдаги лаззат" иккаламиз бирга бўлганимиздан оладиган улкан завқ билан тенглаша олармиди! Дўстингиз нимага қизиқмасин, иккаламиз учун ҳам қизиқарли бўлган нарсани топишга ҳаракат қилинг

ва бундан биргаликда қувонинг. Ҳаёт ўйин-кулгидан воз кечиш учун жуда қисқа, биргаликдаги завқ эса ҳар қандай муносабатларни мустаҳкамлайди.

11. Худога содиқ дўст бўлиш.

Эҳтимол, сиз ҳали ёш йигитнинг қизи бўлишга тайёр эмасдирсиз, лекин ёлғизлик пайтида ҳам, ҳаётингизнинг ҳар қандай даврида ҳам Худога яхши дўст бўлиш мумкин. Худо дўстга муҳтож деган фикр ғалати туюлиши мумкин, лекин тахмин қилинг, Унга ишонадиган ва Унинг жамоатига аъзо бўлганларни нима деб аташади? - Масиҳнинг келинчаги! Гарчи Худо бизнинг ёрдамимизсиз ҳам урдасидан чиқиши мумкин бўлса-да, У Ўз ишларини биз орқали амалга оширишни афзал кўради. Унинг энг буюк истаги шуки, одамлар Унинг қўллари бўлиб, қалблари Унинг шифобахш тегинишига муҳтож бўлганларни Унга етказсинлар, Унинг оёқлари бўлиб, У қаерга олиб борса, ўша ерга борсинлар, Унинг оғизлари бўлиб, ўз биродарларига Унинг сўзлари ва иродасини билдирсинлар. Унга Унинг мақсадларини кўзлайдиган ва Унинг ниятларини У билан бирга амалга оширадиган ёрдамчилар ва кўмакчилар, содиқ дўстлар ва дугоналар керак. Худога ёрдам бериш орқали сиз ҳар қандай машғулот бера оладиганидан кўра юқорида мукофот ва ўзингизни англаш туйғусига эга бўласиз. Яқовага садоқатли дўст бўлиш ҳақида кейинги бобда гаплашамиз.

“Севиниб хурсанд бўлайлик, Ҳаммамиз Уни улуғлайлик! Ахир, Қўзининг никоҳ куни келди, Унинг келини ўзини тўйга тайёрлади.” Кийиши учун келинга ярқираган, пок, майин зиғир либос берилди. Бу либос — Худо азизларининг одил ишларидир».

Ваҳий 19:7,8

25-БОБ

Исога ошиқ бўлиш

Мен севгилимники, севгилим эса меникидир! У нилуфарлар териб, ўз боғидан завқ олади.

Қўшиқлар 6:3

Никоҳ маросимидан сўнг меҳмонлар залига кирган келинчак ўзида йўқ хурсанд бўлиб, меҳмонларни очиқ чехра билан кутиб олди. У оқ кўйлагининг этаги пол бўйлаб чўзилиб кетган, тўр парда эса орқасига шиддат билан тушиб турган ҳолда зал бўйлаб назокат билан юриб борарди.

У ҳар бир меҳмоннинг ёнида тўхтаб, у билан бир-икки оғиз ширин сўзлашар ва сахий мақтовлардан маст бўларди: "Сиз ажойиб кўринасиз!," "Сизнинг либосингиз жуда ажойиб!," "Мен ҳеч қачон бундай гўзал келинни кўрмаганман!," "Маросим ажойиб ўтди!" Келин том маънода оломоннинг ҳайратига чўмади. Бу ҳаяжонли хитобларни у ҳатто тунгача эшитишга тайёр эди. Аслида у шундай қиларди ҳам.

Лекин куёв қаерда эди? Ҳамманинг диққат-эътибори келинга қаратилган бўлиб, ҳеч ким унинг янги турмуш ўртоғини эсламасди. Қиз эса унинг ёнида йўқлигини сезмасди ҳам. Атрофга синчиклаб қарарканман, ўз-ўзимдан: "Қаерда бўлиши мумкин?" деб сўрардим.

Ниҳоят, мен уни топдим, лекин кутган жойимда эмас. Куёв бошини эгиб, хона бурчагида турарди. У яқиндагина келинчак бармоғига тақиб қўйган олтин узукни беихтиёр айлантлар, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Ёноқларида тирноқ излари борлигини эндигина пайқадим. Куёв Исо эди. У кутди, бироқ келин унга бирор марта ҳам юзини ўгирмади. Қиз унга қўлини узатмади. Унга меҳмонларини таништирмади. Ундан мустақил равишда иш тутди.

Кўнглим беҳузур бўлиб уйғондим ва туш кўраётганимни англадим. "Эй Раббим, мен муҳаббатни ўз ўрнимдан қидирганимда Сенга қанчалар озор етказган эканман!" Уни шунчалик қаттиқ ранжитганимни ўйлаб, йиғлаб юбордим.

Афсуски, бу туш Худо ва Унинг миллионлаб одамлари ўртасида содир бўлаётган воқеаларнинг аниқ тасвиридир. У биз билан унаштирилади, биз Унинг исмини оламиз, кейин эса ўз ҳаётимиз билан яшаймиз, севги, эътибор, меҳрни, фақат бизни чин дилдан севадиган Худонинг ўғлидан эмас, истаган жойимизда излаймиз.

Исо Уни эслашимизни, дўстларимизга Уни танитишимизни, У билан ёлғиз қолиш учун ҳаммадан узоқлашишни, Унга содиқ қолишни, Унинг кўзларига ташналик билан қарашни, Уни бутун қалбимиз, бутун юрагимиз билан севишимизни қанчалик хоҳлайди!

Хўш, сиз-чи? Масиҳ билан қандай муносабатлар сизни боғлаб туради? Сизни шунчалик чуқур, шунчалик кучли севган, ер юзидаги ҳеч бир инсон бошдан кечира олмайдиган Ўша Зот билан яқин мулоқот қилишнинг сўз билан ифодалаб бўлмайдиган қувончини биласизми? Сиз бу қувончни ҳис қилишингиз мумкин - биз буни ўз тажрибамиздан биламиз.

Бу ердан у ёққа қандай ўтиш мумкин?

Сиз Исо Масиҳ билан мулоқотнинг чуқурроқ ва қувончлироқ даражасига қандай ўтишни сўраяпсиз. Келинг, бу руҳий саёҳат нимадан бошланишини ва маънавий етуклик йўлидан борар эканмиз, Худо билан бўлган муносабатимиз қандай ривожланишини кўриб чиқайлик.

Жек Хилл, устоз ва халқаро маърузачи, Худо билан муносабатларнинг олти та прогрессив даражаси мавжудлигини тушунтиради ва уларни Муқаддас Китобдан олинган ўхшатишлар ёрдамида тасвирлайди:

- "кулол ва лой" муносабати
- "чўпон ва қўй" муносабати
- "хўжайин ва хизматкор" муносабати
- "дўст билан дўст" муносабати
- "ота ва қиз" муносабати
- "келин-куёв" муносабатлари

Менимча, бу ўхшатишлар бизга Худо томонидан Унинг мураккаб шахсини яхшироқ тушуниш ва Унинг бизга бўлган мукамал севгисини чуқурроқ ҳис қилиш учун берилган. Ушбу ўхшатишлар бизнинг ўзаро боғлиқлигимиз даражаларини акс эттиради. Болалар балоғат ёшига етгунча жисмонан ривожланиб борганидек, Масиҳга ишонувчилар ҳам руҳан улғайиб, етуклик йўлидан боришади.

Биз ҳар бир босқичнинг ривожланишини алоҳида кўриб чиқамиз, сиз эса ҳозир уларнинг қайси бирида эканлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.

"Кулол ва лой" муносабатлари

Худога келганимизда, бизнинг руҳий ҳаётимиз ҳали жуда ноаниқ ва ноаниқ бўлади. Биз Халоскоримиз Исо Масиҳга бўйсунамиз ва Раббимиздан биздан Унинг хоҳлаганини яшашини сўраймиз. "Сен бизнинг Отамизсан; биз лоймиз, Сен бизнинг тарбиячимизсан ва барчамиз Сенинг қўлингнинг ишимиз" (Ишаё 64:8). Юмшоқ лой парчасига ўхшаб, биз Кулолга ўзимизни яратишга ва шаклантиришга имкон берамиз, лекин ҳали Унга ўз севгимизни билдиришга қодир эмасмиз. Агар биз Унга бўйсуниб, Унинг иродаси бизни ҳаракатга келтираётганини ҳис қилсак, ички уйғунликни ҳис қиламиз. Агар биз йўлдан адашсак ёки у ёки бу ишни нима учун қилаётганимизни яхши тушунмасак, Худодан узоқлашаётганимизни ҳис қиламиз. Кўпинча биз Ундан узоқлашамиз, чунки У бизнинг номукамаллигимиз туфайли ғазабланаётгандек туюлади. Эфесликларга 2:10 да шундай дейилган:

"Биз Худонинг ижодимиз. Худо бизни Исо Масих орқали эзгу ишлар қилиш учун яратган".

Мана нима учун Худога бўйсунуш ва У бизни ҳаётимиз билан Унга шараф келтиришимиз учун ўзгартиришига қаршилиқ қилмаслик жуда муҳимдир. Аммо бу билан Худо биз билан муносабатларини чеклаб қўймайди. У бизнинг мулоқотимиз чуқурроқ ва яқинроқ бўлишини истайди.

"Чўпон ва қўй" муносабати

Қўйга ўхшатиш сизга унчалик ёқимли туюлмаслиги мумкин, аммо бу мажоз Худонинг Ўз халқига ғамхўрлик муносабатини кўрсатади: меҳрибон чўпон ўз подасини шундай асрайди ва унга ғамхўрлик қилади.

«Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй чўпонлар, Мен Ўзим қўйларимни қидириб топаман. Адашган сурувни қидирган чўпондай қўйларимни излайман. Булутли, қоронғи кунда ҳар ёққа тарқалиб кетган қўйларимни ҳамма жойдан халос қилиб олиб келаман. Яхши яйловларда ўтлатаман, Исроил тоғлари уларнинг яйлови бўлади. Улар ўша ердаги майсазорларда ётиб, Исроил тоғларининг кўм–кўк яйловларида ўтлаб юради. Мен Ўзим қўйларимга чўпон бўламан. Уларга ором бераман, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий». (Ҳизқиёл 34:11,12, 14,15; шунингдек Юҳанно 10:1-18 га қаранг).

Гарчи қўйлар ўз чўпонининг овозини билса-да, унинг ортидан эргашса-да, унинг қалби улар учун қанчалик қайғураётгани ва ташвишланаётганидан беҳабар. Қўйлар унинг орзу-умидларига шерик бўлолмайди. Уларнинг иши - тўйиб еб-ичиш. Ҳа, қўй чўпонга ишониб топширилганидек, Худонинг йўл-йўриғи ва ғамхўрлигига берилиб, Унга эргашишимиз жуда муҳим. Аммо Худо биз У билан инсоний ва шахсий муносабатларга эга бўлишимизни хоҳлайди.

"Хўжайин ва хизматкор" муносабати

Қўйлар қўрада яшайди. Хизматкорлар ўз хўжайинларининг уйида яшайдилар ва бирор иш ҳақида гап кетганда у билан гаплашиш ҳуқуқига эгадирлар. Хизматкор хўжайин билан жуда яқин муносабатда. Талантлар (Матто 25:14-30) ва ўнта танга (Луқо 19:11-27) ҳақидаги масаллар айнан шу даражани тасвирлайди.

Шундай бўлса-да, хизматкорлар хўжайинларининг ҳаётида нималар бўлаётганидан кам хабардор: улар фақат ўз вазифалари билан бевосита боғлиқ бўлган нарсаларнигина биладилар. Хизматкор хўжайиннинг иродасини қанчалик яхши бажараётганига қараб қадрланади. Гарчи қўрқув туфайли эмас, балки чин юракдан Худога хизмат қилиш ва Унинг иродасини бажариш биз учун жуда муҳим бўлса - да, Яҳова У билан янада яқинроқ бўлишимизни истайди.

"Дўст билан дўст" муносабати

Хўжайин ва хизматкорнинг мулоқоти ишбилармонлик асосига қурилади. Дўстларнинг муносабатлари ўзаро меҳр ва ғамхўрликка асосланади. Бундай даража ҳақида Исо шогирдларига мурожаат қилиб шундай деган эди:

"Мен энди сизларни қуллар деб атамайман, чунки қул хўжайиннинг нима қилаётганини билмайди; лекин мен сизларни дўстлар деб атадим, чунки мен сизларга Отамдан эшитган ҳамма нарсани айтдим" (Юҳанно 15:15). Бу билан У гўё: "Мен сизларни фақат Менга хизмат қилаётганингиз учунгина эмас, балки Мен билан бирга қайғу ва қувончга шерик бўлганингиз учун ҳам қадрлайман", - демоқчи бўлган. Дўстнинг қадр-қиммати унинг сиз учун қилган ишида эмас, балки сизнинг ўзаро ишончингиздадир.

Худо бизнинг Дўстимиз бўлишни истайди. Биз Раббимизга яқин бўлишнинг бу даражасига эриша оламиз. Ёқуб 2:23 да шундай дейилган: "Иброҳим Худога имон келтирди ва бу унга солиҳлик бағишлаб, Худонинг дўсти бўлди". Ҳикматлар 2: 23 да ҳам шундай дейилган:

"Кимки кўнгли тозаликни севса, оғзида лаззат бўлади, шоҳ унинг дўстидир."

"Ота ва қиз" муносабати

Худо учун биз шунчаки лой, қўй, хизматкор ёки ҳатто дўст эмас, балки фарзанд эканлигимизни англаб, ҳақиқатни қабул қилсак, болаликдан қолган руҳий жароҳатлар ва умидсизликлардан мўъжизавий тарзда даволанишга қодир бўламиз. Худо биз учун Ота ёки Она бўлиши мумкин (чунки

У оталик ва оналик фазилатларига эга), биз болалигимизда уларга жуда муҳтож эдик. Шунда Унга бўлган муҳаббатимизни амалда исботлашга уриниб, жонимизни жабборга беришимизга ҳожат қолмайди - ахир У бизни қилган ишимиз учун эмас, балки шунчаки биз Унинг фарзандлари бўлганимиз учун севади. Аммо ота ва қиз муносабатлари қанчалик гўзал бўлмасин, улар чуқурлиги ва яқинлиги жиҳатидан келин-куёв муносабатларига тенглаша олмайди.

"Келин-куёв" муносабатлари

Қиз келин бўлгач, унинг бутун ҳаёти янгича мазмун касб этади ва бутун қадриятлар тизими ўзгаради. Севган одами ва у билан руҳий боғлиқлик унинг учун бошқа барча танишувлар ва муносабатлардан устун туради. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу ўхшатиш янада чуқурроқ ҳақиқатни акс эттиради: Худо бизни Уни бутун қалбимиз билан севишимизни, Унинг ёнимизда эканидан катта қувонч топишимиз, Уни танишимиз ва тан олишимизни истайди. У мақсадларимиз ва қадриятларимиз Унинг мақсадлари ва қадриятларига мос келишини истайди.

Худони Ота, Халоскор ва Парвардигор сифатида кўриш унчалик қийин эмас, аммо Худога эр сифатида муносабатда бўлиш мумкинлиги кўпчиликнинг ақлига сиғмайди. Кимгадир бу ҳақда ўйлашнинг ўзи ҳам ҳурматсизлик бўлиб туюлади.

Шундай бўлса-да, Худо Ўзи ва Унинг халқи ўртасида шундай муносабатлар бўлишини истайди. У Хўшея пайғамбар орқали шундай дейди: "Сени менга абадий никоҳлаб қўяман, сени менга ҳақ ва адолатда, яхшилик ва марҳаматда никоҳлаб қўяман. Ва сени Менга содиқлик билан никоҳлаб қўяман, шунда Раббимни танийсан" (2:19,20).

Худо бизга Ўзининг абадий муҳаббат аҳдини берди - муҳаббат шунчалик чуқур, шунчалик буюк, шунчалик кенг қамровлики, биз уни ақл билан қамраб олишга қодир эмасмиз. Бу бизни жавоб инъомига - инсон қалби нимага қодир бўлса, шунга мажбур қилади. Бир пайтлар Эрам боғида Худо ва Унинг ижоди ўртасида никоҳ ўқилиши сифатида бошланган нарса, Исо Масих Ўз жамоатига қайтганида, Қўзининг никоҳ маросимида тўлиқ амалга ошади.

Хўш, Исога Куёвдек муносабатда бўлишни ва У истаган яқинликдан завқланишни қандай ўрганишимиз мумкин? Бунинг учун Уни севиб, шунча вақтдан бери У бизни қўлга киритгандек, Унга эришиш учун жон куйдириш керак.

Асосий севгингиз Исо бўлсин

Агар сиз Исодан қалбингизга жойлашини сўраган бўлсангиз, билингки, У бўш қолган хонани навбатдаги дўстингиз тарк этганда ижарага олишни эмас, балки у ерда доимий яшашни хоҳлайди. Худони кимнингдир ортидан "эргашишга" мажбурламанг! Майли, ёшлар қалбингизда ўзларига муносиб ўринни эгалласинлар, лекин Исо сиз учун бош бўлиши керак. Худо бошқаларни севишингизни истайди (лекин сиз Уни севганингиздан ортиқ эмас). Ушбу оятлар устида мулоҳаза юритинг:

«Сизлар аввало Худонинг Шоҳлиги ва Унинг иродасини бажариш пайида бўлинглар, шунда қолган ҳамма нарса сизга берилади.» (Матто 6:33)

«Эгамизни ўзининг шодлигинг деб бил, Кўнглингдаги орзуларингга У етказди.» (Забур 36:4)

Бошқача қилиб айтганда, биринчи навбатда Худони излаш керак ва У сизнинг бошқа истакларингизни қондириш орқали сизга барака беради. Ушбу китоб саҳифаларида бир неча бор такрорлаганимиздек, эркак кишининг қўлидан келадиган ягона нарса - бу сизнинг қалбингиздаги бўш жойни тўлдиришдир. Худо Уни сиз ташна бўлган муҳаббат ва яқинлик ҳисси билан тўлдиришга қодирдир.

Агар сиз ҳали ҳам бу қандай бўлиши мумкинлигини тушунмаётган бўлсангиз, бир нарсани ўйлаб кўринг: кимнидир севиб қолганингизни яхши эсласангиз керак? Эсингиздами, ўша одамни эслашнинг ўзиёқ юрагингизни ҳаяжонли меҳрга тўлдирган эди? Севган инсонингиз ҳақида эрталаб ҳам, кечқурун ҳам, кундузи ҳам, кечаси ҳам тинимсиз ўйлар эдингиз. У билан лоақал бир оғиз гаплашишга қанчалик интилардингиз. Эсингиздами, телефон жиринглаганда, ҳамма нарсани ташлаб, унинг овозини эшитиш умидида гўшакка ёпишардингиз. Сиз у билан бирга қанча ажойиб воқеаларни бошдан кечиришингизни, у билан мулоқот қилиш сизга қанча ажойиб дақиқаларни ваъда қилишини тасаввур қилиб, хурсанд бўлдингиз. Қанча уринманг, уни хаёлингиздан чиқариб ташлашнинг иложи йўқ эди! (Дарвоқе, сиз унчалик ҳаракат қилмадингиз, тўғрими?)

Худо сиз ҳам Унга бўлган муҳаббатингиз билан банд бўлишингизни истайди. Йўқ, У сиздан ҳар куни Унга нисбатан бир маромда, сўнмас эҳтирос билан ёнишингизни талаб қилмайди (зеро, ҳар қандай туйғу ўз кўтарилишлари ва пасайишларини бошдан кечиради); У шунчаки сиз учун энг муҳим бўлишни истайди. У хурсандчиликда ҳам, ғам-қайғуда ҳам Уни эслашингизни истайди. У сиз Ундан маслаҳат ва ёрдам сўрашингизни, У сизни кутаётганини ҳис қилишингизни, Унга илтижо қилишингизни ва Унинг ижобатини тинглашингизни хоҳлайди. Ҳа, Худо бошқа одамлар билан соғлом муносабатда бўлишингизни истайди, аммо У билан бўлган муносабатлар сиз учун энг қимматли бўлиши керак.

Ҳар қандай имкониятни Худога ҳавола қилинг

Эҳтимол, сиз шундай деб ўйлаётгандирсиз: "Мен бутун умрим давомида бир хил нарсани эшитаман! Исо у, Исо бу, барча муаммоларингнинг ечими - Исода! Мен, албатта, Исони биламан, лекин кўриш мумкин бўлмаган ва тегиш мумкин бўлмаган Зотда қандай қилиб тўлиқ қониқиш топиш мумкин? Агар сиз ҳақиқатан ҳам шундай деб ҳисобласангиз, унда сизнинг шубҳаларингиз қаердан келиб чиқаётгани бизга тушунарли бўлади. Агар шундай бўлса, сиз чиндан ҳам Худо билан тўлақонли муносабатларга интилганмисиз? Келинг, қуйидаги саволларга тўғри жавоб беришга ҳаракат қиламиз:

- Худони таниб-билишга ва У билан яқин муносабатларга эга бўлишга интиляпманми?
- Муқаддас Китобни ўқиб, Худонинг феъл-атворини ва У ҳаётимни қандай режалаштирганини тушунишга ҳаракат қиляпманми?
- Ёш йигитларга берганим каби Худога ҳам шунча имконият бердимми? Унга ўз хаёлларини бағишладимми? У билан суҳбатлашишга интилдимми?
- Ёлғиз қолганимда, одатда қандай йўл тутардим: телефонни қўлимга олишга шошилиб қўнғироқ қилардимми ёки ибодат қилишни, ҳамду саноларни тинглашни ёки Муқаддас Китобни ўқишни афзал кўрардимми?
- Ҳаётимда Худонинг мавжудлигини эътиборсиз қолдириб, ўзимни қондиришга ҳаракат қиладиган (мастурбация, эротик хаёллар, порнография ва бошқалар ёрдамида) ёлғизлик ҳолатлари бўлиб турадимми?
- Худо менинг барча эҳтиёжларимни қондира олишига ишонаманми?
- Ҳаётимда содир бўлаётган барча нарсаларни Худонинг иродасига топшириб, мени оғриқ, қўрқув ва ёлғизликдан даволаш учун имонимни синовдан ўтказишга тайёрманми?

Худо ҳам Уни синашингизни истайди. Шубҳа ёки олдинги хатоларингиз учун айбдорлик ҳисси сизни У билан жонли, шифобахш алоқага интилишдан тўхтатишига йўл қўймаган. У сиздан жирканмайди, чунки сиз бир пайтлар ўз қалбингиздаги бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилгансиз. У сизнинг қалбингизни тозалашни ва уни бундан буён оғриқ ва ёлғизликдан асрашни ўргатишни истайди.

«...Қани, энди биргалашиб ўйлайлик: Гуноҳларингиз қизил рангга ўхшаса ҳам, Сизлар қордай оппоқ бўласиз. Гуноҳларингиз қирмизи рангга ўхшаса ҳам, Сизлар момиқдай оппоқ бўласиз». (Ишаё 1:18)

Биз ўз тажрибамиздан биламизки, Исо Масиҳ билан чуқур, яқин муносабатда бўлиш мумкин ва кўплаб ёш аёллар ҳам шундай фикрда. Улар нима дейишаётганига қаранг:

Тара: "Мен кўпинча Исо мени тиз чўкишга, юзимни кўксига босишга ва Унинг қучоғида роҳатланиб йиғлашга чақирганини ҳис қиламан. Мен фақат Самовий Отам доимо ёнимда ва мени ҳеч қандай шартларсиз севишини, балки мен Унга маъқул эканлигимни биламан, бу мен учун катта тасаллидир."

Мишел: "Худо билан мунтазам мулоқот қилишни бошлаганимдан сўнг, Уни ва ўзимни яхшироқ билиб олдим ҳамда У мен билан қандай муносабатда бўлишни истаётганини тушундим. Муқаддас Китоб Худонинг менга атаб ёзган улкан севги мактубига айланди. Ёзув гўё жонланиб, алоҳида маъно касб этгандай бўлди (бундай бўлиши мумкинлигини ҳеч қачон хаёлимга ҳам келтирмагандим!). Энди мен Исонинг олдида "қочиб кириб", У билан ёлғиз қолишни сабрсизлик билан кутяпман ва бунинг учун ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланаман".

Диана: "Гарчи Худони севсам-да, кўпинча Ундан узоқлашиб кетардим. Эсимда, шундай руҳий "қурғоқчилик"лардан бирида мен дугонамникига меҳмонга боришга қарор қилдим. Унинг

олдига кирганимда хонада битта шам ёниб турар, дугонам эса қўлларини кўтариб, мусиқа жўрлигида масиҳийча қўшиқ айтарди. Мен унинг машғулотини тўхтатмадим, аксинча, ўзим унга қўшилдим. Кутилмаганда ўзимни шундай енгил ва хурсанд ҳис қилдимки, гўё Худонинг Ўзи менга кулиб боқаётгандек эди. Унинг борлигини ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ ҳис қилдим, гўё У менга: "Мана, севиш нима дегани!" дегандай бўлди. Ўшандан бери қўлимдан келганича Унга севгимни изҳор қилишга ҳаракат қиламан, чунки бунга жавобан Худонинг севгисини ҳис қилишим мумкинлигини биламан."

Уни изланг ва Унга эга бўлинг

Самовий Куёвингизни яқиндан билиш учун вақтни аяманг. Ҳар куни Унинг Каломини очинг. Аввалига Ҳўшея пайғамбарнинг китобини, Қўшиқлар қўшиғини ва Юҳанно Инжилни ўқиб чиқинг - ва сиз Унинг беқиёс севгиси ҳақида биринчи тасаввурга эга бўласиз. Худо билан шунчаки суҳбатлашиш ва У сизга нима дейишини тинглаш учун ёлғиз сайрга чиқинг. Сиз, албатта, Унинг сўзларини қулоғингиз билан эшитмайсиз, лекин қалбингиз билан ҳис этасиз. Унинг муҳаббатига гувоҳ бўлиш учун атрофингизга қаранг: У сиз учун яратган дарахтлар ва гуллар, осмонда учиб юрган қушлар, тинимсиз ўзгариб турадиган булутлар нақшини кўринг... Буларнинг барчасини кўриб, Унга чексиз шукрона келтираётганингизни ва Уни яхшироқ билишни жуда хоҳлаётганингизни айтинг.

Худога яқин бўлишни истасангиз, албатта, шундай бўлади. Агар илгари ҳам Уни танимаган бўлсангиз, ташвишланманг. У сизни қаердан топишни билади ва албатта сизни қўлга киритади. У ҳозирнинг ўзидаёқ кутяпти. Исо Масиҳ сизга ҳар куни, ҳар соатда таклиф этаётган ишқий яқинлик - бу кўплаб аёллар бутун умр излайдиган, аммо ердаги муносабатлардан топа олмайдиган нарсадир. Энди, бу китобни ўқиганингиздан сўнг, тўлиқ қониқиш у ёки бу йигит билан жинсий алоқада эмаслигини тушунасиз. Барча умид ва истакларнинг рўёбга чиқиши фақатгина ақлингиз, юрагингиз ва танангизни яратган, тўлиқ бахт учун нима кераклигини аниқ биладиган Исони севиб қолганингизда мумкин бўлади.

Исо Масиҳ билан бўлган севги - васвасага қарши туриш учун асосий қуролдир. У ҳар доим онгингиз, юрагингиз ва танангизни қўриқлайди ва ҳар доим васваса устидан ғалаба қозонишингизга ёрдам беради (ҳатто бугунги жинсий алоқага тўла дунёда ҳам). Сиз учун курашишни Худога қўйиб беринг ва Унинг чексиз муҳаббатини очиб беришини сўранг.

«Сўранг, сизга берилади. Изланг, топасизлар. Тақиллатинг, эшик очилади. Чунки сўраган ҳар бир одам олади, излаган топади, тақиллатганга эшик очилади».
Матто 7:7, 8

Хотима

Агар сиз бошқа аёлларга нисбатан мойил бўлсангиз

Эҳтимол, сиз бу китобни ўқиётганингизда ўзингизга савол бергандирсиз: "Агар мени умуман йигитлар эмас, балки қизлар қизиқтирса, буларнинг менга нима алоқаси бор?" Келинг, аввалига бундай майлар қаердан пайдо бўлишини кўриб чиқайлик, кейин эса Муқаддас Китобда бесоқолбозлик ҳақида нима дейилганини кўриб чиқайлик ва ниҳоят, бу васвасага қарши қандай курашиш кераклиги ҳақида гаплашайлик.

Муаммонинг илдизига қараймиз

Бизнинг фикримизча, гомосексуал истаклар ва майлар кўпинча нотўғри оилавий муносабатларга асосланади. Эҳтимол, болалигингизда онангиз сизни жуда яхши кўргани ва ҳимоя қилгани, отангиз томонидан эса буни ҳис қилмаганингиз учун бошқа аёлларга мойиллигингиз бордир. Балки сиз отасиз ўсгансиз ёки у сизга совуқ ва қаттиққўл муносабатда бўлган ҳамда сиз эрақдан севги, эътибор ва меҳр кутишга ўрганмагандирсиз. Балки отангиз ёки бошқа биров сизга зўравонлик қилгандир ва сизда кучли жинсга нисбатан нафрат билан ишончсизлик пайдо бўлгандир.

Бизнинг маданиятимиз кўп жиҳатдан аёлларнинг бир-бирига интилишини рағбатлантиради. Ушбу китоб нашр этилгунга қадар, телевизор экранларида ўпишаётган Мадонна ва Бритни Спирс аллақачон эскирган бўлади. Бутун мамлакат бўйлаб реклама тахталаридан бизга бир жуфт ярим яланғоч аёллар қараб туришибди.

Китобимизга маълумот тайёрлар эканмиз, ўсмирлар учун мўлжалланган анчагина журналларни кўриб чиқдик. Кўпинча уларнинг муқовасида бир-бирини қучоқлаб турган икки бетакаллуф қизнинг тасвири кўзга ташланарди; ёнма-ён қўйилган чақириқ ёзуви лесбиянлар муҳаббати ҳақидаги мақола билан хурсанд қилишга ваъда берарди. Кечки соатларда намойиш этиладиган кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўпинча гомосексуал муносабатларни мутлақо мақбул муқобил турмуш тарзи сифатида тасвирлайди. Кўпгина мактабларда ўқув дастурлари "икки она" ёки "икки ота" оилавий сценарийларини назарда тутди. Баъзи тадқиқотчилар, шунингдек, гомосексуаллар ва лесбиянлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар бизга мажбурламоқчи бўлган нарсаларга қарама-қарши ўлароқ, биз "гомосексуализм гени" мавжудлигига ва баъзи одамлар шундай туғилишига ишонмаймиз.

Жинсий ёки этник мансубликдан фарқли ўлароқ, гомосексуаллик генетик жиҳатдан белгиланган ва ҳомиладорлик пайтида ўтадиган дастлабки белги эмас. Одамда бу хусусиятлар маълум тажриба туфайли пайдо бўлиши мумкин, лекин у ўзида бошқа соғлом майларни ривожлантира олади. Юзлаб собиқ гомосексуалистлар ва лесбиян аёллар ўз ҳаёт тарзини ўзгартиришга ва ўзларини янги нормал жинсий майлда топишга муваффақ бўлишди.

Муқаддас Китобда нима дейилган?

Агар Худо бесоқолбозликка қандай муносабатда бўлишини билмоқчи бўлсангиз, Римликларга йўллаган мактубнинг биринчи бобини ўқинг. Ҳаворий Павлуснинг таъкидлашича, бир жинслилар билан жинсий алоқа қилиш Худо олдида қабиҳликдир. Шунга қарамай, сиз шуни билишингиз керакки, ҳар қандай гуноҳ каби гомосексуализм ҳам Худога ёқмас-да, У бизни қандай васвасаларга дуч келишимиздан қатъи назар, ҳаммани севади. Гарчи сиз бошқа аёлларга иштиёқманд бўлсангиз ҳам, Худо сизни жуда яхши кўради ва Унинг ўзгартирувчи кучи гуноҳга қарши туриш учун сизга ҳам, Унинг исмини чақирган ҳар бир кишига ҳам ёрдам беришга тайёр.

Тўғри йўналишда юриш

Биринчидан, аёл жинси вакилига бўлган ҳар қандай кучли ҳиссий боғлиқлик аллақачон гомосексуал майл деб ўйланган. Сиз кўчада чиройли қизни томоша қилишингиз, дугонангизни бетакрор гўзал деб ҳисоблашингиз, ўқитувчингиз, мураббийингиз ёки тарбиячингизни том маънода яхши кўришингиз мумкин. Бу сизнинг лесбиян эканлигингизни англамайди.

Худо бизга бошқа аёллар билан муносабатда бўлишимизни тақиқламайди. Дўстлашинг, бирга вақт ўтказинг, ёқимли хотиралар тўпланг. Дугонангизни самимий қучоқласангиз, юзига шапиллатсангиз ёки кўксига йиғлашига йўл қўйсангиз, ҳечқиси йўқ. Аммо ҳеч қачон икки маъноли

суҳбатлар ва жинсий алоқаларга йўл қўйманг. Агар сиз ўзингизни шунга ўхшаш хаёллар билан қўлга туширсангиз, дарҳол улардан чалғишга ҳаракат қилинг. Шунинг унутмангки, нафақат танани, балки ақл ва қалбни ҳам асраш керак. Агар аёл билан муносабатлар ноаниқ хусусият касб этса, бундай дўстликни тўхтатган маъқул (айниқса дугонангиз сиз белгилаган чегараларга риоя қилиш ниятида бўлмаса). Муқаддас Китобда зинодан сақланиш буюрилгани ёдингизда бўлсин (1 Коринфликларга 6:18). Агар дугонангиз маънавият ва тақвода ўсишингизга халақит берса, ҳеч иккиланмай у билан алоқани узинг. Гуноҳдан қочишнинг ҳеч қандай уятли жойи йўқ ва Худо, албатта, сизнинг адолат йўлида келтирган қурбонлигингизни муносиб баҳолайди. Агар сиз гомосексуал мойилликларни мустақил равишда енгилга куч топа олмасангиз ва ёрдамга муҳтож бўлсангиз, Ундан ёрдам сўранг. Бундай масалалар билан шуғулланадиган психологга мурожаат қилинг ёки минглаб масиҳийларга турмуш тарзини ўзгартиришга ва соғлом муносабатларга интилишга ёрдам берадиган "Exodus International" ташкилотига (www.exodus-international.com) мурожаат қилинг. Ҳурур ёки сохта уятчанлик сизни даволаниш умидидан маҳрум қилишига йўл қўйманг.

Танлов ўз қўлингизда. Агар Масиҳда бўлсангиз, Унинг қудрати ҳар қандай васвасани енгиб, ифбатли қиз бўлишингизга ёрдам беради. Худо сизга ҳар томонлама кўмаклашишини ва бу тўғри йўлда сизни қўллаб-қувватлашини сўраймиз.

Азиз дўстим!

Ўқиган китобингиз ҳақида фикрингизни билмоқчимиз. Таассуротларингиз, нима ёққан ёки ёқмаганлиги, бу китобни дўстларингиз ва танишларга тавсия қилиш истаги пайдо бўлган-бўлмаганлиги ҳақида бизга ёзинг. Фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин:

Hope of Salvation Mission

"Нажот умиди" миссияси
P. O. Box 5022

Vancouver, WA 98668-5022, USA

books@hopeofsalvation.org

www.spasenie.org

